

# ADABIYAT FOLIOVI

1997

5

---

АДАБИЙ-ИЖТИМОЙ ЖУРНАЛ

---

66-ЙИЛ ЧИҚИШИ

*БОШИ МУХАРРИР:*

Уткир ҲОШИМОВ

*ШАХРИР ҲАМЗАТИ*

Омон МУХТОР, Юсуф ФАЙЗУЛЛО, Мурод МАНСУР,  
Икром ОТАМУРОД, Нуруллоҳ МУҲАММАД РАУФХОН,  
Алиназар ЭГАМНАЗАР, Асад ДИЛМУРОД

МУАССИСЛАР:  
УЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ,  
ҒАФУР ҒУЛОМ НОМИДАГИ АДАБИЁТ ВА САНЪАТ  
НАШРИЁТИ

## АЗИЗ АДАБИЁТИ ДҶУСЛАРИ!

### «ШАРҚ ЮЛДУЗИ» ЖУРНАЛИ МУХЛИСЛАРИ!

Қарийб 70 йилдан буён ана, севикли журналингиз Сиз билан доимий мулоқотда бўлиб келди. «Шарқ юлдузи» бахтли онларда ҳам, утган замонлар давомида неча бора юз берган машаққатли пайтларда ҳам Сизга ҳамдамлик қилиб, гоҳ Чулпон, гоҳ Ойбек, гоҳ Қодирий, гоҳ Қаҳҳор тимсолида Сизнинг руҳингизни юксалтириш, уйингиз ва қалбингизни ёритишга уринди. Буни узининг эзгу мақсади, деб билди.

Янги йил яқинлашиб, бизга Сиз билан яна бир мулоқот насиб этмоқда. Қўлимизда улкан адиб Шўхратнинг олдин эълон қилинмаган «*Машраб*» романи, Неймат Арслоннинг «*Мавҳумот*», Асад Дилмуроднинг «*Фано даштидаги қуш*», Назар Эшонқулнинг «*Лаҳат*» романлари, Ҳожиакбар Ислом Шайхнинг «*Жодугарнинг эри*», Шойим Бутаевнинг «*Шуродан қолган одамлар*», Сафар Барноевнинг «*Кичкина Хужа Насриддин*» қиссалари, Шўкур Холмирзаевнинг янги ҳикоялари, Гулчеҳра Нур, Эшқобил Шўкур, Фахриёрнинг янги дostonлари ва бошқа яна кўплаб насрий ва назмий асарлар нашрга тайёр бўлиб турибди. «*Саодат асри қиссалари*» туркумидан Аҳмад Лутфийнинг кейинги асарларини ҳам эълон қилиш мўлжалланган. Тарих ва бугунги ҳаётни ёритишга бағишланган қизиқарли мақолалар, суҳбатлар ҳам уз навбатини кутяпти. Бир сўз билан, режаларимиз улкан. Янги йилдан умидимиз катта.

«Шарқ юлдузи» журналига ОБУНА давом этмоқда.

Журналнинг бир сони баҳоси — 70 сум.

Истаган ойдан ОБУНА бўлиш мумкин.

ОБУНА ЧЕКЛАНМАГАН МИҚДОРДА қабул қилинади.

Бизнинг индексимиз 75458

Сизнинг меҳрингиз ва эътиборингиз «Шарқ юлдузи» журнали шакли янада яхшироқ, мазмуни янада бой бўлишини таъминлайди. Бизга ишимизда руҳ, қанот бағишлайди.



Омон Муҳтор



роман

— Бу ердан шаҳарга қанча вақтда етиб бориш мумкин?! — деб сўради Суқротдан бир йўловчи.  
— Кетавер, — деди Суқрот.  
— Мен йўлни сўраяпман!  
— Сен қандай юришингни кўрмасдан, буни айтиш қийин, — деди Суқрот.

(Эски нақл)

## Арафа

(Суқрот)

(Муқаддима ўрнида)

Милоддан олдинги 399 йил. Зиндон.

СУҚРОТ. Сен товуклар қўндокдан тушмай, нима қилиб юрибсан, Критон?! Ёки вақт эрта эмасми?!

КРИТОН. Жуда эрта.

СУҚРОТ. Ҳозир қайси палла?!

КРИТОН. Кун энди ёришяпти.

СУҚРОТ. Бу, қуриқчи сени қандай ичкарига қўйганига тушунмаяпман.

КРИТОН. У мени яхши билади, Суқрот, чунки мен бу ерга бот-бот келиб тураман. Бунинг устига, мен уни ҳарҳолда, рози ҳам қилдим.

СУҚРОТ. Сен янги келдингми ёки анча бўлдимми?!

КРИТОН. Анча бўлди.

СУҚРОТ. Менинг ёнимда ҳаёл суриб ўтирмай, нега мени дарҳол уйғотмадинг?!

КРИТОН. Тангрининг ўзи асрасин, Суқрот! Мен ўзим, бутун бахтиқаролик етмагандек, сенга уйқудан ҳам қолишни раво кўрмайман. Ана, келиб, сенинг ширин ухлаётганингни кўриб, ажабланиб, майли, ором олсин, деган ўй билан, атайин сени уйғотмай турган эдим. Албатта, мен олдин ҳам, йиллар давомида, сенинг хатти-ҳаракатингга қараб, ажабланганман; лекин бу кун, бошга кулфат тушганида, сенинг босиқ, сабр-қаноатли ҳолатингни кузатиб, ҳар қачонгидан минг чандон ажабланмоқдаман.

СУҚРОТ. (у 71 ёшда эди). Менинг ёшимда, улар эканман, деб тоқатсизланиб-типирчилаш ахир, кулгили, ярашмайди, Критон. Буни қоли бало, дейдилар. Чидайсан.

КРИТОН. Бундай пайт, қари бўлса ҳамки, умри поёнига етганлигини унутиб, тақдирга тан бермай, ўзини йўқотиб қўядиган, типирчилайдиган одам дунёда оз эмас, Суқрот! Сен уларга ўхшамайсан.

СУҚРОТ. Буниси тўғри. Хўш, сен каллаи саҳарлаб нега келдинг?!

КРИТОН. Мен нохуш хабар олиб келдим, Суқрот. Кўриб турибманки, шахсан сен учун эмас, кўпроқ биз, мен ва мендек барча сенинг яқинларинг учун нохуш, оғир, чидаб бўлмайдиган даражада кунгилсиз бир хабар билан келдим.

СУҚРОТ. У нима хабар экан?! Делосдан қайтиб келганидан кейин мен ўлишим муқаррар бўлган кема етиб келдимми?! (Муқаддас бу кема келмагунича, Афинада қатл маросимлари тўхтатилган эди. Суқрот ўз ўлимини 30 кундан буён кутмоқда эди).

КРИТОН. Кема-ку, ҳали келгани йўқ, лекин йўлда, Сунияда кемадан тушиб қолган кишиларнинг шаҳодат беришлари-ча ва менинг тахминим бўйича, бугун келиши керак. Нима қилганда ҳам, бугун кема келадиган бўляпти ва сен, Суқрот, эртага ҳаёт билан видолашининг мумкин.

СУҚРОТ. Тангрининг ҳукми ҳукм, Критон. Унинг даргоҳи кенг! Фақат, мен кема бугун албатта келади, деб ўйламайман.

КРИТОН. Сен буни қаёқдан биласан?!

СУҚРОТ. Мен сенга айтаман. Демак, кема келган куннинг эртаси мени қатл этишади.

КРИТОН. Бунга масъул кишиларнинг айтишларига қараганда, ҳарқалай, шунга қарор қилинган.

СУҚРОТ. Лекин менинг уйлашимча, бугун эмас, кема эртага келади. Мен буни бежиз айтмаяпман. Сен мени умуман, дарров уйғотмаганинг яхши бўлди, зероки, ўзим уйғонишимдан жилла бурун туш кўраётган эдим.

КРИТОН. Қандай туш экан?!

СУҚРОТ. Тушимда оқ кийган ниҳоятда кўркам, улугвор бир аёл менинг ёнимга келди. У менга, Суқрот, учинчи кун сенинг жанозанг ўқилади, деди.

КРИТОН. Қизиқ туш кўрибсан, Суқрот!

СУҚРОТ. Ҳаммаси худди ўнгдагидек, Критон.

КРИТОН. Шуниси даҳшат. Лекин мен, суюкли Суқрот, келишдан мақсадим бошқа. Сен менинг сўзимга кир, озод бўлишдан бўйин бурма. Ахир, сен ўлимга юз тутсанг, мен шўриш, маломатларга қолишимни уйла! Ҳеч қачон, ҳеч қандай қиёси топилмайдиган яқин дўстимни йўқотиб қўйишим — бир томон; бизнинг муносабатимизни яхши билмаган кўп кишилар наздида, мен кўлидан келган ҳолда, гуёки сени қутқармаган, ҳатто ўз нақдинасини бу йўлда сарфлашни истамаган бир шахс бўлиб чиқаман. Бизни, дўстларига нисбатан пулни ортиқ кўради, деб айблаб, таъна тоши отишларидан ёмон нима бор?! Ахир, кўпчилик бизнинг уринишларимизга қарамай, сен ўзинг бу ердан қимир этмаганингга ишонмайди.

СУҚРОТ. Кўпчиликнинг гапига қараб, ташвишланиш шарт эканми, азизим Критон?! Биз ҳисоблашадиган фикрли, заковатли одамлар ҳам борки, улар бўлган воқеани бўлган ҳолатида тушуниб олаверадилар...

\* \* \*

Критон шу куни, Афинани тарк этишига ёрдам беришини айтиб, Суқротга илтижолар қилди.

Аммо Суқрот, сенинг ҳақиқатинг менинг ҳақиқатимдан кучлироқ эканлигини исботла, кейин, майли, деди.

Критон исботлай олмади.

У Суқротнинг ҳамюрти — Алопекадан; унинг ҳам ёши 70 га бориб қолган эди. Лекин бу одам, дўстликдан ташқари Суқротнинг мурид-мухлиси ва шогирдларидан бири эди.

Критон, Суқротнинг иши Афина судида кўрилаётганида, ўгли Критобул, дўст-биродарлари Афлотун ва Аполлодор билан биргаликда жарима тулашга бел боғлаган эди. Суқротни қатл этишлари аниқ бўлгач, мана, энди уни Афинадан узокроқ бир ерга қочириш пайига тушган эди!

Питфалик фожейи Шэърлар ёзадиган ёш шоир Мелет (унинг отаси ҳам шоир, Мелет эди!) Суқротнинг устидан судга арз қилади ва бу файласуфнинг осийлигига қафилман, деб қасам ичади. Афина марказидаги майдонда жойлашган Халқ мажлиси биносида ўтган судда боёнлар-

дан, тери ошлайдиган устахоналар ҳўжайини Анит ва нотик Ликон ҳам Мелетга кўшилиб, қораловчи бўлишади... Олдинлар ҳам Суқротни айблаган, унга гайрлик-ғараз билан қаранлар учраб турарди! Суқрот ер остидаги нарсалар-у, коинот жумбоқлари билан шугулланиб (жодугарлик ва мунажжимлик қилиб), ер ва осмон ишларига аралашади, деган фикр ҳукм суларди. (Аслида, Суқрот табиийёт фалсафаси ва коинотшуносликдан анча илгарилаб кетган эди!) Бу гаплар бекордан чиққан эмасди. Худо Суқротга туш таъбири, гайбдан хабар (ички бир овоз), Еру Осмон ҳикматини берган. (Суқротни инсон кимлиги ва унинг тафаккури қизиқтирар эди, холос!) Ҳозирги қораловчи (Анит, Мелет ва Ликон)лар эса Суқротга бундай айб кўйишади:

*а) бошқаларга ўхшамаган ўз қарашлари билан ёшлар, уларнинг тарбияси, фикрини бузмоқда; ва  
б) ҳамма (бутун Афина, балки Юнонистон) сизинг худолардан юз буриб, янги илоҳа изламоқда, худосизлик қилмоқда.*

Қораловчилар асосан, Суқротни давлат, дин, оила ҳаёти борасидаги муқим эътиқодларнинг душмани, деб билишар эди.

Исботланган, аниқ айбнинг ўзи йўқ эди.

Суд жараёнида Суқрот уч қатла сўз олган эди.

У айтган эди:

*«ёшлар фикрини мен эмас, балки сизлар бузаётгандир-сизлар?! Буни билиб бўладими?!»*

У яна айтган эди:

*«мен илоҳа излаётган бўлсам, худосизлик қилган бўлманми?!»*

Яна бундай:

*«сизлар менга эмас, ўз-ўзларингга зиён етказмоқдасизлар. Менга Мелетдан ҳам, Анитдан ҳам зиён тегмайди, улар бунга қодир эмас. Чунки дунёда ёмоннинг яхшига зиён еткази олишига мен ҳеч қачон ишонмайман!»*

Судда овоз бериш ҳуқуқига эга 501 киши қатнашган, булардан 220 киши Суқротни ҳимоя қилган, 281 киши (оломон — оломон экан-да! Анитнинг ўз одамлари, тарафдорлари кўплиги қораловчиларга кўл келиб) Суқротга қарши овоз берган эди. Мелет ўлим жазосини таклиф этган; Суқрот энди ўлим шаклини (ўзи-ўзига қандай ўлимни маъқул кўришини) танлаши керак эди. (Суддан кейин Аполлодор: *«Менга сенинг ҳақ бўлатуриб, ўлимга бораётганинг айниқса, алам қилмоқда, Суқрот!»* — деган эди. Бунга жавобан, Суқрот: *«Мен ноҳақ бўлиб, ўлдирилсам яхшироқмиди?!»* — деб кулимсираган эди. У яна: *«Мен шусиз ҳам бир оёғи гўрда турган одамман; ўлим менга жазо бўлмайди!»* — деган эди).

Критоннинг маслаҳатига кириб, Суқрот Афина (Юнонистон)дан чиқиб кетиши мумкин эди! Агар жазм этса (ўзи-ўзини бадарға қилса); бу йўлда (шуҳратли, обрўли одам

эканлигидан) ҳеч ким унга халал бергани қурби ҳам етмас эди! Яшаб юраверарди! Лекин Сукрот буни ўзига муносиб кўрмаган эди:

1. Файласуфлар Анаксагор ва Протагор, адиблар Софокл ва Еврипид, ҳайкалтарош Фидий, меъмор Каллистрат, ҳа-ким Гиппократлар Сукротнинг сафдошлари эди. Унинг умри шу даврада ўтган эди! Унга мамлакатдан қочиш — ўзини айбдор деб билиш, чекиниш, ўз эътиқодига хиёнат қилиш бўлиб туюлар эди.

2. Сукрот Критон ҳамда Эскин (деган нотик) билан бола-ликдан қадрдон эди. (Кейинчалик шулар иккиси унинг жаса-дини ҳам қабрга қўйишган эди!) Булар билан у гимназияда бирга ўқиган, ҳарбий хизматни бирга ўтаган эди. Уша ўқиш, аскарлик пайтларида Сукрот Ватанга, халққа садоқат, қонун-га итоаткорлик руҳини қони-жонига сингдирган эди. Фуқаро қонунга риоя қилиши шарт, деб биларди. (У ҳатто, судда: «Менинг болаларим ҳам қонунни бузмасликлари керак!» — деган эди).

3. Сукрот ўз Ватанидан бошқа жойда яшашини тасаввур ҳам қилолмас эди. У ўз уйи, оиласи. (хотини Ксантиппа ва уч ўғли), дўстлари, шогирдларига қаттиқ кўнгул боғлаган эди.

4. Умуман, Сукрот ҳар қандай ҳолатда сабр-бардошли (қаноатли) киши эди. (У: «Ҳузур-ҳаловатнинг қули бўлиб қол-ган киши танасини ҳам, руҳиятини ҳам мажруҳ қилиб қўя-ди!»— деган эди. Яна бундай деган эди: «Оз нарсага қаноат қилган одам донишманддир. Негаки, бу қаноат унинг маъна-вий бой эканлигини кўрсатади!») Шундай киши бўлганидан, Сукрот қисматдан қочиб қутулолмайсан, деб ўз умрида бош-га тушганни кўз кўришига ўрганган, буни ақидага айланти-риб юборган эди...

Мана, Сукрот 30 кундан буён зиндонда ётиб, Делосдан кема келишини — ўз ўлимини кутаётган эди.

\* \* \*

Сукротнинг (фақат Критон ва Эскин эмас) дўстлари, шо-гирдлари кўп, Ксенофонт, Симмий, Кебет, Антифон, Никост-рат, Парал (ва бошқалар) шулар жумласидан эди.

Афлотун ҳам Сукротнинг шогирди эди.

Булар аслида, икки хил одам, икки олам!

Сукрот камбағал оилада (Софроникс исмли оддий тош йўнувчи хонадониди) дунёга келган. У (оз-моз мактаб кўрга-ни-ю, фуқаролик бурчини бажариб, уч марта ҳарбий юриш-ларда қатнашганини айтмаганда) чуқур билим эгалламаган, тирикчиликни ўтказиш учун аниқ бир касби-корга ҳам ўрган-маган эди. Унинг бунга имкони бўлмаган! Сукротнинг афти-ангорида ҳам, юриш-туришида ҳам салобат-улуғворликдан нишон йўқ эди. У — тепакал, миқти, пешонаси дўнг, бурни

катта, лаблари дўрдоқ, кўзлари кесак терган — анчайин бадбашара ва бесўнақай киши. (Шу боисдан, Сукрот: «Гўзаллик — ҳукмронлиги тез ўтиб кетадиган кироличадир!» — деган бўлса керак.) У кўча-майдонда, бозорларда қишин-ёзин ялангоёқ, кифтига ташлаб олган матога ўраниб, турқитароватидан қулларни эслатган алфозда юрар эди. («Кийинишда олифталикка бормай, нафис юришга ҳаракат қилинг. Камтарлик — курк, исрофгарчилик эса ўзига бино кўйиш белгисидир!»)

Афлотун аксинча (зодагон Аристоннинг ўғли) тўқ-тўкин оилада туғилиб ўсган. (Унинг аждодларидан бир томири шоҳ Кодрга, иккинчи томири машҳур қонунчи Солонга бориб тақалар эди.) Ёши йигирмага яқинлашганида, у ўз давридаги ҳар жиҳатдан баркамол инсонга айланади. От чоптириш, беллашувда тенгдошларидан ҳеч ким унга бас келолмайди. Кураш мусобақаларида биринчи уринни эгаллаганди. Хушқомат, кўкси қалқон, елкалари кенг эди (унинг асл исми Аристокл бўлиб, кейинчалик кенглик — платос деган маънода Платон, Афлотун номини олган.) У — шоир (эпик, лирик, драманавис), мусиқачи ва мусаввир эди. Фалсафа уни ҳаммадан кўп қизиқтирарди. Гераклит ва Пифагор, Парменид ва Демокрит таълимотларини биларди.

Афлотун шогирд тутинганида, Сукротнинг ёши олтмишдан ошган эди. У бир пайтлар Аспазия деган қизни яхши кўрган; лекин бу қизнинг муҳаббатига эришолмаган. Мирто деган қизга уйланади; бир гал сафардан (ҳали сафарларда юрадиган пайти эди) қайтганида, хотини сувга гарқ бўлгани устидан чиқади. Кейинги хотини (Ксантиппага кечроқ уйлانган) ундан ёши кичик; бу аёлдан туғилган икки ўгли ҳам нисбатан ёш эди. Сукрот қашшоқ яшаган ва ҳамон қашшоқ ҳаёт кечирмоқда. Унинг асосий машғулоти кўча-кўйда одамларга савол бериб, жавоб олиш (ёки уларнинг саволларига жавоб бериш); одамлар билан суҳбатлашишдан иборат эди. («Ўзини доно деб билган айрим кимсаларнинг жоҳил ва нодон эканликларини фош этганим учун — одамлар мен билан мусоҳабани соғинадилар.») Одамлар орасида гарчи «энг ақлли, энг доно киши» деб ном олган бўлса-да, у ўзини фавқулудда ақл эгаси, деб билмас, мен барча нарсадан хабардорман, деб даъво ҳам қилмасди! Аксинча, ҳатто: «Менинг донишмандлигим менда ҳеч қандай доноликнинг йўқлигидир!» — дер эди. (Лекин Сукротнинг суҳбатида бўлганлар кўпинча: «У мени сеҳрлаб, шундай кўйга солдики, минбаъд то ҳозир яшаганимдек аҳволда яшай олмаслигимни ҳис этдим!» — дейишарди). Унинг учун суҳбат (бахс)нинг ўзи муҳим эди! («Худонинг Ўзи мени шу ҳолатимда яратиб, куни бўйи, тинмай, ҳар жойда сизлардан ҳар бирингизни гафлатдан уйғотиш, дунёдан воқиф этиш, тергаш ва покликка чорлаш учун — бу шаҳарга юборган!») Сукрот — ундан-да олдинроқ ўтган Шарқ файласуфи Конфуций (ёки номи эскидан келган ўзимизнинг Хўжа Насриддинни эслайсизми!) синга-



ри — ОЛАМ ва ОДАМ ҳақида уйламай ЯШОЛМАЙДИГАН халқнинг содда бир вакили эди! У одамларга баъзан тагдор саволлар ташлаб, киноя, кулги билан сўзлаб, уларни саросимага солса ҳамки, асосан, мулойим, хушфеъл, дарвешсифат, ҳар бир сўзи самимий, кўнгли очиқ, камтарин инсон эди! Сукрот (яна Конфуций сингари) бирон асар (китоб) ёзмаган. У, инсон хотираси ҳар қандай ёзувдан кам эмас, деб тушунар эди.

Бутун-Юнонистонда ҳаёт таълимоти бўйича мактаби, файласуфлигидан кўпроқ ГАРОЙИБ ИНСОН эканлиги билан шуҳрат қозонган Сукрот ёш Афлотуннинг ҳаётига сел бўлиб киради; унинг осмонида юлдуз бўлиб порлайди! Ҳаётга (дарёлар шовуллашидан қушлар сайроғигача) қаттиқ меҳр кўйган ва ҳаётдан доим баҳрамандлик туйган, жисман ва руҳан кучли, ўз қиладиган ишини аниқ билган-режали (*«Иш-ни яхши бошласанг, ярмини бажардим, деявер!»*; *«Арзима-ган ва бефойда нарсаларга керагидан ортиқ вақт сарфлаш нодонлик!»*), келишган-кибор Афлотун, ўзига ҳеч жиҳатдан ухшамаган Сукротга мангу банди-асир бўлиб қолади! Сукротни учратиб, Афлотунга шу пайтгача ҳаёти, бор илми, машғулоти йўққа чиққандек туюлган эди... Сукрот ҳам шогирдлари ичида Афлотун алоҳида ўрин тутишини сезади! Афлотунни учратишдан олдин у туш курган; тушида гўзал бир оққуш унинг кўксига келиб қўнган, сўнг ажиб нағма билан юксак фазоларга парвоз этган эди. Ва Афлотун рўпара келганида, Сукрот: *«Мана, менинг оққушим!»* — деб нидо қилган эди...

\* \* \*

Сукротнинг паймонаси тўлганида, Афлотуннинг унга шогирд тутинганига тахминан саккиз йилча бўлган эди.

Бошқа шогирдлар қатори Афлотун ҳам оғир кунда пириустозига ёрдам қўлини чўзишга уринди. Бироқ...

Афлотун суд жараёнида қатнашиб, Сукротни ҳимоя қилдиган нутқлар сўзлагани йўқ! Айниқса...

Сукрот (ниҳоят, Делосдан кема келиб, зиндонда ётган Сукрот) шогирдлари даврасида ўзига жазо танлаб заҳар ютганида, — шу сўнги нафасда Афлотун хайрлашиш учун унинг ёнига ҳам бормади! Уйда «касал» бўлиб, ётиб олди.

Бу етмагандек...

Уша кунлари —

Сукротнинг кўксидан учган оққуш Афинадан аллақайларга чиқиб кетди.

Уни олдинда катта бир ҳаёт йўли

кутмоқда эди!

# Одамлар ва соялар

(Рухсора)

(Биринчи қисм)

1

Усмон Рухсорани кўрмаганига кўп бўлди.  
Минг йил...

Ҳар куни хаёлида шу ашула:

*Бугун келасизми, ё  
Кутайинми эртага?!  
Индингами?! Ундан сўнг?!*

*Бу ҳафта келмайсизми?!  
Келмайсизми ўн беш кун?!  
Бир ойми?! Ундан кўпроқ?!*

Баъзан эса бундай:

*Юрагимни бир ўт тафталаб,  
Мен унгами, ўзимни тутдим?!  
Сизни интиқ кутдим. Ҳафталаб.  
Ойлаб кутдим.  
Йилма-йил кутдим.*

Яна баъзан бундай:

*Сиз — ҳам мағрур, ҳам эркин, —  
Аммо ажиб ҳаёли.  
Ҳар қадамда юз эпкин,  
Лекин ўйиндан холи.*

*Менинг умримда мангу —  
Энди қолган шу ҳолат.  
Олис йўлларнинг чанги —  
Наҳот бўлса, адолат?!*

У Рухсорани қаттиқ соғинган! —  
кўргиси келмоқда эди.

\* \* \*

Ахийри, Рухсорани кўргани

Усмон ўзи йўлга чиққан эди.

*(Чу, тулпорим, ёллари олтин,  
Чу, қайдасан, бахтли манзилим?!)*

Бу одамлар йўлда унга келиб қўшилишдими ёки буларга  
у қўшилиб олдимми?! — яхши тушунолмади. Афтидан, ҳозир  
бунинг аҳамияти йўқ эди.

Отлиқлар, туя минганлар, ҳақо хачир минганлар бор.  
Пиёдалар кўпроқ. Аҳён-аҳён битта-яримта арава ҳам учрар

эди. Усмонга ўхшаб, барча кўтарилаётган тонгги қуёшга қараб секин судралиб боришар эди. Бутун бир карвон!

Чексиз саҳрода қум тепалардаги саксовул, юлғун, юзган, ковгар, ялпи қизариб ётган тикан буталарини оралаганча, одамлар сувсираб, ҳол-мадори қуриб, қудуқ томон вазмин сурилишмоқда эди.

Усмон хаёлга ботган (хаёлида Рухсора!) Лекин у ҳам чанқаб, оғзидан нафас ўрнида олов чиқмоқда эди.

(Улар сув ташвишини қилиб, кейин яна ўз йўлидан кетишни мўлжаллаганми?! — шунга ўхшар эди! Хўп, воқеанинг давомини эшитинг.)

Ниҳоят...

қудуқ бошига

етиб келишди.

Бир тўп киши энгашиб, қудуқ ичига қарашди.

Усмон ҳам қаради.

Баъзи қудуқлар ичида ой бўлади, деб эшитган эди.

Бу қудуқнинг ҳам тубида нимадир ялтирарди!

Бироқ одамларга ой эмас, сув керак эди!

Пастга челак туширишди. Челак тарақлаб, қуруқ чиқди.

Яна туширишди. Яна, қуруқ!

Паришонланиб, одам тушириб кўришга қарор қилишди.

Бир одамни белидан арқон боғлаб, узатишди.

Қудуқдан бу одамнинг жасади чиқди. Унинг боши кесилган эди!

Иккинчи одамнинг белига арқон боғлашди.

Бунинг ҳам жасади чиқди. Қиличми, ханжар билан тилкалаб ташланган эди!

Учинчи одам журъатланиб, тушди.

Яна жасад. Бунисининг кўксида кўрғошин!

Энди қудуққа тушгани ҳеч кимнинг юраги дов бермай кўйди.

Усмон, одамларга сув олиб чиқсам, уларни шу балоқазодан қутқарсам, ўшанда албатта, мурод-мақсадимга етаман, менга Рухсорани кўриш насиб этади, деб ўйлади. Бунга ўзича ишонди.

— Мен тушаман, — деди одамларга Усмон. — Аммо мени оёғим билан эмас, бошим билан туширинглар!

— Нега бош билан?! — сўрашди одамлар.

— Бошим билан шўнғимоқчиман! — деди Усмон ҳазиллашиб. Кейин, тушунтирди. — Бош билан тушмаса, оёқ остини кўриб бўлмайди. Мен бошни ишлатмоқчиман!

Усмоннинг белига одамлар арқон боғлаб, уни тушира бошлашди.

## 2

У энг аввал, қудуқнинг тепадан туюлганидан кўра анча чуқур эканлигини сизди. Қарасанг, кўзинг тинади. Тубсиз

ўпқон! Тушиш, тушавериш керак. Қизиқ жойи, етти қулоч арқон ҳам чўзилиб, етмиш қулочли бўлиб қолгандек.

Шундан сунг:

қудуқ деворларидан негадир овоз чиқиб, унга таниш, қачонлардир ўқиб-унутиб юборган бир шеър унинг қулоқларида акс садо бера бошлади:

*Кунлар худди жанубга тўп-тўп  
Учган қушлар! Кетдилар утиб...*

Усмон ажабланиб, яна бироз пастга тушган эди, туб-тубданми, аллақадердан ҳазин қироат товуши эшитила бошлади:

*Аъзу биллаҳи минаш-шайтонир рожийм,  
Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм.  
Алҳамду лиллаҳи Роббил оламийн  
Ар-роҳманир роҳийм  
Молики явмиддин...*

У лаҳза ичида болалик пайти Бухорода отаси етаклаб борган —

*гоҳ Қулижон рехтагар,  
гоҳ Остон мисгар,  
гоҳ Қори Мурод,  
гоҳ Қори Абдураҳим —*

уйида тўпланган ажиб давраларни эслади.  
Бу давраларда бухоролик уламолар:

*Маснавийхон,  
Сулаймон хўжа,  
Турон махсум,  
Ғуломжон мутавалли,  
Мулло Шокир,  
Қори Исмат,  
Қори Ҳомид,  
Қори Кўзойнак —*

илму ҳунар эгалари:

*Сафо хўжа,  
Усто Амин,  
Усто Очил,  
Рўзи бобо,  
Шакар бобо —*

қатнашиб, шомдан то саҳар суҳбат қуришар,  
қироатхонлик қилишар эди.

Усмон худди шу лаҳза ичида сергакланиб,  
эътибор берди:

юқоридан оймикан, деб уйлаган, қудуқ тубида ялтираб  
ётган — гул солинган каттакон  
мис лаган экан!

Усмонлар уйида бир пайтлар шундай лаганлар бўлар  
эди.

Унинг отасини, таниган-билганлар баъзан Саидхўжа,  
Саиджон мисгар, лекин кўпинча Ака Саид, дейишар эди.

Усмон мана, энди пайқади:  
лаган атрофида барваста, кўзлари катта-катта бир неча  
киши кўр тўкиб ўтиришар эди!

Усмон яна уч-тўрт газ пастга тушгач, хаёлида Бухородаги  
давра ҳали жонланиб турганидан, —

қудуқ тубида ўтирганларга мўмин тикилганича:

— Ассалому алайкум, қадрдонлар! — деди овози дўрил-  
лаб.

Мис лаганни қуршаганлар саломга алик олишди. Кейин:

— Сен бу ёққа нега бош билан тушдинг?! — деб қизиқси-  
нишди.

Усмон ўзини йўқотмади. Дарҳол гап топиб берди:

— Оёқ билан тушсам, сизларга нисбатан одобсизлик  
бўлар эди!

Унинг жавоби афтидан, қудуқдагиларга маъқул келди.  
Улар арқонни бўшатиб, уни лаган устига ўтқазишди.

Шу пайт утирганлардан бири, бехосдан кўлида қурин-  
ган — сувми, шарбатми, шаробми?! — лим-лим косани Ус-  
монга узатди:

— Ич!

Усмоннинг ҳамон ичи ёнаётган эди.

Бироқ у бошини чайқади:

— Мендан кўра... тепада болалар бор. Кексалар! Ҳаққим  
йўқ.

— Бу одамлар барчаси ташналик азобини чекишга маҳ-  
кум! Қанча дарёлар, денгизларни қуритганлар. Паррандаю  
даррандаларни қирганлар. Ер юзи хароб, тубан... Сен улар-  
га ачинма!

— Сизлар шунинг учун тушганларни ўлдирдингларми?!

— Улар ўзларини ўзлари ҳалок қилдилар!

Орага вазмин сукунат чўқди.

Усмон шу палла

қизиқ бир ҳолатни туйди.

Карвондагилар катта-кичик, ҳамма унга — худди ўзига  
ўхшаш туюлди! Тўғрироғи, назарида бутун бир карвон эмас,  
яланг саҳрода бўлган — ЁЛҒИЗ у эди! Яна, тўғрироғи, унинг  
ШАХСАН ЎЗИ гўёки — ҳам тепада, ҳам пастда! — ИККИга  
бўлинган эди. Икки жойда тургандек эди.

Ҳозир қачонлардир отасидан эшитган бир воқеа Усмон-  
нинг ёдига тушди. Ёдига тушди, деб ҳам бўлмайди! Қандай  
рўй берган бўлса — шундай, рўй бераётган ҳолатда — Усмон-  
нинг кўзлари ўнгида жонланди.

\* \* \*

... Хона энсиз эди. Тўққиз болорли, лекин долон — йўлак-  
ни эслатар эди.

Ака Саид остона ҳатлагани заҳоти, пойгақда ўтирган ик-  
ки йигит дик этиб ўринларидан туриб, уни қўлтиғидан ту-  
тишди. Ўртароқда ўтирмоқчи эди, қўймай юқорига бошлаш-  
ди.

У дераза ёнидан жой олиб, фотиҳага қўл очди. Юзига қўл тортгач, хонада ўтирганлар билан сўрашмоқчи бўлиб, у ён-бу ёнга қаради. Сўнг, рўпарасига тикилганича, қотиб қолди.

Бошқалар ҳам нафас ютиб, шу томонга юз буришгандек эди.

Аваллига, Ака Саид, орқа деворда ойна бор эканми, деб ўйлади. Бироқ деворга чўгдек гилам осилган; гилам пастиди — у томонда ҳам, — меҳмонга, ошга келганлар тизилиб ўтиришар эди!

Ҳеч қандай ойна йўқ эди!

Ака Саиднинг нақ рўпарасида эса, унга ўхшаш бир одам!!!

Одамга одам ўхшайди, албатта.

Аммо рўпарадаги киши ойнадаги аксдан фарқ қилмас эди!

Ака Саид сингари (унинг ҳам) соқоли оппоқ, икки юзи қип-қизил, кўзларида қорадан кўпроқ мовий бир ўт чақнар, қошлари қуюқ, ёши тўқсон атрофида, лекин елкаларини тик тутиб ўтирар эди!

Афти-ангоридан ташқари, рўпарадаги киши ҳам — йўл-йўл одми яктак кийган, бошига рангсиз фўта ўраган эди!

Бир сўз билан, Ака Саиднинг рўпарасига —

Иккинчи Ака Саид ундан олдинроқ

келиб ўтиргандек эди.

(Одамга одам ўхшайди. Бу даражада бўлмаса ҳамки, даврадами, кўча-кўйдами, масалан, бозор ёки ҳаммомдами баъзан ўзингизга монанд кишиларни учратасиз! Аммо Худо иккита бандани ҳеч қачон бир хилда яратмаган. Ҳатто эгизакларнинг ўзларига хос жиҳатлари бўлади! Фақат, Намруд, Фиръавнлар барча одамларни бирдек қиёфага солишни исташган... Бундай паллада инсон беихтиёр ноқулайлик сезади. Қисинади. Паришонланади. Ака Саид ҳам шундай ҳолатга тушган эди!)

Бир пиёла чой ичиб, бир бурда нон едимиз?! Хонада бўлганлар уни-ю, унга ўхшаган кишини ҳамон кузатишяптими?! — Ака Саид билмас эди. Қачон ош тортиб, қачон лаган (бухороча, табақ)ларни йиғиштиришди?! — бунга ҳам у аҳамият беролмади.

Меҳмонлар гурр этиб ўринларидан туришаётганида, ўзига келди.

Яна, икки йигит, қўлтигидан тутиб, уни долон — йўлакни эслатган хонадан ташқарига чиқариб қўйишди.

Кўчада Ака Саид кўзи билан

одамлар орасидан

бояги одамни қидирди.

Лекин, ажабки,

Энди бир эмас,

бир неча киши —

унга ўхшаётгандек

эди...

— Ҳаққим йўк! Мен барибир, одамларга ачинаман, — деди Усмон бу гал қатъий, қудуқ тубида ўтирганлардан бири узатган чинни косани қайтариб.

— Сен Рауфни изла. Шунда сув йўли очилади! — дейишди мис лаган атрофидагилар, муроса қилгандек оҳангда.

Усмон бу гапга тушунмай,  
у ёқ-бу ёққа аланглаётган эди...  
қудуқнинг бир четида  
очилган қопқага  
кўзи тушди.  
У ўрнидан туриб, индамай  
қопқадан ичкарига йўналди.

## 3

Рауф ким?! Қайси Рауф?!  
Усмон нега бу одамни излаши керак?!  
Қаердан, қандай излайди?!  
(Ахир, у Рухсорани излаши керак эди-ку!)  
Хўп, сув йўли нима учун шунда очилар экан?! Рауфнинг  
қудуққа бирон дахли борми?!

Қудуқдагилардан буларни сўрамоқчи эди! —  
аммо ботинмадимми?!

Бунинг устига...

У беихтиёр

отаси учун (демакки, ўзи учун ҳам)

азиз бир инсонни эслаган эди.

Мис лаганни қуршаган барваста, кўзлари катта-катта кишиларнинг мақсадига тушунмаган бўлса-да, улар худди шу Рауфни, пир ва пешводек одамни кўзда тутишаётганини кўнглида ҳис этди. Қолганини суриштириш айни пайтда, ортиқча эди!

Ана, қопқадан ичкарига кириб, Усмон тор, узун бир кўчани кўрди.

Тўғрига қараб кетаётиб, у нечундир ўз қони-жонида Пири Зиндоний билан юзлашгани бораётган Мирзо Улуғбек сингари ҳолатни туйди! Рауф ҳақида отаси (Ака Саид)дан эшитган ҳикоятлар унинг хаёлини банд эта бошлади...

— Тур, кал, ётаверасанми, ҳаммомга қачон борасан?!

Рауфнинг уйига Файзулла Хўжа кўпинча ярим кечаларда бостириб келиб, унга шундай тегишар эди.

(Катта Тунтариш — инқилоб рўй берган, дунёнинг авра-астари ағдарилган, ҳаёт қонларга беланган эди!)

Аслида, Файзулла Хўжадан Рауф ун ёш катта эди.

Лекин Файзулла Хўжа (кичик жуссали, тоза-озода ва хуш-руйгина йигит) ёшлик йилларидан АРБОБ, РАҲБАР, БОШ эди. Узидан катта кишиларга ҳам қаттиқ-қаттиқ гапириб, тенг-тўшдек муносабатда бўлишга одатланган эди. Бундан ташқари, Рауф билан унинг қачонлардир тамал тоши қўйилган дўстлиги бузилмаганди. От тепкисини от кўтаради. Рауфга у бирдек ҳазиллашаверар эди. Умуман, Файзулла Хўжа катта-кичик дўстлари орасида Рауфни ўзича яхши кўрар эди.

Рауф — кал эмасди. Унинг тақир манглайи ялтирар, аммо бошининг орқа томонида сочи мўл, узун, елкаларига тушиб турар эди. Ҳаммом борасида... у баъзан аҳволи қандайлигини ўйлашга ҳам эринган, бепарво, дарвешсифат киши эди. Кимдир «ҳаммом» деса, «ие, ие» деб жаҳли чиқар эди. Рауф роҳиблар киядиган ридодек чакмонга бурканиб, белини эски бир латтами, ип биланми боғлаб юрар эди.

Файзулла Хўжани у ҳам яхши кўрар эди. Лекин унга йилдан-йилга оралари узоқлашиб, икки ўртада жарлик пайдо бўлгандек туюлар эди. Рауфнинг назарида, Файзулла Марк Брут қаршисидаги Юлий Цезар эди; ёшлиқдаги (халқ эрки, манфаати тўғрисидаги) қасамлар, интилишларга (чеккинибми, ўзгарибми) хиёнат қилгандек эди. («Балки, адашган, алдангандир? Суюниб-эркаланиб юрибди-ку, келажигимиз порлоқ, деб!» — қабилидаги азобли ўйларга ҳам борарди Рауф.) У Файзуллага бу борада сўзлашнинг фойдаси йўқлиги (ва энди Катта Тўнтаришдан кейин яна бир тўнтаришнинг иложи ҳам йўқлиги)ни ҳис этиб, эзилар эди.

Рауф — замонни тебратган киши (АРБОБ, РАҲБАР, БОШ) эмас, қатордаги фуқаро! Шунга қарамасдан, Файзулла Хўжадан каттароқ ШАҲС, Чинакам ФАЙЛАСУФ эди! Дунёда НИМАЛАР бўлгани-ю, НИМАлар бўлаётганини яхши билар эди!

У ўтмишми, ўзи кўриб турган замонми?! — ҲАҚҚОНИЙ баҳо беришга одатланган эди.

Маърифат бобида Рауф (гурур ва изтироб билан) — шундай деб ёзган эди:

*«Шарқ адабиётининг ҳашаматли, рангли бир тарихи бор. Бу дабдабали тарихнинг олдидан ўтканда, бу кунги Овропа адабиёти ҳам шапкасини олиб, салом бериб ўтадир. Шунга ўзини мажбур кўрадир...»*

*Ёниб-битаёзган чироқ энг сўнг давомда ялт этиб бирдан кўтариладир-да, ўчиб қоладир! Бизнинг тил ва адабиётимиз ҳам, Умархон даврида ялт этиб кўтарилгач, ўчиб қолди. Умархон давраи адабиясидан кейин, адабиётимизнинг жанозаси ўқилгоч, тилимиз ғариб қолди...»*

У айниқса, сўнги асрда (курбонлар-қонлар, исёнлар-бўронларга қарамай) олдингидан баттар, кундан-кунга тасқара ва энг муҳими, йўлни йўқотиб (Худо кечирсин, подага ўхшаб) ўзни ҳар ён ташлаган намойишда юрибмиз, деб ўйлар; ўзи



РЎПАРА КЕЛГАН (кўриб турган) замондан кўнглида қаттиқ норозилик сезар эди! («Бундай инқилобни биз истамаган эдик!»)

Рауф ошкор  
шундай деб ҳам ёзган эди:

*«Шуроларни Туркистондан қувмоқ Ер юзини ўз қора қанотлари остига олгон бир алвастини йўқ этмоқ, чўққани масжиддан ҳайдамоқ, Куръонни ҳайвон тепкисидан қутқармоқ, демақдир!»*

У ҳаётни (дарахтлар, қушлар, Ер, Осмон — Худо яратган неки бор!) севар, шу боисдан, биров (масалан, Файзулла Хўжа) билан ортиқча баҳслашмай, Файзуллага эргашиб одамлар тўп бўлиб бораётган йўлга ҳам ортиқ қарамай, ШАХСАН УЗИНИКИ бўлган ЙЎЛДА давом этмоқда эди!

*(«Отлиқ пиёдага салом бериши керак!»* — деган гап ҳаётда бирон пайт амалга ошганми?! Файзулланинг уринишлари — бекор. Сенинг уринишларинг ҳам — балки, бекор... Жаҳолат кучли! Лекин сен ЯШАШга мажбурсан!)

Шунинг баробарида, Рауф  
ЎЛИМдан ҳам  
кўрқмас эди!

*(Озодликнинг  
кўнглумдаги  
битмас-туганмас  
ишқи...)*

ОЗОДЛИК ИШҚИ — Рауф учун  
ҲАЁТГА МУҲАББАТдан ҳам  
юқори турар эди...

#### 4

Усмон

тор, узун кўчадан катта бир кўчага,  
кейин, кенг бир майдонга чиқди.

У, Ер остида турли корхоналар, тайёрагоҳлар, ҳаттоки шаҳарлар бор, деб эшитган, қаерлардadir ўқиган эди. Аммо ўзи тентираган саҳро остида бундай шаҳар-мамлакатнинг борлигини — ҳали қудуққа тушганида, — тасаввур ҳам қилмаган эди.

Шаҳар-мамлакат янги (бу сизга Бухоро эмас; кўҳна, лекин навқирон, деёлмайсиз!); биронта масжидми-мадраса, эски обида кўзга ташланмас эди. Бинолар ҳайбатли, кўркам. Атроф ялаб кўйгандек тоза...

Бироқ ажабланарли жойи, кўринмайдиган чироқларми-қандиллар ёритиб турса ҳам шаҳар-мамлакат қоп-қора. Зулмат-зимистонга чулганиб ётгандек! Бундан ҳам ажабланарли жойи, кезган билан одам тугул, ит ёки мушук, дегандек тирик жон учрамайди!

Шаҳар-мамлакатда Усмоннинг илк таассуроти:  
У, мен ўлмаганмиканман, деб ўйлади.  
Усмон бир пайтлар шундай ҳолатни бошдан кечирган  
эди...

\* \* \*

Улар тўрт киши (Усмон ва оғайнилари) қаҳвахонада суҳбатлашиб ўтиришар эди. Розик унга бехосдан тикилганича, қизиқ гап қилди:

— Мен сиз ҳақингиздаги фикримни албатта, ёзаман. Агар ҳозир улгурмасам, ўлганимда ёзиб қолдираман...

Эшмат ва Тошмат (исмларининг аҳамияти йўқ) бу гапнинг мағзини қақишмади. Эътибор беришмади. Усмоннинг ўзи ҳам, саросималаниб, муносабат билдирмади. Мақтов эшитгандек, синиқ жилмайди, холос.

Лекин орадан кунлар, ойлар ўтиб, бу воқеа унинг хотирасидан кўтарилмади. Аксинча, бот-бот эслаб, ҳар эслаганида, Розик мен ҳақда нимани ёзмоқчи экан, тавба; унинг фикри яхшими, ёмонми (ижобийми ёки салбий?!), деб ўйлаб, асабийлашар, юраги санча бошлар эди.

(Умунан, Розикнинг баъзан ичимдагини топ, қабилда сирли, мавҳум гапириш, баъзан ҳар кимга кибрланиб-заҳарли тилда баҳо бериш одати бор. Олдин ҳам бир гал, Усмоннинг бошлиғи тўғрисида гап чиққанида, у: «*Тўра шаклланган аҳмоқ! Сиз шаклланмаган...*» — деб бигиз санчган эди.)

Усмон этак силкиб, тупуриб, Розик бўлган даврадан ҳеч қачон туриб кетмас (кетолмас) эди. Розик билан доим ҳисоблашиши, одоб сақлаши керак. Бу — бежиз эмасди!

Розик — Замон. Фарзанди, Обрули Файласуф эди! Тўп-тўп кишилар эргашиб, унга — унинг даражасини «тушунтириб» юришар эди. У илм оламида ДАҲОга айланган эди!

Усмон ўзини бировдан кам, деб билмасди. Ўз иқтидори-га ишонарди! Бундан ташқари, Розикни (ахир, бу Суқрот ёки Афлотун эмас! Форобий ҳам эмас! Борингки, Рауф ҳам эмас!) Пир, Пешво деб билиб, хушомадгўйлик қилишга ҳам бўйни ёр бермас, тоқати йўқ эди! Аммо Усмонни ҳеч ким ДАҲО билан бир ўринга қўймас эди! Шу боисдан, Усмон ўзини БОШҚАЛАРдек, ЭЛ ҚАТОРИ тутишга ҳаракат қиларди! Шунга аввалдан ўрганган эди!

Қаҳвахонадаги суҳбат, Розикнинг тагдор гапини у яқинда (Рухсорани кўргани йўлга чиқишидан жилла илгари) яна эслади. Ҳозир буни, айниқса, эслайдиган ҳолат эди.

\* \* \*

— Эй Худойим-е! Худойим! Художон!

Усмоннинг қорнига биров пичоқ суқиб, бураб-бураб олаётгандек эди.

Уни беморларни қабул қилиш хонаси йўлагидаги бир

тахтага ётқизиб қўйишган. Тиббий ёрдам машинаси ҳақимлари энди касалхонадаги луқмонларга қўшилиб, нималарнидир аниқлаш, қоғоз тўлдириш билан банд.

Қорнини чангаллаб, думаланиб ётган аллақандай бемор ўладими, қоладими?! — барибир! ОЛАМ ундан юз ўгирган. Ўз-ўзича ҳаёт кечираётган ОЛАМ ундан УЗОКЛАШМОҚДА эди. Азоб — уники! Бошқа БАРЧА учун — БЕГОНА ҳолат!

— Тинчийдиган нимадир беринглар. Мусулмонлар! Ўладиган дори берсанг ҳам майли. Падарига лаънат!

Лекин афтидан, бу ерда мусулмонлар йўқ эди. Хонада кимдир чойнакни тарақлатиб, чой қуяр, кимдир совиган чойни хўриллатиб ичарди. Қолганлар ҳорғин, мудроқ товушда сўзлашишмоқда. Унга ҳеч ким жавоб ҳам қайтариб ўтирмади.

У — тирик жон. Ҳаётни яхши кўради!

Худди шу аснода, у, —

мен энди ўламан, деб ҳам ўйламоқда эди.

Аслида, бу ҳолат роппа-роса икки ойдан буён давом этмоқда эди!

Икки ой бурун эса...

эрта тонгда эшик қоқиб, совуқ хабар келди:

— Усмон! Дўстинг Маҳкам дунёдан ўтди. Пешинда чиқаришади.

Маҳкам чиндан ҳам, унинг дўсти эди. Аммо Усмоннинг бундай дўслари оз эмасди! Уларни ҳарҳолда, бир-бирига киндиги боғланган, деб бўлмасди! Бунинг устига, Маҳкам ундан уч-тўрт ёш кичик эди. Усмон эмас, асосан Маҳкам Усмонни кадрлаб, уни сўроқлаб, дўстлик қилиб юрар эди!

Албатта, орага ўлим тушганида, бу нарсаларни фақат шунчаки эслайсан.

У пешин бўлишини кутишга сабри етмади. Апил-тапил ювиниб-кийиниб, Маҳкамлар уйига қараб кетди.

Уша кунни кутилмаган бир ишқал чиқди. Кечаси касалхонадан олиб келинган жасадни қайтиб касалхонага олиб бориш (ёришми?! ) керак экан! Шу боисдан, режа бузилиб, дафн маросими кечки пайтга (аср намозига) қолдирилди.

Кун совуқ эди. Усмон кунни дарвозахонада шам қотиб ўтказди.

Жасадни касалхонага олиб кетишаётганида, унинг юраги бир қалқди.

Кейин, Маҳкамни тупроққа топшираётганда...

Усмон — одамлар орасида яшаган одам эди. У «туғилиш» сўзи сингари минг марталаб «ўлим» сўзига дуч келган, қанча кишиларнинг маросимларида қатнашиб, қанча янги қабрларни кўрган, ҳатто азиз отажон, онажонини ўз қўли билан ерга қўйган эди! Бироқ Усмон бу воқеаларнинг ёнидан то ҳозир (бутун изтироб, бутун доди-фарёдларга қарамай) «лоқайд-сўник» ўтган эканми?! — бор тафаккури, бор қалби билан «қатнашмаган», ҳеч нарсага тушунмаган, ҳеч нарсани теран ҳис этмаган эканми?! —

дарвоқе:

тахминан йигирма йил олдин, йигирма ёшида у бировнинг майитига тасодифан кўзи тушган, лабларига учуқ тошиб касал бўлиб қолган эди. Бу пайтда ҳали Тошкент эмас, Бухорода эди. Отаси (Ака Саид) ҳам ҳаёт эди; уйқу олдидан қария, оёқлари учида ўтириб, уни ўқиган, сўнг: «*Болам, шу одам сенинг тушингга киради. Унга, сизни Худо раҳмат қилсин, энди мени тинч кўйинг, деб айт!*» — мазмунида гап ўргатган эди. Усмон отасининг пандини бажарган ва йиллар суронида, бу воқеани унутиб ҳам юборган эди!

Хуллас, ўша куни негадир Усмоннинг юраги қалқди.

«Демак, мен ҳам бир куни (бугун бўлмаса, эртага) ўлар эканман!» — деган хаёлга борди. Тўғрироғи, ўзидан ёши кичик дўстининг дунёдан ўтганини кўриб, дунё омонат эканлиги, ўлимнинг барҳақлигини бирданига ҳис этди! (Ақлан тушуниш билан баданингда туйиш фарқ қилар экан!)

Маҳкамлар уйдан ўша куни паришонланиб қайтди.

Бошқа бормаيمان, деб қарор қилди.

Фотиҳага ҳам, маъракаларга ҳам бормади.

Ўзини узоқ тутга бошлади.

Лекин ўлим тўғрисидаги ўй (Маҳкамга боғлиқ бўлмаган ҳолда, ўз-ўзича) унга барибир ёпишиб олгандек эди!

Эҳтимолки, бу ҳолатдан қутулиш ҳам мумкин эди-ку, шу орада яна бир кичик воқеа рўй берди.

Кўчада кетаётган Усмон муюлишда, хароб бино пинжида кунишиб ўтирган одамни кўрди. Бу одамнинг ёнидаги тахтачага «*Фолбин*» деб ёзилган эди. Усмон яқинлашди. Фолбиннинг олдида қандайдир хатлар солинган қути, бир кўлида — ювиб-таралганми, оқ-момиқ сичқон бор эди. Усмон фолбинга юзланди;

— Мен қанча яшайман?! Умрим неччи йил?! Айт! Мени бўлмаган гаплар билан алдама...

Фолбин бепарво жилмайди.

Сичқонни силаб-сыйпаб, қулогига нимадир деб шипшиди.

Сичқон қути бўйлаб югурди. Кейин, хатлардан бирини тортиб-ажратди.

Усмон хатни очди. Кафтдек қоғозга «40» рақами белгилаб кўйилган эди!

Усмон тўрт-беш кун ўтиб, фолбинни яна учратди.

Анча кун ўтгач, яна...

40!

40!

*(Қирчиллама  
қирқида —  
қирчинидан  
қирқилган...)*

У кундан-кунга  
қуриб-чўкиб,

хасталана бошлади.

Ва...

шундан кейин...

бир куни...

қулади.

(Қорнига биров пичоқ суқиб, бураб-бураб олаётгандек эди!)

Усмон, мен энди ўламан, деб ўйламоқда эди!

Йук...

Усмон ўлмади.

Беморларни қабул қилиш хонаси йўлагига тахтада қорнини чангаллаб, думаланиб ётиб, у қаҳвахонадаги суҳбат, Розикнинг илмоқли гапини эслади. Дастлаб, яна, Розик мен ҳақда нимани ёзар экан, деб ўйлаб, унинг бир азобига юз азоб қўшилгандек бўлди. Аммо...

шундан сўнг...

— Эй Худойим-е! Худойим! Художон! — деб

ЁЛҒИЗ УНГА ёлбораётиб...

бехосдан сергакланди...

Розикми, бошқасими сен тўғрингда ёзганини ёзавермайдимми?!

Сен барчага ёқишни истадингми?!

Барчанинг сен ҳақдаги фикри яхши (ижобий) бўлиши шартми?!

(Барча бир хил либосда бўлиши керак! Сен ҳам... шундайми?!)

Нега сен ҳақда ҳеч ким —

ёмон ҳаёлга бормаслиги, ёмон сўз айтмаслиги (ёзмаслиги) керак?!

Биз нақадар бемаъни тарбия олганмиз!

(Одамлар нима деркин?!)

Ҳолбуки, ана, сен

ЁЛҒИЗ УНГА рўпара турибсан!

Эзгу ва ёвуз ишларинг (яхши ва ёмон амалларинг) учун УНГА жавоб берасан!

Сенинг ҚИСМАТИНГ ҳам УНГА боғлиқ!

Фолбинми, ҳақимлару луқмонларми?! — улар

сенга ўхшаган банда...

Усмоннинг энди қайтиб

жисмига жон

кира бошлаган

эди!

## 5

Шаҳар-мамлакат

кучалари, майдонларида айланиб юриб, —

Усмон, мен ўшанда (беморларни қабул қилиш хонаси

йўлагидаги тахтада) ўлганмиканман?! — руҳ тирик қолганидан, ўлмадим, деб адашаётган бўлсам-чи?! — мазмунидаги кўнгилсиз гапларни беихтиёр хаёлидан кечирди.

Шу сонияда, унга кейинги рўй бераётган воқеалар Ер усти-ю, Ер остидаги ўз руҳининг саёҳати бўлиб туюлди.

У кудуққа тушганидан буён (балки, тушмасдан ҳам олдин) ва ниҳоят, мана, шаҳар-мамлакатга қадам қўйганидан буён бир муаммо устида бош қотирмоқда, —

бир савол уни қийнамоқда эди:

кудуққа (ундан олдин) тушганлар нега, қандай ҳалок бўлдилар?!

«Улар ўзларини, ўзлари ҳалок қилдилар!» —

Усмон бу гапнинг ҳам мағзини чақмаган (ҳамон чақолмаётган) эди!

Ҳозир шу тўғрида яна ўйлаб,

бехосдан

эслади...

\* \* \*

... Сизлар, афиналик жаноблар, бироз шошдинглар. Шаҳримизга гайрлик билан қарайдиганлар сизлардан энди айб излашади; ном қозонган мутафаккир Сукротни ўлдирдинглар, деб юзларингга қора суркашади. Мен балки мутафаккир ҳам эмасдирман, лекин улар буни таъкидлаб, сизларнинг бўйнилариингизга тавқи лаънат осишади. Агар сизлар шошмаганларингда, бу кўнгилсизлик рўй бермасди; мен ўшим утиб, ўлим остонасида турганимдан, ўзим тез орада дунёни тарк этиб қўя қолардим! Мен бу гапни барчангизга эмас, менинг ўлимимни истаганларга айтяпман. Уларга қарата яна айтаманки, о жаноблар, мен ҳақда, бошини асраш учун керакли бир ваз-сузлар тополмади, бизни ён беришга мажбур қилолмади, шундан ана, жазога йўлиқиб турибди, деб ўйлашларинг мумкин. Йўқ, асло. Менда сизларга топиб бергани сўз эмас, балки бировлардек алжираш, сизга ёқадиган намоийишда обидийда қилиб, бекорномуносиб чулдирашга безбетлик ва шармандалик етишмади. Мен бошимга олдин ҳам хавфу хатар тушганида, бундан саросималаниб, қулларча мутелик йўлини тутмаганман ва бугун ҳам минг йўсинда эшилиб, қандай бўлмасин, ўзини ҳимоя қилганча тирик қолгандан, ҳозиргидек мағрур ҳимоят йўлини тутиб, ўлимга юзланишни афзал, деб биламан. Зероки, суддами, жанг-жадалдами, менми, бошқами ҳеч кимга найранг ишлатиб бир амаллаб, ўлимдан қочиб-қутулиш ҳуқуқи берилмаган. Зероки, жанг-жадалда масалан, кўлингдаги қуролнинг ташлаб ёки душманга таслим бўлиб, баъзан ўлимдан сақланиш мумкин; ўйлаганини айтиб, ўйлаганича иш тутган кишиларнинг бундан бўлак оғир шароитларда

ҳам, ўлишга тўғри келганида, баъзан қочиш ҳоллари юз беради. Ўлимдан чўчиб-қурқиб, жонингни асраш унчалик қийин эмас, о жаноблар, ўлимга нисбатан инсонни ўз чоҳи тубига тортадиган ахлоқий бузилишлар, маънавий емирилишдан асраниш минг чандон мушкулдир. Мен, кекса ва мискин бир киши беозор муминлик йўлини танладим; менинг қораловчиларим, кучли ва тажанг кишилар (Мелет, Анит ва Ликон) маҳдудлик, аёвсиз нобакорлик йўлини танлашди. Мен энди сизнинг ҳукмингиз бўйича ўлим қопқаси томон бормоқдаман. Булар эса эзгуликнинг ҳукми бўйича бўҳтон ва залолат қопқаси томон кетишмоқда. Ва мен, ўзимга тегишли жазо билан қолдим. Лекин булар ҳам ўзларига тегишли жазо билан қолажақлар. Бу иш азалдан шундай белгиланган эди. Шундай бўлди...

\* \* \*

Кейин-чи?!

Кейин, Сукрот ўлгач, унга ўлим тилаганлар ҳам тинч яшаб юришолмади!

Афинага ғайрлик билан қарайдиганлар майли, — афиналиклар ўзи рўй берган воқеадан кундан-кун норозилик сеза бошлашди. (Тарихнинг мангу ўйини! Бировни ўлдириб, унинг қабри устида замонлар бўйи надомат ила аччиқ кўз ёшлар тўкиш!)

Тез орада

Мелет, Анит, Ликонга ҳаёт учун зарур, муқаддас «ўт ва сув» ҳаром қилинди, дейишади.

Яна ёзишларича,

уларни юртдан бадарга қилиш ҳақида ҳукм чиқарилган.

Яна ёзишларича,

ҳеч қандай ҳукмсиз (судсиз) улар қатл қилинадилар.

(Тошбўрон қилиндилар, деган фикр ҳам бор.)

Яна ёзишларича,

афиналиклар нафрат-ғазабига дош беролмай, — улар ўзлари ўзларини осган...

\* \* \*

Усмон кудуққа (ўзидан олдин) тушганларга нима бўлганини билмас (билмаётган) эди.

Шу боисдан, мени қандай насиба кутмоқда?! — мен ҳам (шу боришда) кўп ўтмай, ўзимни ўзим ҳалок қилмасмиканман?! — деб ташвишланиб, кўнглида озор туймоқда эди!

Унга ҳамон мен аввалроқ ўлганмиканман?! — руҳ тирик қолганидан, ўлмадим, деб адашаётган бўлсам-чи?! — мазмундаги ўй ҳам (бояги ташвишга зид ҳолда) осойишталик бермаётган эди.

Яна, унга кейинги рўй бераётган воқеалар Ер усти-ю, Ер остидаги

ўз руҳининг саёҳати бўлиб туюлмоқда эди.  
У, мен (аллақачон, балки Сукрот, Афлотунлар замони-  
даёқ) дунёдан ўтганман, деяверишга —  
тайёр эди-ку, лекин...

6

одамлардан минг бора  
осон ўлим йўқ, деб эшитган эди.  
Олдин хабар келади, деган гап ҳам қулоғига чалинган  
эди.

Назарида, хасталаниб (беморларни қабул қилиш хонаси  
йўлагига тахтада) ётганида (ҳам) —  
иш ўлим даражасига бормаган, —  
Бу ҳақда ХАБАР келмаган эди!  
Шунга қарамасдан...

Усмоннинг ҳозир яна юраги қалқди. Нечундир ўгли  
(Собир)ни эслади.

Тирик одамга хос — чуқур хўрсинди.

Кейин, у ўзини чимчилаб-туртиб кўрди.

Кетаётган йўлида тўхтаб, депсинди.

Ниҳоят, ўлмаганига (ўзича) қаноат ҳосил қилди!

Хўп?!

Бу шаҳар-мамлакат нега қоп-қора?! Зулмат-зимистон?!  
Нима учун тирик жон кўринмайди?! Усмонни (ўлмаган, деб)  
сафга қўшмаганда ҳам, бутун ўтган-ўлган одамларнинг шаҳ-  
ри-мамлакати эканми бу?!

Усмон Рауфни қаердан, қандай топиши мумкин?!

Тўхта! Балки ХАЛҚ ДУШМАНИ бўлиб, ўз шаҳри-мамлака-  
тидан олиб кетилган, отилган, осилган, қабри номаълум (гў-  
ри-кафани йўқ) минг-минглаб жафодийдаларнинг СЎНГГИ,  
АБАДИЙ шаҳри-мамлакатидир бу?! Рауф шулардан бири  
бўлса, яна — уни қаердан, қандай топасан?!

Усмон шаҳар-мамлакат кўчалари, майдонларида айланиб  
юриб, — боши қотган эди.

— Ҳаёт мени доим кети берк кўчага тикади. Худога шукр-  
ки, мен чиқиб кетаман! — отаси баъзан  
шундай дер эди.

Усмон тушунмаган экан! Ҳолбуки, бир пайтлар...

қама-қама йиллари эди...

\* \* \*

Ака Саид

Файзулла Хўжага нисбатан ҳам, —

Рауфдан анча ёш эди.

Лекин оз-моз қариндошлиги борлигидан,  
Тошкентга йўли тушганида журъатланиб, —

Рауфнинг уйини қидирди.

Рауф ўз ҳовлисидаги дарахтлар остида  
маъюс ва маҳзун кезинар эди.



Бухородан меҳмон келганини кўриб, нечундир қаттиқ ҳаяжонланди. (Бунинг боиси кейинчалик аён бўлди!)

Саидни ичкарига бошлади.

Хотинига дарҳол дастурхон ёздириб, овқат қилдирди.

Алламаҳалгача сўзлашиб ўтириб, Саиддан

Бухоро тўғрисида бетартиб, нималарнидир сўради.

Ниҳоят, хона тўридаги жавонни очиб, қалинроқ китобдек мўъжаз сандиқни олганича, Саиднинг олдига қўйди:

— Бу сизга омонат, йигит. Асрагайсиз!

(Худо кечирсин! Ушанда Ака Саид аввалига: «Бу — машхур одам. Давлатманд, албатта. Отаси Абдурахим бойдан ҳам бир нарсалар қолган! Қўлидаги зару зеварни дардисар қилиб, менга юкламаётганмикан?!» — деган бемаъни хаёлга борди. Паришонланиб, ўрнидан туриб кетди. Орқага тисарилди. Аммо...)

Рауф яна

маъюс ва маҳзун

қиёфага кирган эди.

Саидга шошмаслигини ўтинғандек, имо қилди.

— Бу битган-битмаган ёзув. Бир кун насиб этса, улусга ярар... Мен буни ўз биродарларимдан ҳеч кимга ишонмайман! Булар сиёсатдон, аҳли илм, аҳли санъат. Лекин мен зиёли атамадим. Бири кўрқоқ, бири хушомадгўй, бири ҳар кун янги либос кийгон ҳақиқатпараст! Менга барчаси меҳрибон турса-да, инониб бўлмас... Сиз илмдан кўпрак хунар кишиси. Сиздан эҳтимол, гумон ҳам қилинмас!

Саид хижолат чекканидан, аллабир нарсаларни гудранди.

Аммо Рауф афтидан, унинг гапини эшитмади ҳам.

— Менинг куним санокли. Гуноҳим бўйнимда, — деди у, четга, ўйчан, фаромуш тикилиб. — Биз ўзимизни ўзимиз ҳалокатга олиб келдик! Бизни алдадилар... Йўқ, шахсан мен эмас. Мен ҳақиқатни англашга уриндим. Ҳаммага ўхшашни талаб қилдилар. Бажармадим... Лекин мен-да, юртни сарсонликка, хароботга, тубан ҳолга тушишдан тўхтатолмадим! Ният бошқа эди, йигит... Меним қолган гуноҳларим ҳеч! Кўркмасмен...

Уша куни Ака Саид

мўъжаз сандиқни сафар халтасига жойлади.

Эртаси куни

харид қилган совға-саломни

иккинчи бир халтага солиб,

поездда

Бухорога қараб жўнади.

У ўйламаган эди:

ЭЗГУЛИКнинг — қўли қисқа.

ЁВУЗЛИКнинг — қўли узун!

ЭЗГУЛИК — содда.

ЁВУЗЛИК — маккор!

Фақат, Худо кунглига солган эканми,  
поездга минганида, Ака Саид, кейинги халтани ёнида  
сақлаб, сафар халтасини юқоридаги ўриндиқнинг бир бур-  
чагига шунчаки ташлаб қўйган эди...

поезд Самарқандга етганида  
(у Рауфнинг уйига кириб-чиққанини биров хабар қилган  
бўлиши керак!) —

тўрт йигит, сиз билан гаплашадиган гап бор, деб  
уни поезддан тушириб қолдиришди.

Шу кетганча,  
унинг беш йил умри  
совуқ бир ерларда чириди.

Ўша йиллари «дум» деган гап ҳукм сураб эди. Мабодо  
(Самарқандда сафар халтасидаги) сандиқни кўриб-титки-  
лашса, Ака Саид Рауфнинг «думи» бўлиб, отилиб кетиши  
ҳам мумкин эди! Оддий мисгар эканлигию «оз-моз қарин-  
дош»лигидан бўлак «айби» йўқлиги учунгина, азоб-уқубат,  
саргардонликдан кейин, ҳарҳолда, унга қутулиш, Бухорога  
қайтиб, яна анча йил яшаш насиб этди.

Бир томондан, шундай!

Иккинчи томондан, Ака Саид  
қолган бутун ҳаёти давомида

Рауф топширган омонатни йўлда «ташлаб» кетгани,  
айниқса, сандиқ кимнинг қўлига тушиб, нима бўлгани?!—  
тўғрисида ўйлаб,

шу армон, шу жумбоқ изтироби билан  
дунёдан ўтди!

Усмонга отасидан

бу армон, бу жумбоқ изтироби

«юққан» эди:

— Рауфнинг битган-битмаган қандай ёзувлари бор эди?!

— Сандиқни поездда кўриб қолиб, олган КИШИ ҳаётми?!  
У ким?! Қаерда?!

— Бирон журъатли ОДАМ, сандиқ қўлига тушиб, асраган-  
микан?!

— Ҳеч ким асрамаган бўлса-чи?! Йўқолган бўлса?!

Дунёда йўқолган (йўқотилган, йиртиб-ёқиб ташланган)  
ёзувлар (кўлёмалар) озми?!

Инсоният бирон пайт УТМИШдан сабоқ олмаслиги —  
шундан эмасмикан?!

Тўхта! Сабоқ олган пайтлар ҳам бор...

Афлотун!

(Усмонни ҳаёл яна узоқларга олиб кетди.)

\* \* \*

Афлотун

ўзи-ўзини алдашни истамас эди.

(«Ўзи-ўзини алдаш — даҳшат, чунки бунда доим алданув-  
чининг ўзида алдовчи мужассамдир!»)

У, Суқротни танлаган-тутган йўлидан биров қайтара олмаслигини яхши билар эди!

Бунга (шогирд эканлигидан) Афлотун, ҳаққи йўқлигини ҳам ҳис этар эди!

Ута эҳтиросли (ҳаётда кўпроқ ёрқин ҳолатларни кўришга уч) булганидан, у ўлимга бораётган (ўлим ҳолатидаги) Суқротнинг ёнида туришга тоқат қила олмас эди!

Шунинг баробарида (бунга зид ҳолда, ажабки!) Афлотун устози сингари ҳаёт зарбаларига бардошли, чидамли эди. (*«Ҳар қандай доноликнинг замини сабр-қаноатдир!»*)

Яна, устози сингари, Афлотун РУҲ (ўлим фақат жисмнинг тугаши) БАРҲАЁТЛИГИга, У ДУНЁДА жавоб борлиги, мукофот ва жазо БАРҲАҚ эканлигига ишонар эди! (Бу унга таскин берар эди!)

Шу сабабларга кура, Афлотун, Суқрот ўзига жазо танлаб заҳар ютганида, уйда «касал» бўлиб, ётиб олган эди.

Суқротнинг ўлими Афинада қора кунлар бошлангани белгиси эди!

Буни билганидан, Афлотун тезда Афинани тарк этган эди.

Қачонки, Мелет, Анит, Ликон халқнинг нафрат-ғазабига йўлиқишганида, бунга ҳам Афлотун «жўнроқ» қараган эди! Зероки, Суқрот сингари у: *«Ёвузликка қарши ёвузлик қилишдан бирон натижа чиқмайди!»* — деб тушунар эди...

Афлотун тўғрисида хабари йўқ киши, бу ишлари билан у Суқротга хиёнат қилмадимикан, деб ўйлаши мумкин.

Ундай эмас, албатта!

(Афлотун ҳаётда узи ЮРАДИГАН ЙЎЛни яхши билар эди!)

Умуман,

Суқротни Афлотунсиз,

Афлотунни Суқротсиз тасаввур қилиб бўлмайди!

Афлотун ўзининг БУЮК ВАЗИФАСИ (шогирдлик бурчи)ни бажарди.

У ДЕЯРЛИ БАРЧА асарларини МУСОҲАБА шаклида ёзди ва —

БАРЧА (битта-яримта мустасно) асарларини

СУҚРОТга бағишлади!

АФЛОТУНСИЗ СУҚРОТ ТАРИҲДА МУКАММАЛ қолмаслиги МУҚАРРАР эди!

## 7

Усмоннинг боши қотган эди:

Ер устида оддий бир сандиқ топилмаётганида, —

Ер остидан Рауфни қидириб, топиб бўладими?!

Лекин у энди кўчалар, майдонлардан шаҳар-мамлакатнинг бир этагига бориб қолган эди.

Бу манзара унга таниш эди.

Усмон олдин, шу кунга қадар ҳам, уч марта Ер остига тушиб чиққан, Ер остини курган эди.

Биринчи марта нотинч замонларда одамлар (оила-оила, тўп-тўп) беркиниб яшаган гор (катакомба, деймизми)...

уни ўртоқлари бошлаб боришган эди.

Уй шаклига солинган ҳар хил туйнуқлар, ётиб-туришга мўлжалланган супачалар, ибтидоий даврни эслатган ўчоқлару шам қорайтирган уйдим токчалар! Гарчи бу ерда яшаганлар дунёдан ўтишган бўлса-да, горда тирик бир руҳ сезилар, гор — тирик инсонлар макони эди.

Иккинчи марта Усмон, аксинча, сайёҳлар орасида сонсаноксиз тош зиналардан пастга тушиб, Ер остидаги дахмага дуч келган эди. Бу ерда, йўлакка ўхшаш узун йўлкаларнинг икки томонида шиша тобутлардаги мўмиёланган жасадлар ётар эди. Булардан аксари шунчаки уйқуга кетгандек туюлса-да, бу жойнинг ўзи жуда қўрқинчли эди.

Учинчи марта Усмоннинг тарихчи бир дўсти билан йўлда учратгани аниқ, табиий горнинг ўзи; на ўлик, на тириқдан нишон бор, АБАДИЯТ кишининг ёдига тушадиган буюк бушлиқ эди. Бу ерда туман қоплаган ҳайбатли дўнгликлар ва ўнгирлар, яқин-йироқда минг йиллар давоми бунёд бўлган, оқариб-сарғайиб ётган чақмоқ-тошлар кўзга ташланарди.

Усмон шаҳар-мамлакат этагида

кўриб турган манзара —

буларнинг барини гўёки ўзида мужассам этган;

шунинг баробарида, —

уларни қайтармас эди.

Атрофга ҳарир бир парда тўшалган эди.

Чексиз ўраманинг юксак шифтидан ҳаммомдаги каби чирт-чирт сув томчилар эди.

Оёқ остида чуқур-чуқур кўлларми, ҳовузлар қаторлашган, улар бир-бирига уланибми-туташиб кетган эди.

Усмон бехосдан ажабланди:

у — кўкси муздай, — негадир

ташналикни сезмай қўйган эди!

Бироқ Ер устида одамлар Сувга ИНТИҚ эди!

Усмон БУНИ унутмаган эди. Фақат:

1. Бу сув ичишга ярайдими?!

2. Чуқурликдан уни қандай олиб бориш мумкин?! Ёки йўл очилса бас, қудуқ остигача ўзи борадими?!

3. Дарвоқе, Рауф! Рауфнинг сувга бирон дахли борми?!

Усмон кўлми-ҳовуз бўйидаги бир тошга келиб ўтирди.

Шу сонияда унинг хаёлидан, мендан олдин қудуққа тушганларга ҳам Рауфни топиш буюрилган, улар топишолмагани учун ўлдирилган (ҳалок қилинган) бўлишса-чи?! — деган бемаъни бир гап ўтди. Бунга ишонмаса ҳамки (бошқалар Рауфни қаёқдан Усмончалик билишади!), кўнгли ғашланди.

Энди нима қилиш керак?!

Одатда, фолбинлар косодаги сувга ташлаган — тангага тикилсанг,

излаётган одаминг билан  
мулоқотда бўлар эмишсан!

У болалиқда шундай деб эшитган эди.

Бу ерда фолбин йуқ. Бу гапга ишониш ҳам қийин!

Шунга қарамасдан, Усмон

ихлос-эйтиқод билан

чўнтагидан бир ҳовуч танга чиқариб,

сувга ташлади.

Худоё, тавба...

Сув ўз-ўзидан биқирлаб қайнай бошлади.

Кейин, кўтарилаётган ажиб рангин буғ тарқаб,

қайтиб тинди.

Кейин, кўлми-ҳовузда

учта сурат жонланди. Булардан:

бирида эғнида ятак, бошида дастор, ихчамгина соқол  
қўйган ориқ-озғин киши;

иккинчисида қора костюм кийиб, буйинбоғ таққан, тоза  
қирилган юзи осойишта, кўзлари катта, утлуғ — чиройли ки-  
ши;

учинчисида пала-партиш кийинган, ранги сўлғин, кўзла-  
ри мунгли, буй-бастаи ўрта, анчайин нозик киши —

**ҚИЕФАСИ**

акс этган эди!

(Усмон бу суратларни илгари қачон, қаерда кўрган  
эди?! — эслай олмади. Ҳозир бу шарт ҳам эмасди.)

Суратлар илк қарашда

уч кишига тегишли (уч одамга ўхшар),

аммо аслида, суратдагиларнинг **УЧАЛАСИ** ҳам —

**БИРГИНА РАУФ** эди!

(Энди Рауфдан қолгани шу эди!)

Улар сув юзида шунчаки қалқиб,

лаҳза ичида яна гойиб бўлди.

Сурат — сийрат эмас, албатта. Лекин Усмон, менинг  
Рауфни топганим шу бўлса керак, деб ўйлаб, кўнгли ёришиб,  
ўрндан кўзгалди.

У кўчалар, майдонларни айланиб, изига қайта бошлади.

Ниҳоят, тор, узун кўчага етиб келди.

Буёғи нима қилсак экан, деб гангиб турган эди...

бирдан

ўзини кўча эмас,

белигача сувга ботган ҳолда, қудуқ ичида кўрди.

Юқоридан тушган арқоннинг бир учини шошмай белига  
боғлаб, тепадагиларга:

— Торт! — деб бақирди.

Одамлар Усмонни қудуқдан тортиб чиқаришди.

— Энди бемалол челақ тушираверинглар! — деди Усмон.

\* \* \*

Карвон яна саҳрода ўз йўлидан кета бошлади.

Кейин...

Усмоннинг ҳол-мадори қуриган; уни дам сайин мудроқ босмоқда эди. Қанча йўл юришди?! Одамлар ўз-ўзларидан нега, қайққа тарқашди?! — англаёлмади.

Бир маҳал...

чексиз саҳрода ЁЛГИЗ ЭКАНЛИГИНИ пайқади!

У қум тепалардаги саксовул, юлгун, юзган, ковгар, ялпи қизариб ётган тикан буталарини оралаб, гоҳ йиқилиб, гоҳ туриб, кимсасиз саҳрода Мажнундек судралиб-тентираб бормоқда;

«сув, сув» деб бекордан умидланиб-тўлғонган йўловчи каби

«Рухсора, Рухсора» деб шивирламоқда;  
олдинроқ бўлганидек, яна унинг оғзидан нафас ўрнида олов чиқмоқда  
эди!

## Бегона ҳаёт

(Рауф)

(Иккинчи қисм)

8

*(Уфқ ёнар, уфқ. Уф-ф!  
Карвон борар қумликда.  
Қум. Қум...  
Туяларда ҳазин қўнғироқ:  
Чўли ироқ, чўли ироқ.  
Тун. Кун. Тун...)*

\* \* \*

(Бу — олисдан келаётган кимнинг садоси?!  
Бу — қўнғироқ жаранглаяптими, офтобми?!  
Бу — жимираётган нима, сувми, саробми?!  
Бу — сенми, яна бир муҳаббат гадоси?!)

\* \* \*

(Карвон энди йўқ. Усмон ёлғиз.  
Лекин бутун бир карвон унинг ортидан  
судралиб келаётгандек ҳамон —  
изма-из.)

\* \* \*

(Ва ниҳоят:  
булар — нима, хаёлими, тушми?! —  
Усмоннинг кўзлари олдида айлангани-айланган.  
Сен қочиб қутулолмайсан, Усмон!  
Овчи мулжалга олмоқда милтиги билан  
Энг юксакда учаётган қушни,  
Бош устида чирпирак осмон!)

\* \* \*

(Сахрода тўзон;  
олдинга босиш ўлимдан қийин;  
унинг кўзларига қум сепилмоқда эди.  
Кейин...)

## 9

У Рухсорани кўргиси келмоқда эди!

\* \* \*

— Дада! Кейин нима бўлди?!  
— Ҳеч нарса! Тамом... Тайёрами, пирпиракми?! — Осмон-  
га учган киши маълум вақт ўтиб, барибир Ерга тушади.  
Сени, чексиз сахрода адашиб-улоқиб юрганингда, Ердан  
кўтариб олган парпарак ҳам, учиб-айланиб, ахийри Ерга  
келиб қўнади. Бусиз илож йўқ. Инсоннинг маскани — Ер!  
Инсон — тупроқдан яралган.

— Рауфни айтмадингиз! Унинг сувга дахли бор эканми?!  
— Бор! Албатта... Дунёни шу тахлит кишилар тутиб тура-  
ди! Улар жисми ўлганда ҳам, барҳаёт...

Аслида,  
БУ ВОҚЕА —

Усмон ўғли билан шундай суҳбатлашиб, —  
яқун топиши мумкин эди!

Аммо...

ривоятнинг ҳам, эртақнинг ҳам НИҲОЯСИ бўлади.

(Демак, воқеанинг давомини эшитинг.)

Афтидан, йўл ҳали узоқ эди.

Сахрода яна қанча сарғардон судралиш керак?!

Рухсорани қачон қуради?! —

Усмон билмас эди.

Гоҳ йиқилиб, гоҳ туриб бораётган эди...

\* \* \*

кутилмаганда  
улкан қум тепалиқдан ошиб, —  
Рухсоранинг ўзи

унга қараб кела бошлади.  
(Лайли билан Мажнуннинг саҳродаги учрашувига ўхшаб!)

Мана, яқинлашди.

Усмон Рухсора томон отилиши,

Рухсорани бағрига олиши,

юрагида йиллар бўйи тўпланган дардларини тўкиб солиши —

керак эди! Лекин шу сонияда ногаҳоний бу учрашувдан беихтиёр саросималанди.

Бунинг устига, Рухсора ҳам

Усмонга гамгинми, ўпқаланибми тикилган эди.

— Сиз халқдан узилиб қолдингиз! — деди ниҳоят Рухсора. (Карвондан, одамлардан анча узоқлашдингиз эмас, — негадир худди шундай деди!)

— Мен уларга хизмат қилдим. Сув олиб чиқдим! Бу дўзах саҳродан энди ҳаммани кифтимда ташиб ўтиш қўлимдан келмайди, — гудранди Усмон ўзини оқлагандек оҳангда.

— Сиз ўзгарибсиз! Олдинлар одамларга кўпроқ қайишар эдингиз, — деди Рухсора. Бир дам хаёлга чўмиб, кўшиб кўйди. — Сиз Рауфни барибир, топганингиз йўқ!

— Мен Ер остидан уни қандай топаман?! — асабийлашди Усмон.

— Ер ости бўлмаса, Ер устидан қидирмайсизми?!

— 50 йил унинг ҳатто номини тилга олиш ман қилинган эди! Гапирсанг, бошинг кетарди... Ҳозир ҳам уни деб биров жонини бермайди. Оломон учун бу гаплар бир пул! Йўқолган шунчаки қўлғамалар топилмаётганида, Рауфни топиб бўлар эканми?! — озор чекиб, огриниб сўзланди Усмон.

(У беихтиёр хаёлга толди. Ўзича ўйлади:

ҳалиги учта сурат, холос.

Рауфнинг бирон ҳайкали ҳам йўқ. Ҳайкал қўйиш мумкин!

Аммо —

унга БУНИНГ кераги борми?!

Бизда ҳайкал олдиндан расм бўлмаган.

Одамлар номи — турли ҳудудлар, боғлар, масжид-мадрасалар, уларнинг дахмаларида сақланиб қолган.

Сунгги асрдагина доҳийларга ҳайкал қўйиш одат тусига кирди.)

(Дарвоқе...

«доҳий» деган тушунча билан яшаган қабилаларда эскидан ҳам ҳайкаллар бўлган! Жоҳилия даврида, масалан, арабларда Хубал, Лот, Уззо, Манот деган ҳайкаллар бор эди. Булар шу исмдаги кишиларга нисбат бериб, қўйилган эди. Ушанда араблар бу ҳайкалларга СИГИНИБ, кейинчалик уларни бутга айлантириб юборган — БУТПАРАСТЛИК авж олган эди...

У сергакланди...)

— Сиз Рауфни топмагунча мен билан кўриша олмайсиз! — Рухсора шуни билдириб, қайтиб —



улкан қум тепалиқдан ошдими ёки  
пардек учди-кетдими?! —  
гойиб бўлди.

Усмон аввалгидан баттар саросималанди.

Қудуққа тушганида қудуқ тубида ўтирган барваста, кўзла-  
ри катта-катта кишилар шу йусинда шарт қўйишган эди.  
Уларнинг йўриғи бошқа эди! Нега Рухсора унга бундай шарт  
қўяди? (Ёрлик шуми?! Дилдорлик шуми?!)

Бироқ Усмон шартни (яна) бажаришга мажбур эди.

*(Чу, тулпорим, ёллари олтин,  
Чу, қайдасан, бахтли манзилим?!)*

У, мана, жилла тўхтаб, боз йўлга тушган;

қумда сирпана-сирпана  
олдинга сурилмоқда эди.

Мен Рауфнинг дарагини (энди) қаердан, қандай топаман,  
деб ўйлаб,

унинг хаёли қочган,  
кўзларидан мудроқ ҳам  
чекинган эди.

Шунинг баробарида.

Усмоннинг кўнглида...

Худойим! На Рауфни топишдан, на Рухсорани кўриб, ўз  
бахтига эришишдан умид (аниқ бир ишонч) —

назарида,

Бу йўл Абадий Шундай Давом Этаверадигандек  
эди!..

Ва шунинг баробарида...

## 10

сахродаги тўзондек  
узўқ-юлуқ, ҳаттоки пала-партиш  
бир воқеалар...

\* \* \*

Минг уч юз йигирма тўққизинчи ҳижрий йилнинг  
муҳаррам ойи.

— Амир Аҳадхон жаноби олийлари қазо қилдилар!

Яшин тезлигида бу хабар чор атрофга тарқалди.

Қиш. Совуқ.

Қор бир маромда ёғади.

Бухорога дала-даштдан қароқчидек ўзини урган шамол  
тори-танг кўчаларда изиллаб кезиб, оч итдек увиллайди.

Одамлар аллақачон сандал очган.

Битта-яримта боёнлар уйида (масалан, Файзулла Хўжа-  
нинг отаси Убайдулла Хўжа, Рауфнинг отаси Абдурахим бой)  
янги расм бўлган рус печлари лопиллайди.

Шаҳарнинг кўпчилик аҳолисини ташкил этган, асосан кун кўчада ўтадиган хунармандлар паст-баланд дўконларда япаски темир манқалга чўғ солиб, оёқ учига қўйиб ўтиришадди. Кўча-бозордаги ошпазлар ўчоғи олдида гоҳ наҳор, гоҳ шом тўп-тўп ҳар хил кишилар йиғилишиб, кўкарган қўллари-ни ўтга тутишади.

Амир Аҳадхон Карманадаги ўз боғида (чорак аср тахтни эгаллаб тургач) бандаликни бажо келтирган.

Карманадан келиб, тахтга минган

Амир Олимхон эса:

*«Биз халқнинг осойиши, фароғатини самимона бир тарзда истаймиз! Ва Тангри таолонинг кумағи бирла раиянинг бахти, юрт ободонлиги йўлига чолишгаймиз!»* —

мазмунидаги сўзларни айтиб,

бунга ўзича инонмоқда эди!

Ҳолбуки, ҚИСМАТ

бошқа эди...

унинг оғир, нотинч

атиғи ўн йил

ҳукм суриши

олдиндан белгиланган!

\* \* \*

Тоқи Саррофон остидаги дўконда

намози пешиндан бўён

Ҳакимжон сарроф Қосимбек деган киши билан

сўзлашиб ўтирарди.

— Худо кимга беради, кимга йўқ. Ана, Олимхон... Ол, қулим дегандан кейин, нима қиласан! Айшингни сураверасан-да...

Сарроф ўзи амирликка гўё даъвогар-у, бу бошқага буюрганидан доғда қолгандек, алам ва мутелик қоришиқ оҳангда сўзлар; умуман, ҳозир унинг ҳасратидан чанг чиқмоқда эди. Қосимбек нималарнидир гўлдирарди, холос. Эшик олдидаги курсичада у яланг эски чопонга ўраниб, гўжанак бўлиб олган; тўзиган, йиртиқ этиқдан кўкариб кўришиб турган оёқларини манқал томон чўзган эди. Отасидан қолган бойликни кўкка совуриб, ярим дарвеш, ярим девона кўйга тушганидан, — шаҳарда ҳеч ким уни одам қаторига қўшмас эди. Фақат сарроф... Ҳакимжон болалиқдан дуст бўлишганини эслар, жўрасига меҳр кўргузиб, кўнглидаги дардларигача яширмай айтар эди! Лекин Қосимбек саррофнинг олдида бунинг учун эмас (бирова одам қаторига қўшиб-қўшмаслиги унинг учун аҳамиятсиз!) кўпроқ бекорчиликдан, исингани ва муҳими, катта-кичик халталардаги йирик-майда пулларни томоша қилиб, бундан роҳатланиб, хаёл суриш учун келар эди!

Дераза олдида ўтирган Ҳакимжон сарроф шу куни қош қорайгунча дардини дастурхон қилар эди-ку, беҳосдан хаёли бўлинди. Дераза ортидан бир соя юзиб ўтди. Кейин, дўкон

эшиги очилиб, қорга бурканган ўн ёшлардаги бола ичкарига кирди. У совқотган ориқ қўлларини кўксида ўнгайсиз қовуш-тирди:

— Ассалом, амакижон.

— Ваалайкум ассалом, — деди салмоқлаб, ингичка юзида кўзлари ичга ботган, пахмоқ соқолли сарроф. Кейин: — Бу жияним Саиджон! — таништирди Қосимбекка. Беозор жилмайди: — Ака Саид!

Қосимбек бошини кўтариб, остонада қотиб турган болага ғамгин қаради ва яна, ҳаётдан зериккан ҳолатда нигоҳини чўглари милтираётган манқал томон бурди.

— Ҳожи бобом сизни сўраяптилар. Ҳозир боринг экан, — деди Саиджон (Ака Саид) саррофга.

— Ҳозир?! Нега, айтмадиларми?!

У бошини чайқади.

— Ҳм. Хўп. Келадилар, дегин.

Бола (Саиджон) чиқиб кетгач, сарроф эриниб-асабийлашиб ўрнидан турди. Халталар оғзини боғлаб, уларни сандиққа солиб кўйди. Сандиқни беркитди. Ниҳоят, манқалдаги ўтни ҳам ўчирди.

Қосимбек паришонланиб, эшик олдида қаққайган эди.

— Бироз пул! Қарз... — деб пичирлади у, саррофдан кўра ўчган манқалдан ҳамон кўз узмай.

— Эй пул... Пулдан гапирманг! Минг марта айтдим.

— Майли. Бошқа пайт... — эшикни очаётиб гудранди итоаткорлик билан Қосимбек.

Ҳакимжон сарроф тўқ-тўкин яшаса ҳамки, ўзини ғариб, қашшоқ деб билар, биров пул сўраганида хафа бўлиб кетар эди! Шу аснода ярим дарвеш, ярим девона кимса билан дўстлашиб, кун ора мулоқот қилиб юрганини ўйлаб, ҳар қачонгидан кўпроқ гаши келди. Аммо бу — янгилик эмасди! У доим ёлғиз қолганида орани шарт узишга қарор қилар, кўзга кўз тушгач, фикридан қайтиб, яна Қосимбекни суюниб қаршилаверар эди! Аҳвол шу эканлигидан, сарроф баъзан, мен ўзим ҳам ярим дарвеш, ярим девона бўлсам керак, деган хаёлга борар эди. Қосимбекка — бир томондан, унинг кўнгли ачир эди. Иккинчи томондан, — ҳамма бало шундаки! — Ҳакимжон сарроф соғ, ҳушёр одамлардан биронтаси олдида дардини шоён ёра олмаслигини яхши билар эди. Унинг дарди-алами эса кўксида дарё бўлиб чайқалар эди!

Ана, ҳозир ҳам кўчада гуп-гуп ёғаётган қор остида кунишганча бораётиб, таги тешик дунёнинг бемаънилигидан у изтироб чекмоқда эди... Куни бўйи танга санайсан, ёнингда ҳемири йўқ! Сенга озгина эркалик насиб этса, дунёнинг бир чети ўпирилармиди? Наҳотки, сенинг умринг майда пулни йирикка, йиригини майдага алмаштириб, кимларнинг қули кирини ҳидлаш билан ўтса?! Биров кекириб юради. Биров нонга зор. Дунё нега бундай яралган?! Ҳамма бой, ҳамма тенг... эй, қани! — бу ҳам мумкин эмас. Беш бармоқ баравар бўлолмайди! Лекин сенда нима айб?! Яшагинг келади...

Ҳақимжон ёши энди қирққа етган бўлса-да, ўзини қариб қолгандек ҳис этар эди. У ўз ҳаётидан кўнгли тўлмаганидан, Қосимбекнинг ёнида акалари Салимжон ва Каримжон, отаси Ҳожи бободан, керак бўлса ҳатто амир (олдин Аҳадхон, энди Олимхон)дан шикоят қилаверар, ҳаммани бўралаб ҳам сўкар (шу боисдан, унга Қосимбек керак!) эди.

Сарроф кўчада кетаётиб (сўнгги пайтларда нечанчи бо-ра) Қосимбек билан хайр-хушлашишга қарор қилди. Шунинг баробарида, бошқа бирон дўсти, дардқаши йўқлигини ҳам эзилиб ўйлади.

Тори-танг кўчалардан масжид-мадрасалар қуббасигача қор босган эди.

Ҳақимжоннинг бошидаги шоҳи салладан тўпланган қор озгин юзи, пахмоқ соқолига сизиб тушмоқда эди.

У кўп йил бурун бировга ичкўёв бўлиб, отаси уйдан узоқлашган. Ҳозир, анча кундан бери болалиги ўтган ҳовлига бош суқмаганини эслаб, отамиз нега бизни сўроқлаган эканлар, деган хаёлдан нотинчлик сезмоқда эди. Ҳожи бобо албатта: «Қийналиб кетдинг, болам. Ма, ол!» — деб бир ҳамён пул бергани уни чақирмайди. Баъзан узидек муллалар даврасига айтади. Баъзан нимадир юмуш буюради. Гоҳ қойиш ёки панд-насиҳат қилиш учун ҳам чақиради. Қария болаларига нисбатан қаттиққўл! Айниқса, дини ислом бора-сида зиғирдек ҳам шаккокликни кўтармайди.

Ҳақимжон сарроф шуларни ўйлаганича, Гавкушон гуза-ридаги баланд ҳовлининг қўш табақали гужум дарвозаси олдига келиб тўхтади...

\* \* \*

Зилзила пайти Ер остидан гувиллаган бир овоз чиққани-дек ёки асов от пишқириб-сапчиб, устидаги чавандозни ағ-дариб ташламоқчи бўлганидек бир ҳолат анчадан буён се-зилмоқда эди!

Ҳожи бобо

Бухорода

бошқалардан олдинроқ —

ўша гувиллашни эшитиб, отнинг нотинчлигини кўз ол-дига келтирган эди! У ҳаётининг катта қисмини дунё кезиб ўтказган; дунё кўрган киши эди. Яқин орада минг йиллик тарих чокидан сўқилиши, суронлар, сарсон-саргардонлик-лар рўй бериши, ота-болага, бола-отага бегона йул тутиши муқаррар эканлигини ич-ичида ҳис этар эди. Шу боисдан, сўнгги кунларда унинг хаёли қочган, ҳар қачонгидан кўпроқ руҳи чўккан эди. Фарзандларини чақириб, уларга бот-бот гап уқдириб турганига қарамай, бу ҳақда у бирон пайт очиқ-ошкор сўзламаган эди! Мана, энди шунга қарор қил-ган эди.

— Жадид билан қадим деган гап юради. Огоҳ бўлинг-лар! Қўшилманглар! Дунёда эскидан галаёнлар бўлиб тура-

ди. Иблиснинг иши! Бундан қон тўкиш, бахтсизлик қолади. Муслмонга муносиб эмас! Қўшилманглар! Огоҳ бўлинглар!

Ҳожи бобо  
фарзандларига шу қабилда  
яна бирнималарни  
тушунтирди.

Аммо ўғиллари рухсат олиб, уйдан чиқиб кетишгач, —  
у олдингидан баттар  
паришонланди!

Назарида, кўнглида ҳис этганини ўз жигарларига англа-  
толмаган; бундан ҳам муҳими:

унинг АНГЛАГАНИни болалари мутлоқ ҲИС ЭТИШМАГАН  
эди!

Салимжоннинг хаёли янги хотин олиш билан банд;  
Каримжоннинг хаёли амирга яқинроқ суруниш (жой  
эгаллаш) билан банд;

Ҳақимжоннинг хаёли оз-моз мулк тўплаш билан банд! —  
Ҳожи бобо эзилиб кетди.

Булар қачон одам бўлади!  
Булар қачон халқ бўлади!

Бухоро — фалокат остонасида, қиёмат остонасида турган-  
ини ўн йил, йигирма йилдан кейин тушунишадими?!

Ушанда ҳам тушунишмасачи?!

Ҳожи бобо сандалга ярмигача кўмилиб, ўринга чўзилди.

У худобехабар болаларидан ҳам кўпроқ ҳозир ўзи-ўзидан  
норози эди! Унинг мақсади «қўшилманглар», «огоҳ бўлинг-  
лар» деб чайналиш эмас эди. Ҳожи бобо аниқ бир манзаран-  
ни чизмоқчи эди:

1. Унга Амир Абдулаҳад бемаврид қазо қилиб, Амир  
Олимхон бемаврид тахтга мингандек туюлар эди.

2. Бухорода Русия ҳукмини ўтказаетганидан буён (Амир  
Музаффар даври. У ўзи билиб-билмаган ҳолда, Русиянинг  
бутун Туркистонни қўлга киритишига сабабчи бўлган, хиз-  
мат қилган эди!) ҳукуматнинг аҳволи қизиқ (ҳам хўжайин, ҳам  
хўжайин эмас!) ҳолатда эди. Халқ икки томондан зулм чекар,  
шунинг баробарида, бевосита қайси томонга қарашини бил-  
маганидан, ички бир парокандалик юзага келган эди. (Бу  
тариҳда кейинчалик ҳам анча узоқ давом этди!)

3. Бухорога Амир Музаффар, кейин Амир Абдулаҳад дав-  
рида кўплаб татар домлалар ёпирилишган эди. (Булар ора-  
сида татарчани ўрганиб, татар домла «булиб» олган руслар  
ҳам учраб турар эди!) Улар муслмон эканликлари, мусл-  
мончилик шартларини бажаришганидан, аҳоли ичига эмин-  
эркин кириб кетишган эди. Аммо Русия фуқароси бўлишган-  
идан, Русия сиёсати билан яшар ва шу сиёсатни юргизиш-  
ар эди.

4. Бундан беш йил муқаддам Русияда кўтарилган исён-  
ғалаён нафаси Бухорога етиб келган эди. Шу орада Туркия  
ёшлари ғалаёнлари-ю, Эрондаги тўполонлар ҳам рўй бериб,

Бухорога ўз нафасини уфурган эди; бир ўзгариш кутилаётган ҳаво пайдо бўлган эди.

5. Амир Абдулаҳад ўзига довур ўтган шоҳлар-у, амирларнинг аксари сингари нафсга, кайфу сафога уч эди. Шунга қарамасдан, Абдулаҳад етарлича ақлли, ўзига хос заковатли эди. У тақводорлар орасида — тақводор, шоирлар орасида — шоир эди. Давлатни бошқаришда ҳам салоҳиятга эга эди. Одам танир, кимга қандай вазифани юклаб, кимни қай йусинда ўз рикобида тутишни яхши билар эди. Мангит амирларидан (Амир Насрулло ёки Амир Музаффардек зolim эмас) Абдулаҳад одил, шафқатли Амир деб ном чиқарган эди. Адоватли ишларни ҳам қон тўкмасдан, тинч ҳал этиш мумкин, деган ақидага риоя қилар эди! Йилида бирикки Русияга борар, рус подшоҳлари билан муносабатни бузишдан ҳам, чуқурлаштиришдан ҳам сақланиб турар эди. Бухорода давлатни асосан, Қозикалон билан Қушбеги бошқаришар эди. Абдулаҳад ўз қароргоҳини олдин эски Кармана шаҳрида, кейин сал нарироқдаги Олчин деган жойда, кейин яна нарироққа жилиб, Хайробод деган жойда тиккан, умрини шундай четда ўтказган эди. Бухорога ҳам йилида бир-икки келар эди. Унинг энг аввал, шу тахлит яшаб, салтанатни осойишта сақлаб тургани ажабланарли эди! Бундан ташқари, у Бухородан четланиб, ҳатто бу осойишталикка кўпроқ эришгандек ҳам эди! Русиядан келган ҳар хил вакиллар-у, арбоблар эриниб Карманага бориб юришмас, демак ҳадеб Бухоро ишига аралашинолмас эди. Бухорода катта бир муаммони кўтариб, жанжалга айлантиришнинг ўзи ҳам имконсиз эди.

6. Амир Олимхон отасидек омадли эмасди. Аксинча, фожией шахс эди. Унинг тахтга миниши дунё лим-лим косадек чайқалаётган пайтга тўғри келган эди. Олимхон табиатан ҳам, бугун ўтсин, эртага бир гап бўлар, қабалида яшашга мойил эди. У таъсирчан, серҳаяжон эди; бировларнинг сўзини эшитиб, фикри бир кўчадан тез иккинчи кўчага оғаверар эди. У Кармана ёки бошқа бир жой эмас, Бухорода кўним топиб, ўзим шахсан давлатни бошқараман, деб ўйлаган эди. Олимхон атроф-оламдан Бухорога кучли бир тўфон бостириб келаётганини (бир Уйғонишми, ўзгариш кутилаётганини) англамаган, англаган тақдирда ҳам, бу тўфон ўз бошига ёғилиши мумкинлигини ўйламаган, бунга аҳамият бермаган эди! У амирликка шу ҳолатда қадам қўйган эди.

Ҳожи бобо бу манзарани чизаман-у, болаларимнинг кўзлари мошдек очилади, деб ишонган эди.

Аттанг!

Ҳар бир инсоннинг (масалан, Амир Аҳадхон билан Амир Олимхонга ўхшаб) ўз ҳаёт, ўз қисмат йули бор. Ҳакамлик қилиш қимнинг қўлидан келибдики, Ҳожи бобонинг қўлидан келса! Баъзан қўйиб бериш керакмикан, деган хаёлга борасан ИНСОН!

Ҳожи бобо кўзларини чирт юмди.

Дунёда нима инсонга боғлиқ-у, нима Оллоҳга боғлиқ?! — ажратиш қийин. Бизнинг ақлимиз етмайди!

У ўтган суҳбатни хотирасида тиклашга уринди.

— Жаҳид билан қадим деган гап...

Бунга Ҳожи бобо ҳарҳолда, бекорга тўхталгани йўқ.

Ёшлар (ёш бухороликлар) жаҳид (янги) бўлиб, қадим (эски) кишиларга қарши кундан-кун жунбушга келишяпти. Тараққиёт, ислоҳ деб бор тартиб-тизимни бузиб ташлашга шахд этишяпти! Баъзилар ёшларни Аҳмад Донишнинг эркин фикри йўлдан чиқарди, дейишади. Бу унча тўғри эмас. Ҳалиги манзара! Бунинг устига, Бухоро ёшлари Русия, Туркия, Арабу Ажам дегандек турли юртларда ўқиб қайтишяпти. Дунё кеза бошлаган савдогарлар ҳам ҳар ердаги ҳаётни қийслаб, Бухородаги тартиб-тизимдан ич-ичларида норозилик туйишяпти! Умуман, ёшлар ҳақ. Бухоро жаҳолат ботқоғига ботган. Неча юз йиллик занжир-кишанли зиндону Регистонда ошкор одам сўйишдан тартиб куча-бозорда девордаги сояга ҳам қалтираб-букилиб қуллуқ қилишларгача — ҳаётнинг аҳволига маймунлар йиғлайди. Ҳаммаёқда порахўрлик, ўғрилик, бузуқлик. Мактаб-мадрасалар-чи?! Ёпиб ташласанг, ҳаққинг кетадиган аҳволда. Илмга на ҳурмат, на иштиёқ. Ёлпасига саводсизлик; шогирддан домласигача алифни калтак дейди. Булар майли. Қайсидир даврага кириб, бир оғиз тўғри гапни гапириб бўлмайди. Ақлли одамнинг ҳолига вой, ёлгон, бемаъни ҳар қандай фикрга қушилгандек, бошини силкиб утиришга мажбур. Йўқса, бошининг ўзи кетади. (Аҳмад Дониш бу жоҳилликни билмас-ю, ҳуркиб-ҳайикмаса, туғилиб-ўсган она шахрида рус фуқаросига «айланиб» олармиди?! Ўз сўзини айтиш, бемалол яшаб юриш учун бошқа либос киймай илоҳи қолмагандир-да?) Ёшларнинг зулматдан, эрксизликдан, аҳли ҳукамо одат қилган валақлашлардан тўйиб, бўғилиб қад кўтараётганини аслида, қўллаш керак! Ёшлик — беғуборлик! Ёшлик — журъат, гайрат! Шундай! Лекин... Лекин...

Ёшлик — соддалик, нодонлик ҳамдир!

Бу кунги ожизгина ҳаракат — эртанги исён-ғалаённинг бошланғич шакли!

Кейинги суронлар, сарсон-саргардонликлар муқаддима-си!

Бухоро ёшлари шунчаки, сўник ҳаётга ранг кириши, поймол бўлган ҳақ-ҳуқуқ тикланиши — дунёда маърифатли, кўркам яшашни истаб, бутун аждодлари ва яқин ўз ота-боболарига қарши қўл кўтараётганларини — буюк бир гуноҳга йўл тутаяётганликларини ҳали билмайдилар. (Ҳали уларнинг эғнида тўн, бошида салла; турқи-тароватларидан ота-боболар йўлидан кетаётган-у, озгина эътирозлари ҳам борга ухшайдилар; четдан бировнинг гапига қўлоқ солишни истамайдилар, холос; бошларини чайқаб, ўз ҲАҚИҚАТларини баён этмоққа шошадилар!) Улар ўзлари кўтарган калтак бир куни минг йиллик тарих, урф-одат, миллат, дин устида сини-

шини (мамлакатга бегона бир ҳаёт бостириб келаётганини) билсалар экан! Улар сувни тўкаман, деб кўзани ҳам синдиришга шайланганликларини билсалар экан! Билмайдилар. Ҳали тасаввур ҳам қилмайдилар... Яна аламли жойи, бахт, озодлик истаб, Бухоро доирасида ўз мақсадларига интилиб, Ёшлар билмайдиларки, дунёда улар ҳаёлига келтирилмаган «катта мақсадлар», манфаатлар бор. Балиқларни кўрдим демай ютадиган наҳанглар бор. Узун кўллар бор. Сендан ўқ ясаб, сени ўз милтиғига жойлаб-отадиган устомонлар бор! (Бир куни ҳали босмачи атаб, сени ўз-ўзинга қарши чиқиш, ҳатто ялтоқланиб куйлашга ургатадилар: *«Уйинг куйгур, босмачи! Бош боғламай, ўлсанг-чи! Босган изинг куйди...»* Ким дўст, ким душман?! — ажратолмай қоласан!) Олис-олисдан келаётган яккам-дуккам оёқ шарпалари, аччиқ-аччиқ ноаларни эшитсанг экан! Улимга юзланган кексалар, норасидалар, ёниб, тутаб ётган уйлар, ҳувиллаб қолган майдонлар, қорайиб пастлаган осмонни кўрсанг экан! Сен гофил банда...

Ҳожи бобо томоғи қуруқшаганини сезди.

Кўзларини очди.

Кўлларини ерга тираб кўзғолган бўлди.

Қоронғи тушаётганини пайқаб, биринчи навбатда сандал устидаги лампа-чироқни ёқди.

Кейин, бир пиёла чой ичди.

Кейин, деворга кифтини суяб, яна кўзларини чирт юмди...

Агар шу воқеалар барчаси Оллоҳнинг иродаси бўлса, —

Ҳеч ким монелик кўрсатолмайди!

Қочиб ҳам қутулолмайди!

Лекин инсон барибир, нималарнидир ҳисоб-китоб қилмай, чора изламай яшаёлмайди. Бусиз ҳаётда маъно қани?!

Ҳожи бобо

ниҳоят ҲАҚИҚАТни англагандек, бу гал

кўзларини катта очди.

У чарчаган эди. Кўпдан буён лоҳаслик сезар эди.

Шу аснода унга юрагида уйғонган НОТИНЧЛИК кўтарилиб, бугўзига қараб сурилиб келаётгандек туюлди. Ажиб бир мадор туйди... «Мен қуймайман! Йўл бермайман!» — деб ўйлади ўзича, Бухорода бўлаётган ЎЗГАРИШлар тўғрисида.

Кейин, ЁШЛАР тўғрисида:

«Улар ўзларини ўзлари ҳалок қилаяптилар!» — деб ўйлади.

(«Ўзлари билан бирга, халқни ҳалокатга бошлаяптилар!» — деб ҳам ўйлади.)

Кейин, яхши эмас, ухлаш керак, деган хаёлга борди.

Лампа-чироқни ўчирди.

Аммо

шу пайт...

ногаҳон хонага тўкин бир ёғду тўшалди.

Ҳожи бобо шошиб деразага қаради. Осмонда ой порлар эди!



Ҳовли юзида қалин-оппоқ қор нурга кўмилиб, жимирлар, сирли БУ ОЛАМ кишини ОЛИЙ БИР МАҚОМга чорлаётгандек эди!

«Мен қўймайман! Йўл бермайман!» — деб ўйлади ўзича яна Ҳожи бобо.

Назариди, у ҳозир, вақтни ўтказмай, кўксини тутибми, гавдаси биланми, Бухорони ғорат қиладиган КУЧни қайтариши, катта-кичик ҳаммани фалокатдан асраши керак эди!

Ҳожи бобо ўрнидан туриб, деворни тутганча-каловланиб, эшикка йўналди.

Ҳол-беҳол эшикни очди. Ҳовли ўртасигача кавушини судраб, оёқларини бир-бир босиб борди.

Сўнг тўхтади.

Юрагидаги НОТИНЧЛИК ҳамон бугзига қараб сурилмоқда эди.

У бошини кўтариб, қиздирилган чилдирмадек ой, келинлар устидан тўйларда сочилган тангадек юлдузлар, ёрқин, тиниқ осмонга қаради.

Оллоҳим, кечир! —

ерга гурс этиб йиқилди...

Эрталаб уни ҳовли юзидан топиб,

ичкарига олиб киришди.

Ҳожи бобо

тилдан ҳам,

оёқ-қўлдан ҳам қолган эди...

## 11

Бир маҳал Усмонга —

ўзи юмшоқ булут устида чўзилиб ётгандек туюлди.

Балки, қуёш нурида ярқираб-жимирлаган қалин-оппоқ қор устида ётгандир?!

Булут ҳам,

қор ҳам эмас,

бу — нам тортган қум эди!

Усмон ўрнидан турганча, у ён-бу ёнга аланглаб, ўзининг қандайдир чуқурлик (яна кўлми-ҳовузми, лекин суви йўқ) тубида эканлигини пайқайди. Атрофда қум тоғлари кўкка юксалган эди.

Бу жойни Ер усти ҳам, Ер ости ҳам деса бўлаверади!

Усмон чуқурликка афтидан, тўзонда сурилибми, сирғалибми?! — сезмай, тушиб кетган эди. Шу дамда эслади...

унга ўхшаган кимса саҳрода адашиб, шундай ўрага тушган экан. Қум ўрада бу одам бир хотин («Қумдаги хотин»)ни учратади. Кейин, улар чуқурликда қолиб кетадилар!

Япон саҳросига хос аҳволни билиш қийин. Аммо бизнинг саҳроларда бундай чуқурликда узоқ туролмайсан! Бир кун ё

бир тун ичида тўзон чуқурликни кўмиб, нарироқда бошқа ўра очиши мумкин! (Бизда шамоллар КУЧЛИ!)

Карвон энди йўқ. Изма-из судралиб келаётганга ҳам ўхшамайди. Кўнгироқ ҳам жарангламаяпти. Жимжит.

— «Сиз халқдан узилиб қолдингиз!»

Рухсора ўпқаланишга эҳтимол, ҳақли.

Одамларга қайишиш керак!

*«Одами эрсанг, демагил одами —  
Оники, йўқ халқ гамидин гами...»*

*(Навоий)*

*«Биз бошқаларнинг бахтини уйлаб,  
ўзимиз ҳам бахтга эришамиз!»*

*(Афлотун)*

Шундай! Лекин...

одамлар (кўпчилик) тутган йўл доим тўғри, деб бўлади-ми?!

(Ахир, улар, афиналик жаноблар, Сукротни ўлдиришмаганмиди?!)

(Кўпчилик қудуқдан сув олиб чиққанинг қадрига ҳам етмайди!)

Оломон қайси пучмоқларга отмайди ўзини...

ШАХС баъзан ХАЛҚдан узилиб ҳам қолаверади!

(Сукрот сингари.

Афлотун сингари.

Форобий сингари.

Машраб сингари.

Рауф сингари...)

Усмон Рауфни топиш (ва Рухсорани кўриш) учун —

ЎЗ ЙЎЛИдан БОРИШга мажбур эди!

У (тушидами, ўнгидами?! — ҳалигина) бир қур дийдор кўрсатган Рухсорани кўлидан тутиб, ёнида олиб қолмагани (қололмагани)га ҳозир ўкинмоқда эди. Демак, қидириш, биринчи навбатда бу чуқурликдан юқорига кўтарилиш керак!

Энди яна Рауф...

Сен Ер остида (қабри номаълум, гўри-кафани йўқ) топилмаган-бўлмаган шароитда уни Ер устида — қаердан, қандай топасан?!

Бу — имконсиз ҳол! Рухсора тушунса экан?! Тушунмайди. Қабул қилмайди...

айтдими («Хукм — хукминг, рой — ройингдир!») умр бўйи ўзингни шу йўлга тикаверасан!

Усмон қум тоғларидан бирига

чирмашиб чиқишга урина бошлади...

\* \* \*

У ўзи (чуқурликка тушгунчами, кейинми) эслаган воқеалар магзини энди чақа бошлади.

Ҳожи бобонинг ўғилларидан бири  
Салимжон — Ака Саиднинг отаси,  
унинг (Усмоннинг) бобоси эди.  
Ҳакимжон сарроф эса, (Рауфнинг отаси) —  
Абдураҳим бойнинг хизматчиларидан бири эди.  
Ҳўш?! Яна икки кишининг (узук-юлуқ, пала-партиш) ҳи-  
кояти...

\* \* \*

«Когон шаҳрида «Бухоройи шариф» номи билан форсча,  
«Турон» номи билан туркий тилда газета чиқа бошлади.

(Кримда чиққан «Таржимон», Искандарияда, сўнг Қоҳи-  
рада чиққан «Чехранамо», Мисрда чиққан «Парвариш»,  
Калькуттада чиққан «Ҳаблул-матин» газеталари Бухорога ке-  
либ турар эди.)

Бухоро ёшлари жиддийроқ ҳаракатга киришмоқчи бў-  
либ, энг аввал «Болалар тарбияси» исмида яширин бир  
жамият тузишди. Жамиятнинг асосий иши ташвиқот (дан  
иборат) эди.

1914 ўқув йилида (жаҳон муҳорабаси бораётган пайт)  
ёпиқ ва ғайри расмий бўлган мактаблар сони беш-олтитага  
етди. Бундай бошланғич мактаблар билан бир қаторда, кат-  
та ёшдаги саводли кишилар учун ҳам мактаб ва саводсизлар  
учун кечки синфлар очилган эди.

Худди мана шу вақтда Амир одамлари барча мактаблар-  
нинг муаллимларини йиғиб, аркка — Қушбегининг олдига  
олиб бордилар. Қушбеги улардан минбаъд муаллимликни  
йиғиштириб қўйиш ҳақида тилхат олди. Агар ким буни ба-  
жармаса, сургун қилинади, деб огоҳлантирди.

У тиззаси олдидаги бир қоғозни кўтариб қараганча;  
— Рус ахборнавислари бир неча кишини, сиёсий суҳбат-  
лар қилалар; Русиянинг шикасти, Германия ва Туркиянинг  
ғалабасидан сўйларлар, деб ёзмишлар. Сенинг исминг шу  
орададир! — деди.

Мен:

— Бунинг ҳақиқий сабабини албатта, ёзган одам билар.  
Лекин мен ҳамиша газет ўқийман. Эҳтимол, воқеанавислар  
шундан сиёсий суҳбатларни гумон қилгандирлар. Бу асос-  
сиз нарса! — дедим.

Қушбеги:

— Сиз бир мулла ва машхур кимса! Сизнинг газет ўқи-  
шингиз диққатларни жалб қиладир. Сиз Қуръон ўқинг, китоб  
ўқинг, муносиби шул! — деди.

Мен:

— Қуръон ва китоблар ҳам ўз вақти, ўз навбатида ўқилур.  
Мен мутולהага ҳарисман; ҳирсим ишқ даражасига етишган.  
Агар бирон кун газет ўқимасам, хафақон касалига гирифтор  
бўлурман! — дедим.

Қушбеги тиззаси олдига ишорат қилиб:

— Бизга ҳам газетлар келади. Уқимайман, денг. Сизга рухсат, — деди.

Бу шароитда жамият баъзи-баъзида, жуда хилват жойлардагина йигилар эди. Чор охранкасининг буйругига кўра амир ҳукумати шубҳали кишиларни тезда қўлга тушириш мақсадида сиёсатдан сўзлагувчи ёки газетхони бўлган ҳар бир гузарга махфий агентлар (жосуслар) тайинлаб қўйган эди...»

\* \* \*

«Тахминан олти ёшларда эдим.

Бир куни онам билан холамнинг уйига бордик.

Шум, нотинч эдим. Уйда шўхлик қилган бўлсам керак, мендан ташқарига чиқиб ўйнашимни сўрашди.

Ховлига чиқиб, эндигина остонада ўтирган эдим, бехос тарақ-туруқлаб, уч от кўшилган катта бир фойтун кўринди. Фойтуннинг усти қизил духоба билан қопланган, отлар устига ҳам қизил духоба ташланган эди.

Ажабо! Фойтун кўчада шиддатланиб келаётиб, мен ўтирган остонага етганида, таққа тўхтади. Фойтунда катта бахмал болишга суяниб, паранжи ёпинган бир аёл ўтирарди. У юзини очиб, сурма тортилган қоп-қора, пичоқ дамидай ярақлаган кўзларини менга тикди:

— Она қизим! Хоним уйдадилар?!

Холам Бухородаги тўй-ҳашамларда, ҳатто амир аркидаги кўп базмларда ҳам қатнашиб юрган раққоса бўлиб, уни Хоним дейишарди. Ўрнимдан қўзғолиб, холамни чақириб келдим.

— Тузуккинамисиз, Хоним?! Бинойимисиз?! — деб сўрашди бояги хотин. — Арқда бугун базм бор, — деди шундан сўнг. — Ҳазратим Раҳимхонга тўй беряптилар.

Мен Амир Олимхоннинг Султон, Шоҳмурод, Раҳим деган ўғиллари борлиги, ўша куни гап шулардан кенжаси тўғрисида борганлигини кейинчалик билдим. Шу фурсатда эса, мени фақат арқда базм бўлаётгани қизиқтирди.

Қайтиб ичкарига кириб, оёқларига маҳси, эгнига шоҳи кияётган холамга гирдикапалак бўла бошладим:

— Мен ҳам борай, хайми?! Жон хола...

— Қўй, болам. Сенга нима бор?! Арқ ёмон жой...

Холам билан онам мени шаштимдан қайтаришга анча уринишди. Аммо мен қайсарланиб олган эдим. Томоша кўргим келмоқда эди! Ахийри, улар менга ён беришди. Холам каттакон бир қизил рўмол топиб, устимга ёпди. Эгнимдаги қалами кўйлакни рўмол билан паналаб, мени ясантирган бўлди.

Кўчага чиқдик. Фойтунда ўтирган хотин мен эргашаётганимни кўриб, авзойи ўзгарди. Холамга шу ишингиз келишмади, мазмунида гап қилди.

Фойтун кўчадан-кўчага, гузардан-гузарга ўтиб, Регистон-

га келди. Темир қуббали дарвозадан юқорига қиялаб кетган ингичка йўлакка кириб, бу ердан арк ҳовлисига кўтарилди.

Мен кеч қоронгисида ногаҳон ўзимни биллурий қандиллар кундузгидек ёритган, гуж-гуж аёллар давра куриб ўтирган ҳайбатли бир хонада кўрдим. Хона деворлари этагига ташланган қалин кўрпачалардан жой олган аёлларнинг юзи очиқ, манглайларида хилол шаклидаги заррин пешонабанд, буйинларига шода-шода маржон, марварид осилган эди. Бизни аркка бошлаб келган хотин сингари буларнинг ҳам сурма тортилган кўзлари ярақлар, қулоқларидаги кафтдек исирғалар, бармоқларига тақилган узуклар-у, қўллари бандидаги тилла билакузуклар қандиллардан ёлган шуълада ярқираб эди.

Холам менинг бир ёнимда, бизга таниш бояги хотин иккинчи ёнимда ўтиришди. Буларни даврада хуррам қаршилаган, афтидан, бу хонада тўпланганлар бир-бирларини яхши билишар эди.

Ҳамма говур-шовур кўтариб, ўзаро гурунглашишар; шокилал елпиғичлар билан осойишта елпинишар эди. Бирданнига хона жим бўлиб қолди... Кейин, барча гурр этиб ўрнидан турди.

Хонага икки аёл қандайдир кампирни қўлтиқлаб киришди. Кампир оғир тақинчоқлар билан безанган; унинг жуссаси кичик, лекин ёлқалари, буйинини тик, кибор тутишидан, у ўзини тоғдек ҳис этаётгани кўриниб турар эди. Аёллар эгилиб-букилиб:

— Ассалому алайкум, Эшон ойим...

— Эшон ойим, саломатгина юрибсизми?! — чуғурлаша бошлашди. Кампирни тўрга олиб чиқиб, лула-болишлар орасига ўтиргизишди.

— Бу киши ҳазратнинг ойилари! — пичирлаб менга деди холам. Мен аввалига «Қайси ҳазрат экан?» — деб, тушунмадим. Сўнг гап амир устида бораётганини пайқадим.

Кампир (балки, кампир ҳам эмас, шунчаки катта ёшдаги аёлдир!) кўхлик; қошларига ўсма тортиб, ўзига етарлича оро ҳам берган эди. Унинг афти-ангоридан ўзини тутишигача, ажиб таманно кўзга ташланарди.

Нихоят, қиздирилган чилдирмалар даранглаб кетди. Гоҳ нари, гоҳ бери ёқдан раққосалар ўртага чиқиб, рақсга туша бошлашди. Эшон ойим вазмин, хомуш ўтирар, онда-сонда бирон раққосага «балли» деб кўяр эди.

Базм қизигандан қизирди. Уйин навбати холамга келди. Мен холамнинг машқларини кўриб юрардим. Бироқ унинг қандай рақсга тушишини тасаввур ҳам қилолмасдим. Холам бир ўт экан; аёлларнинг мастона қий-чуви остида, оққушдек даврада парвоз эта бошлади.

— Балли, Хоним. Бугун яхши ўйнадингиз! — деди Эшон ойим ва...

олдинга энкайиб, менга тикилиб қолди.

— Бу қизча ким?!

— Мен... мен... — пичирлади саросималаниб, ёнимга келиб кўнган холам.

— Отинг нима?! — унга аҳамият бермай, мендан сўради Эшон ойим.

— Рух... Рухсора... (Ушбу ҳикоя эгасининг ҳам исми шундай! — эди.)

— Қизимиз бизга битта ўйнаб берсин!

Барча аёллар шуни кутаётгандек, мени тортиб-юлқиб, ўртага суриб ташлашди. «Ўйна! Ўйна!» — деган хитоблар янгради. Кимдир устимдаги рўмолни тортди, яланг кўйлақда қолдим. Бўйнимни қисиб, фаромушланиб турар эдим.

Хонага сукут чўккандек эди (чилдирма ҳам ҳадеганда дарангламаётган эди.) Шу пайт кўзим тушди... Эшон ойимнинг қаршисида юзи карахт бир аёл чўнқайиб ўтирарди. Аёлга у нимадир дегандек бўлди. Аёл ўрnidан сапчиб, эшикни очди. Кўп ўтмай, қўлида кумуш лаъли, яна эшикда кўринди. Лаъли устида тугун бор эди, ўртага келтириб кўйиб, очди. У ҳамманинг олдида мени шир ечинтириб, янги кийимлар кийдирди, ясантирди. «Ўйна! Ўйна!»

Чилдирма энди дарангламоқда эди.

Мен тўйда ясатилган той эдим. Бунинг устига, орқамга қамчи туширилган эди! Холамга тақлид қилиб юришимга қарамай, ўйинни билмас эдим. Аммо даврада айланишдан бўлак иложим ҳам йўқ эди! Айландим...

— Бу қизни менга берасиз! — деди Эшон ойим, ўйин тугагач.

— Мингта қизим бўлса, сизга қурбон! Лекин бу қиз бошқа...

— Менга барибир! У менга керак... Биз уни тарбиялаймиз!

Шундай қилиб, мен кўп йиллар арқда қолиб кетдим...»

## 12

Амир Олимхон,  
Ҳакимжон сарроф,  
Қосимбек,  
Ака Саид,  
Ҳожи бобо,  
Янги Уламо,  
Раққоса...  
ва албатта,  
Рауф ҳаётига тегишли  
бу узук-юлук, пала-партиш воқеалар —  
мана, ниҳоят, Усмоннинг кўзлари олдидан ўтди-кетди!  
Ортда қолган карвондек... ёки  
қумга сингиган тўрт-беш томчи сув...  
Усмонга (ҳозирча) бу ВОҚЕАЛАР тўғрисида мушоҳада

юритиб ўтириш ортиқча туюлмоқда эди! Шунчаки эслади-қўйди. Рауфни топишимга фойдаси тегармикан, деб ўйлади, холос. Маъно чиқмади... Албатта, бундай чуқурликда туриб, Рауфни тополмайсан!

Усмон гоҳ у, гоҳ бу қум тоғига чирмашиб, —  
анчадан буён юқорига кўтарилишга уринмоқда эди.  
Гоҳ этакнинг ўзидан, гоҳ камарга етганда сирғалиб, —  
қайтиб пастга тушиб кетар эди.  
(Бу — қудуққа тушгандан ҳам баттар эди!)  
Икки-уч марта ҳатто ана, чиқиб олдим, деганда —  
тоғнинг нақ чўққисидан сурунган қум билан бирга сирпа-

ниб,  
чуқурликнинг ҳув узоқ ўртасига бориб тушди.

Шунда...

эй мен Абдураҳим бойга ўхшаб қолдим-ку, деган гапни у  
туйқусдан «топиб олди». Пичирлаб такрорлай бошлади.

Абдураҳим бой...

Абдураҳим бой...

Абдураҳим бой...

Мен Абдураҳим бойга ўхшаб қолдим!

\* \* \*

— Да-да...

— Гапир, ўғлим!

— Мен тушунмадим. Нега Абдураҳим бой?!

— Балки, Рауф учундир! Ахир, ота-бола...

— Йўқ. Бошқа... У ҳам бир пайт чуқурликка тушганмиди?!

— Тушган! Саҳрода судралиб... Мен фақат бу воқеани  
унутган эканман...

\* \* \*

*Гарчи улар жўн қарар,  
Бир қарамас, ўн қарар.  
Бошда сизни кўтариб, —  
Ерга кейин, тўнқарар...*

УЛАР, дегани ким?! (Ҳожи бобо эслаган наҳанглар, усто-  
монларми?!)

СИЗ, дегани-чи?! (Ёшлар, майдонга тушганларми?!)

бу — бирон шоирнинг шеърими ёки кимдир кўча-қўйда  
тўқиб, одамлар орасида тарқатганми?! —

Усмон билмас эди.

Лекин Бухорода одамлардан  
кейинги суронлар, сарсон-саргардонликлар тўғрисида  
неча марталаб эшитган эди.

Қисқаси...

Ҳожи бобо бир кунлар ҳис этган

ДАВР келган эди!

Халқ иккига бўлинган эди.

Булар энди (янги, маърифат истаган) жадидлар билан қадимлар (жоҳиллигидан ёшларга қарши кўчага таёқ кўтариб чиқадиған оддий муллалар) эмасди. Кимдир Катта Тунтаришга тарафдор, кимдир душман эди!

(«Икки тўлқин курашмоқда...»)

Халқ иккига бўлинган эди!

Ота ва бола — қирпичоқ,

она ва қиз — юз кўрмас,

ака ва ука,

ака ва сингил — одамлар —

бири-бирини тушунмайди!

Ким ҳақ, ким ноҳақ?! — айтолмайсан.

Туполон-бозор. Бўрон...

Абдураҳим бой

у томонга ҳам, бу томонга ҳам —

қўшилмаган эди!

У тижорат кишиси эди. Ўз ишини яхши биларди.

Менинг сиёсатга ақлим етмайди, дер эди.

Унинг ёши ҳам ўтган эди...

Бир қарра

ўғли билан кўришгани

Тошкентга келди.

Ўғлининг уйини қидириб, тополмади. Вақт ҳам кеч бўлиб қолган эди. Кайковус ариғи бўйидаги ғариб бир чойхонага кирди. Тунни шу ерда ўтказишга қарор қилди.

Бу одам энди умуман, бой ҳам, савдогар ҳам эмас, қари дарбадар эди. (Ҳатто бош олиб кетадиған тайин жойи ҳам йўқ эди!)

Чойхонада унга тўшаб берилган ўринда ёнбошлаб, бир чойнак чойни эзиб ичди. Кейин, йиртиқ-сиртиқ яктагини ечиб, оёқларини ўради. Бошини ёстиққа қўйди.

Кўпдан буён у иссиқ тўшакда, осойишта, ширин ухлашга орзуманд эди. Аммо кўпдан буён ҳеч ерда кўним тополмаганидек, ором ҳам насиб этмаётган эди. Ухлаёлмас, туни бўйи мижджа қоқмас эди.

Қизиқ жойи, дарбадар одатда, уйқудан эмас, ўзига буюрган омонат (ўткинчи) ўриндан кўнглида шикоят сезар эди!

Ҳозир ҳам остидаги пахтаси қотиб, тахтага айланган кўрпа, тер иси ўрнашган ёстиқдан ўзича қандайдир озор туйди. Бунга ўраниб олган яктагининг увадалигидан аламми-изтироб қўшилди. (Бухоролик ёшлар, болалар оталари, оналари бир куни шундай хор, саргардон бўлишини билишганмиди?!)

У! Бундан озгина муддат илгари Абдураҳим қандай бадавлат эди! Амирни сариқ чақага олмасди!

(Амир Олимхонга бегисанд қараб, ер билан яксон қилиш ўғлига ундан юққанмикан?!)



Аслида, отасидан унга озгина, арзимас мулк қолган эди.

Абдурахим чаққон эди. Савдогарликка қўл урди. Қишлоқлардан пахта ва юнг сотиб олиб, бошқа шаҳарларга (гоҳ Москов, гоҳ Истамбул) элиб сотаверди. Қўлига пул кира бошлади.

Ушанда унинг омади чопди.

Бир куни Сари-пули Рўангарон гузаридан ўтиб кетаётган эди, шаҳар қозисини кўриб қолди. Қози отасининг ошнаси эди. Уни кўймай, ички-ташқи, болохонали ҳовлисига бошлади. Чой қилди. Кейин, «сизга бир ҳангома, тақсиржон», деди. Кейин, узоқдан гап бошлади:

— Мустабшира отли бир пари бор...

— Қаерда?! — кулди Абдурахим.

— Ўз шаҳримиз, Бухоро... Таърифини эшитмаган экансиз, дунёга келмабсиз! Бу — махфий гап, локин сизга айттай... Амир Аҳадхон ҳазратимнинг бир неча маҳрамлари кўча-кўйда юриб, хонадонларга кириб, сарой учун қиз топишади! Алқисса, маҳрамлар шу парини кўриб, ҳазратимга мақтаган. Ҳазратим яқо ушлаб, менга олиб келинглар, деган...

— Буни нега менга дoston қияпсиз?! — яна кулди Абдурахим.

— Аввал гўш қилмайсизми?! — инжиб деди қози. — Хўш, Амирим парини олай, деб турсалар, катта бир амалдорлари ҳузурларига кириб, ер ўпиб: «Бир қошиқ қонимдан кечсангиз, аъло ҳазрат!» депти. Амир: «Бахай?!» дептулар. «Азбаройи Худо, бу қиз ўғлимга унаштирилган!» — депти амалдор. Амирим марҳаматли одам, шу палла кайфиятлари ҳам чоқ экан «бахтли бўлсун!» — дептулар... Амалдор тўйни тезлатибди! Хулласи калом, тўй куни ҳам етиб келипти. Уғил-доммод эрталаб ёру жўрасига базм берипти. Баъд азин, «кечаси келинни уйига борамиз, унгача бир ухлай!» — деб бўш хонага кириб кетипти... Анча вақт ўтибди. Эшикка ана қарасалар чиқмайди, мана қарасалар, чиқмайди, ахийри офтоб ботибди. Одамлар танг бўлуб, уйготайлуқ, деб ичкарига кирибдилар. Кўрсалар, ўғил-доммод ётган жойида ўлиб қолган экан! Тўй мотамга алмашипти... Шу, денг, икки йил бўлди, келин, пари бечора ҳамон боши маломатдан чиқмайди! У ёндан ҳам, бу ёндан ҳам йўли очилмаган...

— Ҳикоятдан мурод не?! — қизиқсинди Абдурахим.

— Мурод?! Шу парини сизга олиб берай, тақсиржон!

— Бир йигитнинг бошини егани камми?!

— Ҳусни жойига-да! Париликка пари...

— Ҳуснига нон ботириб емасман...

— Ота авлоди сипоҳи, она авлоди савдогар. Таг-туғли. Зиён кўрмайсиз! Мен айтаман, унинг шаръан гуноҳи йўқ. Инчунинки, хоҳиши Худо не бўлса, шу бўладир! Бир қизни бекор маломатдан қутқармоқ ҳам йигитнинг иши. Савоб...

Абдурахим бир неча кун бу гапни ўйлаб юрди.

Ниҳоят, қозининг гапи маънили эканлигини ҳис этди.

Мустабшира бонуга уйланди.

Қулидаги бир мулки икки бўлди.

Кейин, Бухорода «завуд очмоқ» орзусига тушди.

Очди.

Кейин, Марғилонга бориб, «завуд очди».

Марғилонда бир неча йил яшади.

Кейин, Қашқарга жўнади.

Анча йил Қашқарда яшади.

Бисот-бағали ДУНЁ БҮЙЛАБ сочилган эди!

Истаган жойда — ўзи истагандек ҳаёт кечирар эди!

Кутилмаганда...

Катта тўнтариш рўй берди.

Абдурахим

ўзи чирмаша-чирмаша кўтарилган

тепалиқдан —

ортга, қуйига бирдан

шиддат билан сирғалиб (сирпаниб)

тушгандек бўлди!

У икки-уч марта Бухородан қочишни ўйлаб,

чегарага борди.

Аммо иши юришмади.

Уни тутиб, қамашди.

Қамоқдан чиққач, ҳамма нарсадан мосуво ҳолга тушганига қаноат ҳосил қилди. Унинг ҳовлилари ҳам, дўконлари ҳам — бор мулки таланган, ўғирланган, мусодара қилинган эди!

У энди хизматчиларидан Ҳакимжон саррофнинг дўконига бир-икки кўзи тушган (бу нима қилиб юрибди бу ерда, деб гаши келган) Қосимбекни баъзан эслар эди.

Ўзича ўйлар эди:

чархи кажрафтор!

Амир Олимхон — Қосимбек...

Файзулла Хўжа — Қосимбек...

Мен — Қосимбек...

Ўғлим — Қосимбек...

Биз ҳам ўз давлатимиздан айрилдик!

Абдурахим ўглини кўп йилдан буён кўрмаган эди. Бу кунги қиёфасини тасаввур ҳам қилолмас эди...

Ўгли туғилганида,

бой уйда эмасди.

Навбатдаги бир тижоратдан қайтганида, духобага ўралган чақалоқни келтириб, қулига тутқазди.

У болани манглайдан ўпди.

— Исми не бўлди?!

— Абдурауф кўйдик!

— Рауф! Яхши...

Кейин, яна ўз ташвишларига ботди. Ўглини кам кўрар эди!

Бир куни, нима бўлди-ю, дераза олдида Мустабшира

бону билан сўзлашаётиб, ҳовлига қаради. Ҳовлида бир йигитча каптарга дон сепар эди. Иккита курка ҳам унинг атрофида айланиб юрар эди.

— Бону! Ўглинг неччида? — деб сўради Абдураҳим.

— Ўн етти...

Бой кўлидаги чойни индамай ичиб, ҳовлига чиқди.

— Яхшироқ кийининг, ўғлим!

— Хуп, дада.

— Дарров!

Рауф шоҳи яқтак, амиркон маҳси кийиб, бошига оқ дастор ураб чиқди. Бой уни кўчага етаклади.

Бирон ерга борадиган бўлса, ҳеч кимга ҳисоб бериб ўтирмас эди. (Ўзига хон, ўзига бек эди!) Унинг қаерда, нима иш билан банд эканлигини уйига хабар берадиганлар топилар эди...

Ўглини бошлаб, шу кетганча...

қишлоқлар, шаҳарлар, дарёлар, денгизларни кечиб, — улар Маккага бордилар.

Макка, Мадинани зиёрат қилдилар.

Кейин, Туркия, Эрон, Русиянинг бир неча шаҳарларини айландилар...

Бу олис сафардан Бухорога қайтиб келишгач, —

Абдураҳим яна ўглини «унутди».

Аҳён-аҳён юзма-юз келишар; у энди ўғлига «Ҳожи» деб мурожаат қилар эди:

— Ҳожи! Бизга қачон кўмак берасиз?!

— Хизматингизга тайёрман, дада!

Шу билан, гап тамом эди.

У Мустабширадан ташқари, Марғилонда Орзухон, Қашқарда Қиличхонга ҳам уйланган эди... Орзухондан бир қиз, бир ўгли бор эди. Абдураҳим буларни ҳам беш-ўн кўрган эди, холос... Бир куни ҳовлида Мустабшира бону озғин болакай, пахмоқсоч қизалоқни кўрсатиб:

— Бой, буларни танийсизми?! — деб сўраган эди.

У «таниб олишга» улгурмай, Абдуфаттоҳ билан Маҳбуба «дадажон» деб бағрига отилишди.

Лекин кейин, барибир буларни (ҳам) яна «унутиб» юборди.

(Бу хонадондан Маҳбуба, чамаси узоқроқ яшади. У Бек деган озар кишига теккан эди. «Маҳбуба Раҳим қизи» имзо-си билан кўп шеърлари ҳам эълон қилинган!)

Абдураҳим Тошкентда ўглининг уйини топган тақдирда ҳам, бу ерда яшаб қолмоқчи эмас эди, албатта. У, Рауф шуҳратли бир одам эканлигини эшитган эди. Кўнглида бироз фахрланарди. Шунинг баробарида...

**ЯНГИ ЗАМОН КИШИЛАРИГА** (жумладан, ўғлига нисбатан ҳам) у қандайдир **БЕГОНАЛИК** ҳис этар эди.

*«Ғирт нодонлик, бу — ҳали у қадар катта иллат эмас; ҳар нарсани оз-оздан ўзлаштириб, ўзингни билимдон деб ўйлаш ундан баттарроқ фожеадир!» (Афлотун).*

Абдурахим ўзи ҳақда ғирт нодон, янгича яшамоқни истаганлар туғрисида эса «билимдон»лар, деб ўйлар эди.

У ўглининг юз-кўзига шунчаки тикилмоқчи эди!

*«Одамлар бошларига бирон мушкуллик тушганида, ҳамма нарсадан, ҳатто тақдирдан, Тангридан зорланадилар-у, ҳеч қачон ўз-ўзларидан норозилик сезмайдилар!» (Афлотун).*

Абдурахим бу тоифага кирмас эди.

У мен бой бўлай, улуғ бир ишлар қилай, деб, умримни шу мақсадга тикиб, атрофимдаги одамларга, айниқса фарзандларимга кам меҳр кўргуздим, хато қилдим! — шундай фикрга келган; аллақачон ўзи-ўзидан норозилик сезишга одатланган эди. (Уни энг кўп эзадиган ҳолат ҳам шу эди!) *«Дунё муҳаббатдан бошқа нарсага ярамас экан!»*

Кари дарбадар

эртаси куни

ўглининг уйини қидириб юрмади. (Топмадимми, топмадим! — деб ўйлади.)

Бухорога қайтди.

Кейин, дашти-сахрога жўнади.

Кейин...

яна...

чегарага қараб кетди...

## 13

Усмон

қум тоғига чирмаша-чирмаша

ахийри

азоб билан

бир тепаликка кўтарилди.

Шу аснода

чуқурликни қум кўмаётганини пайқади.

Олдинга —

қумда сирпана-сирпана —

сурила бошлади.

Орадан кўп ўтмай...

ортда қолганми-йўқолган карвон ҳам

етиб келди.

У карвонга қўшилди.

Отлиқлар, туя минганлар, ҳатто хачир минганлар...

пиёдалар...

Бутун бир карвон!

Энди яна (дунёнинг айланиши) —

эски (аввалги) манзара...

қум тепалардаги саксовул, юлғун, юзган, ковгар, ялпи қизариб ётган тикан буталарини оралаб, сувсираган, ҳолмадори қуриган одамлар қудуқ томон вазмин суринишмоқда эди.

Усмон ҳам.  
Хаёлга ботган.  
Уни ҳамон олдинги (ўша) саволлар қийнамоқда эди:  
Мен Рауфни топаманми?!  
Менга Рухсорани кўриш насиб этармикан?!

## Муҳаббатнинг саройи

(Собир)

(Учинчи қисм)

14

*(Муҳаббатнинг саройи кенг экан, йўлни йўқотдим-ку,  
Асрлик тош янглиғ — бу хатарлик йўлда қотдим-ку.*

*Карашма денгизин кўрдим, на нозлик тўлқини бордир,  
Ҳалокат бўлғусин билмай, қулочни катта отдим-ку.*

*Ажаб дунё экан, бу ишқ дунёси, аё дўстлар,  
Бу дунё, деб у дунёни баҳосиз пулга сотдим-ку.*

*Унинг гулзорида булбул ўқиб, қон айлади бағрим,  
Кўзимдин ёшни жў айлаб, аламлар ичра ботдим-ку.*

*Қаландардек юриб дунёни кездим, топмайин ёрни,  
Яна кулбамга қайгулар, аламлар бирла қайтдим-ку.*

*Муҳаббат осмонида гузал Чўлпон эдим, дўстлар,  
Қуёшнинг нурига тоқат қилолмай, ерга ботдим-ку.)*

\* \* \*

Муҳаббатнинг саройи кенг экан...  
топмайин ёрни...  
яна кулбам...

\* \* \*

Осмонга учган киши маълум вақт ўтиб, барибир ерга  
тушади,

Бусиз илож йўқ.  
Инсоннинг маскани — Ер...

\* \* \*

Чексиз саҳрода тентираган  
Усмон ҳам «қайгулар, аламлар бирла»  
ўз кулбасига қайтди...

\* \* \*

Ривоятми, эртақми?! — тугади...  
Ҳаёт-чи?!

Ҳаёт ҳамиша озгина бахт, озгина омад келсин, деб ма-  
шаққатлар, кулфатларга чидаш ва албатта, —  
ЎЗ ОДАМИЙ ҚИЁФАНГНИ САҚЛАБ ҚОЛИШ учун  
ҳар қадамда ЭЗГУЛИК ва ЁВУЗЛИК тўғрисида  
уйлаш, интилиб-курашиб ЯШАШдан  
иборат экан!

\* \* \*

Усмон дунёга келиб, кўргани — ҚИЙИНЧИЛИК эди.  
Унинг ота-онаси қўли қисқа кишилар эди.  
(Ака Саид қамалиб чиққан. Касби-кори ҳам касодга учра-  
ган эди.)

Усмон кейин ҳам кўпинча юпун, оч-наҳор кун кечирди.

(Эй ҳамон...)

Ушанда ДАВР қизиқ эди.

Аҳолининг тўқсон фоизи бир хилда «камбағал-деҳқон ои-  
ласида туғилдим» деб ёзади. Мумкин! Ёки, бемалол «камба-  
ғалпарвар ҳукумат» дейиш мумкин (керак ҳам)! Аммо...  
камбағалман, деб бўлмайди.

Аксинча, бойман, деб ҳам.

Камбағалман, десанг — ҳаётдан, даврдан норози, ши-  
коят қилганга ўхшайсан! Бойман, десанг — душман!

— Қандай яшаяпсиз?!

— Ҳамма қатори! Кўпчилик қандай бўлса, биз ҳам шу!

*(Бўлинганни бўри ер,*

*айрилганни айиқ ер!)*

Машина винти, деган гап чиққан. Мен катта бир машина  
винти (Одам, Шахс эмас)!

Кўпчилик! — яхши.

Ҳамма! — яхши.

Тенглик! — яхши.

Лекин Худо азалдан ДУНЁни бошқача яратган-да...

Ит-мушуклар ҳам тенг эмас. Бирлари кўчада қолади.  
Бирлари пар ёстикда думалайди!

Атрофга қарасанг, барибир бой билан камбағал бор.

Ойни этак билан ёполмайсан!

*(«Ойни этак билан ёпиш ҳам мумкин!»)*

Гапнинг индаллоси...

Усмон афтидан, омадли ҳам эмасди.

(Оз-моз илм билан шуғулланишдан бўлак бирон иш  
унинг кўлидан келмас эди. Уқувсизми, ҳаёлпарастми?! —  
шунақа эди.)

(У баъзан ўғлига, мен бир пайтлар, ёшлигимда зўр  
эдим, дегиси келар эди-ку, кейин Насриддин Афандига ўх-  
шаб, ушанда ҳам гўр эмасдим, деган гап кўнглидан кечар  
эди.)

Усмон уйдан (ўз кулбасидан) чиқаётиб, бугун бир кўнгил-  
сизлик рўй бермасмикан, деб ҳар гал (аскар) хавотирланар  
эди.

Қаёқдаги воқеалар рўй берарди ҳам! Унинг йўлида, кўчада албатта (у қоқилиб кетсин учун) тош ётган бўлади. Усмон минган дарахт шохи қарсиллаб синмаса, бекор. Ҳеч қачон ит йўламаган кўчаларда унга эшақдай ит ириллаб ташланади. (Усмон итдан кўрқар эди. Кўрқмаган одамга ит индамайди, деб эшитган эди. Яна кулгили шундай гапни эшитган эдики, итга қараб сен ҳам хурсанг, сени девона деб уйлаб, муомалада бўлишдан ҳайиқади, ўзи нари кетаверади!)

Бу узоқ «даромад»га қарамасдан...

айтиш керак:

у (чиндан) ҳаётни яхши кўрар эди!

Гоҳ-гоҳо булса-да, ўзини омадли ҳам, бахтли ҳам ҳис этар эди!

Унинг бахти, омади: Худо унга ДУНЁНИ (имкон қадар) англайдиган ТАФАККУР берган эди! Усмон (Розиқ деган йигит сингари) Обрули (Даҳо) Файласуф бўлмаса ҳамки, ҳар қалай уз ишини эглаб юрган ОЛИМ эди!

Усмоннинг бундан ҳам олдин (энг катта) бахти, омади:

Собир деган ўғли эди...

## 16

— Собир! Ўғлим... болам...

Эшит! Сенга айтадиган гапим кўп. Тўпланиб қолди. Анчадан буён гаплашолмадим. Мени кечир...

Очигини айт! Биринчи навбатда...

«ривоятми, эртақми?! — тугади...» деган гапга ишондингми?

Нега «кейин нима бўлди, дада?!» — деб сўрамаяпсан?!

Мен ўзим «тугади» деб уйлаган эдим. Энди қарасам, —

Бу йўл Абадий Шундай Давом Этаверар экан!

Индамасанг ҳам сезиб турибман, сен ишонганинг йўқ.

Сўрамаётганингга сабаб...

хўп, бу тўғрида ҳали сал туриб! Ҳаммасини Бир Ипга тизмасам, бўлмайдиганга ўхшайди...

\* \* \*

Мен учун — Бухоро азиз! Киндик қоним томган!

Лекин қисматми, анча йил бурун мени Тошкентга олиб келди.

Энди...

\* \* \*

*(Бухорода тугилдик гарчи,  
Гарчи берди Бухоро камол,*

*Бухородан оламиз хабар —  
Гоҳ-гоҳ келиб, лайлаklar мисол.  
Болаларнинг кўзида согинч,  
Согинч бизнинг кўзимизда ҳам;  
Болаликнинг ҳайрати билан —  
Тор кўчага ташлаймиз қадам.  
Эҳромларни айлаб зиёрат,  
Сўнг осмонга учамиз дарҳол.  
Бизни маъюс кузатар дўстлар, —  
Лайлаklarни кузатган мисол!)*

\* \* \*

Тошкентлик бўлиб қолдим.

Шу ерда умрим утяпти.

Талабалик йиллари эди. Анора деган қиз билан танишдим. Уйландим...

Турмуш унмади. Ажралдим...

Ҳозир, кўп йиллардан кейин ўйлаб кўрсам, —

Анор-ой ёмон аёл ҳам эмаскан.

Бироз чарс. Бироз кескин. Шў билан бирга, бағри очиқ, қўли очиқ.

Бизни асосан ҳаёт машаққатлари еди. Шундай бўлиши керак...

(Мен — ҳеч ким; бечора Сукротни эсла. Миртодан кейинги хотини Ксантиппа қашшоқлигини юзига солиб, уни баъзан ҳаётдан безор қилиб юборар эди... Биласан-ку, ўғлим, Сукрот: «Мен биров ҳақ туласа, таълим бериб, тўламаса, бош бурибманми?! Мен бирон манфаатни кўзлаб, одамларга таълим берганим йўқ!» — деган эди... Рауф-чи?! Абдурахим бойнинг ўғли, лекин муҳтожликда, ночор қолган пайти қанча!)

Биз яхшироқ яшасак, бахтли бўлармидик, демоқчиман.

Қисқаси...

сен дунёга келдинг, болам...

17

Мен тез орада уйдан кетдим.

Аҳён-аҳён сендан хабар олар эдим. (Яна Абдурахим бойга ўхшадим-ку!) Биз, эр-хотин ахир, ажралган эдик.

Сен улғая бошладинг.

Мен ҳис этар эдим: оила бузилганида, ота ёки онадан кўпроқ БОЛА изтироб чекади. Ярим етим! Бироқ бошқа илож йўқ эди. («Ким ушатса шишани, битмас яна пайванд ила!»)

Сенинг юз-кўзингда онангдан, айниқса мендан (ва бунга қўшилиб, бутун ҳаётдан) норозилик сезилар эди. Ўз-ўзининг аҳволингданми, атрофдаги одамларданми, умуман рўй берган воқеаданми?! — уялаётганга ҳам ухшар эдинг. Баъ-



зан қисингандек. Баъзан «портлаб» кетгиси келган. Баъзан эса кўзларинг бақрайган; ҳеч нарсага тушунмаяпсан...

(*Гуноҳим кўп! «Оллоҳим, Ўзинг кечир гуноҳларимни. Каттаю кичигини, олдингию кейингисини, ошкораю махфийсини...» Гуноҳим кўп!*)

Ушанда аксар зиёлилар болаларини рус мактабида ўқиштишар эди. Катта одам бўлади, замонга тезроқ асқотади, деб ўйлашар эди. Инсоф юзасидан айтганда, бизнинг ўзбек мактабларига нисбатан рус мактабида тарбия яхшироқми, билим кўлами ҳам кенгроқми эди. Аммо бу мактабда ўқиган бола тили, тарихи, маданияти, расм-русумлардан, ўз халқидан, бутун Шарқдан узоқлашиб, узилиб қолар эди! Бу нарсаларга у ҳатто мазах-аралаш қарашга одатланар; уни энди УЗБЕК дейиш ҳам қийин эди!

Сен ҳам рус мактабида ўқий бошладинг (янги шаҳарда, яқин атрофда ўзбекча мактабнинг ўзи ҳам йўқ эди!)

Ота-бола, орамизда аллақачон бир жарлик пайдо бўлган; кундан-кунга кўзни тиндириб, туби теран ўнгирларда кўринмай кетаётгандек эди. Мен СЕНИНГ УҒЛИМ ЭКАНЛИГИНГ тўғрисида кам ўйлар; шароит шундай шаклланган; менга бу оғирлик ҳам қилар эди!

Шу тахлитда кунлар ўтиб (мактаб тугади), сен бир пайт аскарликка жунадинг...

18

Аваллига онанг сен яхши хизмат қилиб юрганингни билдириб турди.

Лекин кейин...

менга сендан хатлар кела бошлади.

Қисқа фурсатда ажабо, сен бирдан ўсиб-ўзгарган эдинг!

Муҳими:

орамизда жарлик ҳам йўқола бошлагандек эди!

\* \* \*

*Салом, дада!*

*Соғмисиз? Ишлар яхши кетяптими?!*

*Мен ҳам ёмон эмас.*

*Ўзбекча ёздим. Хатоси бўлса, кечиринг. Ўз тилингда ёзиш, гапиришга нима етсин экан! (Куда приятнее на родном языке!) Сиз ҳам менга ўзбекча жавоб ёзинг.*

*Сурат юбормоқчи эдим. Бўлмади. Бу ерда қийин. Тушсам, юбораман. Сиздан ҳам хат ва суратингизни кутаман. Альбом қилмоқчи эдим, менда расмингиз йўқ.*

*Сиз билан кўп нарсаларни гаплашгим, сиздан нималарнидир сўрагим келади.*

*Ҳаво бу ерлар учун ҳали унча совуқ эмас, 30 даража.*

Атроф дарахтзор (тайга). Қор. Киш бўлсаям, шундай чиройлики (просто чудо)!

Ҳозирча шу. Кейин яна ёзарман.

Собир.

\* \* \*

Совға-салом юборган экансиз, олдим. Раҳмат, дада.

Соғлигингиз яхшими? Иш?

Мен ҳам юрибман. Биз янги жойга кўчдик.

Ҳавоси ажойиб. Жуда чиройли. Дарахтлар сариқ, қизил бўлиб ётипти. Қайин кўп. Келинчак.

2 ойдан буён шу ердамиз (бу ерда вақтинча). Таниш, дўст топдим. Бухоро, Қашқадарёдан болалар оғайним.

Мен олдинлар билмас эканман. Ҳар жойда ўзбекча гапир-иш ҳар хил экан. Шева. Тошкентликлар «вуз», «вотти» деб гаплашаркан. Бухоро билан қашқадарёликлар тожикчани кўшиб, аралаштириб... Мен андижонликлардан фарғоначани ўрганияпман.

Қандай гаплашса яхши, деб талашиб турадилар. Мен уларга, бунинг кераги йўқ, ҳар кимники ўзига, ой кўринар кўзига, дейман. Биттаси менга, сен уйга борсанг (граждан-қада ҳам) одамларни яраштириб юрасан, дейди.

Бошқа нима ёзишни билмайман. Кунлар бир-бирига ўхшаш.

Вақт бўлганида, ёзиб тураман. Сиз ҳам ёзинг.

Мен (имзо)

\* \* \*

Ассалом, дада.

Дам олишда экансиз. Қаерда, қандай дам олдингиз?

Мен ҳар қачонгидай, хизмат. Дустларимдан, онамдан хат олиб турибман.

Кўп ўқийман. Уйлайман. Ҳаётнинг қадри! Бир марта яшаш... Муносиб умр кечириш, дейдимиз?! Инсонда баъзан ҳайвонда бўлмаган ҳайвонликлар... Аскарликда юриб, кўп нарсани кўрдим! Ўргандим.

Бир йигитга жавоб беришган экан, Бухорога бориб келди. Тошкентда уйга ҳам кирибди. Мен сиз билан учрашса, деган эдим, телефонни йўқотиб, куришолмабди. Афсусландим.

Мана, мен қайтишимга ҳам ярим йил қолди. Энди камроқ хат ёзсам керак. Уйга боришингга яқин қолган сайин, хатни кўйиб, ўзинг боргинг келади. Хат билан қаноатланмайсан.

Альбом тайёрлаяпман. Йўлгаям ҳозирдан тайёргарлик.

Менга бироз пул. 50 сўмча. Онамдан сўрардим-ку, иложлари борми, билмайман. Ёзган хатларига қараганда, сал қийналаётган бўлсалар керак.

Яқинда суратга тушган эдим, кеча беришди. Сизга бит-тасини эсдаликка юборяпман.

(Суратда бешта ўзбек йигит қисм олдида, йўгон иккита гўла ёнида; учтаси тик турибди, иккитаси ўтирибди. Ўтирганлардан бири, бошқалардан нозикроқ, ранги очиқроғи — Собир!)

Бир неча кун тинмай ёмғир ёғди. Бугун тинди, ер ҳам қурий бошлаган. Лекин қор совуғи. Ёғса керак. Кечалари салқин. Тошкентда ҳозир иссиқ. Ҳали ёз.

Хўп, шу билан тугатаман. Жавоб кутаман.

Ўғлингиз Собир.

\* \* \*

Дада! Яхши юрибсизми?  
Кийинчилик, камчилик йўқми?  
Энди мендан сурасангиз, соғлигим жойида. Юрибмиз.  
Мана, Янги йил ҳам яқинлашяпти.  
Байрамни яхши ўтказинг. Менга кўпроқ хат ёзиб туринг.  
Ўғлингиз.

(Хат ичида табрикнома.  
Соғ бўлинг, дада.  
Бахтли бўлинг.  
Умрингиз узоқ бўлсин.)

\* \* \*

Ушбу ёзаётган хатим тез ва оз кунлар ичида гўзал Тошкент шаҳрида ўйнаб-кулиб юрган дадамга бориб етсин.

Ассалому алайкум, дада!

Авалло, сув ва ҳаводек зарур соғлигингиз қандай?

Чарчамасдан, зерикмасдан юрибсизми?

Ўзингизни асранг, дада. Биз учун ҳам...

Мендан сурасангиз, камчилик йўқ. Ҳаммаси жойида.

Қишнинг охириги ойи келди. Бу ёғи баҳор. Ҳаёт қандай гўзал. Баҳорлари, байрамлари билан... Кўнглимда шикоят йўқ! Мен тушундим. Тушкунлик — ношукрлик, ҳаётнинг қадрига етмаслик экан...

Сизни Наврўз билан табриклайман. Баҳор келса, биз ҳам уйга қайтамиз. Сиздан илтимос, йўл учун бироз пул юборинг.

Агар имкони бўлса. Февраль ойи ичида.

Шунақа гаплар. Совуқ. 25 даража. Ўрмонни қор босган. Атроф лекин чиройли.

Шу билан, хатим тамом. Жавоб кутаман.

Ўғлингиз Собир.

Гапнинг давомини эшит, ўғлим...

Менда асранган, сен унутиб ҳам юборган хатларни эслаб, сени зириктирмадимми?!

Йўқ, сен зерикмайсан.

Шошадиган жойинг ҳам йўқ. Вақтинг бемалол.

(Ҳозир айна дардлашадиган кечки пайт!)

Аскарликдан қайтганингда, сен улғайган эдинг.

Олдингига ўхшамасдинг! Багринг кенгайган (Осмонни, Ерни, Дарахтларни, Кушларни севасан!) Сенда заррача нозилик йўқ. Ҳаётга муҳаббатли, одамларга нисбатан марҳаматли бўлиб қолгансан. Яна, сабр-қаноат. Уйчанлик. Вазминлик.

Ҳамон баъзан

қисиниш ёки уялаётгандек ҳолат...

Лекин бу энди ШАХСИЙ кечинма эмас! Бировларнинг НОЖУЯ хатти-ҳаракатларини кўриб, аралашиш қийин (ва бефойда) эканлиги, чидаш кераклигидан қисиниш... Одамлар узларини НОМУНОСИБ тутишганида, ўзингча улар учун уялиш...

Аксар кўча-кўйда кўни-кўшни, ёр-биродар, таниш-билишни учратиб, ҳар гал тўхтаганча, осойишта сўзлашар эдинг.

Кейин, содда, беозор, ҳатто жилмайиб, —

НИМАЛАРНИДИР тушунтиришга уринар эдинг:

— *Меҳр сўз билан ўлчанмайди!*

— *Яхшилик бировга берадиган қарз эмас!*

— *Бир-бирини қадрлаш керак. Ҳаммамиз ҳам бу дунёда меҳмон!*

— *Тўғри йўл битта. Эгри йўлнинг кучаси кўп!*

Яшириб ўтирмайман. Бу панд-насихатга ўхшаш гапларни эшитиб, «Сен ёш бола! Одамларга гап ўргатиб нима қиласан?!» — деб ўйлаб, гоҳида гашим келар эди. Бироқ сенинг сўзларинг мағзини чақиб, мулоҳаза юритиб, сен билан фахрланар ҳам эдим! Кўксим тўлиб, «Болам! Жон болам!», гоҳо эса «Афлотунмисан, болам?!» — деб ўйлар, сенга ажабланар эдим.

(Бизда Афлотуннинг устози Сукротни ҳам, шогирди Арастуни ҳам одамлар билишади! Аммо зеҳнли-зийрак, ақлли кишилар доим Афлотунга қийсанган. Афлотун Шарқда каттароқ эътиборга эга!)

\* \* \*

Энди заводда ишляпсан.

Бўш вақтларда китоб ўқийсан.

Баъзан соатлаб сув бўйида, қайсидир боғлар, дарахтзорларда айланасан.

Уйда суҳбатлашиб ўтирганда ҳам

## ПАНД-НАСИХАТГА ҶУШАШ

битта-яримта гапни айтасан:

— Бировни ёмонлаб, мен ундан кўра яхшироқман, деган-дек бўласан...

— Бошқаларни ўзингдан ёмон деб уйлама. Балки, одамлар орасида ёмонроғи сендирсан!

— Мени ҳеч ким камситолмайди. Одам фақат ўзини ўзи камситиши мумкин!

— Ҳатто камтарлиқда ҳам меъёр бўлиши керак!

— Ўзини танимаган бировни танийдими?! Отасини ҳам танимайди...

— Тарихда «озод қул» дейишган экан. Қул, лекин озод! Озод, лекин қул! Одам банда, у ҳеч қачон буткул озод бўлолмайди...

— Баҳрамаңдлик, дейсизми, дада?! Кам, дейсизми?! Инсон уни ўзи учун ўзи топади...

— Худо Одамни чидаб яша, деб Ерга туширган...

— Ўзини Осмон деб уйлаганлар қанча! Осмон Осмон бўлиб қолаверади...

— Халқ индамагани, билмагани эмас...

(Йўқ, сен ҳамон ўз фикрингни бировга ўтказишга уринмас эдинг. Гапирардинг-қўярдинг, холос. Сенинг ҳолатинг дахлсизми, беғаразми?! — эди:

*Кўнглунг истар ёрлар бирла*

*ҳамиша шод бўл,*

*Мендину кимдинки, — кўнглунг истамас, — озод бўл...)*

\* \* \*

Тирикчиликни ўйлаш керак, албатта.

Лекин сен билан суҳбатлашиб ўтириб, баъзан:

«Ўғлим ўқиса, ундан масалан, Рауфдек бир инсон чиқармиди?!» — деган ҳаёлга борардим. Кейин...

*Мағрурланиб унинг ИШҚИдан,*

*Ота-она сўзлаб қоламиз.*

*Ё зўр олим ё машҳур шоир —*

*Бўлар, дея, бизнинг боламиз...*

биз шундай тарбия олганмиз-да! Гўёки боланг «зўр», «машҳур» бўлиши шарт. Шоир ёки олим...

ОДАМ БЎЛГАН муҳим эмасми?!

Заводда ишласа, нима?!

Корхоналарда, дала-даштда биз ЗИЁЛИ деб кўкка кўтардиган кишилардан минг чандон ИНСОФЛИ, ИЙМОНЛИ ва анча АҚЛЛИРОҚ одамлар озми? МАМЛАКАТ БЎЙЛАБ СОЧИЛИБ ётибди!

\* \* \*

Мен сенга ўрганиб қолдим, болам.  
Сен ҳам...  
Орамиз яқин бўлиб қолди.  
Кўпинча барибир, мени онам тарбиялади, дейсан.  
Мен бунга хафа бўлмайман.  
(Сен мени гуноҳкор деб билмайсан.  
Мен ўзим-ўзимни сенинг олдингда баъзан гуноҳкор ҳис  
этаман!)

\* \* \*

Бухорога кўп бормагансан.  
Фақат ора-чира...  
Шунга қарамасдан, менинг ҳаётимдан тортиб  
Бухоро билан жиддий қизиқасан.  
Иккимиз кўчаларда судралиб сўзлашганча,  
боши-охири йўқ бир ҳикоя «тўқиймиз».  
— Амир Олимхонни энди оқлаймизми, дада?!  
— Оқлаш, қоралаш... бу ранг беришлар бекор! Дунёда  
одам... ҳар кимнинг ўз мураккаб қисмати! Масалан, мен  
бошқа юртда, муҳожирликда Ватаним, деб йиғлаб-йиғлаб,  
кўзлари ожиз бўлиб қолган, ғариблиқда ўлиб кетган бир  
кишини ёвуз, дейишга ҳам унчалик тилим бормади.  
— Хўп, инқилобми, Тўнтаришми?! — олдин одамлар ях-  
широқ яшаганми?!  
— Қайқда! Халқ доим эзилган. Норозилик ўзи-ўзидан  
туғилмайди! Урта асрга хос, қотиб қолган бир ҳаёт. Регис-  
тонни, зиндонни кўргансан... Жаҳолат кучайган эди! Ортиқ  
бундай яшаб бўлмасди... Бунинг устига, Ёшлар мустамлака  
зулмидан қутуламиз, деб ўйлашган...  
— Демак, ҳавас қиладиган жойи йўқ...  
— Шундай! Минг йиллар дунёни ҳайратга солган Бухоро  
ботқоққа айланган эди.  
— Демак, Амирни ЭЗГУ ҳам дейлмаймиз!  
— Бунга ҳам тил бормади...  
— Эзгу ҳам, Ёвуз ҳам бўлмаса, ким у, дада?!  
— Нима десам экан... Сукротни биласан. У билан гаплаш-  
ган одамларнинг хаёли қочиб, боши гангиб қолар эди. «*Ҳо-  
зиргача ҳамма нарса очиқ-ойдин эди; энди ҳеч нарсага ту-  
шунмаяпман!*» дейишарди... Тарихни тўғри қараб, ўргангинг  
келган сайин шундай ҳолатга тушасан! Мен умуман, бу амир-  
ларга тушунмайман. Улар бирон пайт халқни, мамлакат тақ-  
дирини ўйлаб қайғуришганми, йўқми?! Амир Олимхон ўшан-  
да мустамлакачилар билан қўлни қўлга бериб... Ундан олдин-  
ги, бошқа амирлар-чи?! Генерал Черняев Тошкентга бости-  
риб кириб, Хўжанд билан Қўқонни қўлга киритишга уринаёт-  
ганида, Амир Музаффар булардан биронтасига ёрдам бе-

риш эмас, у ҳам шу жойларни босиб олиш пайига тушади. Бир томондан, Черняев, иккинчи томондан, Музаффар... Хўп, бошқа гап. Бир пайт Бухорода Музаффарнинг ўгли Абдумалик отасига қарши исён кўтаради. Бу исённи бостириш учун Амир генерал-губернатор Кауфмандан ёрдам беришини сўрайди! Углини енгишига Кауфман унга ёрдам беради ҳам... Яна, кейин. Русия Амир Музаффарга, биз сизни ташқи душманлар ва ички (ички!) ғанимлар-мухолифларингиздан ҳимоя қиламиз, дейди... Ана, сизга Бухородаги аҳвол! Ёшлар бекордан бош кўтаришмаган эди...

— Кейин, қордан қутулиб, ёмгир...

— Шундай!

(Мен Рауфни яхши кўрганимни ҳис этиб, —

балки, дадамга хуш келсин, деб?! —

сен Ёшлардан Рауф тўғрисида мендан

қайта-қайта суриштирасан!)

— Бировнинг қўли билан чўғ тутадиганлар борлигини Рауф билмаганмиди, дада?!

— Сиёсат... Одам ичида бўлганинда ҳамма нарсага дарров тушунавермайсан! Мен сенга бир гапни айтаман, Собиржон... Ақли бор, эси бутун киши ҳеч қачон қайсидир халқ, миллатни бошқа халқ, миллатга қарши қўймайди. Тўнтаришгача Бухоронинг ўзида қирққа яқин миллат яшаган. Улар узаро низо нима, хаёлларига келтиришмаган! Рауф шу шароитда ўсган эди. У қанчалик миллатпараст бўлмасин, ҳеч кимга озор етишини, зулмни истамас эди. Туркияда ўқиб тарбия топган, кейинчалик рус шаҳарларида яшаб, муаллимлик ҳам қилган эди! Лекин сиёсат, мустамлакачилик сиёсати булак... Бухоро тарихига қара, «Меҳмоннома», «Абдулланнома», «Убайдулланнома» деган китоблар. Наршахий ёзганидан ташқари, тарихдан биронта МУКАММАЛ асар йўқ. Муҳаммад Наршахий ҳамон минг йиллик чўққи бўлиб турибди... Бу аҳволдан Бухорога кўз тиккан мустамлакачилар фойдаланишди! Демизон дейсизми, Перовскийми?! — тил ўрганиб, ҳатто динни қабул қилганча, ҳар хил сайёҳлар, тарих, жўрофияни ўрганадиган олимлар, баъзан муолажа учун ҳақимлар Бухорога ёпирилиб кела бошлайди. Булар ўзлари истаб-истамаган, билиб-билмаган ҳолда устомонлар, наҳангларга Бухоро тўғрисида маълумот тўплаб беришади... Хуллас, буни англаш учун вақт керак эди! Рауф ҳам ЧИНАКАМ Ўзгариш рўй беради, деб ишонган. Ёшлар орасида юриб, ҳаракатга фаол қатнашган... У Аҳмад Донишга ўхшаган одам эди! Бухорода унинг мавқеи Файзулла Хўжа ёки дейлик, Айнийдан баланд турарди! Тўнтаришдан кейин унга катта мансаб ҳам беришган... Лекин Рауф тезда аллақачон гишт қолипдан кўчгани, хато қилишганини пайқаган. Рауфнинг «феъли ўзгарганини» атрофдагилар ҳам сезишган. «Мансабини суиистеъмом қил-япти», «ўз ишини бажаролмаяпти» қабилда баҳоналар тўқиб, уни вазифасидан четлатишган. Рауф бунга парво қилмай, ўз йўлидан кетаверган...

— Дада, сиз нима деб ўйлайсиз?! Рауф ҳеч қачон Файзулла Хўжа билан шу ҳақда гаплашмаганми?!

— Ким билсин... Узимча, улар ҳарҳолда, бир марта юзмаюз гаплашган, деб ўйлайман. Рауф Файзулла Хўжага: «Эшон! (яқин кишилар Файзуллани шундай деб ҳам аташар эди!) Мен Амирни фаҳш, ришва, мулкпарастликдан боши чиқмайди, деб тупроққа қориб юргич эдим! Бу ёғи қандоқ бўлди?! Кундан кунимиз баттар-ку! Олдин жилла курси, руҳимиз эркин эди, энди руҳимиз ҳам кул бўлиб қолди-ку! Нега индамайсиз, Эшонжон?!» — шу мазмунда гапирган бўлиши керак...

\* \* \*

(Мен ҳозир бу ҳикояни эсламасдим, ўғлим...  
Шарт эмасди...  
Сенинг кўнглингга сиғмаётган бўлиши ҳам мумкин...  
Қолаверса, ахир ота-бола суҳбати...  
Бироқ мен англагим келади:  
Бу дард...  
Бухоро, деган дард...  
Туркистон қайғуси...  
Рауфнинг ҳасрати...  
Сенга қачон, қандай «юқди»?!  
Бизнинг авлодимиз бу армон, бу изтиробсиз  
дунёда яшай олмас эканми?!)

\* \* \*

Сен аввалига  
МЕН УЧУНгина  
Рауфга қизиқаётгандек эдинг!  
Кейин (нечундир) сен (ўзинг) ҳам —  
УНИ —  
излай бошладинг!  
Ва ниҳоят...  
бир куни...  
(сени билмаган киши бунга ишонмайди!) —  
мендан гамгин кўйда:  
«Рауф ўлимдан бошини сақлаб қолиши, қочиб қутулишининг ҳеч иложи йўқмиди, дада?!» — деб сўрагандек бўлдинг.  
Мен: «Рауф мамлакатдан чиқиб кетишга жазм этса, отаси Абдураҳим бой сингари сарсон-саргардон бўлмасди; бу йўлда ҳеч ким унга халал бергани қурби ҳам етмасди. Имкони бор эди. Яшаб юраверарди!» — дедим.  
Шунда сен, буни у истамаган, холос; ўзига эп кўрмаган; унга бу чекиниш, ўз эътиқодига хиёнат бўлиб туюлган, дединг.



Ўйланиб туриб, яна, унинг учун мутеликдан, ўзлигини  
йўқотишдан ўлим афзал эди; у Суқрот эди, дада, дединг...  
Мен сенга тикилиб, донг қотиб қолдим!  
(Афлотунмисан, болам?!)  
Рауф доим ахлоқий бузилишлар, маънавий емирилиш-  
дан асраниб, кўрқиб яшаганини ўзимча тасаввур қилар, —  
билар эдим!  
Лекин унинг Суқротга қанчалик ЯҚИНлиги...  
Мен йиллар бўйи қидириб, тополмаган Рауфни —  
сен ТОПГАН эдинг!  
(Ана, барча иплар бир-бирига боғланиб кетди!)

\* \* \*

Бизда ота-она  
ўгли ёки қизи билан  
муҳаббат борасида сўзлашмайди.  
Уят ҳисобланади.  
Одоб кўтармайди.  
Отами-она ўғлига (шунда ҳам қизига эмас!) баъзан  
«кўзинг остига олганинг бўлса...» — дейди, холос.  
Аслида, мен ҳам гапни шундай бошлашим керак эди.  
(Кейинроқ шундай бўлди ҳам! Хали айтаман.)  
Лекин мен  
Эртакми-ривоятними сўзлаётим, —  
Рауф билан бирга,  
Рухсоранинг номини ҳам  
тилга олмай ўтолмас эдим!  
Эртакми-ривоят ТУГАГАН —  
ЎША КУНИ — сен мендан:  
— Сиз Рухсорани қайтиб кўрмадингизми, дада?! — деб  
сўрадинг.  
Мен сенга жавоб қилдим:  
— Йўқ... Ҳамма бало шундаки, Рухсоранинг ўзи йўқ эди!  
Бу бир ҳаёл... Биласанми, Рухсора деган арқдаги қиз; бо-  
лаликда дадамга унинг қулоғини тишлатишган. Улар бир  
жойда туришган. Кейин, дадам уни йўқотиб қуйган. Кейин,  
сарсон-саргардонлик йиллари Самарқанд томонда. Пойа-  
риқми, Каттакўргонда, улғайган Рухсорани дадам тасоди-  
фан бир учратган. Лекин у кўпчилик орасида бўлган; улар  
бир-бири билан сўзлашадиган аҳволда ҳам бўлишмаган.  
Кейин, дадам Рухсоранинг қисматини ўйлаб, анча ташвиш-  
ланган. Тошкентга, Рауфнинг уйига келганида ҳам, асосан  
Бухородан чиқиб кетиб, ЙЎҚОЛИБ ҚОЛГАН одамлар, шу қа-  
торда Рухсорани, Бутун Дунёдан хабардор — Рауфдан су-  
риштиришни истаган. Лекин Бу Гап сизмаган! Кейин, да-  
дам учун ҳам қора кунлар... У Рухсорани Бир Кўргиси Келар  
эди!  
Биз узоқ сукутга чўмдик.

Шу паллагача мен сенинг АЁЛЛАР БИЛАН ишинг борми,  
йўқлигини ҳам билмас эдим.

Вақти етгани-ю, хонаси келганидан,  
сенга юзландим:

— Уғлим! Сен ҳам катта бўлиб қолдинг. Кузинг остига  
олганинг бўлса...

Сен қизариб, кафтларинг билан кўзларингни ёпдинг.

Шундан сўнг,

негадир синиқ, беозор кула бошладинг.

— Дада! Айтсам, ақлингиз бовар қилмайди...

— Гапир, уғлим!

— Бор, албатта! У шундайки... Худойим! Лекин...

— Ху-уш?!

— У Рухсора...

Болам! Жон болам!

Кўксим тўлиб кетди.

Дадамга, менга БУЮРМАГАН Рухсора сенга НАСИБ  
ЭТАЁТГАН экан, деб узимча шукрона келтирдим.

ЎША КУНИ сен бахтиёр эдинг.

ЎША КУНИ мен ҳам...

Кейин...

орадан кўп пайт ўтгани йўқ...

20

Кутилмаганда...

сен...

учиб кетдинг...

ойна очиқ эди...

ҚУШИМ!

\* \* \*

*(Болам, биз, инсонлар эмасмиз нодон,*

*Барчамиз биламиз: кундек ўлим ҳақ!*

*Лекин қисматмиди, Ер билан Осмон —*

*Орасида сенга — турмоқ муаллақ?!)*

\* \* \*

Болам! Мени қандай кўйга солдинг?!

\* \* \*

*«Улар ўзларини, ўзлари ҳалок қилдилар!»*

Бу — СЕНИНГ ЭМАС, МЕНИНГ ҲАЛОКАТИММИ?!

\* \* \*

«Бу дунё, деб у дунёни баҳосиз пулга сотдим-ку!»  
Қайси гуноҳларим учун, Худо мени жазолади?! —  
Бундай десам, ҳатто ЭНГ СУЮК Пайгамбар  
норасида — ўғиллари Иброҳимдан жудо бўлмаганми?!  
Англаш қийин...

\* \* \*

Барибир...  
менинг гуноҳим йўқ, деб бўладими?! Гуноҳим кўп.  
*Оллоҳим, Ўзинг кечир гуноҳларимни. Каттаю кичигини,  
олдингию кейингисини, ошкораю махфийсини...*

\* \* \*

Фарзанд доғи...  
Бошингни кўтариб, осмонга тикилсанг,  
офтоб ёниб кетади.  
Бошингни ёстиққа қўйсанг, —  
ёстиқ тош...

\* \* \*

Сен жуда меҳрибон эдинг.  
Бировлар учун АЗОБни ўзингга олгинг келар эди!  
Бағринг кенг эди.  
Инсон учун эғнидаги қўйлак, бир бурда нондан бўлак  
нарсa зарурат эмас, дер эдинг...

\* \* \*

Сен ЯЙРАБ ЯШАШни билмасдинг!  
Одамлар БЕМАЛОЛ ЯШАЙВЕРИШСИН...

\* \* \*

Бу, Рухсора дегани бизнинг авлодимиз учун —  
ЕТИШОЛМАЙДИГАН  
олисдаги БИР НУР эканми?!

\* \* \*

Эй болам-е...

\* \* \*

Чидаш керак, дейишади.  
Чидаш учун НИМА ҚИЛИШ керак?!

\* \* \*

Ўзимни қўйишга жой тополмаяпман...

## Дунё тасодифларга тўла

(Усмон)

(Туртинчи қисм)

21

Усмон бунни аввалдан тўғри пайқаган экан...

Саҳро.

Қудуқ.

Яна саҳро.

Яна қудуқ...

Бу йўл Абадий Шундай Давом Этаверар экан!

Белида арқон, тош девор ҳалқаси ичида

у боши билан пастга шўнгимокда эди.

Эсингизда бўлса, эртакми-ривоят тугаб,

Усмон «қайғулар, аламлар бирла»

ўз кулбасига қайтган эди!

Шу боисдан, қачон, нега яна қудуққа туша бошлади?! —

у тушунмаётган эди. (Бундай бўлишини Усмон кутмаган ҳам эди!)

Афтидан, чексиз саҳрода тентираб-сувсираган, ҳол-ма-дори қуриган карвонга қайтиб келиб қўшилгач, карвон билан бирга, у ҳам қудуқ томон вазмин сурунган

ва ниҳоят, ана,

уни одамлар

яна қудуққа тушира бошлашган эди...

Бу — ўша, олдинги қудуқми?!

Ким билсин! Бошқа бўлиши ҳам мумкин.

Муҳими, кимлардир Усмонга қадар қудуққа тушишга уринган; ҳалокатга учраган. Усмон яна бошини гаровга қўйиб, одамларга сув олиб чиқиши керак!

Умуман, унинг қудуққа тушгани маъкул.

«Сиз халқдан узилиб қолдингиз!» — деб Рухсора унга

ортиқ таъна қилолмайди!

Рухсора?! —

бу ҳақда энди ҳамма гап аён...

Рауф-чи?! —

Рауфни ҳам, ўгли (Собир) орқали, ўглидан кейин бўлса-да,

Усмон энди топгандек...

Хўп, сув йўлини очиш эвазига қудуқдагилар

унга бу гал қандай шарт қуйишаркин?!

Усмон боши билан пастга тушаётиб,

шуларни хаёлидан кечирмоқда эди.

У сергакланди...

Олдин ҳам қудуққа тушганида юз берганидек, қудуқ деворларидан овоз чиқиб, қачонлардир эшитган, унга азиз, кўнглига яқин бир шеър бехосдан —

Борлиқни титратиб, янграй бошлади:

*Оқшом — уфун уфуриб,*

*қошига сурма сурар.*

*Дунё — узоқ йўл юриб,*

*дунё — ҳорғин ўлтирар.*

*Сочар даштлар устинда*

*юлдузларини осмон.*

*Дунё — ямоқ пўстинда,*

*дунё — узилган паймон...*

Шундан сўнг ҳазин қироат товуши эшитила бошлади ва Усмон Бухорода, отаси (Ака Саид) етаклаб борган давраларда бот-бот номи тилга олинган БУЮК БИР ИНСОНЛАРни эслади:

*Шоҳлар (Исмоил Сомоний),*

*авлиёлар (Баҳоуддин Нақшбанд),*

*меъморлар (Уста Ширин),*

*санъаткорлар (Домла Ҳалим),*

*қўғирчоқ ясаган оддий кампир —*

*Ҳамро бибиғача!*

*Шу сафда:*

*кўнгли ёруғ, кўзлари ёруғ,*

*ҳаммани ўзидек хайрихоҳ деб ўйлаган —*

*соддадил Файзулла Ҳужа;*

*ҳар нарсага МЕЗОН билан қараган,*

*бу кунни тушунган ва эртанги кунни БАШОРАТ*

*қила олган —*

*Рауф (бизнинг Сукрот)!*

Кўп ўтмай, яна

олдинги сафар ойдек кўринган,

қудуқ тубида ялтираб ётган — каттакон мис лаганга

унинг кўзи тушди.

У овози дўриллаб:

— Ассалому алайкум, қадрдонлар! — демоқчи эди,

лекин «ассалому алайкум» деб гўлдираганича, тўхтаб қолди.

Мис лаган ёнида барваста, кўзлари катта-катта кишилар эмас, Райхон пари, дегандек эгнида ҳарир-оқ кўйлак, бошига ҳам ҳарир-оқ рўмол ташлаган Қизми, Келинчакми?!

— ўтирар эди!

Усмон фаромушланиб, бу гал ўзи лаган устига кўнди.

У аввалига, менинг саҳрода бир қур юзлашганим бошқа, мен йиллар буйи соғиниб, кўргим келган Рухсора шумикан, деган хаёлга борди. Кейин, диққат қилди. Қаршисида ўтирган САНАМ — жуда ёш эди! Йигирма тўрт-йигирма бешларда. Гулдек. Юзи-кўзлари чиройли. Хивичдек нозик...

Қайтиб диққат қилди ва бирдан...

Усмон паришонланди.

Қизнинг афти-ангори таниш эди.

Усмон, қаерда кўрган эканман, деб ўйлаб, эслаёлмади.

Шу пайт...

Қиз унга кўлида пайдо бўлган пиёлада чой узатди.

— Ҳаққим йўқ! Тепада одамлар... — деб пичирлади Усмон.

— Сиз уларга ачинманг! Улар ўз кунини кўриш, яхшироқ яшайдан бўлак нарсани билмайди. Барчаси бир хилда суд-ралиб юрибди! Подага айланиб кетган...

— Қудуққа тушганлар шунинг учун ҳалок бўлдиларми?!

— Улар Осмондан Ер остигача ҳаммаёқни булғайтган эди. Ўз ёвузликлари уларнинг бошига етди! Бошқаларнинг ҳам...

— Бундан чиқди, улар ўзларини, ўзлари...

— Шундай!

— Барибир, ҳаққим йўқ.

Орага сукунат чўқди.

Ниҳоят:

— Мўъжаз бир сандиқ. Қалинроқ китобдек... Излаш керак! Шунда сув йўли очилади, — деди муроса қилгандек оҳангда Қиз.

Усмон урнидан туриб,

қудуқнинг бир четида очилган қопқадан индамай ичкарига йўналди.

## 22

Қанақа сандиқ?! Нега излаш керак?!

У қудуқдаги Қиздан буни сўрамади.

Гап Рауф тўғрисида, Рауфнинг йўқолган ёзувлари (неча йиллик омонат-армон) тўғрисида боряпти! — деб тушунганидан, қолганини суриштириб ўтириш унга ортиқча бўлиб туюлди.

Аммо қопқадан ичкарига кириб, дарёдек кенг бир кўчага чиққач, тўхтаб, ташвишланиб, —

Рауфнинг ҳаёти, қисмати ҳақида хаёлга толди...

\* \* \*

*«Сенинг зиёратингга келдим, Султоним!*

*Эгилган бошим, қисилган виждоним, куйган қоним, ўртанган жоним учун бу сағанангдан даво излаб келдим, Ҳоқоним!*

*Юз йиллардан бери жафо кўриб, ғам чекиб келган турк (ий)нинг қонли кўз ёшларинг этакларингга тўкарга келдим.*

*Қоронгулар ичра ёлғуз қолгон ЎЗБЕК КЎЗЛАРИ учун ТУПРОҒИНГдан сурма олғали келдим...»*

\* \* \*

*«Онам!*

*Сени қутқармак учун жонми керақдир?!*

*Номусми, виждон била*

*иймонми керақдир?!*

*Темур била Чингиз*

*қони тошди томиримда,*

*Айтгил!*

*Сени қутқармак учун қонми керақдир?!»*

\* \* \*

*«Кимки, ўзини дини исломнинг, Пайғамбари охирзамон Муҳаммад (алайҳиссалом)нинг уммати билса, бу бемаъни (қадим ва жаид, дегандек) ихтилофлар (муҳолифатлар)ни орадан кўтариши лозим!» —*

*сўнги нафасигача юрагида ОЗОДЛИК ИШҚИ асранган Рауф*

*ҲАММАНИ ОЗОДЛИК ЙЎЛИГА чорлаган,*

*ҲАММА (бутун халқ) БИР ЁҚАДАН БОШ ЧИҚАРИШИНИ истаган; умид қилган эди.*

*Лекин ўшанда унга ҲЕЧ КИМ ЭРГАШМАГАН эди!*

*Рауф ЁЛҒИЗ ЎЗИ Абадий Давом Этган йўлда тўшалиб ётиб-ўт пуркаган даҳшатли АЖДАРГА тик*

*қарши чиққан эди!*

*(Умуман, махфий қарши турганлар бор эди. Булардан ҳар бири, ичида — бир Рауф эди! Халқ бекордан ўз тарихи, удумларига содиқ қолмаган! Аммо буларда Рауфда булган — журъат, ўзига ишонч йўқ эди...)*

*Азалдан дунё шу экан:*

*Ҳожи бобога Рауф — у ҳам бир ҲОЖИ, Рауфга Собир ЭРГАШГАНИ сингари фақат битта-яримта...)*

*Йўқолган ёзувлар топилмаган тақдирда ҳам, —*

*Рауф ТАРИХДАГИ ТОҒДЕК ИНСОНЛАРДАН бири бўлиб қолаверади! Албатта, ёзувлар топилса, УНИНГ УЛУҒВОРЛИГИ янада яққол сезилар эди...*

Усмоннинг боши қотган эди.  
 Рауфни топиш барчага бирдек буюрмаганида, —  
**ЙУҚОЛГАН** унинг **ЎЗУВ**ларини қандай топасан?!  
 Ер устида (Ака Саид, Усмон) йиллар буйи қидириб, да-  
 раги чиқмаган ўзувларни  
 Ер остидан топиб бўлар эканми?!  
 Аммо тепада одамларга сув керак эди! —  
 Усмон бу ҳақда ўйлашга мажбур эди...

## 23

У олисдан ойнадек ялтираб кўринган шаҳар-мамлакатга кириб бора бошлади.

Бу — олдинги зулмат-зимистон шаҳар-мамлакат эмасди. Кўзга кўринмай аллақайқдан ёғилаётган нурдан кўз қамашар; бирон томонга бошингни кутариб, тик қараб бўлмас эди.

Бухорога бундан анча йиллар бурун борганида кўрган, хаёлида ўрнашиб қолган ажиб бир манзара ҳозир негадир Усмоннинг ёдига тушди...

У икки тоқ (Тоқи Заргарон ва Тоқи Телпакфурушон) оралигидаги кўчадан юриб, Амир Олимхон мадрасаси яқинига етганида, бехос тўхтаган эди.

Минораи Калоннинг ҳув қуббаси ёнида, Масжиди Калон устида тўлин ой... Усмон тасаввур қилди. Орқа томонда — Арк. Ундан сал нарида — Исмоил Сомоний мақбараси!

У бор дунёни унутиб, Бир лаҳзага Қотган эди.

**НУРГА ТЎЛГАН МАЙДОН...**

Усмоннинг назарида, минг йиллик обидалар билан ёнма-ён,

кафтдек бу **МАЙДОН**дан тўрт устун:

*Имом Исмоил Ал-Бухорий,*

*Абу Наср Форобий,*

*Абу Бакр Муҳаммад ибн Жаъфар ан-Наршахий,*

*Абу Али ибн Сино —*

бирма-бир

ўтиб кетишгаётгандек бўлди.

Булар изма-из, бир-бирига яқин даврда яшаган.

(Форобий билан Наршахий ҳатто бир замонда яшаган!)

(Ана, бу ёдгорликлар ҳам **ЎША ЗАМОНЛАРДА** яратилган.)

Булар бир-бирини кўрмаган.

Лекин шу **МАЙДОН**дан бирма-бир ўтишган! Бухоро...



«У (Афлотун) ўз даврида маълум бўлган айрим қонунларни ўрганиб чиқади... У яна, қандай шаҳар — фозил шаҳар, қандай одам — фозил одам эканлигини тушунтиради. Тартибли ва соғлом фикрлаш фазилатига эга — шаҳар(лар) ва фозил одам(лар) ҳамиша голиб эканлигини кўрсатади...»

«Афлотун яхшилик, эзгуликларни икки турга бўлади ва улардан қай бирлари инсоний, қай бирлари Илоҳий эканлигини тушунтиради. Илоҳий яхшилик (эзгулик) инсоний яхшиликларга йўл очади (таъсир ўтказади). Агар Илоҳий эзгуликлар, яхшиликларни англаса, у ҳолда инсоний яхшилик (эзгулик)лар ҳам ўзлашади. Фақат инсонийлари ўзлаштирилганда эса, Илоҳийларини бой бериб қўйиш мумкин...»

Форобий БУХОРОДА билим эгаллаб юрганида, — шуларни илк дафъа хаёлидан кечирмаганмикан?!

Усмонга

бу гал ўзи дуч келган

шаҳар-мамлакат —

ўша, НУРГА ТЎЛГАН МАЙДОНни эслатмоқда эди.

\* \* \*

Шаҳар-мамлакатга йўл олганидан буён (балки, кудук ту-бига тушганидан буён) унга Қизми, Келинчак тўғрисидаги биргина саволлар осойишталик бермаётган эди:

1. Бу ким?

2. Нега афти-ангори таниш?!

3. Усмон қаерда кўрган?!

Бироқ буни у ҳамон билмаётган, ҳеч нарсани эслаёлмаётган эди.

Усмон дарёдек кенг кўчадан янада кенгроқ бир кўчага, кейин, буюк бир майдонга чиқди.

У саросималаниб қолди.

Шаҳар-мамлакат эски, афтидан минг йиллик эди. Мас-жид-мадрасалар. Хонақоҳлар. Қасрлар. Карвонсаройлар. Бозорлар...

Олдингига ўхшамаган намоишда:

ОДАМ кўп!

Айниқса, майдонда одам гўжгон ўйнар эди.

Қиёмат қойим бўлгандек. Игна ташласанг, ерга тушмайди.

Одамлар Усмонни ўраб олиб, унга катта лаганларда текинга ажойиб матолардан тикилган янгидан-янги усти-бош, ширин таомлар, ичимликлар таклиф қила бошлашди.

Бир тўп киши Усмонни кўлларида кўтариб олиб, осмонга (эҳтимол, шаҳар-мамлакатнинг гумбази томонга) иргита бошлашди:

— Бизнинг шоҳимиз йўқ. Бизга раҳнамолик қилинг, тақсир!

— Бу қандай шаҳар-мамлакат?! — деб қизиқсинди Усмон.

— Фозил одамлар шаҳри.

— Ҳаққим йўқ. Менга мўъжаз бир сандиқ керак! — деди Усмон.

Одамлар тўрт томонга югуришиб, катта-кичик сандиқлар кўтариб келишди.

— Булар бўлмайди...

— Сандиқда нима бор экан?! Зарми?!

— Билмайман, — деди Усмон. У «йўқолган ёзувлар» дейишга тайёр эди, лекин, шундайдир, деб тахмин қилган эди, холос. Бу гал Рауф исми тилга олинмаган; Қизми, Келинчак ўз ниятини очиқ айтмаган ҳам эди! Ахир, дунёда мўъжаз сандиқ озми?! Бундай сандиқларда ЁЗУВДан кўпроқ одатда, ТИЛЛА БУЮМЛАР асранади!

Шу сонияда Усмон ўглини эслади.

Собир унинг мўъжаз сандиқни қидириб-куюниб юришига, бу ишдан маъно йўқ, дегандек лоқайд қарар; чамаси Собир, инсондан нимадир қолиб, нимадир йўқолиши табиий ҳолми, қонуниятми?! — деб тушунар эди.

Кимдир, бу иши билан Собир (бобоси, отаси чеккан изтиробларни ўзига юқтиргиси келмай!) Рауфга хиёнат қилмадимикан, деб ўйлаши мумкин.

Ундай эмас. Асло...

Собир ҳаётда ўзи ЮРАДИГАН ЙЎЛни яхши билар эди!

— Биз зарга қизиқмаймиз! — дейишди Усмонга майдондаги одамлар. — Бир замонлар шаҳардан ташқарида қароқчилар тоғ этакларига, қайсидир дарахтлар остига ўзлари тўплаган бойликларни кўмишган! Шундай гап юради. Ростми, ёлгонми?! — бизга маълум эмас...

Усмондан уларнинг бироз ҳафсаласи пир бўлган эди.

Усмон майдондан узоқлаша бошлади.

## 24

Шаҳар-мамлакат этагига қараб кетаётиб, — яна унинг хаёли Бухорога кўчди.

*(Ранжимагин, она, ўглиндан,  
Унинг кўпдир наздингда айби  
Сен яшаган кулбага баъзан —  
Кўниб ўтар йўловчи каби.*

*Ранжимагин, она, ўглиндан.  
Унинг кўпдир наздингда айби.  
У сен билан сўзлашар баъзан —  
Жаҳл аралаш, дилхун, асабий.*

*Ранжимагин, она, ўглиндан.  
Унинг кўпдир наздингда айби.*

*Ўзи меҳр кўргизмай, баъзан —  
Сендан меҳр унинг талаби.*

*Ранжимагин, она, ўглинган.  
Унинг кўпдир наздингда айби.  
Сен яшаган кулбага баъзан —  
Кўниб ўтар йўловчи каби...)*

Дунё тасодифларга тўла...

*«Хар қандай тасодиф икки ҳақиқатнинг тўқнашувидан  
туғилади. Масалан, эски бинонинг томи ҳилвираб қолган. Бу  
— ҳақиқат! Биров кўчада ўз иши билан кетяпти. Бу ҳам —  
ҳақиқат! Бояги одамни беҳосдан том босиб қолади. Буниси  
энди — тасодиф!»*

Ажабки, тасодифнинг ўзида — қисмат...

Усмон Бухорога кам борарди.

Ойда-йилда бир.

Бўзчининг моксидадек қатнашга на вақт, на имкон топа  
оларди. (Биласиз, қўли қисқа эди. Бунинг устига, Розик  
деган файласуфга ўхшаб, омадли эмасди! Уқувсизми, хаёл-  
парастми?! — шунақа эди.)

Лекин Бухорога бориш Усмон учун байрам эди!

Опа-укалари, яқин кишилар билан кўришарди.

Бухорони айланарди.

Ота-онаси қабрини зиёрат қиларди.

Ниҳоят, қайтиб сафар халтасини тугарди.

*(Чу, тулпорим, ёллари олтин,  
Чу, қайдасан, бахтли манзилим?!)*

\* \* \*

У одатдагидек, Бухорога борган эди.

Болалиқдан дўстлари даврасида чақ-чақлашиб утирар-  
ди.

Кўшни хонада телефон бор экан. Жиринглагани эшитил-  
ди.

Даврада БУНГА ҳеч ким эътибор бермади.

Айниқса, Усмон! Бегона жойда бу сени қизиқтирмайди.

Аммо дам ўтмай,

ҳовлида хизмат қилиб юрган гавдали бир йигит

эшиқда кўринди:

— Усмон ака сиз бўласизми?!

— Мен...

— Кечирасиз... Тошкентдан кўнғироқ қилишди. Тез етиб  
боринг экан!

— Ким?! Нега?!

— Овоз яхши эшитилмади. Узилиб қолди...

У Бухорога шу куни эрталаб келган эди. Ота-онаси қабри-  
ни зиёрат қилишга улгурган эди, холос! Кўчада дўстлари  
қўлига тушиб қолган эди.

«Ким кўнгироқ қилган экан?!», «Нега тез етиб боришим керак?!» деб ўйлаб, ҳовлиқиб-ҳаяжонланиб, уй эгасидан ижозат сўраганча, кўшни хонага чиқди. Қора телефонга тел-мурганча, ролпа-роса бир соат Тошкент билан боғланишга уринди... Ҳеч қандай натижага эришолмади! Ҳеч нарсани аниқлай олмади!

Шу кунгек Усмон  
Тошкентга қайтиб келди.

\* \* \*

Жимжит.  
Қизиқ.

БУ ЕРДА яқинлар, таниш кишилардан ҲЕЧ КИМ уни ЙЎҚ-ЛАМАГАН ҳам, ЭСЛАМАГАН ҳам эди!

Афтидан, қандайдир АНГЛАШИЛМОВЧИЛИК руй берган эди! Тўғри-да, Усмон Қамчибек деган дўстининг уйида эканлиги-ю, керакли рақамдан ҳали Бухорода ҳеч кимнинг хаба-ри бўлмаганида, Тошкентдагилар қайқдан билишади?! У беркорга безовталанган эди... Кимлиги номаълум биров шунчаки «кел» деганида, сўраб-суриштириб ўтирмай, қўлдек эгилиб-букилиб югуриш — бу — тарбиянинг оқибати, албатта! (Биз нақадар бемаъни тарбия олганмиз!)

Усмон ўзи-ўзидан норозиланган эди.  
Шунга қарамасдан, у нотинч эди!  
Бухородаёқ юрагига гўлгула тушган эди!  
Шу тахлитда орадан  
бир ойча вақт ўтди.

\* \* \*

1. Ким?!  
2. Нега?!  
Ва энди бунга қўшилган яна бир савол:  
3. Қаерда?!  
Бухородаги воқеани эслаб,  
қудук тубида ўтирган Қизга тегишли саволларга  
Усмон  
жавоб топган эди...  
Улар парпарақда бирга учишган эди.

\* \* \*

Усмон ўшанда...  
«Мен-ку, саргардон бир кишиман! Бу Қиз саҳрода нима қилиб юрибди экан?!» — деб ўйлаб, ажабланган эди.  
Кейин, ундан-бундан сўзлаша бошлашди.  
— Болаларга, тўхум олиб келаман, дегандим. Гўшт ўрни-да. Ўнгай! Тўрт-беш кунга етарди...

Усмон ҳеч нарсага тушунмади.

Қизми, Келинчак тушунтирди:

— Олой бозордан икки чамбарак тухум олгандим. Қуёш чарақлаб турибди. Лекин қиш. Атроф қор. Ер тақа-тақ муз. Биров учиб, урилиб, тухум ер билан битта бўлиб кетди...

Усмон, ўша «урилган» мен бўлсам керак, деб ўйлади. Чунки хаёлга ботиб, куча-қуйда баъзан одамларга урилиб-сурилиб юрар эди! Бу — унга тупкада теккан касал эди! Қизми, Келинчакнинг олдида қандайдир хижолат чекди.

Шунинг баробарида, Қизми, Келинчак билан бирга пар-парақда учаётганига энди ажабланмади. Аксинча, ҳаётда бу ҳамроҳимга менга нисбатан ҳам қийинроқ экан, деган хаёлга борди. Ҳикояга ўзича маъно берди! Шу боисдан, қисинмай Қизми, Келинчакка кўнглидаги дардларини ёрди. Ўз ҳаёти ҳақида гапирди. Икки оғиз сўз билан айтганда:

— Рухсорани кўрмоқчи эдим! Рауфни топмоқчи эдим...

Ҳикояни эшитиб, ҳамроҳи Усмонга нечундир фаромушланиб қаради:

— Бизнинг уйимизда мўъжаз бир сандиқ... Титилиб кетган эски китобми, ёзувларми?! Сиз кўрсангиз булар экан...

— Кечирасиз. Исмингиз, синглим?!

— Исмингиз?! Мавжуда.

— Сизга бу малол келмайдими?!

— Йўқ. Бемалол, — деди Мавжуда.

\* \* \*

Шундан кейин... Усмон бир куни Олой бозорига кириб, иссиқ нон, гўшт, мева-чева харид қилди. Қўшимча маош олган эди! — пулни аямай сочди. (Қўли қисқа бўлса ҳамки, у тор одам эмасди!) Бозор атрофидан Мавжуда айтган, ўзига керакли ўйни қидирди.

— Вой... Келинг! Келинг!..

Усмон АЁЛ киши ёлғиз бўлган уйга киришга одатланмаган! Бироз саросималанди:

— Йўқ. Мумкин бўлса...

Аммо остонада тўрт ёшлардаги қизалоқ, икки ёшлардаги болакай пайдо бўлишди. Уларнинг юз-кўзидаги баёнсиз бир ҳолат Усмонни ичкарига ундади. (Бу ҳолат НИМАЛИГИНИ у кейинчалик англади!) Барибир кирмасди. Лекин қандайдир НОМАЪЛУМ ТУЙҒУ бу АЁЛ билан УНИ яқинлаштириб тургандек эди! Бунинг устига, Мавжуда қўймади:

— Кираверинг! (Усмон қўлидаги тугунни топширгач) Керак эмас эди! Овора бўлибсиз. Энди сиз ҳам бир пиёла чой ичмай кетмайсиз...

Мавжуда ошхонага йўналди.

Хонага кирган Усмонга болалар четдан ҳуркибгина қараб туришар эди.

Эшик очиқ қолган эди.  
Остонада туйқусдан, Усмондан ёшроқ бир киши қома тиклади.  
Болалар эшикка қараб югуришди.  
Улар иккаласи бояги кишининг икки оёғини қучишди:  
— Дада... дада... — кейин, ошхона томонга отилишди. —  
Опа! Дадам! Дадам келди...  
Киши хонага кирди.  
— Салом алайкум.  
— Салом алайкум, — кўришди Усмон. У хижолат чекди. —  
Мен бир ташвиш билан...  
— Ҳечқиси йўқ. Утираверинг!  
Мавжуда ошхонадан чикди.  
— Мавжуд! Тинчмисизлар?  
— Худога шуқр.  
— Қийналмаяпсизларми?!  
— Йўқ.  
— Мен бугун йўл устида... Ишим кўп. Ҳафтанинг охирида бир келарман. Ишим сал юришса...  
У кетди.  
Дам утмай,  
эшикда хушрўй бир жувон кўринди.  
Болалар яна эшикка қараб югуришди.  
Улар иккаласи энди жувоннинг икки оёғини қучишди:  
— Опа... опа... — улар яна ошхона томонга отилишди. —  
Опа! Опам! Опам келди...  
Жувон Мавжуда билан ошхонага кирди. Нималарнидир гаплашишди. Кейин, жувон ҳам кетди.  
Мавжуда чой дамлаб келди.  
Дастурхон ёзиб, нон ушатди. Ниҳоят:  
— Ҳеч нарсага тушунмаяпсизми?! — деди кулиб, рўпарада ўтирганича. Кейин, ғамгин тортди. — Опам иккимиз, Тошкентга келган эдик... Буларнинг турмуши унмади! Энди иккиси икки ёқда юрибди... Бу болаларнинг мендан бўлак ҳеч кимга кераги йўқ! Ўз жигарим... Етимхонага бермайманку! Ана, ўзимни ҳам ўйламай, шу икки гўдакни асраб, шуларга қараб ўтирибман...  
Чой ҳўплаётган Усмон пиёлани дастурхон четига қўйди.  
Оғзига солган бир бурда нон томоғига тикилди.  
Мавжудага тикилди.  
У шундайки... Худойим! —  
юзи бир чиройли, кўзлари ёруғ... ёшгина ҚИЗ!  
Энг аввал, Усмон, Мавжуда эмас, — бу — БИЗ ЕТИШОЛ-МАГАН Рухсора экан, деб ўйлади.  
Кейин, ўғлим топган-танлаган Рухсора шу эмасмикан (шу бўлиши керак!), деб ўйлади.  
Кейин, Мавжуда (Рухсора)нинг қизалоқ билан болакай тўғрисида айтганлари магзини аста-секин чақиб, гапнинг тагига етиб, менинг манави кишилардан фарқим нима, деб ўйлади.

Унинг юрагида бир дард уйғонган эди!  
Шу сонияда лоп этиб Илонли Отада ётган ўгли қиёфаси—  
кўзлари олдига келди.  
Собирнинг бир одати бор эди.  
Ишхонага кўнғироқ қилиб турар, ҳар гал —  
Усмон яхши билса ҳамки:  
— Дада! Бу мен, Собир! — дер эди.  
Ҳозир ўша овоз, шу нидо  
Усмоннинг хаёлида янграй бошлаган эди!  
Кимдир, бўлмаган гап, деб истехзоли қараши,  
кимдир, беъманилик, деб кулиши мумкин. Лекин —  
айни дамда,  
Усмонга, —  
Бухорога борганида,  
ота-онаси қабрини тавоф этгач (телефон баҳона!),  
БОШҚА (БОР) бирон шахс эмас,  
аниқ ЎҒЛИ —  
олисдан НИДО йўллаган,  
уни (ўшанда) Тошкентга  
тез етиб келишга  
МАЖБУР қилгандек бўлиб туюлди!  
Усмон  
тоби йўк, мажоли ҳам йўқлигидан  
сўнгги кунларда (маълум муддат)  
ЎҒЛИНИНГ ҚАБРИДАН  
хабар ололмаган эди...  
Усмоннинг хаёли бўлинди.  
— Сандиқ уйда эди. Йўқотдимми?! Тополмаяпман. Шу  
жавонда эди...  
Усмон ўрнидан турди.  
— Майли. Зиёни йўк, қизим! — деди Мавжуда (Рухсо-  
ра)га. Кейин: — Раҳмат, қизим! — деди. Кейин, қушиб қўйди:  
— Онажон...

\* \* \*

Мана, энди...  
шаҳар-мамлакат этагига қараб кетаётиб,  
Усмон ҳис этди:  
қудуқ тубида ўтирган Мавжуда  
уйидаги сандиқни кўзда тутяпти!  
У ўйланиб қолди...  
Сандиқ қаерда экан?! Мавжуда фақат, Ер Устида йўқол-  
ган нарса Ер Остида бўлиши керак, деган мазмунда уни  
излашга юбормадимикан?!  
Сандиқ йўқолгани учун Мавжуда  
қудуқда ўтирибдимми?!  
Мавжуданинг ёки унинг уйидаги сандиқнинг  
сўвга нима дахли бор?!  
Умуман, мўъжаз сандиқни топиб бўлармикан?!

Бу — Рауфнинг бир марта йўқолгани етмагандек, яна йўқолган ЁЗУВларими?! Бошқами?!

\* \* \*

Дарвоқе, Рауф...

25

«Қадимги юнонлар давридаёқ Дунё Тўғрисида ҲАММА ГАП айтилган!» — дейишади.

Дунё Тўғрисида ҳеч қачон ҲАММА ГАПни айтиб бўлмайди!

Бизнинг билганимиз — куроқ дастурхон.

Аммо уша замонлардан буён Инсон Кам Ўзгарди, дейиш мумкин!

БАХТГА ТАШНАЛИК, ЭЗГУЛИК билан ЁВУЗЛИК...

\* \* \*

*Ҳазрати Жаброил айтдиларки, кун чиқиш томонда бир мулк бор; уни Хуросон, дейдилар. Унинг учта шаҳарини ҚИЁМАТ КУНИ ёқут ва маржон билан зийнатлаб келтирадилар; улардан нур ёғилиб туради. Бу шаҳарлар теварагида фаришталар кўп бўлиб, тасбиҳ, ҳамд ва такбир ўгирадилар. Келинни кўёв уйига олиб боргандек, буларни эъзоз ва икром ила маҳшаргоҳга етказадилар.*

Ҳазрати Пайғамбар: «Эй Жаброил! Менга у шаҳарларнинг номини айт!» — дедилар.

*Ҳазрати Жаброил яна айтдиларки, бу шаҳарлардан бири Яшкард, арабийда Қосимий, иккинчиси Самарқанд, арабийда Самарон, учинчиси Бухоро, арабийда Фохирадир.*

Ҳазрати Пайғамбар сўрадилар: «Эй Жаброил! Нега Фохира (фаҳр қилувчи), деб атайдилар?!»

*Ҳазрати Жаброил жавоб бердилар(ки), ҚИЁМАТ КУНИ Бухоро ЎЗИДА ШАҲИДЛАРНИНГ ЗИЁДА эканлиги билан фаҳр қиладир.*

Ҳазрати Пайғамбар кўкка хитобланиб, дедилар: «Ё Оллоҳ! Фохирага баракот бергин. Унинг одамлари дилини пок эт. Уларни бало-қазодан асра. Умматим сафига қўш...»

\* \* \*

Рауфни қоронғу ертўлага келтириб ташлашган эди.  
Рауф (Сукрот сингари) ўз ўлимини кутмоқда эди.  
У (Сукрот сингари) ўлими яқин эканлигига (ҳам)  
лоқайд-бепарво қарамоқда эди.



*(Менинг ёшимда, ўлар эканман, деб  
тоқатсизланиб-типирчилаш ахир,  
кулгили, ярашмайди, Критон.*

*Буни қоли бало, дейдилар. Чидайсан.)*

Рауфга ортида қолган кишилар тўғрисидаги уй  
осойишталик бермаётган эди!

Биринчи навбатда, у ажралишган хотини Фотимани эс-  
лади.

*(Мени*

*беҳуда*

*ташладинг-кетдинг,*

*Нега ўлдирмадинг-да, тарк этдинг...)*

ЎВУЗЛАР биз ажрашганмиз, деган гапни эшитишни ҳам,  
тушунишни ҳам истамайдилар. Бечора Фотимага қийин...  
Уни тинч қўйишмайди! Саргардон қилишади!

Лекин у йигирма беш-ўттиз йилдан кейин ҳам овози  
титраб, мени меҳрибонлик (шафқат) билан эслайди. Менга  
нисбатан эътиқоди бузилмайди. (Ажралган бўлса-да! Мен-  
дан қачондир кетган бўлса-да!)

Олой бозори яқинидаги бир пайт турган кичик ҳовли,  
кейин Бешёғоч билан Чақар оралигида бўлган кўркам бир  
ҳовли —

Рауфнинг кўзлари ўнгида жонланди.

У рафиқаси Ҳикматой, қизчаси Севарани эслади.

*(Оппогим! Худо асрагай сени...*

*Кетма, тур бироз, мен кўрай сени...)*

Шу дамда Рауф тасаввур (ҳатто башорат) қилди:

буларга яна-да, қийин...

Ҳикматойни қамайдилар, албатта (халқ душманининг хо-  
тини!)

Мақтабга борадиган ёшдаги Севара тирик етим қолади.

ЎВУЗЛАР (жаллодлар) бу Аёл киши экан, бу бола экан,  
деган гапни билишадими?!

Ҳовлига (сенинг уйингга) ким-кимлар (кейин) бостириб  
кириб олишади.

Улар сенинг номингдан ҳам балки, ижирғанишади!

Сени билмасликлари ҳам мумкин!

Кейин, сенинг нафасинг сингиган деворлар қулайди...

Мен нима қилай?!

**БУНДАЙ УЗГАРИШ бизга керакмиди?!**

(Ўзингга фойдаси йўқ УЗГАРИШНИ ОДАМ бошингга ура-  
санми?!)

**ҲАЛОКАТ-КУ БУ, ахир...**

*(Йиқилмаган, таланмаган уй йўқ. Қиличларнинг тиллари-  
да қон. Найзаларнинг бошларида маъсум гўдак...)*

**ОЗОДЛИК шумиди?!**

**БАХТ шумиди?!**

Мен нима қилай?!

(«Худонинг ўзи мени **ШУ ҲОЛАТИМДА ЯРАТИБ**, куни буйи тинмай, ҳар жойда сизлардан ҳар бирингизни **Ғафлатдан УЙҒОТИШ, ДУНЁДАН ВОҚИФ ЭТИШ, ТЕРГАШ** ва **ПОКЛИККА ЧОРЛАШ** учун бу шаҳарга юборган!» Сукрот).

(«Фозиллар шаҳрининг зидди бўлган шаҳар — жоҳиллар шаҳри, беномуслар шаҳри, айирбошловчилар шаҳри, адашган, залолатдаги одамлар шаҳридир... жаҳолатдаги одамлар ҳеч қачон бахт топмаган ва бахт-саодатга ишонмайди ҳам! Фаровонликка келсак, жаҳолатдаги одамлар ҳақиқий **ОБОДОНЛИК**ни билмасдан, баъзилар назарида мулк-давлат бўлиб кўринадиган ўткинчи, юзаки нарсаларни, мол-дунёни, жисмоний лаззатларни, ҳирсу шаҳватни, обрў, амал, шон-шухратни ҳақиқий бахт, **ФАРОВОНЛИК**, деб ўйлайдилар. **Шу неъматлардан ҳар бири жаҳолатдаги одамлар назарида, ҲАЁТДАН МАҚСАД, БАХТ-САОДАТ** бўлиб кўринадилар... Обрўпарастлар шаҳри! Бундай шаҳар аҳолиси ўзаро бир-бирларини мақташни, кўкка кўтаришни яхши кўрадилар. Уларни ўзга халқлар сўзда ҳам, амалда ҳам улуглашларини истайдилар. Бир-бирлари олдида ёки бегоналар кўзига **УЛУҒВОР, ШОН-ШАВКАТЛИ** бўлиб кўринишни хоҳлайдилар...» **Форобий**.)

Рауф БУНИ эслаб, мен яшаган **ШАҲАР** шу, деб ўйлади.

Ортида қолган кишиларга унинг кўнгли ачиди.

У, яна, мен нима қилай? **БОШҚАЧА** яшашим мумкин эмасди, **ЁВУЗЛИККА ҚАРШИ** чиқмай иложим йўқ эди, деб ўйлади.

Кейин...

(Кўпчиликнинг гапига қараб, ташвишланиш шарт эканми, азизим Критон?! Биз ҳисоблашадиган фикрли, заковатли одамлар ҳам борки, улар бўлган воқеани бўлган ҳолатида тушуниб олаверадилар...)

Рауфни 30 кун эмас,

**БИР ЙИЛДАН** кўпроқ

азоблашганидан кейин чиқариб, —

отиб ташлашди...

\* \* \*

Буларнинг

<sup>1</sup> Сукротни айблаган (Мелет, Анит, Ликон)дан фарқи **КАМ** эди!

Булар ҳам ҳали **БИР КУНИ** лаънатга учрайдилар.

Тош бутлар қулайди.

Дунё **ҲАЛОКАТ**нинг гувоҳи бўлади...

«Сенинг **УЙЛАГАНИНГ** — бизнинг **УЙЛАГАНИМИЗГА** зид!

Нега **БИЗДЕК УЙЛАМАЙСАН?**!

**ҲАММА**

**БИР ХИЛДА УЙЛАШИ,**

**БИР ХИЛДА СҮЙЛАШИ,  
БИР ХИЛДА КУЙЛАШИ**

керак! Сен МАЖБУРСан...» —

Рауфни бир йилдан кўпроқ азоблашиб,  
унга терлаб-пишиб, БУНИ ТУШУНТИРИШга уринишган  
эди!

Рауф «тушунмаган» эди.

(Сукрот сингари!)

Кейин, Сукрот сингари уни Улимга ҳукм  
қилишган эди...

26

Ўз бойликларини кўмиб яширган қароқчиларга нисбатан ҳам тилла қидирувчилар юз чандон кўпроқ эканми?! — шаҳар-мамлакат ташқарисидаги тоғлар этагида ҳар бир дарахт ости, атрофи қазиб ташланган; уюм-уюм тош-тупроқ тўпланган эди. Ҳар жой-ҳар жойда эски, занглаган қазиб буюмлари — лом, дейсизми, тешами, белкуракми?! — сочилиб ётар; бу ерга ҳеч ким КИТОБ ёки ЁЗУВ солинган сандиқ қидириб келмагани кўриниб турар эди!

Усмон дарахтзорда гангиб айланиб юрган эди, Ҳазрати Хизрдек рўпарасида беҳосдан нуроний бир ҚАРИЯ пайдо бўлди:

— Бирон нарсани йўқотдингизми, ўғлим?!

Усмон гамгин кулиб, қўлини кўксига қўйди:

— Эй мен умримда куп нарса йўқотганман, ота... Отамни йўқотдим. Онамни йўқотдим. Акамни, опамни йўқотдим... Ўзим ўлим остонасига борганимда, мен қолиб, ўғлимни йўқотдим... Қанча кеча, қанча кундуз, қанча куч, қанча имкон! Менга топган нарсамни айтишдан йўқотган нарсамни айтиш осон... Қай бирини айтай, ота?!

— Сиз фозил экансиз. Фозил одамлар шаҳрида яшашингиз керак! — деди ҚАРИЯ мамнун.

— Мен ундай эмасман. Даврим бошқа! Бунинг устига, барча фозиллар фозил одамлар ШАҲРИДА, фозил одамлар ОРАСИДА яшаса экан... Сиз-чи?! Нега бу ерларда юрибсиз?!

— Мен фозилни ҳам, жоҳилни ҳам четдан кўриб тураман. Менинг вазифам шу! — деди ҚАРИЯ.

Усмон ҚАРИЯга тикилганича, бу одам, мабодо, Форобий эмасмикан?! — деган хаёлга борди. УХШАЙДИ! У ҚАРИЯ билан яқиндан танишмоқчи эди, — бўлмади.

— Сиз қидирган нарса бу ерда эмас...

Усмон ажабланди.

— Сандиқ қудуқнинг тубида ётибди!

— Бўлмаса, Мавжуда нега мени бу ерга юборди?! — деб сўради Усмон.

— Мавжуда ҳозир бошини йўқотиб қўйган!

— Сандиқда Рауфнинг ёзувлари борми?! Мавжуда айтган эди.

— Йўқ, — деди ҚАРИЯ. — Лекин Рауфга бағишланганми?! Яқин... Мавжуданинг ҳозир эс-ҳуши жойида эмас! Севган йигити шу кунлар учиб кетди. Ойна очиқ эди...

\* \* \*

Усмон кўксини чангаллади.  
Ортига қараб югура бошлади.  
Мавжуда! ЎША эканми?!  
Келинлардек ҳарир-оқ кийган...  
Нега Рухсора эмас, Мавжуда?!  
(Собир Рухсора, деган эди-ку!)  
Шунақа бўлиши ҳам мумкин экан-да!

\* \* \*

У, бир пайтлар — отаси (Ака Саид)дан бошланган Рухсора ХАЁЛИ бундай НИҲОЯСИГА ЕТАДИ, деб уйламаган эди!

Нега Рухсора эмас, Мавжуда?!  
Ҳарир-оқ кийган келинчак...  
Балки, унинг ЎҒЛИ ҳам Собир эмас, БОБУРдир?!  
(Отда учиб, отдан учиш Бобурга хос!)  
Шунақа бўлиши ҳам мумкин экан-да...

\* \* \*

Усмон дарёдек кенг кўчага етиб келди ва —  
ўзини

қудуқ ичида кўрди.  
Қудуқнинг тубида,  
каттакон мис лаганнинг ўртасида —  
мўъжаз сандиқ ётар эди!

У сандиқни очди.  
Эски, титилиб-йиртилган КИТОБ.  
Усмон қалқиб кетди...

китобнинг  
бетига  
катта ҳарфлар билан  
«Афлотун» деб  
ёзилган эди.  
(Афлотунмидинг, болам?!)  
(Жон болам! Жоним болам!)

\* \* \*

У сандиқни бағрига босганича,  
арқоннинг учини белига боғлаб,  
тепадагиларга:  
— Торт! — деб бақирди.  
Одамлар Усмонни қудуқдан тортиб чиқаришди.  
— Энди бемалол челақ тушираверинглар! — деди Усмон.

\* \* \*

Одамлар суюнишмоқда...  
Кимдир бировларнинг устидан сув қуйган,  
кимдир бировларнинг остига сув қуйган,  
қандай бўлмасин! —  
одамлар узларига сизмай,  
ирғишлаб-ўйнашмоқда;  
қаҳ-қаҳ отиб қулишмоқда эди...  
Усмон эса...


\* \* \*

одамлардан четда,  
бир қум тепалиги устида  
мўъжаз сандиқни бағрига босганича ўтирар, —  
аччиқ-аччиқ бўзлар эди.

\* \* \*

Олисдан ҳазин қироат товуши эшитилар эди...

1970—1996 йиллар





*Абдулла Шер*

## НАСИМ БЎЛИБ ЁЙИЛАДИ ТОНГ

Таржимаи ҳолимга чизги

*Кўрдим, аср ўртасида келиб дунёга,  
Тарихларда учрамаган тангдил замонни:  
Ухшар эди ҳаёт худди бир хил рўёга,  
Битта ҳайкал қопламишди ҳамма майдонни.*

*Кўриб рангин капалакнинг чарх уришини,  
Мен билмасдим, бу қанотдан пайдо бўлган қурт  
Гўзал ҳилқат томирини кемиришини,  
Қуртларга ем бўлишини мушфиқ она юрт.*

*Оҳ, бу алдов! Сувратдаги ўлик қуёшнинг  
Осмони бор, тафти бор, деб ўргатган алдов,  
Бўйнимдаги чўян гулни холис қардошнинг  
Меҳр тўла кафтидир, деб ўргатган алдов!*

*Гарчандки, мен кўп тилларни билсам ҳам, лекин,  
Бундай қисмат баёнига тополмадим тил;  
Янги қадаҳ, эски оғу... Сипқориб секин  
Мутеликнинг шаробидан заҳарланди эл.*

*Кулранг танклар ҳайдаганда Афғонистоннинг  
Баҳорини яшолмаган шудгорларини,  
Ўн саккизда «Онажон!» деб узилган жоннинг  
Мен тингладим мангу тирик оҳ-зорларини:*

*«Мен босқинчи милтигида оддий ўқ эдим,  
Душманам ҳам тушмасин-а, ҳатто бу ҳолга!..»*

*Тингладим-у, барин англаб, лаънат ўқидим  
Охир замон бўлмасидан чиққан Дажжолга!*

*Мен орзунинг товуш етмас ўлкаларига  
От кўйдим-у ёруғ кунни топай деб бот-бот,  
Лекин темир дарвозалар кўлкаларида  
Дариг тутди қуёшини мустабид ҳаёт.*

*Аму билан Сирдарёга тўкиб ёшимни,  
Икки дарё ўзанига тўлиб йиғладим.  
Кўтаролмай алдовлардан эгик бошимни,  
Қулликдаги Ўзбекистон бўлиб йиғладим.*

*Аммо, хазон тагларида ўсган майсалар  
Саррин баҳор елларига айтганидек роз,  
Мен куйладим осмон каби Эркни сарбасар,  
Юлдузларнинг шуъласидан эланиб овоз.*

*Богларимнинг тагларини босганда шўра,  
Насим бўлиб гуллар бўйин елдирай, дедим.  
Вақт келганда зарур сўзни айтгандан кўра,  
Зарур сўзни айтиб Вақтни келтирай, дедим.*

*Кечмишимни улуғладим, эртам деб ёндим,  
Мен замона лаззатидан кечиб яшадим.  
Бахтли кўлга ажратилган неъматдан тондим,  
Тантаналар рўйхатидан ўчиб яшадим.*

*Дил кишанин чўрт ўзганда ҳар бир байтимки,  
Қулхўжалар титраб-қақшаб, кўкси бўлди чок.  
Эрк сўзини шундай овоз билан айтдимки, —  
Ҳатто бугун сукутимга боқарлар хавфнок.*

*Бугун, шукур, эски дунё тўнгаларидан  
Четга олди қоматини ям-яшил ниҳол.  
Чўлпонлару Қодирийлар сўнгаларидан  
Униб чиқди ҳур Бинафша, гузал Истиқлол.*

*Демак, ғамнинг соясига айланма, юрак,  
Чарақлайвер, эй очилган кўзларим менинг.  
Эрк кунига, Юрт кунига ярайсиз, демак,  
Ҳали шеърга айланмаган сўзларим менинг.*

\* \* \*

*Баҳор ўтди. Тошқиндек тинди  
Ҳавасларнинг қолган-қутгани.  
Чўгдек ёнмас девордан энди  
«Ухлаётган Зухро»нинг тани.*

*Камбағалнинг қозони бўшлиқ;  
Енгил уйнар соат кафгири.  
Куйлай бошлар сирли бир кўшиқ  
Токчадаги Қуръон тафсири.*

*Шитирлайди эски боғ аста,  
Насим бўлиб ёйилади тонг.  
Қолиб кетар жуда ҳам пастда,  
Вақт аталмиш соатдаги бонг.*

\* \* \*

*Олти аср осмон бўйлаб кўк гумбазлар жаранглар,  
Олти аср имонларни ухлатмас бу нидолар;  
Эшитмайди фақатгина қалби карлар, гаранглар,  
Куйлаганда буюк Темур бунёд этган бинолар.*

*Яссавийнинг ҳикматидан олам келар жунбушга,  
Шоҳизинда битигидан Аршга учар дуолар.  
Гури Мирни фаришталар тўлдиради олқишга,  
Куйлаганда буюк Темур бунёд этган бинолар.*

*Оқсаройнинг пештоқига олислардан кўз тикар,  
Ҳиротдаги мадрасалар айтиб ҳамду санолар;  
Тож Маҳалда Шоҳ Жаҳоннинг руҳи гоҳ-гоҳ энтикар,  
Куйлаганда буюк Темур бунёд этган бинолар.*

*Буюк Тарих, буюк Тақдир ром этади элларни,  
Замонларни жаранглатар мангу сўнмас садолар.  
Ўзбек руҳи писанд этмас тўфонларни, селларни,  
Куйлаганда буюк Темур бунёд этган бинолар.*

\* \* \*

*Занглаган тунука қийқими каби  
Сочилган хазонлар, хира, ўзгача.  
Болакай ўтади кўкариб лаби,  
Тумоқни бостириб қошу кўзгача.*

*Қисирлаб синади шошқин қадамдан  
Қатқалоқ музида қорсиз қиш тунни:  
Каттакон ташвишли кичик одамдан  
Шу тахлит бошланар қишлоқнинг куни.*

\* \* \*

*Ҳовуримни, мен, босолмасдан,  
Дунё деган бу дарёбодда,*



*Нима қилай, айт, ёзолмасам  
Сенга ўхшаб гўзал ва содда?!*

*Гапга кўнмас сўзим жўнгина,  
Иззатталаб мендек, нетайин,  
Парво қилмай, кўзим ўнгида  
Қуюшқондан чиқар атайин.*

*Сенинг сўзинг эса — карвонда,  
Маромлидир, доим юклидир:  
У туксиздир силлиқ замонда,  
Замон сержун бўлса — туклидир.*

*Куйлаганинг Олтин Ўрдами,  
Дардларими ёки Кавказнинг, —  
Сен топасан «олтин ўрта»ни —  
Аҳамиятин англаб марказнинг.*

*Лекин сенга қилмайман ҳавас,  
Ҳар ким тортсин аравасини.  
Татиб кўрмоқ, ахир, шарт эмас,  
Қўшни қозон зиравасини!*

*Хуш қол энди! Сен тўкиб жомсўз  
Расмий давра ичра порлагин!  
Мен-чи... Кечир мени бир гул юз,  
Гул базмига бу кеч чорлаган.*

\* \* \*

*Ёзни олиб учган турналар  
Қанотидан тушиб қолган Куз —  
Сариқ илон каби буралар  
Барглар аро чўчиб, уқувсиз.*

*Кўргач фалак ёққан оловни,  
Майса кокил ёйиб, бел сириб,  
Эритади кумуш қировни  
Аста қўёш рангига кириб.*

*Ариқнинг ҳам қўшиғи маъюс,  
Хазонларни ювиб қораймиш.  
Ялт этади гоҳо юпқа муз,  
Тоғ ортидан мўраласа қиш.*

*Тинглаб бўм-бўш сарғиш сукутни,  
Хўрсинади бўшанган боғлар.  
Қувар руҳни босган булутни,  
Намозшомда ёнган чироқлар.*

# ҚУРАМА

## Парчалар

*Ватан! Сени қай тил билан сўйлайин,  
Кучоғимга олай, қандай бўйлайин,  
Борлигинга мен садаға бўлайин,  
Сўзларимга сен гувоҳ бўл, Қурама,  
Охуларга сен паноҳ бўл, Қурама!*

*Нуротанинг чўққисига етмадим,  
Лангар ташлар дарёсидан утмадим,  
Бир мириқиб тупроғида ётмадим,  
Ётсам эдим, туш кўрадим, Қурама,  
Ҳаволарга туш урардим, Қурама!*

*Тутиларинг, булбулларинг сайрар-ей,  
Бўз йигитлар этагингда яйрар-ей,  
Бўй қизларга минг бир эртақ сўйлар-ей,  
Мен бир бахши, мен бир оқин, Қурама,  
Сўз мулкига шоир ҳоким, Қурама!*

*Бекободга келиб-келиб тўхтадим,  
Ўтмишинга куйиб-куйиб тўхтадим,  
Келажакни суюб-суюб йўқладим,  
Сен гувоҳсан сўзларимга, Қурама,  
Сен нур бердинг кўзларимга, Қурама!*

*Мен «тоғ» дедим, тоғларимга майқсан,  
Мудрар эдинг, ухлолмадинг, уйғоқсан,  
Ватанимнинг боши узра байроқсан,  
Яшил-яшил, алвон-алвон, Қурама,  
Кушлар учар карвон-карвон, Қурама!*

*Чортогингу Наманганнинг тупроғи,  
Сулув-сулув дарахтлару япроғи,  
Чимёнингнинг кумушлари, попоғи,  
Фурурингдир, виқорингдир, Қурама,  
Азал-абад ардогингдир, Қурама!*

*Элим — менинг қисматимсан, сўзимсан,  
Дардли диллар ҳам тилларда созимсан,  
Ҳам қоямсан, чўққиларда ўзимсан,  
Йиқилганман пойларингга, Қурама,  
Ёйилганман сойларингга, Қурама!*

Манзураинг нур таратар чинниси,  
Хушим олди мозий иси, Чин иси,  
Йироқлардан келмоқда карвон саси,  
Юрагимга кудрат берар, Курама,  
Вужудимга роҳат берар, Курама!

Марғилоннинг атласларин турлари,  
Еддан чиққан гавҳарлари, дурлари,  
Жононларга мафтун бўлар эрлари,  
Мажнун бўлиб қолмадимми, Курама,  
Бирор бўса олмадимми, Курама?!

Тухта, бир он қизларингдан сўз очай,  
Йўлларига атир сочай, гул сочай,  
Азизага кўнгул очай, сўнг қочай,  
Нози — сиртмоқ, нигоҳи — тиг, Курама,  
Дўстлар дейди: «Эсингни йиғ», Курама!

\* \* \*

Ватан! Энди меникисан, Ватаним,  
Вайронмисан, гирёнмисан — мен таним,  
Қаро кунлар ўтди — қаро кафаним,  
Энди бошинг тоғ кўтаргил, Курама,  
Энди кўнглунг чоғ кўтаргил, Курама!

Озодлик диёри офтобдай азиз,  
Қувончинг куйлаган рубобдай азиз,  
Байрамлар сипқорган шаробдай азиз,  
Чўққингдан қарайман ёниб, Курама,  
Ватан дийдорига қониб, Курама!

Ҳайёт мангу эрур, Ватан мангудир,  
Ўзбек диёрида чаман мангудир,  
Фурур мангу, номус ва шон мангудир,  
Ва Сўз мангу, мардлар Сўзи, Курама,  
Ва юз мангу, мардлар юзи, Курама!

Ватан, эртанг кўзларимда намоён,  
Дардинг битар, яшарсан омон-омон,  
Қирларингда лолалар алвон-алвон,  
Самолардан нур таралар — зар афшон,  
Қушлар учар, чарх урарлар, Курама,  
Мардлар сўзда шаҳд турарлар, Курама!

\* \* \*

Ўзбек элим, йўлларингда кўп кездим,  
Тупроғингнинг дардларини дил сезди,  
Юртни сотган нокаслардан кўп бездим,  
Энди келдим ўзлигимга, Курама,  
Энди кўрдим ўзлигингни, Курама!

Оқин сўзин кўча-кўйда сўйларлар,  
Шаҳарларда давра-уйда сўйларлар,  
Маъракалар, йигин, тўйда сўйларлар,  
Сўзим элим тингласа, бас, Қурама,  
Ўзлигини англаса, бас, Қурама!

Насиҳатни бизга ота берарди,  
Йўлдан тойсак, чора-тадбир кўрарди,  
Бошимизда посбон бўлиб турарди,  
Отасиз эл, бебош бўлар, Қурама,  
Уйи, моли талош бўлар, Қурама!

Элбошини азал «ота» дегайлар,  
Эгилмаган бошларини эгарлар,  
Кофирларда — мажлисларда сукарлар,  
Бизда ота сукилмайди, Қурама,  
Ҳам обрўси тукилмайди, Қурама!

\* \* \*

Юртим, сенинг борлигингдан сўйладим,  
Бугунингу, келажакинг уйладим,  
Гоҳ қон ютиб, гоҳ дил тошиб куйладим,  
Менга маҳрам бўлди сирдош, Қурама,  
Элга дарддош, тоғларга бош, Қурама!

«Дўст» деб, душман сўзин сўзлаб, ўтдинг-а,  
Ўзни «сен»лаб, уни «сиз»лаб, ўтдинг-а,  
Лабда кулгу, дилдан бўзлаб, ўтдинг-а,  
Қўрқув ҳаёт панди эди, Қурама,  
Умид қуши банди эди Қурама!

Сарғайганди юзимда дил дафтарим,  
Ҳақ сўзлашга топмасдим жой ахтариб,  
Бу кун юртим — менинг олий минбарим,  
Эл тилидан айтдим калом, Қурама,  
Сўзлайверсам, бўлмас тамом, Қурама!

Қўрқув — менинг сочларимнинг баёзи,  
Эл севмадим мен юзаки, саёзи,  
Асрлардан ўтарми қалб овози —  
Ватан янглиғ умри боқий, Қурама,  
Асримизнинг чўнг ҳамроҳи, Қурама!

Кўнглум, энди сўзламоқни тўхтатай,  
Балиқчидек шу тупроққа тўр отай,  
Элим бирла муродимга ҳам етай,  
Етмоқ учун йиллар керак, Қурама,  
Қўрқмас юрак, тиллар керак, Қурама!..



*Аҳмад Лутфиёв*

## ҲИЖРАТ ЮРТИДА ТОНГ

Бадрада тирик қолган мушриклар кеча-кундуз Маккага қараб йўл юрдилар. Энг аввал Ҳайсуман деган киши етди.

Лашкар кетганидан бери улардан бир хабар ололмаган, аммо юз фоиз ишонч ила зафар муждасини кутиб яшаганлар Ҳайсуманнинг паришон бир ҳолда шаҳарга кириб келганини куриб, кунгилларига ваҳим оралади.

— Қандай хабарлар келтирдинг, эй Ҳайсуман? — дедилар. — Бизга тушунтир.

Ҳайсуман атрофини ўраб олганларга шундай бир кўзқараш қилдики, гуё бу билан: «Мен сизларга нимани ҳам тушунтираман, ҳолимдан ўзларинг англаб олмаяпсизларми?» деяётгандек бўлди. Аммо мушриклар барибир ўзлари орзулаган жавобни кутишар, «Муҳаммаднинг ҳолини паришон қилиб қайтдик. Узимиз, қай аҳволда келган бўлсак-да, биз галаба қилдик», дейишини ишташар эди. Ниҳоят Ҳайсуман тилга кирди:

— Утба ибн Робиа ўлдирилди. Шайба ўлдирилди. Абул Ҳакам (яъни, Абу Жаҳл) ўлдирилди... — дея бир-бир санашга тушиб кетди.

— Нималар деяётганингни ўзинг биласанми?

— Сенга бир бало бўлмаганми, ишқилиб?

Ҳайсуман уларнинг саволларига парво қилмас, ҳамон «Фалончи ўлдирилди, Писмадончи ўлдирилди...» дея санар эди.

— Хуп, Умаййа ибн Халаф-чи?

— Ўлдирилди.

— Абул Бахтарий-чи?

— Ўлдирилди...

Ҳар ким эсига келиб қолган одамни сўрар, у эса, биргина сўз ила: «Ўлдирилди», дея жавоб қилар эди. Бу даража ваҳимали оқибатни ҳеч ким кутмаган эди. Кунлар ўтган сайин қатъий бир галабани кутиб яшаганларга бундай бир мағлубиятни англаштиш чиндан ҳам огир эди.

Илк ҳушини йиғиб олган киши Умаййа ибн Халафнинг ўғли

---

Давоми. Бошланиши ўтган сонларда.

Сафвон бўлди. У сал илгариди, Хижр деган жойда утирган эди. Ёнидагиларга паст овозда шивирлади:

— Бу одам эсини еб қўйган куринади. Мени суранглар-чи, нима деркин, кўрамин.

Ҳозирги вазиятда бундан маъқул йул йўқ эди ҳам. Ичларидан бири келиб сўради:

— Хуп, Сафвон ибн Умайядан хабар борми? У ҳам улдирилган бўлмасин тагин?

Ҳайсуман ўтирилди, Хижр тарафга боқди ва:

— Анави ерда девор тепасида утирибди, — деди.

Энди уни биров телба дея олмасди. Ёлгон сўйламаётган бўлса, унда қатъийан мағлуб бўлганларига ишонишга тўғри келарди.

— Менга қара, — деди бирови, — агар бизни алдаётган бўлсанг, ҳолинга вой! — Сунгра Каъба атрофини ураган бутларга ишорат қилди: — Ҳамма бутларнинг лаънати бошинга ёғилсин!..

Ҳайсуман сўзини қисқа қилди:

— Буларнинг ва яна мен билмаган илоҳларнинг ҳолига қасам ичаманки, айтганларим тўғридир! Менинг бу сўзларимга яқин орада ўзларингиз ҳам ишонч ҳосил қиласизлар.

Маккага биринчилардан бўлиб қайтиб келганлар орасида Жаноби Расулуллоҳнинг (с. а. в.) амакиларидан Ҳориснинг ўғли Абу Суфён ҳам бор эди.<sup>1</sup> Ҳар эҳтимолга қарши ундан ҳам сўраб қурилса, зарар қилмайди. Чунки ҳеч ким Ҳайсуман келтирган хабарга ишонишни истамас, ҳамма зафардан сўз очилишини орзу қилар эди. Улар сўрамаган тақдирларида ҳам, Абу Суфён жим ўтирмас эди.

— Нима янгиликлар бор, эй Абу Суфён?

Абу Суфён сўзни чўзиб ўтирмади. Зотан, араблар эзмаликни ёқтиришмас эди.

— Валлоҳи, биз Муҳаммаднинг лашкарига рўбару келганда, улар билан урушолмадик. Буткул узғариб қолгандек эдик. Улар эса, жон олгувчилардек, кимимизни ўлдирдилар, кимимизни асир қилдилар. Ҳеч кимдан айб ё қабоҳат топмоқчи эмасман. Аммо шуниси ҳақиқатки, биз ер билан кўк орасида, кулранг отларга минган порлоқ юзли, турли-туман нотаниш суворийлар билан қаршилашдик. Валлоҳи, ҳеч ким уларнинг ҳамласига дош беролмас, бир нарса ҳам қила олмас эди.

— Майли. Утба, Шайба, Абул Ҳакам... каби улуғларимизни ўлди деб эшитдик, шу тўғрими?

Абу Суфён: «Сизлар нималарни сўраётгирсиз?» деган каби қаради ва:

— Ҳар бири кўзимиз унгида улдирилди, — деди.

Абу Суфённинг ортидан келганлар ҳам айни воқеани ҳикоя қилишди. Улар англамаган, калаванинг учини топмаган жойи шу эдики, муҳорабадан олдин бир ҳовучгина бўлиб кўринган, тайёргарлиги ҳаминқадар бир аскарини бирлик қаршисида ҳарбий тайёргарлиги пухта катта бир лашкар қандай қилиб бу қадар паршон бўлди?! Ҳодисани бу жиҳатдан ўрганганлар: «Биз энг камида улардан беш баробар кўп эдик», дейишарди.

Макка энди жиддий бир мотам ҳавоси ила чулғанди.

<sup>1</sup> Бу Амавийлардан бўлган ва Шом тижорат карвонини Маккага олиб келган Абу Суфён эмасдир. Жаноби Расулуллоҳнинг катта амакиларининг ўғлидир. Бу Абу Суфённинг укаси эса, Утба билан урушда яраланган Убайдадир.

Жаноби Расулуллоҳнинг (с. а. в.) лашкарлари Бадр жангидан сўнг тўғри Мадинага қараб йўл олди. Кечани Усайл водийсида ўтказишди. Уша тун Жаноби Пайгамбарнинг уйқулари келмади.

Саҳобийлари сўрашди:

— Нимага ухламаяпсиз, ё Расулуллоҳ?

— Қулогимнинг тагида Аббос амаким инграгандай бўляпти, — деб жавоб қилдилар Расули Акрам.

Сураган киши индамай у ердан туриб кетди. Орадан ҳеч қанча ўтмай Султони Анбийёга бу ингроқ эшитилмай қолди. Сабабини сурадилар. Аббоснинг қўлбоғлари ечилганини айтишди.

— Унда бошқа асирларнинг ҳам боғлари бўшатилсин, — деб амр қилдилар.

• • •

Эртаси тонгда асирлар Жаноби Расулуллоҳнинг (с. а. в.) ҳузурларига келтирилди. Ислоннинг бош душманларидан Надр ибн Ҳорис Жаноби Пайгамбарнинг илтифотларига арзимас эди. Ичига ўлим қўрқуви тушди. Анчадан бери яхши танийдигани Мусъаб ибн Умайрга ёлборишга тушди:

— Менга ҳам шерикларимга курсатилганидек илтифот курсатишини дўстингдан рижо қилиб бер.

Надр бир замонлар Ҳабашистондан қайтган ва ўзларини ҳимоя қила оладиган бир одам ахтарган Мусъаб ибн Умайрни ҳимоясига олган ва шаҳарга бемалол кириб келишини таъминлаган эди. Энди ўша кўнларни эслатиб, Мусъабнинг ёрдамчи бўлишини хоҳларди. Аммо Надрнинг яхшилигидан ёмонлиги ортиқ, у етказган азоб-уқубатларни ҳеч нарса ила ўлчаб бўлмасди. Мусъаб унга шуларни эслатди, кирдикорларини санади. Лекин Надр мазлум бир одам каби, илгариги замонларда обрў-эътибор ила яшаган яхши бир инсон каби, ҳар ким ўтган кўприқдан мен ҳам ўтсам нима қилибди, дегандай ялинарди. Ниҳоят, Жаноби Расулуллоҳ (с. а. в.):

— Тур, эй Али, Надр ибн Ҳориснинг бўйнига ур! — дея буюрдилар.

Ҳазрати Али турди. Бу орада Миқдод ибн Асвад ҳам отилиб турди:

— Ё Расулуллоҳ! Надр менинг асиримдир. Биласизки, камбағалман. Унинг эвазига унча-мунча дунёлик бўлармиканман, деб ўйлаган эдим, — деди.

Аммо Жаноби Пайгамбар буйруқларини такрорладилар. Шу заҳоти бир қилич қинидан шиддат-ла сутурилайб, ҳавода шув этди...

Надрнинг вужуди ҳали тупроққа тушмасдан азоб фаришталари атрофини ўраб олишди, энди ҳеч бир нарса унинг истагига ташлаб қўйилмайдиган бир оламнинг ҳукми ижро этилаётгани маълум бўлди.

Жаноби Расулуллоҳ (с. а. в.) асранди фарзандлари Зайдни туяларига миндирдилар, Абдуллоҳ ибн Равоҳани унга ҳамроҳ қилиб, Мадинага хушхабарни етказишга юбордилар. Бу икки биродар Мадинага тобора яқинлашар эканлар, юраклари олиб бораётган хушхабарларининг севинчи ила тўла эди.

Музаффар Ислом лашкари Ирқуз Зубйа деган жойга етганида Жаноби Расулуллоҳ тўхташ амрини бердилар. Бир мўдат ҳордиқ чиқарилганидан сўнг яна йўлга отланишаркан, Жаноби Пайгамбар Осим ибн Собитга мурожаат қилдилар.

— Буюринг, эй Оллоҳнинг расули! — деди Осим.

— Боргин-да, Уқба ибн Абу Муойтнинг буйинини уз!

Бу сўзни эшитган заҳоти Уқбанинг юзи оқарди, тиззаларидан дармон қочди:

— Эй Муҳаммад, менга ҳам ҳар нимга қилганингни қил. Уларни ўлдирсанг, мени ҳам ўлдир. Улардан товон пули олсанг, мендан ҳам ол. Мени ўлдирсанг, сағирларимга ким қарайди?

— Сен уларни Оллоҳга қўй-да, ўзинг жаҳаннамга киришингни томоша қил, — деган жавоб олди.

Сал ўтмай, Осим иккинчи бир амр олиб, қиличини Уқбанинг буйинига солди. Уқбанинг танаси бир томонга, боши иккинчи томонга юмалади. Шу тахлит Сарвари Анбиёнинг (с., а.) ашаддий яна бир душмани дунё ила видолашди, қилмишларининг жазосини олиб, охирад оламига жўнатилади.

Ҳар кимга қилингани ўзига ҳам қилинишини орзулаган Уқба бу орзуида ҳақлимиди? Бу кунга қадар узи бошқалар каби була олдимми? Шу кунгача ишламаган виждони нимага энди бугунга келиб ҳақ талаб қилиб қолди?..

Бир замонлар Каъбада намоз ўқиб ўтирган Пайгамбарнинг (а. с.) устларига туянинг ичак-чавогини ташлаган бу виждон ҳеч ишлаш ҳавасида эмасди-ку.

Бу орада Утба билан яккама-якка олишувда яраланган ва йўлда тобора оғирлашиб қолган Убайда ҳам сўнг нафасини олди. Жаноби Мавлонинг ҳузурига «Бадр шаҳиди» сифатида кетди.

\* \* \*

Усмон ибн Аффон Расулуллоҳнинг (с. а. в.) амрларига биноан Бадр жангига қатнаша олмаган эди. Кейинги кунларда касалиги зўрайиб кетган хотини Руқаййанинг ёнида ва хизматида бўлиш вазифаси юкланган эди унга.

Рамазон ойининг охириги ўн кунлигига кирилди. Расулуллоҳ (с. а. в.) кетганларига ўн беш кун бўлган, аммо ҳануз бир хабар олинмаган эди. Руқаййа энди бу касалликдан соғайиб туриб қетишига, такрор саломатли кунларга етишига умиди тобора сўниб борарди. Ёлғиз орзуи — сеvimли отажонини бир марта кўриб қолиш, охириги нафасини у зотнинг гул юзларига боқа-боқа бериш бўлиб қолди.

Бу пайтда у йигирма икки ёшларда эди. Умрининг кейинги ўн йилини азоб устига азоб ичра кечирди, ниҳоят Мадинага келибгина эркин нафас олиш имконига эришди. Энди эса, шундай бир дардининг панжасига тушдики, ёқасига ёпишганча, то жонини олмагунча қўйиб юбормайдигандек эди.

Ҳазрати Усмон ҳар гал уйига қайтганида «Дадамдан бирор хабар борми?...» деган илтижоли боқишларга дуч келар, бир хушхабар етказиш орзуи-ла ёнар, аммо кетганлардан ҳеч бир дарак ололмас эди.

Бир куни уйига ҳовлиқиб кирди.

— Жаноби Расулуллоҳдан хабар бор! — дея қичқирди.

Сўник кўзларда бир нур порлади. Сўлгин ёноқларга бир ранг югургандай бўлди. Ҳазрати Усмон воқеани аңглатди:

— Жаноби Расулуллоҳ Ислом лашкари ила бирга Бадр маконигача борибдилар. Карвон олдинроқ утиб кетгани ва карвонни қўришига чиққан Қурайш қўшини эса, Бадрга келгани учун муҳорабадан қочиб қутулиб бўлмайдиган бир вазият юзага келибди. Жаноби Пайгамбаримизга ёрдам бериш ниятида келаётган Ҳузайфа билан



отасини мушриклар тутиб олишибди. Мусулмонларга ёрдам бермасликлари хусусида қасамларини олибгина қўйиб юборишибди... — дея воқеани бир-бир гапириб берди. Сўнгра сўзларини шундай якунлади: — Расулulloҳнинг амрлари ила улар Мадинага қайтишибди ва саломлар келтиришибди.

— Аҳвол қандай экан? — деб сўради Руқаййа бемажол.

— Ҳали уруш бошланмасидан улар бу ёққа йўл олишган экан.

Булар Руқаййа хонимнинг дардига шифо бўладиган даражадаги хабарлар эмасди. Айни чоқда, отасидан бир салом олиш ҳам унга кўп нарсалар берди.

Бу муҳорабада ҳар қандай ҳолда ҳам мусулмонлар зафар қозонажигига доир бир туйғу бор эди ичида! Ора-сира: «Улар Оллоҳнинг нурини оғизлари-ла пуфлаб сўндиришни истаётдилар. Қолбуки, мушрикларга ёқса-ёқмаса, Оллоҳ таоло нурини тўла-тўқис этажакдир»<sup>1</sup> ояти зеҳнига келар, ҳар гал бу оятни уйлаганида отасининг вазифаси ҳали тамом бўлмаганини, Оллоҳнинг ёрдами билан зафар мўминларга насиб бўлажagini уйлар эди.

Умридан энди ҳафталар эмас, кунлар ҳам қолмаганини ички бир сезги ила сеза бошлади. Орқасидан Абдуллоҳ исмли бир етимидан бўлак қолдираганини йўқ эди. Уни сўнг дафъа упиб, ҳидини искалади. Шундан кейин очмоққа ҳам қурб тополмаётган кўзларини юмди. Энди отасининг хаёли-ла яккама-якка қолган эди. Сўнгра бир дафъа: «Оллоҳдан бошқа ҳеч бир илоҳ йўқдир, отам Муҳаммад Мустафо Оллоҳнинг расулидир», сўзлари эшитилди оғзидан.

Кейин унда кўрилган бор-йўқ ҳаракат кўксининг билинар-билимас кутарилиб тушиши бўлди. Бир шифо умидида ҳолидан хабар олгани чиққан қўшни хотинлар уни дудоқлари қуриган, чеҳраси сўлгин, аммо нуридан бир ҳолатда кўрдилар. Бу ҳолати-ла Руқаййа йўқлаб чиққанлар билан сассиз видолашаётгандек эди. Опа-сингилари Умму Гулсум, Фотима ҳам унинг боши тепасида эдилар.

Руқаййа хоним кўп соғингани, бир мартагина кўра олиш учун ёниб-куйгани табассумли бир юз эгаси билан кўнгил ва маъно оламида рўбарў келди. Дунёдан ўтаркан, охирги орзуи у Зотнинг қўлларида жон бериш эмасмиди, ахир?! Мана, Пайгамбарлар Имоми бўлган отаси унинг қаршисида қўлларини очган қўйи кутиб турардилар. Бир он бўлса-да аввалроқ қучоқларига кирмак учун интилди. Шу онда ёнида ҳозир турган малаклар бир момикни сугургандек унинг жонини олдилар ва Расулulloҳнинг руҳониятлари билан қучоқлаштирдилар. Севгили Руқаййа фоний оламдан кўчганини ва абадий оламга ўтганини фарқлаганми эди?.. Эҳтимолки, бу ўлим унинг учун ётогидан туриб Султони Анбиё жанобимизнинг бағирларига кетишдан иборат бўлгандир...

Усмон ибн Аффон ўзини «Зин нур» (Нур эгаси) номи ила шарафлантирган гулини йўқотган, изтироби ва қайғуси ҳам шунга яраша эди. Лекин қанчалик ғам чекмасин, қилиниши лозим бўлган ишлар бор. Вақт ўтказилмасдан маййит ювилди, кафанланди, сўнгра Боқий қабристонига элтилди. Мўминлар Руқаййани елкаларига олишнинг аччиқ саодатини туйиб, дилга келтира олмаганлари таассур туйғулари-ла, кўзёшлари-ла йўл босдилар. Султони Анбиё (с.а.в.) жанобимиз қайтиб келсалар, қолдириб кетган гулларини тополмайдилар энди. Буни уйлаган кўнгилларнинг кўзёш тўкишлари табиий эди.

Асъад ибн Зурора вафоти муносабати ила очилган ва очилиб бир мўминни бағрига олган Боқий тупроқлари бу гал Расулulloҳ-

<sup>1</sup> Тавба, 32

нинг (с.а.в.) кўз нурларини — Руқайдаларини ҳам қучоғига олаётган эди. Мўминлар қазган, малаклар эса бир жаннат боғчасига чевирган қабрга гамгин қўллар у азиз омонатни таслим этди. Сўнгра бирин-кетин ташланаётган тупроқлар қабрнинг оғзини қайтадан ёпди.

Шу аснода узоқдан такбир садолари эшитила бошлади. Мўминларни айрича бир ҳаяжон чулғади. Нимадир содир бўлгани муҳаққақ эди. Қулоқларини динг қилдилар.

— Оллоҳу Акбар!.. Оллоҳу Акбар!..

Усома ҳаяжон ичра:

— Бу дадамнинг овози! — деди.

...

Мадиналик яҳудийлар, мушриклар ва бир гуруҳ мунофиқлар ҳам ҳаяжон ичида, улар ҳам неча кундан бери бир хабар кутаётган эдилар. Фақат, улар кутаётган хабар...

Уч-тўрт кун аввал Ҳузайфа билан отаси Мадинага келишган, уч юз кишилик тайёргарликсиз мусулмонлар қўшинининг қаршисида пухта ҳозирлик кўрган тўққиз юз эллик кишилик лашкар турганини айтишган эди. Бу аҳволда Қурайшнинг галаба қозониши тайин, шубҳага урин йўқ эди. Шояд бу галаба ила Мадинадаги эски тотли кунлари қайтиб келса...

Мадинада муҳорабага бормай қолган мўминлар ҳам бор эдилар, аммо улар жуда озчилик. Уларни йўлга солиш ва ёки қиличдан ўтказиш унча оғир иш эмасди.

Энг камида иккиёқлама зугум орасида қолган ва жон кўрқуси билан мўминлар орасига кирган мунофиқларнинг энди кунни туга-жак, ҳеч бўлмаса, мўминлар билан бирга масжидда ётиб-туриш заҳматидан қутулажаклар эди. Ҳам мусулмон бўлиб кўриниш, ҳам куфр ҳаётини давом эттириш, куфрнинг соғинчи ила яшаш осон эмасди.

Ҳузайфа билан отасининг келганига ҳам бир неча кун бўлди, аммо ҳануз бир хабар йўқ. Мусулмон бўлганлар ҳам, бўлмаганлар ҳам хушхабар кутишади, лекин бу икки гуруҳ кутаётган мужда бириридан бошқача. Кунлар ўтаркан, кўзлар йўлларни янада кучли истак билан тарарди. Кимлар чангини ортида қолдириб, «Муждалар бўлсин, суюнчи, суюнчи, куфрнинг боши кесилди!!!» дегувчи бир хабарчини кутса, кимлар чанг-тупроққа беланган, ёқавайрон, яралжароҳатли бир алпозда орқа-олдига қарамай қочиб келувчи одамларни курармиканмиз, деган бир соғинч билан тўла нигоҳларини йўлларга қадаган эди.

Ниҳоят, қутилган он келди. Жаноби Расулуллоҳнинг (с.а.в.) туяларига миниб келган Зайдни кўрган душманларнинг кўзлари порлади. Демак, у жонини зурга қутқариб қолган, севган отажонини ҳам ташлаб қочган, деган хаёлга бордилар.

Аммо Зайднинг кўзларида гам-қайғудан асар йўқ, аксинча, севинч бор эди. Зафар қозонган инсонлардагина бўладиган севинч...

Жонини сақлаб қолган инсон севинмайдами? Зеҳнларга шундай бир фикр ҳам келди. Чунки одам жангда жонини қутқарса, ўтириб олиб йиғламайди-ку...

Шоша-пиша пешвоз чиқиб, атрофини ўраб оддилар. Тупланганларнинг кўпи мушриклар ва яҳудийлар эди. Зайд одамларга бир-бир боқиб чиқди, ўзи танийдиган мўминларни учратмади. Ҳа, пешвоз чиққанларнинг аксариси мўмин эмасди. Ҳолбуки, Бадрга Мадина мусулмонларининг ҳаммаси ҳам бормаган эди.

Бу ишда бир ишқал борга ўхшайди! Яҳудийлар билан мушриклар Жаноби Расулуллоҳнинг (с.а.в.) Бадрга кетганларини ганимат билиб, шаҳарда қолган мусулмонларнинг бошига бир бало солган булишмасин тагин?! Қани Абу Лулоба? Ҳолбуки, Расулуллоҳ (с.а.в.) уни Равҳадан орқага қайтариб юборган ва Мадина волийси ҳилиб вазифалантирган эдилар!.. Ҳеч булмаганда, ўғли Усома қани? Ахир, биринчи навбатда у чопиб келиши, «Дадажоним!» деб бағрига отилиши лозим эмасмида?!

Аmmo Масжида Набавий ўз ўрнида турибди. Бузилмаган. Аини чоқда, хушхабар кутган одамларга хос бир севинч билан чопиб келиб: «Хуш келдинг, қардошим!» деган бир инсон топилмагани ҳам рост.

Бир сония ичида кечган бу ва шу каби тушунчалар Зайднинг қалбидан зеҳнига, зеҳнидан қалбига кўчиб турди. Энг камида, кўнгилга ёқмайдиган бир ҳолат борлигига шубҳа йўқ эди. Шу билан бирга, Жаноби Расулуллоҳ (с.а.в.) уни бу зафарнинг муждачиси сифатида йўлаган эдилар, энди шу вазифасини бажо келтириши лозим. Юзига аҳмоқона кўз тиккан ва унинг: «Адо бўлди! Қурайш қўшини бизларни қиличдан ўтказди», дейишини кутганларга шундай бир нигоҳ солди ва сўнгра:

— Оллоҳу акбар! Оллоҳу акбар! — дея ҳайқирди.

Одамлар бу ҳайқирик нимани англатишини дабдурустан билолмадилар. Зайд энди очикроқ сўйлади:

— Абу Жаҳл ўлдирилди! Утба ибн Робиа ўлдирилди!.. Буюк бир зафар қозондик. Оллоҳу акбар... Оллоҳу акбар...

— Ҳазил қилма бизга, эй Зайд, тўғрисини хабар бер! — деб куришди. Жавобига яна:

— Оллоҳу акбар... Оллоҳу акбар... — такбирини эшитишди.

— Зайд, гапларинг жиддийми? Устимиздан кулма сен!

Зайднинг нигоҳларидан: «Нега устларингиздан кулайин?» деган маънони ўқса бўларди.

Унинг баланд овозда такбир айтиши эшикларнинг очилишига, девор ортидан бошларнинг узанишига сабаб бўлди. Бу орада Умму Сулайм чиқиб келди. Кулгисини йўқотган кўзлар-ла, гамларга ботган юзлар-ла чопиб келди.

— Бизга хушхабарми келтирдинг, эй Зайд — дея сўради ҳаяжон ичра.

— Ҳа, эй Умму Сулайм, зафарни биз қозондик, Қурайшга оғир бир зарба бердик. Анчасини асир олдик. Лашкар орқамдан келяпти. Аммо менга нима бўляптики, сени гамгин ҳолда кўряпман?

Умму Сулайм кўзларидан оққан ёшларни артишни ҳам лозим кўрмасдан, жавоб берди:

— Биз бугун Расулуллоҳнинг кўз нурларини, Руқаййаларини тупроққа қўйдик. Жанобимиз келиб энди уни кўрмайдилар...

Зайднинг ичидан бир оташ ташига отилиб чиққандай бўлди. Қулоқларининг учигача вужуди лов-лов ёнаётганини ҳис этди. Туядан тушди, уни Умму Сулаймга топширди ва ўзи тўғри Боқий қабристонига қараб чопа кетди. Йўлда қўлларида кетмону курақлар ила келаётган мўминларни учратди. Бир-бирларига отилдилар. Кўзлардан тинмай ёшлар оқарди. Бу ёшлар қайғу билан севинч бир-бирга йўғрилиб тўлдирган қалблардан кўзларга кўтарилиб келган самимий туйғуларни ифодалар эди.

Зайд галаба муждасини қисқа жумлалар ила англатди. Кейин Усмон ибн Аффонга ва бошқа мўминларга таъзия изҳор этди. Унинг кўзлари ҳам тугилганидан бери кўз унгида ўсган синглиси Руқаййа учун ёш оқизмоқда эди.

Бу хабарнинг тўғрилигига айниқса яҳудийлар ишонини исташмасди, мадиналикларга тусатдан аччиқ хабарни рўбару қилмаслик учун ҳозирча билдиришмаяпти, аста-секин мағлубиятлари айтилади, деган фикрни атрофга ёйишга ҳаракат қилишарди.

— Мана кўрасизлар, яқинда аҳвол ўзгаради. Муҳаммаднинг уч юз кишилиқ пала-партиш қўшини қаерда, Қурайшнинг лашкари қаерда!.. Мана, Зайд ҳам Муҳаммаднинг туясида қочиб жонини қутқара олган, — дейишар эди.

Иложи борича таъсирчан шаклда ҳар тарафда шундай ташвиқот қилинарди. Шу қадарки, ҳатто Усома ҳам отасининг қошига келиб:

— Дадажон, ҳақиқатан биз зафар қозондикми? — деб сўрашга мажбур бўлди.

Зайд унинг бошини силади:

— Уғлим, отангнинг гапи ёлгон эмас, ёлгон гапирмайди ҳам! — деди.

Набийий Ақрам (с.а.в.) Уқба ибн Абу Муойтни ҳам бошини танасидан жудо қилдирмак суратида жаҳаннамга йўлагандан кейин Қурайш улутларининг кўзларини ўлим қўрқуви чулғаб олди. Энди орқама-кетин ҳаммаларининг ҳам бу кўприқдан утажаклари, Мадинага боргунга қадар кўзига сал бундай қуринганлар битта-битталаб ўлдирилажаги қаноати зеҳнларига ўрнашди...

Бу ўйлар бир одамни ҳаракатга келтирди. Ёнида уни қўриқлаб келаётган кишига:

— Рухсат берсанг, пешоб қилиб олсам, зўрға турибман, — деди.

Изн берилди. У одам хийла нарига борди, чўқди, эҳтиёжини чиқарадиган бир вазият олди.

Қўриқчи уни, бемалол ўтирсин, дея орқасини ўтирди. Фурсат келди дея йирик дудоқли одам оёғини қўлига олиб қоча бошлади. Бир муддат ўтиб қўриқчи ўтирилди ва асирини жойида топмай бақириб юборди:

— Э-воҳ! Суҳайл ибн Амрни қочирдик!..

Бу хабар бир онда ёйилди. Жаноби Пайгамбаримиз (с.а.в.) дарҳол Суҳайлни ушлашни, ҳатто қаршилиқ қилса, ўлдиришни буюрдилар. Бир неча киши атрофга ёйилишди. Изма-из қўваётганлар орасида Жаноби Расули Ақрам ҳам бор эдилар. Ҳеч қанча утмасдан Суҳайл Пайгамбарлар Имоми саййидимизни қаршисида кўриб, ортиқ қочмасдан таслим бўлди. Қочганининг жазоси улароқ қўллари бўйнига боғланди. Энди то Мадинага етгунга қадар шу аҳволда кетишга мажбур эди.

Суҳайл ва унинг шерикларининг кунлари ўзларига қачон навбат келишини кутиб ва кутувдан тутилган қўрқув ила кеча бошлади.

Жангда қўлга киритилган ганиматлар ҳали ҳам тақсимланмаган эди. Олоҳ таоло гоят масалада нимани буюриши кутилари. Зеро, ганимат масаласи гоят нозик иш бўлиб, уни кўнгил амри билан ҳал этиб бўлмасди.

Ниҳоят, Жаноби Расулуллоҳнинг муборак юзларида ваҳий келётганидан дарак бергувчи бир ажиб ҳол кўринди. Энди Жаноби мизининг бу дунё ила алоқалари ўзилган, бир бошқа оламга кечган каби эдилар. Вужудларидан дув-дув терлар оқар, лекин у Зоти Шариф балки терлар оқаётганини ҳам сезмас эдилар.

Бу ҳолатларини кўриб, атрофдагилар жим қолишди. Бошлар эгилиди. «Роббимиз нимани буюрса, амри бошимиз устига!» деган маънони англагувчи кутиш бошланди.

Анча вақтдан кейин Набийи Акрам (с.а.в.) атрофларига табас-сумли нигоҳ ташладилар. Яна бир оздан сўнг ваҳийни дона-дона қилиб ўқий бошладилар:

«Эй расулим! Сендан ўлжалар ҳақида сўрайдилар. «Ўлжалар Аллоҳ ва пайгамбарниқидир. Бас, Аллоҳга тақво қилинглар ва уз ораларингизни ислоҳ этинглар. Агар мўмин бўлсангиз, Аллоҳга ва унинг пайгамбарига итоат қилинглар», деб айт. Албатта, Аллоҳ зикр қилинса, қалблари титрагувчи, оятлари тиловат этилса, иймонларини зиёда қилгувчи ва Роббиларига таваккул қилгувчиларгина мўминлардир. Намозни тўқис адо этадиганлар ва биз ризқ қилиб берган нарсалардан инфоқ қиладиганларгина мўминлардир. Ана ўшалар ҳақиқий мўминлардир. Уларга Роббилари ҳузурда даражалар, мағфират ва карамли ризқ бор. Албатта, мўминлардан бир гуруҳи ёқтирмаган бўлсалар ҳам, Роббинг сени ҳақ ила уйингдан чиқарганга ўхшайди. Худди узлари кўриб турган ҳолларида ўлимга ҳайдалаётгандек, ҳақ аён бўлгандан кейин ҳам сен билан баҳшлашадилар. Ушанда Аллоҳ сизга икки тоифадан бири албатта сизники бўлишини ваъда қилган эди. Сизлар шавкати йўғи сизларники бўлишини суяр эдингиз. Аллоҳ эса, ўз калималари ила ҳақни ҳақ қилишни ва кофирларнинг думини қирқишни ирода қилган эди. Жиноятчилар ёқтирмасалар ҳам, ҳақни ҳақ, ботилини ботил қилиш учун шундай бўлишини ирода қилган эди. Ушанда Роббингиздан мадад сўраганингизда, сизни (сўровингизни) ижобат қилиб: «Албатта, мен сизларга кетма-кет келадиган мингта фаришта ила мадад бераман», деди. Аллоҳ у (мадад)ни башорат ва қалбларингиз у билан хотиржам бўлиш учунгина қилди. Галаба эса, фақат Аллоҳнинг ҳузурдадир. Албатта, Аллоҳ голиб ва ҳикматли зотдир. Ушанда сизни ўзидан омонлик қилиб мудроқ ила ураган эди ва сизни поклаш, сиздан шайтоннинг васвасасини кетказиш ҳамда қалбларингизни боғлаш ва қадамларингизни собит қилиш учун устингизга осмондан сув туширган эди. Ушанда Роббингиз фаришталарга: «Мен, албатта, сиз биланман, бас, сиз иймон келтирганларни собит қилинг, тезда куфр келтирганларнинг қалбларига қўрқинч соламан. Бас, бўйинлар устидан зарба беринглар ва ҳамма бармоқларига зарба беринглар», деб ваҳий қилган эди. Бу уларнинг Аллоҳга ва унинг расулига қарши турганлари учундир. Ким Аллоҳга ва унинг расулига қарши турса, бас, албатта, Аллоҳнинг ёқоби шиддатлидир. Мана шу сизники, тортаверинглар! Албатта, кофирларга дўзах азоби бордир. Эй иймон келтирганлар, куфр келтирганларга яқинлашиб, юзма-юз келганингизда, уларга орқа ўтирмангиз. Кимки уша кунда жанг ҳунари кўрсатиб ёки бошқа гуруҳга қушилмоқчи бўлган ҳолатдан ташқари уларга орқа ўтириб қочса, бас, батаҳқиқ, Аллоҳдан булган газаб ила қайтибди. Унинг жойи жаҳаннамдир. У қандай ҳам ёмон жой. Уларни сиз ўлдирмадингиз, балки Аллоҳ ўлдирди. Отган пайтингда, сен отмадинг, балки Аллоҳ отди. Ва мўминларни гўзал синов ила синаш учун (шундай қилди). Албатта, Аллоҳ эшитгувчи ва билгувчи зотдир. Ана ўшаларнинг (сизга бўлиши) Аллоҳ, албатта, кофирларнинг ҳийласини заиф қилгувчи булганидир (Ажфол 1-18).

Бу суранинг давомидаги оятлар ҳам ганиматлардан ва Бадр жангидан баҳс этарди:

«Ва агар Аллоҳга, фуқрон куни — икки жамоат тўқнашган куни бандамизга нозил қилган нарсамизга иймон келтирган бўлсангиз, билингки, улжага олинган нарсангиздан бешдан бири Аллоҳга, расу-

лига, яқинларига, етимларга, мискинларга ва мусофирларгадир. Ва Аллоҳ ҳар бир нарсага қодирдир. Ушанда сизлар (водийнинг Мадинага) яқин тарафида, улар узоқ тарафида, отлиқлар сиздан пастда эди. Агар ваъдалашиб олганингизда ҳам, келишилган жой ва вақтда хилоф қилардингиз. Лекин Аллоҳ қилиниши керак бўлган ишни ҳал этиш учун, ҳалок бўладиган одам очиқ-ойдин ҳужжат билан ҳалок бўлиши учун, яшаши керак бўлган одам очиқ-ойдин ҳужжат билан яшаши учун (туқнашдингиз). Ва, албатта, Аллоҳ эшитгучи ва билгучи зотдир. Ушанда Аллоҳ тушингда уларни сенга оз кўрсатди. Агар уларни сенга кўп кўрсатганида, тушқунликка учрар эдингизлар ва бу ишда ораларингизда низо чиқар эди. Лекин Аллоҳ сақлади. Албатта, у дилингиздаги нарсани билгучи зотдир. Ушанда, туқнашганингизда уларни сизнинг кўзингизга оз қилиб кўрсатганини, сизни уларнинг кўзига оз қилиб кўрсатганини эсланг. Буни Аллоҳ қилиниши керак бўлган ишни ҳал этиш учун қилди. Ва барча ишлар Аллоҳга қайтарилур (Анфол 41-44).

Бу оятларни табиғ этгандан сўнг Жаноби Расулуллоҳ (с.а.в.) ганиматлардан бешдан бир қисмини бир томонга айириб қўйдилар, қолганларини: суворийларга икки, яёвларга бир ҳиссадан қилиб, тенгма-тенг тақсимладилар. Зотан, қўшин ичида бор-йўти икки кишигина отлиқ эди.

Газотда ишгирок этолмаган, аммо Расулуллоҳ (с.а.в.) тарафларидан бир вазифа юкланиб қолдирилган ва ё қатнашишни хоҳлагани ҳолда бора олмаганлар ҳам бор эди, Жанобимиз уларга ҳам бир ҳиссадан ажратиб бердилар. Руқаййанинг эри Усмои ибн Аффон, Мадинага волий этиб тайинланган Абу Лулоба, Бадр газоти деб йўлга чиққан, лекин туядан йиқилиб жароҳатлангани учун мажбуран ортига қайтариб юборилган икки киши шулар жумласидандир.

Шаҳидларнинг оилаларига ҳам бир ҳиссадан айирилди.

Шундан кейин Жаноби Фахри Коинот Саъд ибн Абу Ваққосга утиридилар.

— Кел, эй Саъд, — деб ёнларига чорладилар.

Саъд Расулуллоҳни кузатди. Ичини бир кўрқув ва ҳаяжон қоплади. «Ажабо?» дер, бироқ у ерга яқинлаша олмас эди.

Дарҳақиқат, Бадрдан бери кўз тикиб келгани қилич Жаноби Набийи Акрам (с.а.в.) ҳиссаларига тушгач, юраги кўксига сигмас даражада ура бошлади. Битта қилич учун шунча ялинганимнинг жазоси ўлароқ мен ҳақимда бир ваҳий инди-ёв, энди жазо олишим муҳаққақ, шошилма, эй Саъд, деб мулоҳаза юритарди у.

— Бу қилични сенга беришимни хоҳлаган эдинг-а?

— Ҳа, эй Оллоҳнинг расули.

— Ушанда, бу қилич на сеникидир ва на меникидир, деб жавоб қилган эдим. Аммо энди бу қилич менинг ҳиссамга тушди. Мен эсам, уни сенга ҳаё қиламан, — дедилар Расулуллоҳ юзда табассум ила.

Саъд кўксини сиқиб турган гашликдан севгили пайгамбари сўзларини тугатишлари билангина қутула олди. Мамнуният-ла жилмайди. Оллоҳнинг расулига ташаккурларини билдирди. Уста-уст икки дафъа мурожаат этадиган даражада қиймат берган эди бу қиличга. Аммо энди унинг янада бошқача, янада устун қиймати бўлажак, умрининг борича уни ҳақ йўлида қўллаяжак, Расулуллоҳнинг (с.а.в.) бир ҳаёси, Бадрдек унутилмас бир зафарнинг бир хотираси ўлароқ билажак.

— Сен ҳам кел, эй Али!

Ҳазрати Али (р.а.) «Лаббай!» дея чопиб келди. Жаноби Пайгамбаримиз қўлларида яна бир қилич тутиб турардилар. У аслида

Ҳажжож ўгли Мунаббихга тегишли бўлиб, Қурайш орасида хос ўлароқ «Зулфиқор» оти билан машҳур эди. Шуни Алига узатдилар:  
— Менинг ҳадаям булсин, — деб марҳамат қилдилар.

Булар ганиматдан илк дафъа ажратилган бешдан бир ҳисса ҳисобидан берилган эди. Али билан Саъд Жаноби Расулуллоҳдан айрича бир икром курганларининг севинчи ила жой-жойларига қайтдилар.

...

Нихоят, Жаноби Расулуллоҳ (с.а.в.) Ислоҳ лашкари билан бирга-ликда шаҳарга кириб келдилар. Мадинадан чиқётганларида Оллоҳнинг ваъдасига ишониб ва суюниб йўлга отланган эдилар, энди бу ваъданинг том ва мукаммал шаклда уринлатилганини кўриб қайтдилар. Мавлоларига сўнгсиз ҳамд ва шукрлар арз этиб келдилар.

Бу пайтда Рамазон ойи охирлаб қолган эди. Шу сабабдан шаҳарга кирар-кирмас такрор рўза тута бошлашди. Рамазон ойи чиққандан кейин Бадр кунларида тутилмаган рўзалар миқдорича рўза тутиб берилади энди.

Асирлар уйма-уй тақсимланди. Қочишга уринган Сухайл ибн Амр қўллари буйнига боғли ҳолда Расули Акрамнинг (с.а.в.) уйларига келтирилди. Пайгамбаримизнинг хотинлари Савда таъзия билдириш учун қўшниникига чиқиб кетган эди. Уйга қайтиб, қабилисининг кўзга кўринган кишиларидан бўлмиш Сухайлни қўли буйнига боғли ҳолда кўрдию ҳаяжонини боса олмади:

— Эй Абу Йазид! Бундай ўзингизни арқонлатганингиздан кўра, шарафингиз-ла ўлишни эплай олмадингизми?! — дея ҳайқирди.

Савданинг бу иши Жаноби Расулуллоҳга (с.а.в.) огир ботди. Пайгамбар завжаси бўлишдек бир саодат тожини бошига кийган Савда қозонилган зафар билан аввало Сарвари Анбиё жанобимизни қутлаши лозим бўлгани ҳолда, бир мушрикка бундай дейиши узрли эмасди. Бу жангни мушриклар бой берганидан қайгу чекаётган каби бир туйғу ичига кирган эди. Шу сабабдан ўзи лойиқ бўлган озорни биззот Султони Анбиё жанобимиздан эшитди:

— Эй Савда, — дедилар Пайгамбари Зишон, — сен бу сўзларни Оллоҳга ва расулига қарши айтяпсанми?

Жанобимизнинг овозларидаги ранж ва жиддийатдан Савда эсини бошига йиғди.

— Ё Расулуллоҳ, сизга пайгамбарликни берган Оллоҳ номига қасам ичаманки, Абу Йазидни қўллари буйнига боғли ҳолда кўриб, ўзимни тия олмай қолдим, — деб жавоб қилди.

Сухайл бахил кишилардан эмасди. Сарвати куп, ўзи жўмард эди. Булардан ташқари, нотиқ бир хатиб эди. Усома ҳам уни таниб:

— Ё Расулуллоҳ, бу одам Маккада халққа тирид<sup>1</sup> тарқатган киши эмасми? — деб сўради.

Шунда Жанобимиз:

— Ҳа, ушадир. Лекин бу ишининг орқасида Оллоҳнинг нурини сўндиришга ҳам ҳаракат қиларди, — деб жавоб бердилар.

Бошқа асирлар уйларга тарқатилиб, ҳар бирига инсондай муомала этиш буюрилади. Бу буйруқ асирларни уялтирадиган даражада

<sup>1</sup> Тирид — арабларнинг энг севикли овқатларидандир. Нон тўтралади, устидан гўшт қайнатилган сув қуйиб аралаштирилади. Ҳали бола ёшида бўлган Усоманинг ҳам диққатини тортадиган даражада халққа таом едиргани англашилади бу воқеадан.

урнига қўйиб адо этилади. Қўлга қандай емак тушса, энг яхшиси уларга берилди. Аввал уларнинг қорни тўйгазиларди.

Савда эса, ноҳўя ҳаракатининг жазосини кута бошлади. Энг қўрқадигани — талоқ олиш ва «Мўминларнинг онаси» деган шарафни йўқотиш эди. Узининг навбатини Ҳазрати Ойишага (р.а.) бериш эвазига талоқ қилинмасликни сўраб, уртага риждочи одам қўйди ва авф этилди.

...Бу орада масжидга бир хотин кириб, Расулуллоҳга (с.а.в.) мурожаат қилиб қолди:

— Эй Оллоҳнинг пайғамбари! Уғлим Ҳорисани қандай яхши қўришимни биласиз. Яна биласизки, сиз билан бирга кетди, лекин қайтмади. Агар у жаннатда бўлса, сабр қиламан. Бордию ундай бўлмаса, мен тўкадиган кўзёшларимни бир қўринг, — деди.

Онанинг нолаи зорини эшитиб турганларнинг ҳаёлида сув ичман деб қудуқ бошига кетиб, бир дайди ўққа учраган Ҳориса жонланди. Жанобимиз жавоб қилдилар:

— Нималар деясан, эй она, сен фақат битта жаннат бор деб уйлaysанми? Кўп жаннатлар бор. Сенинг углинг Фирдавс жаннати-аадир.

Юраги ёниқ она:

— Эй воҳ, энди сабр қилсам бўлади, — дея хотиржам уйига кетди.

...

Жаноби Расулуллоҳ (с.а.в.) асирларга кўрсатилиши керак бўлган муомала хусусида асҳоблари ила маслаҳатлашдилар. Ҳазрати Абу Бакр (р.а.) уларнинг ҳаётларини сақлаб қолиш, товонпули олиб озод этиб юбориш фикрида эди.

— Эй Оллоҳнинг пайғамбари! Булар сизнинг қабиладошларингиз ва ақраболарингиздир. Мен улардан фидя олишни ва ҳаётларини сақлаб қолишни мақсадга мувофиқ кўраман. Улардан оладиганимиз маблағ биз учун кофирларга қарши курашимизда қувват бўлади. Яна, умид қилинадики, Оллоҳ таоло ҳам шояд уларга ҳидоят берса, ҳатто бизга мададкор бўлсалар ҳам ажаб эмас.

Расули Акрам Ҳазрати Умарнинг (р.а.) фикрини сўрадилар:

— Сен нима дейсан, эй Хаттобнинг ўгли?

— Валлоҳи, мен Абу Бакрнинг таклифига қўшилмайман. Менинчга, биз бундай қилишимиз керак: Менга буюринг, ақрабомдан Фалон шахсни ўлдирайин, Алига амр қилинг, оғабейи (акаси) Оқилни ўлдирсин. Ҳамзага буюринг, биродари Аббоснинг бошини олсин. Токи Оллоҳ таоло қалбаримизда мушрикларга нисбатан бир марҳамат туйғуси булмаслигини душманларимизга билдирсин. Булар мушрикларнинг бошлиқлари, зарарли, тиш-тирноқли раисларидир.

Ҳазрати Умарнинг бу қарашни Бадр ҳарбининг рўҳига ҳам жуда мос эди. Ҳар икки тарафни қўшиб ҳисоблаганда, бир минг юз кишидан кўп ҳам ошмаса-да, кайфият жиҳатидан қаралганда одамни уйлантирадиган бир ҳол эди. Бир тарафда Ҳазрати Абу Бакр, нариги тарафда ўгли Абдурахмон; бир тарафда Ҳазрати Али, бошқа тарафда акаси Оқил; бир тарафда Ҳамза, у тарафда биродари Аббос... турардилар. Яна шунингдек, бир-бирига жуда яқин қариндош бўлган инсонлар бир-бирларига қарши қурол кўтарган ҳолатда эдилар. Масалан, Ҳазрати Пайғамбарнинг (с.а.в.) сафларидан жой олган Абу Ҳузайфанинг отаси, акаси ва амакиси мушрикларнинг олди қаторларини ишғол этишар эди.

Бу муҳораба қандай бошланган бўлса, шундай тугаши, бошланишига уйғун шаклда давом этиши лозим эди. Ҳам, шу кўнга қадар



қилинган ҳисобсиз разилликларнинг яхшигина бир жазоси берилган бўлар, «Роббимиз Оллоҳдир» дейишдан бошқа «айби» бўлмаган инсонларга етказилган мусибатларнинг интиқоми ҳам шу тахлит олинар эди.

Асҳоб орасидан Ҳазрати Умарнинг фикрига бир Саъд ибн Муоз қўшилди. У ҳам, то Бадр уруши давом этар экан, қочганларнинг асир қилинишларини хуш кўрмаганини, тутилган жойларида ўлдирилишларининг янада тўғри бўлишини Жанобимизга арз этган эди.

Бошқа аксар кўпчилик Ҳазрати Абу Бакрнинг фикрини қабул этишди. Чунки асирлардан олинадиган ҳақ ҳисобига озми-кўпми роҳатликка эришишарди-да. Қурайшдан интиқом олиш мавзуига келинса, зотан Бадрда етарлича интиқом олинди ҳам. Қозонилган зафарни камситишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.

Натижа шу бўлдики, Жаноби Расулуллоҳ кўпчиликнинг фикрига қўшилдилар. Асирлардан қутулиш пули олиниб, эвазига озода қўйиб юборилишларига қарор берилди.

Бу хабар асирлар орасида севинч-ла қаршиланди. Йўлда Надр ибн Ҳориснинг ва Уқба ибн Абу Муойтнинг ўлдирилиши жуда кўпларининг кўзларини кўрқитган, ўзларини келгусида бўғизлашга ҳозирлаб қўйилган қўйлар каби тасаввур эта бошлашган эди. Йўлда Сухайл ибн Амрнинг қочишига уриниши ҳам шундан эди.

Маккага одам юбориладиган ва, «Пул юборинглар», дейиладиган бўлди. Олинажак товон пулининг энг кўп миқдори тўрт юз дирҳам эди. Топиши ўлда-жўлда бўлганлардан уч юз, икки юз, ҳатто юз дирҳам олинганлар ҳам бўлди.

...

Жаноби Пайгамбаримизнинг амакилари Аббос келтирилди. Расулуллоҳ (с.а.в.) унга:

— Узинг билан бирликда жиянларинг Оқилнинг ва Навфалнинг ҳамда муттафиқинг бўлган Утбанинг товон пулларини ҳам сен тўлайсан, — дедилар.

Аббос бунча одамнинг қутулиш ақчасини тўлаш бир ёқда турсин, ҳатто ўзи учун ҳам бир тийин бергиси йўқ эди. Умр бўйи тижоратга ва фозизга ишлаган закоси бу ерда ўзини кўрсатажак эди:

— Мен мусулмон эдим, — деди. — Муҳорабага келмоқчи эмасдим, Қурайш мени зўрлаб келтирди.

Жаноби Пайгамбаримиз бу узрни қабул этмадилар:

— Сенинг мусулмонлигинг ё мусулмон эмаслигингни Оллоҳ билади. Айтганинг тўғри бўлса, мукофотини ҳам Оллоҳ беради. Аммо ҳолат шуки, муҳорабада асир олдик. Сен ҳам бизнинг қаршимизда бизга қарши урушганлар билан бирга эдинг. Шу онда қутулиш ақчасини тўлашга мажбурсан.

Аббос яна айёрлик қилмоқчи бўлди:

— Мени тутганларингизда, ёнимда фалонча миқдорда олтиним бор эди, олдиларингиз. Ушани товонпули ҳисоблашларингиз мумкин, — деди.

— Бўлмайди, — деб жавоб қилдилар Жаноби Расулуллоҳ. — Биз уларни ҳарб ганимати улароқ қўлга киритганмиз.

— Аммо менинг улардан бошқа молим йўқ. Мени Макка кўчаларида тиланчилик қилиб юришга мажбур этасанми, эй Муҳаммад?

— Хўп, аммо у олтинлар қани? Уларга нима бўлди?

— Қайси олтинларни айтяпсан.

— Умумл Фазлга омонат қўйиб келганинг олтинлар... Эсингдами, у билан видолашаётиб: «Бу сафарда бошимизга нелар келишини

билмаймиз. Мабода қайтмасам, булар сенга бўлади, мана бу қисмини эса, Фазл, Абдуллоҳ, Убайдуллоҳ ва Қусамга бўлиб берасан», демаганмидинг?..

Аббос ҳайратини яшира олмади:

— Ажабо, буларни сенга ким хабар берди?.. Қасам ичаманки, олтинларимни унга бераётганимда ва бу сузларни сузлаётганимда уртамизда бошқа ҳеч ким йўқ эди!..

— Оллоҳ хабар берди, — деб жавоб қилдилар Расули Акрам (с.а.в.).

— Мен шоҳидлик билдираманки, сен Оллоҳнинг расулисан, — деб юборди Аббос.

Бу суҳбат асҳоби киром иштирокида бўлаётган эди. Аббоснинг мусулмон бўлиши ҳаммани севинтирди. Шу билан бирга, у барибир истанилган товонпулини тўлаш мажбуриятида қолар эди. Ҳам энг баланд қиймат бўлган турт юз дирҳам ҳисобида...

Кимдир таклиф киритди:

— Ё Расулуллоҳ, изн берсангиз, амакингиз Аббосдан қутулиш ақчаси олинмасин.

Жанобимиз бу таклифни кескинлик билан рад этдилар.

— Валлоҳи, бир тийинини ҳам қолдирмай олинглар! — дедилар.

...

Абу Лаҳаб Маккада қолган, касалиги туфайли Бадр ҳарбига бора олмаган, урнига бошқа бир одамни ёллаб жўнатган эди. Кетганлар изидан кунларча йўл пойлади. Зафар суюнчисини келтирадиган бир одамни кутди. Шундай хабар келса, юзига қайтадан қон югуриши, янги бир ҳаёт бошланиши аниқ. Бир куни келиб: «Ортиқ ғам чекма, эй Абу Лаҳаб. Бағрингда ёнган оташни сундирадиган натижага эришяпмиз. Мана, Муҳаммаднинг қонли куйлаги, мана, дўстларининг кесилган бошлари!» дейдиган хушxabарчига суюнчисига нималар бермасди, нималар!..

Ушандай хабар уни такрор оёққа тургазиши, такрор сиҳхатли кунларга қовуштириши мумкин эди. Кетганларнинг ҳар бири қарвондаги молу мулкни қутқариш азми билан кетди, дегани жонини-бошини аямай урушадилар, дегани эди. Агар бир фурсатини топиб, Макка қочқинларининг дафтарларини очабилсалар, тақдирга арзийдиган бир иш қилган булардилар. Бундай қилмасликлари учун уртада бир тўсиқ ҳам йўқ эди.

Қушин кетидан бир неча кун кейин Абу Суфён қарвонни Маккага олиб келганида, Абу Лаҳабнинг меъдаси буланди. Яхши бир хабар ҳисобланмасди бу. Энди лашкар урушга қутилган даражада истак билан киришмайди. Чунки ҳарбни зарур қилган энг катта сабаб уртадан кўтарилган эди.

Қарвоннинг келгани тўғрисида мужда берганларга жавобан:

— Жуда гўзал... демак, соғ-саломат етиб келибди-да!.. — деди, аммо ичида: «Келса ҳам, муҳораба тутагандан кейин келса эди», дея ичидан қиринди ўтди.

Қушин йўлга чиққан кунлардаги умиди тамоман сўнмаган бўлса ҳам, уларнинг юришда давом этганлари тўғрисидаги хабар юрагига бир миқдор сув сепди. Чиқмаган жондан умид. Бошларида кимсан Абу Жаҳл турибди, бинобарин, одамни севинтирадиган натижага эришмасдан қўймайди, деган қаноат ила овуңди.

Аммо бир куни... ҳа, бир куни Ҳайсуман деган биттаси катта мағлубиятга учраганларининг хабарини олиб келганини эшитгач, белидан зарба еган одамга ўхшаб қолди. Мажолсиз бир сас-ла

пешма-пеш болохонали сукишлардан ўзини тия олмай қолди. Ишонишни истамаган, аммо аста-секин кучга кириб бораётган бу хабардан ҳам кенгроқ маълумот олишни хоҳларди. Хиёл енгиллик сезган бир куни ўрнидан турди, укаси Аббоснинг уйи олдига келди. Утирди.

Утирди, бироқ азоб чекар, аламини тўкиб-соладаган одам ахтарар эди. Бу орада укаси Ҳориснинг ўғли Абу Суфён ҳам ўша ерга келиб қолди.

— Қани, воқеаларни бир тушунтир-чи, жияним. Асил хабарлар сенда, — деди Абу Лаҳаб.

Абу Суфён жангга биринчи бўлиб Утба, Шайба ва Валид чиқишганини айтгач, амакисидан:

— Уларнинг қаршисига чиққанлар кимлар эканини биласанми? — деб сўради.

— Йўқ, — деб жавоб қилди Абу Лаҳаб.

— Тахмин этиб кўр-чи, қани.

Абу Лаҳаб «Жонимни сиқиб юбординг, мени толиқтирмасдан ўзинг тушунтирақол», деярд даражадаги ҳолсиз бир сас ила:

— Қайдан биламан?... Аҳмоқларнинг энг аҳмоғи кимсалар бор бўлса, чиққанлар ана ушалардир-да, — деди.

Абу Суфён давом этди:

— Уларга қарши менинг укам Убайда, сенинг уканг Ҳамза ва амаким Абу Толибнинг ўғли Алилар чиқишди. Яккама-якка жанг бошланиб, орадан ҳеч қанча ўтмасдан бизникилар ерга қулашди. Улардан фақат Убайда яраланди, менимча, ҳозирга қадар у ўлган бўлса ҳам керак.

Абу Лаҳабнинг хаёлидан: «Қошки биттага бўлсин камайишган бўлса», деган тушунча кечди, аммо ўзи бунга эътибор бермади. Абу Суфён давом этди:

— Аслида, амакижон, биз у ерга урушиш учун бормаган эдик. Урушмадик ҳам... Фақат, уларга орқамизни утириб, қочдик. Улар эса, кўнгиллари тусаганидек, хоҳлаганларини ўлдирдилар, хоҳлаганларини асир олдилар. Бир қисмимиз қочиб қутулдик. Аммо мен бу масалада кимсага тил теккизишни, қўрқоқликда айблашни тўғри деб билмайман. Биз бир гуруҳ суворийларни кўрдик. Улар ер билан осмон уртасида эди. Отларининг оёқлари ерга тегмасди. Валлоҳи, уларга қарши биз ҳеч нарса қила олмадик. Ҳеч ким ҳеч нарса қила олмади ҳам.

Абу Суфён англаган воқеалардан Абу Лаҳабнинг елкалари чўқди, юзлари буришди. Макка қўшинининг мағлубият билан қайтишини ҳатто тушида кўрса ҳам сабр этолмас эди. Ҳолбуки, ўзидан бир неча баробар оз бўлган мусулмонлардан дарҳақиқат енгилган, боз устига, Макканинг ҳамма кўзга кўринган шахслари ё ўлдирилган ва ё асир этилган эди. Бу кўргиликлар Абу Лаҳабни ўласдан бурун ўлимга етаклагандай бўлди. Неча кунлардан буён хасталиги туфайли чеккан огриқ ва изтироби бу эшитганлари билан икки баробар кучайди. Шу онда туюётган қайғуни туймаса эди, яна бир неча ой касал ётишга жон-дили билан рози бўлар эди.

Абу Суфён келтирган хабарни Аббоснинг хотини Уммул Фазл ва қули ҳам эшитиб турардилар. Уммул Фазл билан ўғли сал олдинроқ мусулмон бўлишган, қул ҳам Ислоом динини қабул этган эди. Абу Суфён: «Минган отларининг оёқлари ерга тегмасди...» дея сўзларини тугатгани замон Аббоснинг қули ўзини тута олмай қолди ва муштини тахтага қўяётиб:

— Валлоҳи, улар малаклардир, — дея бақирди.

Унинг севинч-ла бақириб юбориши шундоқ ҳам ёрилар ҳолга келиб ётган Абу Лаҳабнинг жонини баттар сиқди. Қони қайнаб, бу

қизил соқолли одамнинг мушти газабдан шиддат-ла ҳаволанди ва қулнинг-юзига келиб тушди. Қул нима бўлганини билмаёқ қолди. Янаям тўтрироғи, у ўзининг қул эканини, ҳатто жуда заиф, жуда ориқ эканини ҳам унутди. Қулнинг ҳур кишига оғиз очишга ҳаққи йўқлигини билишига қарамай, Абу Лаҳабга ташланди. Бутун ҳирси-кучи ўша куни бир ерга тўпланган Абу Лаҳаб уни бир силташда остига олди ва дўппослай бошлади.

Бу ишлар жуда тез содир бўлди. Абу Лаҳаб ҳамон тапира-тупур содар эди. Уммул Фазл бу саҳнанинг бир томошабини булиб қолмади, қўлига илинган бир таёқни Абу Лаҳабнинг бошига туширди. Нима бўлганини билмай қолган Абу Лаҳаб жон аччиғида қўлни қўйиб юбориб, урнидан тура бошлади. Шунда Уммул Фазл:

— Хўжайини йўқлиғида уни эгасиз деб ўйладингми?! — дея ҳайқирди.

Абу Лаҳабнинг боши ёрилган эди. Оқайтган қон қизил соқолидан пастга инарди. Кин ва адоват тўла нигоҳ-ла бир-икки сония Уммул Фазлга қараб турди-да, сўнгра бир оғиз ҳам сўз демай, уйига йўл олди.

Бутун гурури оёқости қилинган эди. Абдулмуттолибнинг ўғли, Қурайшнинг пешволаридан, бой бир одам бўлатуриб, битта қўлни деб хотин кишидан таёқ еб қайтадими укасининг уйдан? Бундай муносабатга қандай дош беради?..

Уйига етиб, остонадан ўтаркан: «Шубҳасиз, бу ҳам Муҳаммад бошимизга солган балолардан бири...» дея ҳаёлидан кечирди.

Аламмидан ёрилай дерди. Неча йиллардан бери кечасини кундузга улаб очган бу мужодалани бу тахлит бир мағлубият-ла ёпиши мумкинлиги етти ухлаб тушига кирмаган эди. Заиф деб билгани, атрофига қароқчилар галасини тўпалапти деб ўйлагани Муҳаммад аста-секин куч йитган, Буюк Арабистоннинг энг пешқадам қабиласи бўлган Қурайшни бир мушт ила паришон қилган эди.

Қачондан буён энди илк марта вужудида бир куч сезиб ғайрат қилган эди, аммо уйига попути анча пасайиб қайтди. Такрор ётоғига ётди, такрор инқиллай бошлади. Лекин энди бу инқиллашлари фақат хасталиқдангина эмасди. Тотилган мағлубиятнинг, бир қул туфайли хотин кишидан еган таёқнинг ва оёқости қилинган обрўйининг ингроқлари ҳам эди...

Эҳ... қани энди у кунлар! Хотини Умму Жамил билан бирга ҳар куни Муҳаммаднинг эшиги тагига тиканларни ва ифлос нарсаларни ташлаб юрган Абу Лаҳаб қаерда қолди? Ҳозир устига тўшагини ёпиб олишдан ҳам ожиз қолган, ҳам моддий, ҳам маънавий соҳада мағлуб бўлган Абу Лаҳаб билан у кунларнинг тенгсиз Абу Лаҳаби орасида қорли тоғлар пайдо бўлганини гапириб ўтиришга ҳожат борми? Қани энди бир кунга... ҳа, бир кунгинага Ясрибга бора олса, яна унинг эшиги тагига қўлига кирган барча ифлос нарсаларни, ботганда захри жондан ўтадиган даражадаги тиканларни ташлай олса... Ҳеч бўлмаса, лоақал бир мартагина бор нафратию адоватини қўшиб юзига бақириб-чақира олса, юрагини портлатадиган даражада тўлган душманлик ҳисларини бир қарра бўлсин тўкиб сола билса...

Хуллас, ушандагина бу дунёдан беармон кетади Абу Лаҳаб.

Ушанда «ҳаётининг қаттиқ кутган кунини» яшайди, «Мен ҳам энди яшаган ҳисобланаман», дея тўшағида роҳат ила жон беради.

...

Рамазон ойининг чиқишига икки кун қолганида Жаноби Расулulloҳ (с.а.в.) бир суҳбат қурдилар ва унда «фитр садақаси» ҳақида маълумот бердилар. Рамазондан кейин келадиган Шаввол ойининг

илк кунини Оллоҳ таоло мўминларга бир байрам қилиб берганини, у кун ейиш-ичиш ва маза қилиш куни эканини, у кунда фақирларни хурсанд этиш учун катта-кичик, эркак-аёл, озода ёки қул ҳар киши бошига бир кунлик емак тарқатишини ва бу ишни ҳайит намозини ўқимасдан олдин адо этишини сўзладилар. Бериладиган миқдори хурмо, бугдой, арпа, майиз каби кундалик ейладиган махсулотлардан иборат эди. Сўзнинг мазмуни бир жумлада жамланарди, яъни: Фақирларни у кунни оч юришдан қўтқаринглар.

Жаноби Расулуллоҳ ҳайит куни бомдоғ намозидан кейин байрам намози ўқиладиган жойга тўпланишни, балоғат ёшидаги эркак ва хотинларнинг ҳозир бўлишларини амр этдилар. Бундан ой кўрган аёлларгина мустасно қилинди: улар намоз ўқимайдилар, бир чеккада турадилар.

Жанобимиз ҳайит тонгида бомдоғ намозини масжидда ўқидилар. Кейин Мадинанинг шарқий томонига жойлашган майдонга келдилар. Бу ерга эркак-хотин барча мусулмонлар тўпланишган эди.

Уларга ҳайит ила алоқадор сўзларни айтдилар. Вазифаларини тушунтирдилар. Сўнг азонсиз ва иқоматсиз икки ракат намоз ўқишди. Намознинг ҳар ракатида уч мартадан қўшимча такбир айтдилар. Салом бергач, уринларидан туриб, Билолнинг елкасига таяндилар, ҳайит намозининг хутбаси сифатида бир суҳбат қилмоқчи эканларини билдирдилар.

— Истаганлар хутбани тингласин, истаганлар кетсин, — дея марҳамат қилдилар.

Суҳбатни Оллоҳга ҳамду сано айтиш билан бошладилар. Ҳар қачонгидек ўн қаторларда эркаклар бор эди. Хотинлар ҳам овозни эшитсин, деб қатор оралаб, уларга яқин келдилар. Билол ҳам ёнларида эди. Бир қўллари билан Билолнинг қўлидан ушлаган ҳолда уларга ҳам насихат қилдилар. Суҳбат орасида мана бу ояти каримани ўқидилар:

«Эй пайгамбар, қачон сизнинг олдингизга мўминлар келишиб, сизга ўзларининг Оллоҳга бирон нарсани шерик қилмасликларига, ўғрилик қилмасликларига, зино қилмасликларига, (камбағаллик ёки шарманда бўлишдан қўрқиб) ўз болаларини ўлдирмасликларига ва қўл-оёқлари ўртасида тукиб оладиган бўҳтонни қилмасликларига (яъни, фарзаңдсизлик сабабли эрларидан ажралиб қолмаслик учун бирон ташландиқ болани топиб, гуё у қўл-оёқлари ўртасидан чиққандек, яъни, ўзлари туққандек эрларига: «Мана шу бола сендан бўлди», деб бўҳтон қилмасликка) ҳамда бирон яхши ишда сизга итоатсизлик қилмасликларига қасамёд этсалар, сиз уларнинг қасамёдларини қабул қилинг ва улар учун Оллоҳдан мағфират сўранг! Албатта, Оллоҳ мағфиратли, меҳрибондир» (Мумтаҳана, 12).

Бу оятларни ўқиганларидан сўнг, хотинлардан:

— Сизлар шу ҳолатда бўлишга сўз берасизларми? — дея сўрадилар.

Ичкаридан бир хотин оёққа қалқди:

— Ҳа, эй Оллоҳнинг пайгамбари, сўз берамиз, — деди.

— У ҳолда садақ беринглар. Чунки сизларнинг кўпларингиз жаҳаннамнинг утинларисиз.

Бу дафъа қирмизига тортиб кетадиган қора юзли хотин ўрнидан турди:

— Нима учун бундай, эй Оллоҳнинг пайгамбари? — деб сўради.

— Чунки сизлар ҳолларингиздан кўп шикоят қиласизлар, эрларингизнинг ҳаққини инкор этасизлар. Бир иш қилса, у ўзи турган битгани яхшилиқ бўлса-да, битта арзимас ёмонлик кўриб қолсаларинг, «Мен сендан нима яхшилиқ кўрдим?» дейсизлар.

Бу орада хотинлар садақа Улароқ қўлларида борини бера бошладилар. Ким бармоғидаги узугини, ким қўлидаги билакузугини, яна ким қўлоғидаги исирғасини чиқариб келтирар, Ҳазрати Билолнинг этагига ташлар эди. Ҳазрати Билол эса:

— Ота-онам сизларга қурбон бўлсин, келтиринглар, — деб турди.

Кейин байрамга келганлар тарқалишди. Набийийи Акрам жанобимиз бошқа йўлдан қайтдилар. Ҳайитга келаётиб, руздор эмасликларини билдириш учун, бирнималар еб олганлари ҳам маълум бўлди.

\*\*\*

Абу Лаҳаб Уммул Фазлдан еган таёгининг алами-ла ётоғига ётиб олганидан кейин бир марта ҳам белини кутармади. Кунлар ўтган сайин тузалиб кетиш умиди тобора сўниб борарди. Баданига тариқдек-тариқдек ҳуснбузар тошиб кетди. Озайиш ўрнига кўпайиб борадиган, кўпайган сари кетидан чидаб бўлмас оғриқларни келтирадиган бу хасталикни араблар «одаса» хасталиғи дейдилар. Қизамиқ деб тушунса ҳам бўлади. Эҳтимолки, бу тошмалар ичини тўлдирган азобларнинг учларидир.

Тошмалар аввал сув олди, кейин йиринглаб кетди. Абу Лаҳабнинг вужуди ҳали ўлмай туриб сасий бошлаган эди. Шу қадарки, фарзандлари ҳам унинг баданига қўл теккиза олмай, ҳидидан яқинига йўлай олмай қолишди.

Тошма тошганининг еттинчи куни эди. Абу Лаҳабнинг кўзлари бирдан катта-катта очилиб кетди. Қаршисида шу дамгача ҳеч кўрмаган, ҳеч бир инсон қарай олмайдиган даражада қўрқинчли ва баҳайбат махлуқлар турарди. Қолбуки, бир сония аввал ҳам бу ерда улардан асар йўқ эди. Унгидан, чапидан, олдидан, ортидан қуршаб олишди. Биттасини бир марта кўрган одамнинг ақлдан озиши турган гап эди. Қаердан келди булар, ичкарига қандай кирди? Бу ерда уларнинг нима ишлари бор? Буларни на сўрашнинг имкони бор, на уни англашга вақт...

— Сенинг ифлос ва мурдор жонингни жаҳаннамга элтиш учун келдик, қара...

Абу Лаҳаб «телба» калимаси билан ҳам ифода этилмайдиган бир оташ денгизи, бир олов денгизини кўрди. Чеки-чегараси бўлмаган бу оташ ва олов денгизи ёлғиз ўзи учун ҳозирлангани фикри тутиди.

Бу орада жияни «Оллоҳ каломидир» деб ўқиган сўзлар хотирига келди: «Абу Лаҳабнинг кўллари қурисин, ҳалок бўлсин! (Аниққи) у қуриди — ҳалок бўлди! Мол-мулки ва касб қилиб топган нарсалари унга асқотмади. Яқинда у ва унинг ўтин орқалаган, буйнида пишиқ толадан эшилган арқон бўлган хотини (ловуллаб турган) алангали дўзахга киражак!» Бу сура қулоқлари остида яна ўқилгандай бўлди.

Ҳозирга қадар орқа қилиб келгани бойлиғи бу оташ денгизига нисбатан ҳеч нарса эмасди. Ҳатто катта Макка шаҳри ҳам тоғларини водийлари билан бирга бу олов денгизи қаршида тирноқдек жой олмасди.

— Нима?! Бу ерга мен кираманми?.. Янглишяпсизлар, мен Абдулмуттолибнинг ўғли Абу Лаҳабман... Адашаётган бўлманглар тагин... — дея олмади.

Зотан, бундай дегизиб қўядиган сиёқлари йўқ эди ҳам. Бақиртира-бақиртира, турли-туман қийноқлар ила рўҳини жасаидан айирдилар. Шу ондан сассиқ вужуди ҳаракатдан тўхтади. Рўҳи эса, энди Оллоҳнинг расулига қарши юритган чиркин мухолафатнинг жазоси-

ни унга берилган буюк бир фурсатни қадрламаганига минг пушаймон ўлароқ чекажак эди.

Аслида, давлат қуши унинг бошига қўнган эди. Коинотнинг гул юзли Сарвари унинг укасининг ўғли бўлиб туғилган, кузлари унгида ҳеч кимса қусур тополмайдиган бир фазилат эгаси бўлиб улгайган эди. Унинг ҳар ҳолини билар, биронта бошқа кимса унингчалик яқиндан танимас эди. Аммо у бу неъматлардан фойдаланишни уйламади, неъматни узидан қочирди.

Абу Лаҳабнинг ўлмасдан одиноқ лош ҳолига келган жасади ўша куни уйида қолди, кўмилмади. Иккинчи кун ўғиллари уни кўммоқчи бўлишди. Аммо у яқинига йўлаб бўлмайдиган даражада бир ҳид тарқатардики, яқинлашган кимсанинг бурнини адои тамом қиларди. Шунинг учун у кун ҳам кўма олишмади. Учинчи кун ҳам уйида қолди жасад. Шу тариқа Абу Лаҳаб ўзи гоят севган молларининг ёнида уч кечани кечирди. Фақат, ҳиди энди бутун маҳаллага таҳдид сола бошлади. Халқ Абу Лаҳабнинг ўғилларини ўртага олди:

— Бир отангизни кўмишга қурбингиз етмайдимми? Афсуслар бўлсин сизларга! — дедилар.

— Биз ундан бирор хасталик юқиб қолмасин, деб қўрқяпмиз, — деб жавоб қилишди ўғиллари.

— Бундай ташлаб қўйсаларингиз, бутун маҳаллага ёйилади-ку у хасталик...

Кейинроқ пул бериб одам ёлланди-да, узоқдан туриб устига сув сеппиб ювилди ва Макканинг юқори тарафига кўмилди.

Исломнинг, хоссатан Жаноби Расулуллоҳнинг ашаддий душманларидан яна бири шу тахлит майдондан даф бўлди.

...

Бадрадаги мағлубият бутун Макка халқини шиддатли бир зилзила каби қалқитиб юборди. Жангга қатнашган ҳамма улуғлар ё ўлдирилган, ё асир олинган эди. Фарёд ва фиғонлар кўкка ўрлади. Бу ҳолат Абу Суфёнга ёқмади. Уридан турди ва Масжиди Ҳарамга тўпланган халққа хитоб этиб, шундай деди:

— Ўлган яқинларингизга йиғламанг. Уларга марсиялар айтманг. Мабодо йиғласангиз, Муҳаммадга ва унинг шерикларига нисбатан туйган кин ва адоват ҳисларингиз енгиллашиб қолади. Ҳам уларни хурсанд этган, ўзларингизни уларга масхара қилдирган бўласиз. Токи улар билан тўқнашиб интиқомимизни олгунигизга қадар хушбўйлар суртиш ва хотинларингиз билан бирга ётишни узларингизга ҳаром қилишингиз лозим.

Кейин Абу Суфён Бадрнинг интиқомини олмагунича ювинмасликка ва хушбўй сурмасликка халқнинг олдига қасам ичди.

Абу Суфённинг бу хитоби ва бу ҳаракати у ердагиларга таъсир этди. Тижоратга ақли етадиган баъзилари эса: «Ортиқча дардди кўринадиган бўлсак, Муҳаммад ва ўнинг асҳоби биздан мўл-мўл пул ундириб қолишнинг пайига тушади», дейишди.

Кимлари онгли равишда, кимлари унинг-бунинг айбситишидан андиша қилиб, бу тавсияни қабул этган бўлишди.

Абу Суфённинг хотини Ҳинд машҳур Утба ибн Робианинг қизи эди. Бадрада энг қўп яқини ўлган шу Ҳинд эди. Ўғли Ҳанзала, отаси Утба, жияни Валид ва амакиси Шайба ўлдирилган, бошқа ўғли Амр асир олинган эди. Бу воқеаларни эшитган заҳоти эс-хушини йўқотди, аммо кўзидан бир томчи ҳам ёш чиқмади.

— Йиғидан бир фойда борлигини билганимда, тўхтамасдан йиглар эдим. Улар орасидан ҳам энг севимлилари ўлдирилганини

кўрмагунимча қайгуим асло сўнмайди, — деди ва оташ сачратиб турган кўзларига ҳамоҳанг бир овоз-ла қўшимча қилди: — Қасам ичаман, дадамни ва амакимни ўлдирган Ҳамзанинг жигарини сугуриб оламан-да, тишларимнинг орасига олиб чайнайман, деб қасам ичаман... қасам ичаман!..

Бу қарорга, қийинчилик билан бўлса ҳам, амал қилинар, ҳеч кимнинг кўзидан томчи ёш чиқмас эди.

...

Машҳур шоир Умайя ибн Абу Салт бир вақтлар ҳақ динни ахтарган, бу йўлда гузал шеърлар битган бир одам эди. Тоза, дуруст фикрлари билан бир қаторда, пайғамбарлик менга берилади, деган бир қаноати ҳам бор эди.

Ҳиро ғорида нубувват муждаси Жаноби Расулуллоҳга (с.а.в.) берилиши Умайя ибн Абу Салтда ҳасад туйғулари қўпишига сабаб бўлди. Унга тегишли бир ҳақ бошқага ҳақсиз ўлароқ берилган каби қабул қилди бу воқеани. Энди Набийлар Сарвари жанобимизни роҳатсиз қиладиган шеърлар ила ҳасадини очиқча ўртага қўя бошлади. Бирмунча вақт Тоифда яшади. Шом тарафларига қилинган бир саёҳатидан қайтишда йўли Бадрга тушди. Бу пайтда энди жанг тамом бўлган, мушрикларнинг устига тортилган тупроқ ҳали қуриб улгурмаган эди.

Умайя дўстлари учун кузёшлари тўқди. Уша ерда айтган бир шеърда «Пайғамбар булганида, ақрабolarини бу ерда ўлдирармиди?» деган сўзлар бор эди.

Сўнгра туясини ҳайдаб, Тоифга йўл солди. Бундан кейин Умайя учун биргина сафар қолган эди. Охират сафари... Фақат, у ерда роҳат топади, яхши кутиб олинади, деб ҳеч айтолмасди.

Сўнги нафасини берган вақтида ичидаги ҳасад ва куфрнинг жазосини бериш вазифаси билан келиб кутиб турган фаришталар жонини сугуришди ва олиб кетишди.

...

Бу орада асирлар учун белгиланган фидялар (товон пуллари) кела бошлади. Фидяси олинганлар озод қилиб юбориларди. Куп қисми шу тариқа бўшатилади. Бир неча асир ансор болаларига ўқиш-ёзишни ўргатиш шарти ила афу этилди. Бунда ҳар бир асир ўнтадан болани ўқитиб бериши керак эди.

Шоир Абу Азза пулсиз-бойликсиз одам эди. Унинг бутун бойлиги, айтса бўлардики, тили-жагидангина иборат эди. Узини қўтқаришга ҳеч бир нарсаси йўқ. Аммо у ҳам ҳаётининг бағишланишини истарди.

— Бизга қарши гап айтмасликка сўз бера оласанми? — деб сўрашди ундан.

Абу Азза бу таклифни севинч-ла қабул этди:

— Ҳа, сўз бераман. Онт ичаманки, сизларга қарши битта ҳам сўз демайман!

— Қани, унда кўнглинг тусаяган жойга кетавер, — дейишди.

Бу тарз қўйиб юборилган Абу Азза ҳаётга янгидан келган инсондек осонлик ила Мадинадан чиқиб кетди. Кетаркан, Жаноби Расулуллоҳнинг (с.а.в.) мардликларини, жумардликларини васф қилувчи бир шеър ўқиб борарди.



...

Абул Осс учун юборилган моллар ичида бир гардонлик чиқди. Буни кўриб, бир жуфт кўз ёш-ла тўлди. Шундай бир кўзки, Улуг Мавло улардан ҳам қадрли бошқа бир кўз яратмагандир.

Бу воқеанинг шоҳидлари сабабини билмоқчи бўлишди:

— Сизни нима инжитди, ё Набийаллоҳ? — деб сурашди.

Набийий Акрам жанобимиз (с.а.в.) Абул Осснинг фидяси орасидан чиққан гардонликни кўрсатдилар. Бу нарсани қизлари Зайнаб жунатганини, унга эса, севикли завжалари Ҳадича (р.а.) сеп улароқ тақдим этганини айтиб бердилар. Йилларча аввал қилинган сеп ва келинлик либослари ичида нур юзли Зайнаб кўз унгиларига келди. Аёллар оламининг бош тожи Ҳазрати Ҳадича бу гардонликни ўз қўллари билан Зайнабнинг бўйнига тақиб турган ҳолатини кўрдилар.

Жаноби Расулуллоҳнинг (с.а.в.) кўзларини ёшлатган мана шу хотира эди.

— Рози бўлсаларингиз, Абул Осснинг фидясини қайтариб беринглар, — дедилар.

Кўнгли тўла самимият-ла жавоб қилишдики:

— Мингдан-минг розимиз, ё Расулуллоҳ, — дейишди.

Бир неча кишининг оғзидан бирдан чиқди бу сузлар. Ҳатто Абул Осси асир олган Абу Аййуб Ансорий ҳам шу айтганлар орасида эди.

Абул Оссга ундан фидя олинмасдан қўйиб юборилаётгани, бунинг эвазига Зайнабни дарҳол Мадинага юбориши лозимлиги тушунтирилади. Бу таклифни Абул Осс қабул этди.

Отасига пайгамбарлик вазифаси берилар-берилмас Исломи қабул қилган Зайнабнинг бундан бу ёғига Абул Осснинг хотини бўлиб қолиши мумкин эмас эди. Лекин Набийий Акрам жанобимиз қийин-қистовларга тўла ҳаётлари давомида уни ажратиб ёнларига олиш имконини топмаган эдилар.

Абул Осс мусулмон бўлиш таклифини қабул этмади. Келишувга биноан Зайнабни Йаъжаж водийсида мўминлар қўлига топширадиган бўлди.

...

Макка...

Бир хотин кишининг фарёди кўкларга юксалиб, Асвадни роҳатсиз қилди. Қўлига буюрди:

— Чикиб қара-чи, нимага йигляпти бу хотин?..

Қул сал утмай қайтиб кирди.

— Туясини йўқотган экан, шунга йигляпти, — деди.

Асвад узини туготмай қолди:

— Демак, бу хотин бир туя учун кўзёши тўкяпти, уйқуларини йўқотяпти, шундайми? Айтайин унга: туяларга эмас, Бадра ўлдирилган раисларга йиғласин... Эшитиб қўйингларки, улар ўлиб айрим кимсалар иш бошига келдилар. Бадр жанги бўлмаганида, уларга раислик қолармиди?..

Бу сузлари билан у Абу Суфённи назарда тутарди. Айтмоқчи эдики, Абу Суфёнга келгунгача ҳам раисликка лойиқ кишилар бор эди.

Асвадни асил дардли қилган ҳам Бадра ўлганлар учун йиғлашнинг тақиқланиши эди.

Уша кеча Асвад тўйиб-тўйиб кўзёшлари тўкиб чиқди. Унинг бу

аҳволини кўрганлар ҳам Абу Суфённинг тақиқини назар-писанд қилмай қўйдилар ва узун-узун йигладилар, марсиялар айтдилар. Жаноби Расулуллоҳ ва асҳоблари ҳақида бўлар-бўлмас сўзлар сўйландилар. Ҳаммасини Бадр мағлубиятининг интиқомини олмасдан тинч яшамаслик фикри турлаштириб турарди. Ёлғиз шоир Абу Азза жим турарди. Марсия тўқигин, Муҳаммадга қарши сўзлар айтгин, деб тақлиф этилаганида:

— Мен ҳаётимни тилимни тийиб юриш эвазига қутқардим, — деб жавоб қиларди.

\*\*\*

Жаноби Расулуллоҳ (с.а.в.) бошчиликларида Ислому лашкарининг Бадрда қозонган ғалабаси Мадинани остин-устун қилиб юборди. Энди уртада лоф эмас, балки бир куч бор эди. Ҳижоз ўлкаларида буюк бир овозга соҳиб бўлган, бутун қабилалардан устун бир қадрга эга Қурайшдек қабилани тор-мор этиш ҳазилакам гапми?

Бу зафар бир куни Мадинада раис бўлиш ҳаққи тўласича қўлига ўтишидан умид қилиб юрган Абдуллоҳ ибн Убайй каби шахсларни шошириб қўйди. Кундан-кунга заифлашиб бораётган обрў-эътиборининг энди тамомон қўлдан чиқажаги қаноатини келтирган эди бу зафар.

Атрофида сўзини тинглайдиган, уни катта санайдиган бир гуруҳ бор эди. Аммо сони Мадина халқига нисбатан олганда бармоқ билан санарли даражада оз эди. Улар ҳали ҳам бутта топинишар, ҳали ҳам эски динларига амал қилишар эди. Бу бир ҳовуч кишилар билан уртага чиқиб, мўминларни майдондан сиқиб чиқаришнинг иложи йўқ. Иккинчи томондан, илгаридан бери низолашиб юришгани яҳудийларнинг олдига бориб, «Энди биз ҳам сизларданмиз», дея олишмайди. Энг яхши чора — кўнгилларига ўтиринқирамаган Ислому динини қабул этган каби кўриниб, ўзларига қафолат олиб олиш бўлиб қолди. Акс ҳолда, ишлар чаппа кетиши, балки у она юртида яшай олмай қолиши ҳам тайин. Қолбуки, мусулмон бўлганини очиқ-часига айтса, унча-мунча эътибор топиши, ҳаётини изга тушириб олиши мумкин. Бу орада «пайгамбар» дейишаётган одамни бирор найранг ишлатиб адабини бериб қўйиш имкони ҳам топилиб қолармиди.

Абдуллоҳ ибн Убайй бу каби ўй-хаёллар оғушида, халқнинг кўзи олдига, мусулмон бўлганини эълон этди, шаҳодат калималарини сўйлади.

Унинг мусулмон бўлиши авваллари унга эътиборли бўлганларни севинтирди. Кечаги кунга қадар ичи кин ва нафрат билан тўла, газаб билан тўла одам қандай мусулмон бўларкин?..

Ўзи каби ҳануз мусулмон бўлмаган бир қисм одамлар унинг уйига келиб зиёрат этдилар ва:

— Бир гапларни эшитдик, шу тўғрими, эй Ибн Салул? — деб сўроқладилар.

— Нимани эшитдиларингиз? Бирон ажабланарли иш бўптими?

— Ҳа-а, шуниси ортиқча, эй Ибн Салул. Буни ҳеч бўлмаса бизга айтма. Кечага қадар ҳам Муҳаммадга ва одамларига оташ пуркаб келган сен эмасмидинг?

— Мен эдим.

— Энди-чи?

— Энди янаям оташ пуркаймам.

Келганлар, баттар ҳайрон бўлишди.

— Ҳеч бир нарса англамадик, — деди бири.

— Мендан бундан ортиқ сўз олмайсан ҳам.

Абдуллоҳ ибн Убайй ибн Салул уларга шундай бир нигоҳ ташлади, гўё бу билан: «Англайдиган савияда эмассизлар», демоқчи бўлди. Кейин шу ўйини сўзлари билан давом эттирди:

— Англашилмайдиган бир нарса йўқ. Сизлар Ибн Салулни ҳам уша аҳмоқларнинг йулидан бориб Муҳаммадга иймон келтиражагига ҳамон ишониб қўя қолдингиз. Ҳолбуки, бу ишим уларга қарши бир ҳийладир, бир уйиндир, янаям очiqроқ айтсам, алдовдир. Аммо кун келади, Ибн Салулнинг уларни тиз чуқтиражагини кўрасизлар. Бир куни мутлақо уларни бартараф этаман. Аммо бунинг учун сабрли бўлишинг лозимлигини сизлар ҳам тақдир қиласизлар.

Масала ойдинлашди. Ибн Салул қалъани ичидан емириш йулини таналагани маълум бўлди. Айрим шартлар остида бундан ақлли бир йўл тутиб бўлмасди ҳам. Ибн Салул ҳақиқатан узоқни кўрадиган одам эканини уларнинг назарида исбот этган эди.

Биттадан-иккитадан бўлиб бориб шаҳодат калималарини айтишга, уларнинг ёнида улардек бўлиб куришиб юришга қарор берилди.

Шу кундан бошлаб Ибн Салул билан унинг дўстлари ҳам масжиддан жой олишди. Мусулмонлар олий девонда туриб Роббул Оламинн ҳузурда саждага бош қўйганларида улар ҳам ётиб-турдилар. Кўзга ташланишга ҳаракат қилишар, ўзларини яхши мусулмон бўлган каби кўрсатишга зўр беришар эди. Аммо бир имкон туғилди дегунча мўминларга Расулуллоҳни (с.а.в.) қусурли кўрсатиб, уларни совутишдан ва Мадинада яна эски ҳаётни жонлантиришдан бошқа мақсад ва гоёлари йўқ эди.

...

Она тарафдан яҳудий бўлган машҳур шоир Каъб ибн Ашраф Бадрада мушриклар йулиққан мағлубият аламини жон-дилидан туйганлардан бири эди. У таниган кўп инсонларнинг ўлдирлиши уни шундай гамга ботирган эдики, ўлчовга сиғмасди. Ким билади, маккаликларнинг қайгуси қай даража бўлса... Бориб уларни кўрмагунча, кўнгил-ҳол сурамагунча, улар билан бирга айни дардни тотмагунча бўлмаслигини англади. Тонглардан бирида туясига минди, Мадинани тарк этди.

Бадр тупроқларига етганда кўнглининг энг дарин бурчакларидан келган лаънатларни ёғдирди. Ҳали қонлари ҳам қотиб улгурмаган дўстларини кўзёшлар ила ёдга олди. Ниҳоят, кунлаб юра-юра, бир оқшом Макка кўчаларига кирди.

Каъб Маккада ғариб ҳисобланмасди. Уни мамнуният-ла уйда меҳмон қилишга тайёр жуда кўп оила бор эди. Оллоҳнинг расулини қабул этмаган ва у зотни ҳижратга мажбур қилганларнинг кўнгли Каъб сингари кимсалар билан ҳузур тонади, албатта.

Дарҳақиқат, у қора кунда ҳамдард бир дўст сифатида кутиб олинди. Макка мажлисларининг тўри унга берилди.

...

Абул Осс Маккага келгач, хотини Зайнабга вазиятни тушунтирди.

— Сени жунатаман деб отанга сўз бердим, ҳозирлигингни кўравершинг мумкин, — деди.

Зайнабнинг Абул Оссдан шикоятга йўқ эди. Ёқимтой, онгли-тушунчали, ҳавас қилса арзигулик ахлоқли бир одам эди. Айни

чоқда, қалби иймон нурига берк қолди, ота-бобосидан ўтиб келган динини тарк этмади. Бу вазиятда бири мусулмон, бошқаси мушрик бўлган эр-хотин қандай бирга яшай олардилар? Қолаверса, кўпдан бери ҳеч ҳузур топмагани Макка шаҳри айниқса Бадр муҳорабасидан кейин одамни бўғадиган, нафас олиб бўлмайдиган ҳолга келган эди. Отасининг яшаш ҳаққини тан олмаган бу шаҳар Зайнабга тамомийла бир зиндонга айланди. Энди бу ерда унга кулиб қарайдиган бир чехра ахтариш, самимий бир дуст топиш хаёлларга ҳам келмайдиган бир иш эди. Шу сабабдан эрининг гапини хушхабар улароқ қабул этди, зудлик билан ҳозирлик кура бошлади.

Абу Суфённинг хотини Ҳинд келди.

— Дадангининг ёнига кетмоқчи бўлаётган эмишсан? — деди эшикка суянган кўйи.

— Бекор гап, — деб жавоб қилди Зайнаб бир шумликни сезиб.

— Мендан яширишнинг ҳожати йўқ, қизим. Йўлда бирор заруратинг чиқиб қолса, тез таъмин қила оламан, эркакларга ҳеч лозим бўлмаган баъзи нарсаларга хотин киши эҳтиёж туйиши мумкин. Бу масалада мендан уялиб ўтирма.

— Ташаккур, зарур бўлса, айтарман, — деди Зайнаб.

Ҳинднинг овозида самимият мана ман деб турарди. Ҳарҳолда Зайнабда шундай қаноат ҳосил бўлди. Лекин барибир унга: «Ҳа, кетяпман», деб очиқча айта олмади.

Ниҳоят, бир куни Абул Осснинг укаси Кинона уни туяга ўрнатилган бир маҳфага миңдириб, йўлга чиқарди. Зайнаб ўша пайтда ҳомилали эди.

Жаноби Расулulloҳнинг (с.а.в.) қизлари Мадинага отланганини эшитган Асваднинг ўғли Ҳаббор ёнига яна битта ўғри-безорини олиб унинг орқасидан етиб келди. Кинона: «Нима қиялсан?» дейишга ҳам улгурмай, найзасини маҳфага санчди. Маҳфа қаттиқ силкиниб кетди ва Ҳазрати Зайнаб ерга думалаб тушди. Тушаркан, каттагина бир тошга келиб урилди. Ҳаббор иккинчи дафъа ташланди. Аммо энди Кинона узини ўнглаб олган эди, унинг олдини тўсиб чиқди.

— Олчоқ ҳариф, хотин кишига қўл кутаргани уялмайсанми?! — деди.

Ҳаббор ҳам бўш келмади:

— Уни бу ердан соғ чиқаришимизни умид қиялсанми сен? — деди пўписа қилиб.

— Сочидан бир туки тўкилишига ҳам йўл қўймайман!

— Отаси Бадрда нима ишлар қилганини билмайсанми, эй Кинона?! —

— Сизлар ҳам бориб ўша отасидан олинглар интиқомингизни!

— Олажагимиз интиқомнинг илк қадами буни улдириш бўлади.

Шундай дея Ҳаббор такрор ҳужум қилди, лекин бу гал Кинона кўксини қалқон қилиб, тўхтатиб қолди. Энди иккаласи олишиб кетди. Ҳабборнинг орқасидан келганлар ҳам бор эди, улар ортадан таҳдид сола бошлади. Кинона қараса, иш чаппасига кетаётди.

— Бу ишни ўлгунимча охирига обораман. Токи тирик эканман, унга бир зарар етказмайсанлар! — дея ҳайқирди.

Таҳдид жиддий эди. Кинोनанинг боқишлари Ҳабборни ҳушёр торттирди. «Шуниси ҳам етар», дея орқасига қайтиб кетишга мажбур бўлди. Орқадан келганларнинг ичида Абу Суфён ҳам бор эди. У:

— Нимага бундай жоҳиллик қиялсан, Кинона?.. Куппа-кундузи бу хотин йўлга чиқариладими, ахир? Муҳаммад билан орамизда ўтган гап-сўзларни билмайсанми?

— Хўп, нима қилайин?

— Ҳозир Маккага қайт, орадан бир неча кун ўтсин. Кейинроқ

қоронғида одамларга сездирмасдан олиб чиқиб кет, — деди Абу Суфён.

Кинонага бу таклиф маъқул келди. Қурқувдан титраб утирган Зайнаб наридан-бери тузатилган маҳфага қайтадан минди. Маккага қараб йўл олишди.

Буюк бир севинч-ла йўлга чиққан эди. Энди қарангки, ҳаяжон ва қайғу ичида қайтиб борапти. Ёлғиз узим кетавераман, дея олмасди. Султони Анбиёнинг қизлари, деб ким ҳам уни бошига кутарарди? Ҳақиқатан, ундай қилишмади, аксинча, ўлдирмоқчи бўлишди.

Бир неча соат оддин энди ҳеч қачон қайтмаслик ниятида ташлаб чиқиб кетган уйига қадар ва ғамга ботиб такрор кириб келди. Устига устак, бояги ҳужум натижасида қорнидаги боласи ҳам тушиб қолган, ҳозир ётсаю тин олса, бошқа ҳеч бир нарсани уйлайдиган ҳолда эмас эди.

Бу орада Фахри Коинот жанобимиздан йўл-йуриқ олган икки киши Мадинадан Маккага қараб йўлга чиқди. Улардан бири Жаноби Пайғамбарнинг тутинган фарзандлари Зайд, иккинчиси эса, ансордан бир зот эди. Таълимот шу эдики, Макка яқинидаги Йаъжаж водийсига боришади, у ерда Ҳазрати Зайнабни кутишади, сўнг олиб қайтишади.

...

Орадан бир неча кун ўтди. Зайнаб озми-кўпми ҳордигини чиқарди, узини такрор йўлга чиқишга тайёр ҳис қилди.

Кечалардан бирида, кўчалардан элнинг оёғи узилган бир паллада Абул Осснинг эшиги яна очилди. Аввал бир одамнинг сассиз шарнаси, кетидан туя чиқди. Устидаги маҳфада Сарвари Оламнинг (с.а.в.) севикли қизлари Зайнаб ўтирарди.

Кимсасиз кўчаларда овоз чиқармасликка ҳаракат қилиб бориларди. Ниҳоят, Макка уйлари орқада қолди. Энди онда-сонда улиган итларнинг овозидан бошқа овоз эшитилмасди. Куфрнинг ва ширкнинг тубан қоронгулигида ғафлат уйқусига толганлар бу дафъа Макка инжусининг шаҳардан чиқиб кетаётганини билмай қолавердилар.

Ниҳоят, бало-қазо етмай, Йаъжаж водийсига келдилар. Кичкина-лигидан бери бир уйда бирга улгайган, бир дастурхондан таом еб, бир қудуқдан сув ичган Зайд яна бир шериги билан уларни кутиб турган экан, топишдилар. Зайнабни Олоҳнинг ва расулнинг омонати ўлароқ қабул қилиб олишди-да, Мадина сари йўлга равона бўлишди.

Маккаликлар учун Зайнаб бир душманнинг қизи эди, бинобарин, унинг жонига суиқасд ила мушриклар қасос олишлари мумкин эди — мана шундай ҳолда Маккани тарк этган Зайнаб энди ҳар турли иззат-икромга ва ҳурматга лойиқ бир инсон сифатида йўлини давом эттирди.

Ниҳоят, узоқдан Мадина тоғлари кузга ташланди. Бу нарса Султони Анбиё ҳазратларига яқин қолганининг муждаси эди. Зайнаб қўшдай енгил бўлиб қолганини ҳис этди. Алҳамдулиллоҳки, икки йилдан бери кўрмаган отасига энди қовушажак, чеккан бутун жабру жафоларини ота бағрига бош қўйиш ила унутажак. Қани энди туя янада тез, янада илдамроқ юрса! Ҳали кўрмай туриб севиб қолган бу шаҳарга бир он бўлса-да илгарироқ кириб борса!

Мана, йўл ҳам охиради. Бани Нажжор маҳалласида, отаси илк дафъа қўнган кўчаларда Зайнаб ҳам туясидан инди ва ўша атрофга қурилган ҳужраи саодатга шошилди. Кўзёшлари, ҳасрат ва севги туйғулари тўлиб тушган бир қалб ила Султони Анбиёга отилди. Лаблари фақат:

— Отажоним, дадажоним... сизни шунақалар соғиндимки... —  
дея шивирлар эди.

Расулуллоҳ (с.а.в.) узоқ вақт айрилиқда қолган фарзандларини бағриларига босдилар. Таъриф этилмас бир ҳаяжон ила:

— Хуш келдинг, қизим, — дедилар.

...

Ҳали ҳам асирларни қутқариш учун яқинлари келиб туришган эди. Машҳур Валид ибн Муғийранинг ўгли Валид ҳам асирлар орасида эди. Бир куни унинг икки акаси Холид билан Ҳишом уни қутқариш мақсадида Мадинага кириб келдилар.

Ҳишом Валиднинг ўғай акаси эди, талаб этилган пулни бергиси келмади. Анча давом этган тортишувлардан кейин ниҳоят оталари Валид ибн Муғийранинг совутию қуролини бериб, Валидни қутқардилар. Макка сари йўлга чиқдилар. Мадинадан олтмиш чақиримлар юргач, Зулҳулайфа деган жойга етиб кундилар. Овқатландилар, бир оз ҳордиқ чиқсин деб ухладилар.

Бир пайт Валид аста-секин ўрнидан турди. Ҳамроҳларининг ухлаганларига ишонч ҳосил қилгач, келган изидан қайта бошлади. Қайдасан, Мадина, дея йўл олди.

Ака-укалар анчадан кейин уйғонишди. Ёнларида Валидни кўрмай, ҳожат билан бирон жойга ўтган бўлса керак, деган хаёлда хийла вақт кутиб ўтиришди. Аммо атрофда бир кимсадан дарак йўқ эди.

— Маккага кетиб юборган бўлса керак, — деди Ҳишом.

— Нимага бизни ташлаб кетади? Бирга кетардик-ку?..

Бу орада Холид Маккага эмас, аксига қараб кетган изларни кўриб қолди.

— Валид яна Ясрибга қайтган бўлмасин, Ҳишом? — деди ажабланиб.

— Валлоҳи, нима деяримни ҳам билмай қолдим. Аммо у ёққа нега кетади? Ахир, ўзи ўша ёқдан келяпмиз-ку?!

Холид бир неча сония уйланиб турди-да:

— Валид Ясрибга яширинча бориб, у ерда бир-иккитасини ўлдириб келмоқчидир балки?

Шу фикр ақлга тўғри келарди. Аммо энди ўзлари нима қилишарди? Такрор Мадинага бориб уни изласалар бўларди. Унда агар Валид ҳақиқатан ҳалигиндай иш қилган бўлса, қўлга тушиб ўлиб кетишлари турган гап. Бу ишнинг охири ўлим билан тугаши мумкин. Хуш, нима қилишсин?

— Бу аҳволда Маккага ҳам бормайлик, эй Ҳишом. Бориб: «Валидни ҳам қутқардик, ҳам қутқармадик», дейиш менга оғир келади, — деди Холид.

— Унинг устига, отамизнинг совути билан қуролини бериб қўйганмиз... — дея қувватлади Ҳишом.

— Қани, қоринни бир тўйғизиб олайлик-чи, унғача ақл ҳам кириб қолар.

Овқатланиб бўлишгач, Холид биродарига ўтирилди:

— Менинг қарорим — Ясрибга яна бир марта бориш, нима бўлган-булмаганини ўрганишдир. Ҳеч йўқ, «Валид қани?» деб сураганларга тузук-қуруқ жавоб бериш имконига эга бўламиз-ку, сен нима дейсан?

— Лот ҳаққи, мен ҳам аини шундай фикрдаман, эй Холид. Қани, кетдикми?

Ясрибга йўл олинди. Соатларча йўл юрилгач, Ясриб хурмоликлари кўзга ташланди. Тўғри Бани Нажжор маҳалласига келиб тушдилар. Жаноби Расулуллоҳни (с.а.в.) топиб, вазиятни тушунтирмоқчи

булишди. Бошқа бирортасига масала очилса ҳамда Валид бирон кор-ҳол қилиб қўйган бўлса, унинг урнига буларга жазо бериб қолишлари мумкин.

Масжид олдида туяларидан тушишга ҳозирланишаркан, Холид қўзларини катта-катта очиб, тупланиб ўтирганларга боқди.

— Мен кўраётганимни сен ҳам кўряпсанми, Ҳишом? — деди шивирлаб.

— Ҳа, — деди Ҳишом ҳам ғалати бир овозда, — кўрганимдан кўрмаганим яхши эди.

Валид масжид олдидаги ўша одамлар орасида, улар билан суҳбатлашиб ўтирарди.

— Хуш, нимага келдинг бу ерга? — деб сўрашди ака-ука ундан.

— Қуриб турибсизларки, дўстларим билан гаплашиб ўтирибман, — деб жавоб қилди Валид.

— Хўп, майли, аммо нега қайтиб келдинг?

— Мусулмон бўлиш учун.

— Озгина нарироққа борсак бўладими?

Валид уридан турди, бирга-бирга сал нари кетдилар. Бир чеккага бориб, Холид аста сўради:

— Жиддий гапиряпсанми, эй Валид?

— Жиддий бўлмаса, атай қайтиб келармидим.

Бирдан Холиднинг жигибийрони чиқди.

— Аҳмоқ! Мусулмон бўлиш ниятинг бор экан, нимага бизларни бу ерга келтирддинг, нега ўзингни қўтқариш учун отамиздан қолган азиз ёдгорликдан айрилишимизга сабаб бўлдинг?.. Оилада уларни қандай қадрлашимизни ўзинг ҳам жуда яхши билардинг-ку!

— Мен Қурайшнинг: «Валид бадал пулини тўлашдан қочиб мусулмон бўлди», дейишини истамадим. Ҳар ким каби менга ҳам фида тўлансин, кейин келиб ўз хоҳишим билан мусулмон бўлганимни айтмай, деб орзу қилдим.

— Хўп, энди нима қиласан?

— Энди бу ерда қоламан, ҳаётим бу ерда давом этади — қарорим шу.

— Ундай қилма, — деди Холид, — ҳозир сен биз билан бирга Маккага бор. Сени озода этганимизни, соғ-омон келтирганимизни одамлар кўрсин. Ўз истагинг билан мусулмон бўлганингни англаёт ёки англаётма. Шундан кейин хоҳлаган тарафингга кетавер. Ҳар ким бориб асирини қўтқариб келди, аммо Валид ибн Муғийранинг ўғиллари буш қул билан қайтиб келдилар, дейилиши бизга муносиб эмас. Йўқса Зулҳулайфада сени топмаганимиздан кейин ўшанақаси кетиб юборган булар эдик.

Валидга бу фикр маъқул кўринди. Янги топган дўстлари билан хайрлашиб, йўлга чиқди.

Маккага етгунча кор-ҳолсиз келишди. Лекин Маккага етиб келишдию иш ўзгарди. Валидни тутиб, ҳибсга ташлашди.

Шу тариқа Маккада ҳибс этилганларнинг сони Аййош ибн Робиа ва Салама ибн Ҳишомдан кейин учтага етди.

Жаноби Расулulloҳ (с.а.в.) Валиднинг бир ҳийла билан Маккага олиб кетилганини ва у ерда қамаб қўйилганини эшитиб, хафа бўлдилар. Бомдод намозларида рукудан тўғрилганларида: «Оллоҳим, Валид ибн Валидга, Салама ибн Ҳишомга, Аййош ибн Робиага ва бошқа сиқув остида қолган заиф мўминларга нажот бер. Оллоҳим, Мудор қабилисига азобларингни орттир. Уларга Юсуф пайгамбар даврларидаги қурғоқчилик каби қурғоқчилик юбор. Сенга ва расулинга қарши бош кўтарган Лихйон, Риъа, Зокйон ва Усаййа қабила-ларига лаънат юбор», дея дуо қила бошладилар.

Жубайр ибн Мутъим акрабосидан баъзи кимсаларнинг фидяси-ни олиб Мадинага келган эди. Расули Акрам (с.а.в.) Жубайрга иззат-икром кўрсатдилар.

Оқшомга яқинлашганда Жубайр масжиднинг бир бурчагида ётиб ухлаб қолди. Шом намозига келганлар у ерда бир мушрикнинг ухлаб ётганини кўрдилар. Азон айтилди. Жаноби Расулуллоҳ намоз-ни бошладилар. Жубайр қулогига чалинган тотли бир овоздан уйғо-ниб кетди:

«Бас, (эй Муҳаммад,) сиз (инсонларга Қуръон оятлари билан) панд-насихат қилаверинг! Чунки Парвардигорингизнинг неъмат-марҳамати билан коҳин-фолбин ҳам, мажнун ҳам эмасдирсиз. Балки улар (мушриклар): «(Муҳаммад) бир шоирдир. Бизлар унга замон ҳодисот-балолари (етиши)ни кутурмиз», дерлар?! Айтинг: «Қутаве-ринглар! Мен ҳам сизлар билан бирга кутувчилардандирман (қура-миз, балога ким йўлиқар экан)» (Тур, 29—31).

Жубайр бу ўқилган оятларнинг латоифига асир бўлиб қолди.

Жаноби Расулуллоҳ Оллоҳ ўзларига берган мустасно қобилият ила ўқир, ҳеч бир адиб эриша олмайдиган даражадаги адабий каломни руҳларга сингдираётган эдилар. Жубайр ётган ерида бу ило-ҳий каломни тинглади, тинглади...

Мўминлар Расулуллоҳ (с.а.в.) жанобимиз билан биргаликда ру-кута кетдилар, кетма-кет икки сажда қилдилар ва такрор тик турди-лар, Жанобимиз яна овоз чиқариб ўқий бошладилар:

«Балки улар (сизни ҳалок қилиш учун) бирон ҳийла-найранг қилмоқчидирлар?! У ҳолда ўша кофир бўлган кимсаларнинг ўзлари ҳийла-найрангга гирифторм булурлар! Балки улар учун Оллоҳдан ўзга бирон «илоҳ» бордир?! Оллоҳ уларнинг ширкларидан покдир! Агар улар (устларига уларни ҳалок қилиш учун) осмондан бир бўлак-парча тушаётганини курсалар, (ушанда ҳам иймон келтирмаслар, балки) «Бу тўпланган булутдир», дерлар. Бас, (эй Муҳаммад) сиз уларни токи ўзлари ҳалок қилинадиган кунларига рубару булғуна-рича тарк қилинг! У Кунда уларнинг ҳийла-найранглари бирон фойда бермас ва уларга ёрдам ҳам берилас! Албатта, золим-кофир бўлган кимсалар учун бундан (қиймат кунидан) илгари (шу дунёда) ҳам азоб-уқубатлар бордир, лекин уларнинг кўплари (буни) бил-маслар. (Эй Муҳаммад) сиз Парвардигорингизнинг ҳукмига сабр қилинг, зотан сиз шак-шубҳасиз Бизнинг кўз ўнгимизда (ҳифзи-ҳимоямизда)дирсиз, ва (тонгда уйқудан) турган пайтингизда Пар-вардигорингизга ҳамду сано айтиш билан (У зотни барча айб-нуқсон-дан) покланг! Шунингдек, кечадан (булган соатларда) ва юдузлар юз ўтириб кетгач (яъни, саҳар пайтларида) ҳам У зотта тасбеҳ айтинг!» (Тур, 42—49).

Расулуллоҳ (с.а.в.) Тур сурасининг энг сўнгги оятини бу тариқа ўқигач, «Оллоҳу акбар» деб рукута эгилдилар. Мўминлар ҳам у зот билан бирга эгилишди...

Жубайр аввал Жаноби Расули Акрамнинг Қуръон тиловат қил-ганларини ё эшитмаган ва ё эшитишни истамаган эди. Бироқ ҳозир худди кўнгли йўтирилган, яп-янги бир руҳга соҳиб бўлган эди.

Намоздан кейин Жаноби Расулуллоҳнинг ёнарига борди. Асир-лар ҳақида гаплашди. Сўз орасида Мутъим хотирланди. Шунда Расули Акрам:

— Эй Жубайр, агар отанг Мутъим соғ булса ва манави сассиқ-ларнинг ўртасига тушса эди, унинг хотири учун ҳаммасини озо-д қилиб юборишим мумкин эди, — дедилар.



Жубайр бу кўришувда мусулмон бўлмади, бироқ у ердан кетаркан, эшитгани Қуръон ила кўнгли кукларда учганини ҳам инкор этмасди.

...

Маккаликлар Каъб ибн Ашрафни бир ота қадрдон, қора кунларга ярайдиган бир дўст каби кутиб олдилар. Бундай бўлмаганида, то Мадинадан чиқиб Маккага атай таъзия билдириш учун келармиди! Боз устига, Муҳаммаднинг душманлари ҳузурига бориб уларга қўл узатишнинг таҳликаси ҳам бор эди. Мадинада яшайдиган бир инсон сифатида Жаноби Расулуллоҳни (с.а.в.) табриклаши, авсликларни, ҳазражликларни қутлаши лозим бўлгани ҳолда, уларга қилич кўтарган инсонларни толиб келиш буюк бир жасорат намунаси эди.

Каъб қайси мажлисларда иштирок этса, ҳурмат-эътибор кўрди, уларнинг тўрига чиқарилди. Хоссатан, аҳли қолиб номи берилган уяклар ҳақида айтган марсиялари тилдан-тилга ўтиб юрар, ҳар қадамда унинг шеърларини ўқиб юрган болаларни учратиш мумкин эди.

Айниқса, Абу Суфён мамнун эди. Ҳазилакам гапми: Мадинадан Каъб ибн Ашрафдай бир шоир келиб мусулмонлар ҳақида ҳажвийлар айтиб турса! Дарҳақиқат, у Қурайшнинг бутун туйғуларини тилга олар, ўзи йнглар, ўзгаларни-да йнглатар эди.

Бир куни суҳбатлашиб ўтирганларида, Абу Суфён уни ҳакамликка чорлади:

— Биз семиз-семиз туяларни сўйиб халққа тарқатадиган, мусофирларга иззат-икромлар кўрсатадиган кишилармиз. Кучсизларга ёрдам берамиз, улар бажара олмаган ишларни зиммамизга оламиз. Ҳажга келганларга емак едирамиз, сув улашамиз. Ақрабомизни ҳимоя қиламиз, хабар олиб турамиз...

Абу Суфён буларни айтаркан, ўзининг зиқнализини тилга олишни истамади. Мазкур ҳоллар умуман олганда Қурайшда борлигини биров инкор этолмайди, аммо...

Кейин Жаноби Пайгамбаримиздан сўз очди:

— Бизларнинг биригимизни бузди. Илоҳларимизга тил теккизди. Ақлли кишиларимизни аҳмоқликда айблади. Уғилни отадан айирди, — дея сўнгра асосий муддаога кучди: — Сенинча, биз тўғри йўлдамизми ё Муҳаммадми?

Каъб ҳеч тараддулданмасдан жавоб берди:

— Албатта, уларга қараганда сизлар тўғри йўлдасизлар! — деди.

Бу жавоб Абу Суфённи хурсанд қилиб юборди. Эс-ҳуши жойида, сўзи-суҳбати жўяли, номи атрофда машҳур бир шоир берган ҳукм тўғри бўлмаса, бундан тўғриси қаердан топилади?!

Каъб Маккада бу каби ҳазеънар билан ўзининг хинжини уртага қўяркан, бу ёқда Жаброили Амин Сарвари Олам жанобимизга (с.а.в.) Қуръони Қаримнинг ушбу оятларини келтирди:

«Китобдан насибадор бўлган кимсаларнинг бут ва санамларга сиғинаётганларини ҳамда кофир кимсалар ҳақида: «Ушалар иймон эгалари бўлган мусулмонлардан тўғрироқ йўлдалар», деяётганларини кўрмадингизми? Улар Оллоҳ лаънатлаган кимсалардир. Кимники Оллоҳ лаънатлар экан, бас, ҳеч қачон унинг учун бирон ёрдамчини топа олмайсиз» (Нисо, 51—52).

Каъб ва бошқа мушрикларнинг Расулуллоҳга ва дўстларига қарши айтган шеърларидан бир қисми Мадинага етиб келди. Мўминлар орасидан шеър айтишга қобилияти борлар бу ҳажвийларга жавоблар беришди. Каъб ибн Молик, Абдуллоҳ ибн Равоҳа ва Ҳассан ибн Собит ушандай шоирлардан эдилар. Ҳатто Ҳассан ибн Собит Жано-

би Расулуллоҳнинг (с.а.в.) амрлари ила шеърларини масжидда бералла ўқиган, Жанобимиз унга:

— Айт, айтавер, эй Ҳассан, Жаброил сенга мадад берапти, — дея марҳамат қилганлар.

Мусулмон шоирлар ёзган бу шеърлар бир жиҳатдан душманга унинг ўзининг силоҳи ила жавоб бериш маъносини ифодалар эди.

...

Икки киши Каъбанинг «Ҳижр» деб аталувчи пастак деворли қисмида узоқ шивирлашиб туришди. Ниҳоят, бир-бирларининг қўлларини сиқиб хайрлашишди. Айрилишаркан, улар ўзаро аҳдларини яна бир бор такрорлашди:

— Суз берасан, шундайми?

— Сузим сўздир, эй Умайр. Сен Сафвонга бемалол суянишинг мумкин...

Бири тўппа-тўғри уйига борди. Қиличини олиб, ўзи келтирган захар ила тигини булай бошлади. Энди бу қиличда одамнинг ҳар қандай жойида кичкинагина бир яра очиш билан уни оппа-осон ўлдирш мумкин эди. Хотини унинг ишларини тушунмади. Уртада уруш йўқ, бинобарин, қиличга захар суртилишига ҳам бир сабаб мавжуд эмас эди.

— Нима қилганинг бу, эй Умайр? — деб сўради.

— Ҳозирча ҳеч нарса сўрамасанг, яхши бўларди, — деди эр жавоб ўрнига.

Хотин бошқа суриштирмади, эр ишини битирди. Шом қоронғилиги тушгач, бир нечга хурмо тамадди қилган бўлди-да, қиличини олди. Белбоғига тақди. Индамай ташқари чиқди-кетди...

Мадина масжидида дуслари билан суҳбат қуриб утирган Ҳазрати Умар (р.а.) бир иш билан ташқарига чиқди. Қараса, шу атрофга бир туя энди чўқтириляпти экан. Туя эгасини танигандай бўлди. Сал яқин борди, диққат билан боқди.

— Сен Умайр эмасмисан? — деб сўради.

— Ҳа, мен Умайрман.

Жин каби, шайтон каби бир одам сифатида машҳур эди у. Экмасдан ейман дейдиган, тегирмондан бутун чиқадиган одамлар, тоифасидан эди.

Ҳазрати Умарнинг хаёлидан: «Бу одам яхшилик билан келмаганов», деган ўй ўтди. Уша заҳоти ичкари қайтиб кирди.

— Ё Набийаллоҳ, Умайр ибн Ваҳб келибди. Бу одам яхши ниятда келмайди, — деди.

— Уни бу ёққа олиб кир; — дедилар Расули Акрам.

Ҳазрати Умар, кейин кутилмаган бирор можаро чиқмасин тагин, дея Умайрни маҳкам ушлаб, ичкари олиб кирди.

— Нима сабабдан келдинг, эй Умайр?

— Ўғлимга бир яхшилик қилишларингизни илтимос қилиб келдим.

— Бу қилич-чи?

— Қилич бизга фойда бердимиз?..

— Сафвон ибн Умаййа билан Ҳижрда қилган аҳд ҳақида нима дейсан?

Умайрнинг тили орқасига тортиб кетгандек бўлди.

— Қанақа аҳд? — деди зўрга.

Жаноби Расулуллоҳ (с.а.в.) унга Сафвон билан ораларида кечган ўша келишувни гапириб бердилар:

— Сен Сафвон ибн Умаййага шундай дединг: «Бадрда бунчалик одамимиз ўлгандан кейин яшашнинг мазаси қолмади ортиқ. Қарз-

дорман, аммо тулашга ҳемирим йўқ. Мендан кейин фарзандларим қийналмаганида эди, бориб Муҳаммадни ўлдирад эдим», дединг. Сафвон сенинг бу сўзларингга жавобан: «Агар сен бу ишни қилсанг, мен қарзингни утайман, болаларингга қараб тураман», деди. Шу тарз яширидан-яширин келишиб одиларингиз ва сен мени манави қилич билан ўлдириш ниятида келгансан.

Умайр ҳайронлик ичра тинглар эди. Охирида эсини йигди ва деди:

— Ҳа, эй Муҳаммад, воқеа худди сен айтгандек бўлди. Сафвон иккала миз бу гап-сўзларни ҳеч ким эшитмайдиган даражада хуфёна қилган эдик. Энди мен ҳам ишонаманки, сен ҳақиқатан пайгамбарсан, — деди ва шаҳодат калималарини айтди.

...

Бир куни Жаброили Амин яна Расулulloҳ (с.а.в.) жанобимизга учрашди. Оламларнинг Роббидан саломларни ва Бақара сурасига тегишли айрим оятларни келтирди. Набийийи Акрам ҳар сафаргидек аввал фақат тингладилар, Жаброили Амин у оятларни ўқиди. Роббул Оламининг қудрати-ла бу ваҳийлар келтирилган ҳолидай Жаноби Пайгамбарнинг топ-тоза қалбларига ёзилди.

Саййидимизнинг ваҳий ҳолатига кирганларини англаган асҳоб бошларини эгган бўйи буюк бир ҳаяжон ила кута бошладилар. Пашша учса, эшитиладиган даражада сассиз, лекин кўнгиллари Мавлога йўналган ҳоли-ла кечган бу вақтда асҳоби киромнинг бу ҳолини истехзо ила кулиб томоша қилиб турган бир неча толеъсиз ҳам йўқ эмасди.

Нихоят, Набийийи Акрам саййидимиз (с.а.в.) бошларини кўтардилар. Атрофга боқдилар. Ваҳий котиблари ҳозир бўлишин, демоқчи бўлдилар. Лекин ёзув лавозимотлари тайёр қилингунча ҳам кутишга сабри чидамаган асҳобларига Илоҳий хабарларни ўқиб таблиғ этишга алоҳида ҳозирлик кўриш шарт эмасди, ҳатто бу иш у Зоти Шарифнинг вазифалари эди.

«Одамлар орасида шундай кимсалар борки, ўзлари мўмин бўлмаганлари ҳолда «Оллоҳга ва охират кунига иймон келтирдик», дейдилар. Улар Олоҳни ва иймонли кишиларни адамоқчи бўладилар ва ўзлари сезмаганлари ҳолда фақат ўзларинигина алдайдилар. Уларнинг дилларида мараз бор эди. Бас, Оллоҳ маразларини янада зиёда қилди. Улар учун қилган ёлгонлари сабаб аламли азоб бордир. Уларга: «Ер юзида бузгунчилик қилманглар», дейилса, «Биз ислоҳ қилувчилармиз», дейдилар. Огоҳ бўлингизким, улар албатта бузгунчилардир, лекин ўзлари буни сезмайдилар. Уларга: «Мана бу кишилардек иймон келтиринглар», дейилса, «Шу пасткашларга ухшаб мўмин бўламизми?» дейдилар. Огоҳ бўлингизким, уларнинг ўзлари тубан кимсалардир, лекин буни билмайдилар. Иймон келтирган зотларга йўлиққанларида: «Биз ҳам иймон келтирдик», дейдилар. Ўзларининг шайтонлари (бошлиқлари) билан холи қолганларида эса: «Биз албатта сизлар билан биргамиз, фақат (уларнинг устидан) кулмоқдасиз, холос», дейишади. Оллоҳ уларнинг устидан кулади ва ўз туғенларида адашиб-улоқиб юришларини давомли қилади. Улар ҳақ йўлнинг ўрнига залолатни сотиб олган кимсалар бўлиб, бу савдоларида фойда қилмадилар ва тўғри йўлга юрувчилардан бўлмадилар...» (Бақара, 8—16-оятлар).

Ким эди улар? Исмлари айтилмаган, сифатлари ва қилган ишлари туфайли улар оладиган аччиқ натижа маълум этилаётган эди.

Пайгамбарлар Имоми (с.а.в.) бу оятларни ўқитганларида ҳозир булганлар орасида мунофиқлар-да бор эди. Лекин улар сас чиқарма-

дилар, «Бизни айтмаяпти, бизни назарда тутмаяпти», дегандек ути-равердилар.

Бу оятлар юракларда буюк бир портлаш ҳосил қилди. Қалбида куфр инончи бўлиб, тилида иймон сўзларини айтиш...

Виждонлари билан рўбарў қолганлар ва ўзининг ҳолатини бир марта жиддий-ла кўздан кечирганлар ҳам бор эди. «Мен Оллоҳга ва охираат кунига ишондим», сўзларини қай даражада самимият билан айтганларини бир гал ўйлаб қолдилар.

Бу орада Жаноби Пайғамбаримизнинг қуйидаги сўзлари маънада етиб келди, нафси билан мужодала этиб турганларга йул кўрсатилди:

«Уч нарса бордир... бу уч нарса кимда бўлса, иймоннинг мазасини ҳақиқий маъноси-ла тотади. Булар:

а) Оллоҳ ва расулини ҳар нарсадан ортиқ севиш;

б) яхши кўрган одамни фақат Оллоҳ ризоси учун яхши кўриш;

в) такрор куфр ҳаётига қайтишни худди оловга отилаётган каби ёмон деб билиш...»

Ўлчовлар энди бу мезонларга кўра олинди. Виждонлар: «Ўлим келса ҳам, иймон ҳаётидан орта қайтиш йўқ!» деган қарорга келди. Яна бутлар ҳузурда сажда қилиш, яна уларни илоҳ деб қабул этиш... ҳаёлларга сигмайдиган аччиқ бир хотира бўлиб қолди. У илоҳлар синдирилган, ташланган, қулатилган эди. У бутларни илоҳ деб билган кўнгиллар энди бу вужудларни тарк этиб кетган. Ҳозир энди у кунларга кулиб, жирканиб боқадиган, Оллоҳ қўрқуви ила нафас оладиган, Оллоҳ севгиси ила иш кўрадиган кўнгиллар жойлашган эди бу вужудларга. У кунлардаги ҳолларини соддаликдан, онгсизликдан кўришар, ҳидоятда доим қолишни сўраб Жаноби Ҳаққа ниёз этишар эди. Мана шундай мўминларни «халис мўминлар» деб аташар, ҳеч ким уларни мунофиқ демас эди.

Мўминлар орасига ўзларини улардай кўрсатиб суқилиб кириб олган бозорчи мунофиқлар ҳам бу оятларни ҳикоя тинглагандай эшитдилар. Бевосита ўзларидан баҳс этган бу оятлар уларнинг қулоқларидан нарига ўтмади. Улар қалбларини Қуръон оятларининг теран маъноларига ёпиб олишган эди. Шу сабабдан ушбу оятларни эшитган мўминларнинг шошиб қолганларини улар истехзо ила томоша қилдилар. Мўминлардаги хавотирни бемаъни деб билиб, кулиб юбормаслик учун лабларини тишлаб турардилар.

Жаноби Расулуллоҳ (с.а.в.): «Энди сизларга бу мунофиқларни номма-ном айтиб бераман», демаган эдилар. Эҳ, модомики айтмади-ми, мўминлар орасида юриб ҳаракат қилишга, уларнинг аҳволини яқиндан кўриб ўрганишга, маккаликлар ҳақида айтиладиган сўзларни ҳам бемалол эшитиб юришга ким ҳалақит қиларди?..

Фақат, намоз уларга оғир келарди. Олдин таҳорат олиш керак, кейин уларга қўшилиб ётиб-туриш керак... Эҳ, бу маъносиз ҳаракатлар бўлмаса эди... Камига, тонгнинг илк палласида Билолнинг азони... Ҳар тонг иссиқ ўрнини ташлаб, тотли уйқусини қандай аритаркин бу одам!.. Ҳа, яна унинг овози-ла уйғониш дарди бўлмаса эди...

Аммо модомики бу одамларни юртларидан чиқариб юбориш имкони йўқ экан, у ҳолда мажбуран бу дардга чидайдилар-да, овоз чиқармайдилар-да.

...

Мўминлар орасида ибодатга қаттиқ ёпишган, дунёга кўнгилсиз ва илгисизлиги билан танилган Усмон ибн Мазъун хасталанди. Кундузги рўза туттишлар, тунги ибодат қилишларни тўхтатишга мажбур бўлди. Оила аъзолари қайғу ичида қолишди...

Ниҳоят, асирлар масаласи битди. Аини уша кунлари келган оятлар мўминларнинг юракларини ҳаяжонга солди. Бу оятларда асирларга қаттиққўл муносабатда бўлиш ё фидя олиш баҳси тилга олиниб, бу ҳақда шундай дейилган эди: «Агар Оллоҳнинг ҳукми азалийсиди (билмасдан қилинган хатони кечиришлиги) ёзиб қўйилмаганида эди, албатта сизларга тавон олганинглар сабабли улуг азоб етган бўлура эди. Энди ўлжа қилиб олган нарсаларингизни ҳалол-поқ ҳолда еяверинглар ва Оллоҳдан қўрқинглар! Албатта, Оллоҳ мағфиратли ва меҳрибондир» (Анфол, 68-69).

Жаноби Расулуллоҳнинг кузлари ёшланди.

— Агарда бу айтилган азоб юборилганида, Умар ибн Хаттоб билан Саъд ибн Муоздан бошқалар қутула олмасди, — дедилар.

\* \* \*

Шу пайтларда Маккада қолган мусулмонлардан кекса Жундаб ибн Доира касал бўлиб қолди. Макка ҳаётидан маза қочган, айниқса, Бадр воқеаларидан кейин бу шаҳар жаҳаннамга айланган эди. Бунинг устига, Жундаб фурсат топиб ҳижрат қила олмади. Ўзини ғариб сездди. Ҳаёт ортга кетиб, ўлим-ла ниҳоя топаётган эди. Тутаб бораётган умрининг охириги бир-икки кунини бўлса-да Ҳазрати Пайгамбар (а.с.) ҳузурларида кечиришни истар эди. Эртага агар ундан:

— Шунча мўмин ҳижрат қилди, сен нимага қолдинг? Нега мўминлар диёрига кўчмадинг?.. Мушриқлар орасида қолишни нимага афзал кўрдинг?.. — деб сўралса, буларнинг жавобини бериш осон бўлмасди.

Турт ўгли бор эди, ёнига чорлади.

— Мени бу ердан олиб кетинглар, Мадинага етказинглар, — деди.

— Аммо, отажон, қаттиқ касалсиз, йўлга бардош берадиган ҳолда эмассиз, — дейишди ўтиллари.

— Боришим керак, сўнгги орзуим шу.

Самура исмига ўгли ака-укаларини бир чеккага тортди ва:

— Кейин пушаймон бўламиз. Отамиз бизни ўстириб воёга етказди, биз унинг охириги орзуини бажо келтирмадик-а, деб афсусланиб қоламиз. Энг яхшиси, Мадинага олиб бориб қўяйлик, — деди.

— Лекин бу ҳолда туяда ўтиролмайди-ку?..

— Туя устига бир маҳфа ҳозирлаб, ётоқ қилиб берамиз.

— Отамизга ҳам, бизга ҳам жуда оғир бир сафар бўлади лекин.

Ахийри Самуранинг таклифини қабул этдилар. Жундаб туя устига ўрнатишга ётоққа жойлаштирилади. Ҳатто тушиб кетмасин, деб боғлаб қўйилди. Оқшомлардан бирида Макка билан видолашилди.

Жундаб сўнг бир дафъа бўлсин Каъбани тавоф қилишни жуда-жуда истарди. Лекин бунинг имкони қани? Бошини ўша томонга утирди. Кузларидан сизган икки томчи ёш ила бу орзу Уй соғинчини тилга келтирди:

— Алvido, эй муборак Байт!.. Балки энди асло куришмасмиз... — дея гўлдирарди томоғига ёш тикилиб.

Макканинг охириги уйлари ҳам ортда қолиб, энди Жундабнинг кўз ўнгига ёлғиз Жаноби Расулуллоҳнинг (с.а.в.) сиймолари жонланиб тураверди.

Ҳаво иссиқ. Лаблар қуруқшаяди. Ака-укалар онда-сонда сув идишнинг оғзини оталарининг лабига тутадилар. Гоҳо:

— Қаерга келдик? — деб сўраб қўяди Жундаб. Икки гапнинг бирида: — Ҳали ҳам етиб келмадикми? — дейди. — Яна қанча қолди? — деб сўрайди.

Саволлар тез-тез такрорланавериб, ака-укалар бир-бирларига андишали қарашади.

— Ажабо, Ясрибга етолмай қоламизмикан?

— Жуда унақа умидим йўқ менинг.

— Мен ҳам шунақа уйдаман.

— Лекин барибир умидни узмаслик керак...

Ҳали йўлнинг ўндан бир қисми ҳам босиб утилмаган эди. Ҳолбуки, Жундаб сафар тутаб қолган бўлса керак, деган қаноатда эди. Унингчи дафъа сўради:

— Самура!..

— Лаббай, отажон!

— Етмадикми ҳалиям?

— Йўқ, отажон ҳали етмадик.

— Ҳозир қаердамиз?

— Танъимга келдик.

— Демак, ҳали ҳам Маккада эканмиз-да...

Жундаб яна ўз оламига чўмди. Ака-укалардан бири:

— Шу ерда бир тўхтасак, — деб маслаҳат солди. Ҳеч ким эътироз билдирмади. Туя чуқтирилди. Маҳфа ерга олинди. Қарасалар, Жундабнинг юзида жон аломати сезилмасди.

— Ота!.. Отажон!..

Жундаб бу хитобларга жавоб бермади. Чунки энди маҳфа ичра ётган Жундаб эмас, унинг жасади эди. Руҳи алақачон малакларнинг қўлларида қаттиқ орзу қилгани Мадина масжидига борган, Сарвари Олам жанобларининг жамолларини кўргач, кейинчалик топишиш шартила руҳлар оламидаги ўрнини олган эди...

Жундаб ўша ерга дафн этилди. Унинг ҳижрат нияти ила йўлга чиққани, аммо бунга эришмай йўлда вафот этганининг хабари Мадинага ҳам етиб борди. Баъзилар:

— Илгарироқ йўлга чиқиб ҳижрати ярим йўлда узилиб қолмаса эди, муҳожирлар тоифасига қўшилса, мукофотини тўла олса эди, — дейишди.

Лекин бу масалада ҳисобга олинадиган нарса Жундабнинг нияти, ихлоси эди. Зоҳиран, ҳижрат ярим йўлда қолди, йўлнинг ўртасига ҳам етмасдан ажал келди. Аммо малакут оламида бу йўлчилик қандай баҳоланган, қанақа муомала кўрган экан?..

Масала Қуръон оятлари билан ҳал қилинди. Оллоҳ таоланинг каломи бу ҳодисага ойдинлик киритиш учун Набийлар Сарварининг (с.а.в.) қалбларига қўйилди:

«Ким Оллоҳ йўлида ҳижрат қилса, Ер юзида куп паноҳ бўлгудек жойларни ва кенгликни топгай. Ким уйдан Оллоҳ ва унинг пайгамбари сари муҳожир бўлиб чиқиб, сўнг (шу йўлда) унга улим етса, муҳаққаққи, унинг ажри-мукофоти Оллоҳнинг зиммасига тушар. Оллоҳ мағфиратли, меҳрибон бўлган зотдир» (Нисо, 100).

Бу орада яна «Умму Қайснинг муҳожирини» деган гап ҳам чиққан эди. Гап асносида баъзан шу ибора тилга олиниб турарди. Расулуллоҳ (с.а.в.) ҳам эшитдилар.

Воқеа бундай бўлган: Маккада Умму Қайс исми чиройли бир аёл бор эди. Бир киши уни севиб қолиб, уйланиш таклифини қилган. Лекин рад этилган. У одам «Хўп, майли», деб қўяқолмаган. Иккинчи, учинчи дафъалар ҳам келган, Умму Қайснинг остонасига танда қўйиб олган. Охири у хотин:

— Мен Оллоҳни ва расулни деб Маккадан кетишга қарор бердим. Агар мутлақо уйланишни истаса, Ясрибга бориши лозимдир, — деган ва ҳижрат қилган.

Ошиқ бу муждани олгани заҳоти бир қарорга келиб, у ҳам йўлга

чиққан. Макка билан Мадина орасидаги масофани шундай бир савдонинг оташини сундириш учун кесиб утган.

Умму Қайс Оллоҳга ва расулига қовушиш учун ҳижрат қилгани, у одам эса, Умму Қайсга эришиш ниятида ортидан йўлга чиққани элга ҳам ошкор бўлган ва унга «Умму Қайснинг муҳожирини» лақаби берилган эди...

Воқеа айтиб берилгач, Расули Акрам (с.а.в.) бундай марҳамат қилдилар:

— Амаллар ниятларга қараб баҳоланади. Инсонга ҳам фақат ниятидаги берилади. Шундай экан, ким Оллоҳни ва расулини деб ҳижрат қилса, бу ҳижрати Оллоҳга ва расулига оид сифатида тасбит этилади. Кимнинг ҳижрати қўлга киритиладиган дунё молига ва ё никоҳга оладигани хотинга йўналган бўлса, унинг ҳижрати ҳам узи ҳижрат этган нарсага оид сифатида тасбит этилади.

...

Рамазон ойи чиқиб, шаввол кирди. То шомга қадар қуёшнинг тафтидан ёнган-қоврулган Мадинага ниҳоят бир оз шом салқинлиги туша бошлади.

Бани Нажжор уругидан бўлган Салим ибн Умайр беихтиёр тишларни гичирлатди.

— Кунингни кўрсатаман сенинг, қари кўппак! — дея тишларини бир-бирига янаям қаттиқ босди.

Олдидан яҳудий шоирларидан Абу Афак ўтиб қолган эди. У бу ердан айланиб ўтиб узининг маҳалласига, Амр ибн Авфнинг уйига томон илгариларди. Шу яҳудий чолнинг охириги пайтлари тили жуда узайиб қолди. Купдан бери Жаноби Пайгамбаримизга ишонганлари, у кишининг амрлари ила ҳаракат қилишайтгани учун мадиналикларни айбловчи сифатида узини кўрсата бошлади. Узи бир юз йигирма ёшга кирган эди. Энди қаридим, бир чеккага чекиниб тинч юрай, демасдан, ҳали ҳам гайрат қилгани-қилган. Салимнинг тишларининг гичирлаши шу чолнинг бемазаликлари билан боғлиқ эди.

Уша кеча Салим хуфтон намозидан кейин Бани Нажжор маҳалласидан чиқиб, сассиз-садосиз Амр ибн Авф маҳалласига қараб юрди. Унда, сўлда кезди. Уй олдиларида, хилват жойларда гаплашиб ўтирганларга қулоқ солди, Абу Афакнинг овозини излади. Ниҳоят, бир гўшага келиб тўхтади. Топди. Бир бурчакка ўтиб, овоз чиқармай кута бошлади.

Орадан анча муддат ўтди. Бу орада Салимнинг қўли бир неча марта қиличининг қабзасини гижимлаб қўйди. Гўё, тайёрланиб тур, демоқчидек эди.

Ниҳоят, давралардагиларни эсноқ тута бошлади. Овозларда тобора уйқусираш аломатлари зоҳир бўлди. Вақт алламаҳал бўлиб қолганини айтиб, биттадан, иккитадан тарқалишди.

— Сен ҳам энди уйингга бор, эй Абу Афак, — дейишди.

Жавобни эшитиб, Салим титраб кетди:

— Мен шу ергинада ухлай қоламан, — деди Абу Афак.

— Узинг биласан.

Кечага яна сокинлик чўқди. У ер-бу ердан келаётган ит овозлари баъзан бу жимликни бузиб турарди.

Салим турган ерида бир муддат пойлади. Аввал қиличини аста қинидан чиқарди. Кейин беркиниб турган жойини тарк этди. Оёқ учларида юриб, Абу Афакка яқинлашди. Бу кекса шоир улими останага келганидан, сўнгги нафасларини олиб турганидан хабарсиз эди.

Қилич тўғри келиб унинг кўксига урилди. Кейин Салим бор кучи

билан қиличини бурди. Бугиқ ва қўрқинчли бир овоз чиқди. Чунонам чирпандики...

Абу Афакнинг кучаларни тутиб кетган ҳайқиригидан уйғониб кетганлар то ётоқларидан ташқарига чиққунларича Салим бу маҳаллани бўрондек кесиб ўтди ва уйига кириб кетди...

Маҳалла аҳли Абу Афакнинг охириги қимирлашлари устига чиқиб келди.

— Ким чоңди?

— Ким у сени бу аҳволга солган? — деган саволлар жавобсиз қолди. Абу Афак ўлди.

Эрталаб унинг жасади кўмиларкан, маросимга йиғилганлар орасида баъзиларнинг аламдан кўзлари қонга тўлган эди. «Эҳ, биз билсак эдик, ҳаққини олардик!» дегандек армонлар тилларга кўчди.

...

Ҳазрати Умарнинг кўеви Ҳунайс Бадрдан ярадор бўлиб қайтган эди. Дори-дармон унга натижа бермади, вафот этди. Ҳазрати Умар қизи Ҳафсанинг тул қолганига қанчалик қайгурган бўлса, Ҳунайсдек бир инсоннинг ўлимига-да шу қадар хафа бўлди. Ғам чекди, аммо Бадр каби шонли муҳораба берган жароҳат билан яшаш ва у жароҳатнинг оқибати сифатида ўлиш ҳам шундай бир инсонга муносиб эди. Ҳунайс дунёдан ёш кетди, лекин бир инсон охиратга олиб бора оладиган кўп нарсаларни қозониб кетди. Токи инсоният бор экан, у ҳам эсланажак ва «Бадр асҳобидан эди», дейилажақдир.

Жаноби Расулуллоҳ (с.а.в.) Ҳунайснинг жанозасида, ҳозир бўлдилар. Бу Зоти Шарифнинг ва бошқа мўминларнинг дуолари охират ҳаётида Ҳунайсга энлик қиладиган бўлди.

Ҳазрати Умарнинг қизи Ҳафса шу кунгача Ҳунайс билан бирга ҳузур-ҳаловат-ла кечган турмушининг оз вақт ичида бундай яқин топишини сира кутмаган эди. Эрини сўнг сафарга кўзёшлари ила кузатиб қоларкан, ўксик қалбига ҳеч бир юпанч топа олмасди. Энди у тул хотин. Энди у отаси Умарнинг ёнида яшайди. Энди...

Қурайш Каъбани таъмирлаган йили тутилгани эътиборга олинса, Ҳафса шу кунлари йиғирма бир ёшларда эди...

...

Бир куни фақир асҳобдан бир гуруҳи Расулуллоҳ (с.а.в.) жанобимизга мурожаат қилиб қолди:

— Ё Расулуллоҳ, бой-бадавлат кишилар олий даражаларни қўлга киритадилар: биз каби намоз ўқийдилар, биз каби рўза тутадилар, булардан ташқари, молларининг ортиги ҳисобидан закот ва садақалар ҳам берадилар. Биз бунисини қилолмаймиз, — дедилар.

Жаноби Расулуллоҳ уларга тасалли бердилар:

— Оллоҳ таоло сизларни садақа савобига ва мукофотига эриштирадиган имконлар бермадими? — дедилар ва саволларига ўзлари жавоб бериб, сўзларини шундай давом эттирдилар: — Сизларнинг ҳар «Субҳаналлоҳ», деганингиз бир садақадир, ҳар «Алҳамдулиллоҳ» дейишингиз бир садақадир, ҳар «Оллоҳу акбар» дейишингиз бир садақадир. Яхшиликка буюриш бир садақадир, ёмонликдан воз кечиришга ҳаракат бир садақадир, хотинларингиз ила қовушмагингиз бир садақадир.

Асҳоб кейингисига ҳайрон бўлди:

— Ё Расулуллоҳ, буни қандай тушунайлик? Ҳам шаҳвоний истакларимизни қондирамыз, ҳам савоб оламыз — шундайми?

Сарвари Коинот жанобимиз кулимсирадилар:



— Нима дейсизлар: инсон бу орзуни ҳаром йўлда амалга оширса, қилган у зиниси туфайли гуноҳ қозонарми эди?..

Бу савол қаршисида асҳоб сукут этди. «Албатта, улкан гуноҳ содир этарди», дерди гуё. Жанобимиз сўзларини давом эттирдилар:

— Худди шунинг каби, шаҳвоний истагини ҳалол йўлда қондирган тақдирда ажр ва савоби бордир.

Яна дедилар:

— Икки калима бор, айтиш осон, Оллоҳ таолога кура гоят сеvimли ва мезонда тош босадиган икки калима!

Асҳобнинг ичи қизиди, билгиси келди, мароқли кўзларини Ҳазрати Пайгамбарга тикди.

— «Субҳаналлоҳи ва биҳамдиҳи» ва «Субҳаналлоҳил-азийм» калималаридир, — дедилар.

Сўнгра бу калималар ила алоқадор сифатида шундай маълумот бердилар:

— Бир кимса самимий тилаклар-ла, топ-тоза туйгулар-ла кунда юз дафъа «Субҳаналлоҳи ва биҳамдиҳи» деган бўлса, дарё кўпиклари қадар кўп гуноҳи бўлса ҳам, Оллоҳ таоло уни мағфират қилади.

Жаноби Расулуллоҳ бу калималарни Оллоҳ таоло малаклар учун хос бир зикр ва тасбеҳ улароқ танлаганини ҳам баён этганларидан кейин энди ориқча сўзга лузум қолмади. Уша куни айримлар у мажлисдан туриб кетмасданоқ буни ўзларига бир вазифа сифатида қабул қилдилар.

Айни савол билан яна бир гуруҳ келди. Садақа ва закот беролмаётганларидан ўксик эканларини англатдилар. Шунда Фахри Олам (с.а.в.) жанобимиз:

— Сиздан олдингиларга етиб олишингизни ва сиздан кейингиларни орқада қолдиришингизни мумкин қиладиган бир нарсани ўргатишимни хоҳайсизларми? — дея таклиф қилдилар.

Ким хоҳамасди буни?! Ахир, бундай таклифни нақд Оллоҳнинг элчиси айтяпти! Сўзи сўзларнинг энг тўғриси, йули йуларнинг энг гўзали булган Расулуллоҳ саййидимиз!..

Ҳамма бирдай мамнуният ила: «Ҳа, хоҳаймиз», деб жавоб қилди. Шунда Жанобимиз:

— Ҳар намоз кетидан ўттиз уч мартадан «Субҳаналлоҳ — Алҳамдуллоҳ — Оллоҳу Акбар» денглар. Бу тасбеҳингиз «Ла илаҳа иллоллоҳу ваҳдаҳу ла шарика лаҳ, лаҳул мулку ва лаҳул ҳамду ва ҳува ʼала кули шайʼин қодийр» калимасини қўшганда юзга етсин, — дея марҳамат қилдилар. — Буни шундай адо этганнинг гуноҳлари дарёларнинг кўпиклари қадар кўп бўлса ҳам, Оллоҳ таоло уни мағфират қилади.

Фақир мусулмонлар Расули Акрам билан хайрлашиб кетарканлар, севинчлари беқиёс эди.

...

Бир саҳобий қараса, Аммор нимадир қияпти. Тушунмади.

— Нима қиялсан, эй Аммор? — деб сўради қизқиниб.

— Пайгамбаримиз (с.а.в.) ўргатган бир тасбеҳни ўқияпман.

— Нима экан у тасбеҳ? Мен ҳам ўқигим келяпти.

Аммор бунга жавобан: «Бу тасбеҳни биз каби фақир мўминларга ўргатдилар, сенга айтмайман», дея олмасди. Оллоҳнинг раҳмати сўнгсиздир. Бир кишига бергани қанча кўп бўлмасин, бошқасига берадигани камайиб қолмасди. Ўргатди.

Орадан бир неча кун ўтар-ўтмас бу тасбеҳ мўминлар ўртасида кенг ёйилди. Бой ҳам, фақир ҳам айни тасбеҳни ўқийдиган бўлди.

Келиб, Расулуллоҳ (с.а.в.) жанобимиздан шу масалани яна сўрадилар:

— Улар ҳам биз ўқиётган тасбеҳни ўрганиб олишди, улар ҳам биз нима қилсак, шуни қилишяпти? — дедилар.

— Бу нарса Оллоҳнинг икромии ва эҳсонидир, ким тиласа, беради, — деб марҳамат қилдилар.

• • •

Бир куни Мадинада аччиқ хабар тарқалди: Усмон ибн Мазъун вафот этган эди. Бу хабар Набийи Акрам (с.а.в.) жанобимизни ниҳоятда қайғуга солди. Самимий бир мусулмон эди Усмон. Иккинчи томондан, Жанобимизнинг сўтқардошлари эди. Уйига бордилар. Пешонасидан ўпдилар. Кузларидан оққан муборак ёшлар Усмоннинг юзига томар эди.

Усмонга ва оиласига бошпана берган умму Ало исмли хотин қайғуга ботган, йиғлар эди.

— Оллоҳнинг раҳматини тилайман сенга, эй Усмон. Ҳеч шубҳа қилмайманки, Оллоҳ сенга икром курсаттандир, — дерди.

Жанобимиз унга юзлаңдилар:

— Қаердан биласан Оллоҳнинг унга икромда бўлганини? — деб сўрадилар.

— Қурбонингиз бўлай, эй Оллоҳнинг расули, билмайман, аммо шундай умид қиламан. Бу сўзларни айтишимга сабаб — Усмоннинг гузал ахлоқидир.

— Усмон ҳозир ҳақиқий оламга кетган. Мен унинг ҳақида хайрали умид қиламан. Аммо гарчи мен Оллоҳнинг пайғамбари бўлсам-да, менга қандай муомала курсатилишини билмайман.

Бу сўзлар Умму Алога жиддий таъсир этди.

— Усмон ҳақида агар буларни айта олмасам, демак, бошқаси ҳақида ҳеч бир нарса айтмайман, — деди.

Усмоннинг жасади ҳозирланиб, дўстларининг елкаларида охира-т сафарига чиқди. Ҳаёти давомида қилган яхши-ёмон амаллар унга ҳамроҳ эди. Бир оздан кейин дўстлари ортга қайтишга мажбур бўладилар, шунда у амаллари ила ёлғиз қолади.

Усмон қабрига қўйилди. Устига тупроқ тортиб бўлингач, Жаноби Расулуллоҳ (с.а.в.) каттагина бир тош келтириб, Усмоннинг бош тарафига қўйдилар. Ора-сира уни зиёрат этиб турмоқчи эдилар.

Муҳожирлардан Боқий қабристонига илк кўмилган эркак Усмон ибн Мазъун бўлди.

Қабристонда Пайғамбаримиз (а.с.) бир хотинни кўрдилар. Ёқасини йиртар, пийпаланар, бақира-чақира йиғлар эди. Ёнидан утаётиб унга:

— Оллоҳдан қўрқ ва сабр қил, — дедилар.

Хотин бошини кўтарди. Дардига бировнинг аралашинини истамаслигини билдирадиган бир ифода ила:

— Бор, ишингни қил. Менинг бошимга келган дард сенинг бошингга келган эмас, — деди.

Бу сўзлар билан: «Менинг дардимдан сен нимани ҳам тушунар эдинг? Менинг ёнимга боласи ўлган келсин!» демоқчи бўларди.

Ҳолбуки, Расулуллоҳ жанобимиз Бадран қизларининг вафоти устига қайтганларига ҳали ҳеч қанча бўлмаган эди. Қолаверса, ҳозир кўмилган Усмон ҳам у зотнинг эмиқдош укалари эди.

У ердан маҳзун қайтдилар, тўғри уйларига қараб кетдилар. Орқаларидан келаётганлар у хотинга:

— Сен гаплашган одам Сарвари Коинот жанобимиз эдилар. Оллоҳнинг пайғамбари эдилар у киши, — дейишди.

Хотин таассур ичида айтиб юборган сўзларига пушаймон еди. Йигидан тўхтаб, тўғри Жаноби Расулуллоҳнинг уйларига йўналди. Ичкари кирмоқчи эди, ammo изн сўрагани бир одам топмади. Хаёлида Пайгамбар бир салтанат сурса керак, деган уй бор эди. Биттагина хонадан иборат бўлган Пайгамбар уйи уни ҳайратларга туширди. Ичкари кирди.

— Билмасдан бир қусурга йўл қўйдим, боламни йўқотганимнинг изтиробидан шундай деб юборибман. Узр сўрайман, — деди.

Расулуллоҳ (с.а.в.) жавобан:

— Сабр фақат зарба илк келган онда кўрсатилади, — дейиш билан кифояландилар.

Жаноби Пайгамбаримиз унинг йиғлашини тақиқламаган эдилар. Чунки инсонга тоқати етмайдиган нарсани таклиф этиш Ислому табиатидан эмасди. Жигарпораси бўлган бир инсонга хафа бўлмасликни, йиғламасликни сўйлаш риязати этиш қийин бўлган ишга буюриш билан баробар эди.

Инсон фарзандларига ва ёхуд ота-онасига тутул, балки яқинларига ҳам йиғлайди. Кузёшлари тукиши мумкин. Дарҳақиқат, Жаноби Расулуллоҳ Усмон ибн Мазъуннинг ўлими сабаби-ла йиғлаганлар, кузёшлари Усмоннинг юзига томган.

Жанобимизнинг у хотиндан талаб қилганлари — йиғлаётганда ҳаддан оширадиган, Оллоҳнинг тақдирига норозилик маъносини ташийдиган сўз ва ҳаракатлардан қочиш, ёқа йиртиб, кийимларини пора-пора этиб, жоҳилларнинг ҳаракатларига ўхшаб кетадиган ишларни қилмаслик эди.

Эртаси кун Умму Ало яна Пайгамбари Зишоннинг ҳузурларига келди.

— Ё Расулуллоҳ, рўёмда бир оқар сув кўрдим. Усмон ибн Мазъунга оид эмиш. Шарқираб оқарди, — деди.

Жанобимиз:

— Бу кўрганинг Усмоннинг амалларидир, — деб жавоб қилдилар.

Усмон ҳақида гоёт некбин фикрда бўлган хотин тушининг бу шаклда таъбир қилинганидан хурсанд бўлиб кетди. Уйига жўнаркан, ҳузурга чексиз эди.

• • •

Зулҳижжа ойининг тўққизинчи куни бомдод намозидан сўнг Жаноби Пайгамбаримиз (с.а.в.) жамоатга эшитарли бир овозда: «Оллоҳу акбар, Оллоҳу акбар. Ла илаҳа иллоллоҳу валлоҳу акбар. Оллоҳу акбар ва лиллаҳил ҳамд», дедилар.

Шу ондан эътиборан йигирма уч вақт намознинг ҳар фарзидан кейин, саломдан кейин бу муборақ тақбир айтилади ва ҳайитнинг туртинчи куни аср намозидан кейинги тақбир ила ниҳоз топади.

Зулҳижжа ойининг учинчи куни қурбон ҳайити деб эълол этилди. Барча мусулмонлар ҳайит намози ўқиладиган жойга тўпланишди. Рамазон ҳайитида бўлганидек, эркак хотин жам бўлишди. Яна азонсиз, қоматсиз икки ракат намоз ўқиб бердилар. Кейин тик туриб хутба айтдилар, насиҳатлар қилдилар.

Уйга қайтиб қурбонликка бир қўй сўйдилар.

— Бисмиллоҳ, Оллоҳу акбар! Оллоҳим, бу қурбонликни Муҳаммад номидан, Муҳаммаднинг оила аъзолари номидан, Муҳаммаднинг уммати номидан қабул эт! — дея дуо қилдилар.

Жанобимиз қурбонлик гўштларини оилада ейилишини, қўшниларга, фақирларга тарқатилишини амр ва тавсия этган эдилар. Узлари сўйган гўшт ҳам шу тарз тақсимаанди.

Шу куни Ҳазрати Ойиша (р.а.) ҳузурларига байрам ила табрик-

лаш учун икки ёш қиз келди. Қўлларида чилдирма. Утирдилар. Даф чалиб, шарқийлар куйлай бошлашди. Аслида, ўзлари шарқийчи эмасдилар, мақсадлари — байрамни шод-хуррамлик ила, нашға ила ўтказмоқчи эдилар, холос.

Бу орада Расулуллоҳ (с.а.в.) ичкари кирдилар. Орқаларини ўтириб, ётдилар.

Яна бирпас утиб Ҳазрати Абу Бакр (р.а.) келиб қолди. Манзара уни ҳайрон этди. Асабий бир овоз-ла:

— Демак, жаноби Расулуллоҳ ҳузурларида шайтон чогуларини чалишми! — деди. Қизи Ойишага ҳиддат-ла боқди.

Расулуллоҳ (с.а.в.) жанобимиз бу ёққа ўтиридилар.

— Эй Абу Бакр, уларни ўз ҳолига қўй. Ҳар миллатнинг байрами бўлади, бугун бизнинг байрамимиздир, — дедилар.

Ҳазрати Абу Бакр одоб билан келиб ўтирди. Зеро, Жаноби Расулуллоҳ (с.а.в.) турган ва ишга аралашмаётган булсалар, унинг аралашishi тўғримида ахир?..

...

...Бу пайтда ҳабаший ёшлар масжидда найза-қалқонлар ила ҳарб уйини ўйнардилар.

— Томоша қилишни хоҳлайсанми, эй Ойиша? — дедилар Расули Акрам.

— Ҳа.

Ҳазрати Ойиша масжидга қараган эшик оғзида, Расулуллоҳнинг (с.а.в) орқаларига турди. Иягини Сарвари Анбиёнинг елкаларига, ёногини ёноқларига қўйиб, томоша қила бошлади. Султони Анбиё қони жушиб ўйнаётган ёшларни ҳар-ҳар замонда шавқлантириб турардилар:

— Ҳа, Арфида ўгиллари!.. Буш келмайсизлар!.. Ҳа, қани!..

...Бу томоша Ҳазрати Ойиша учун унутилмас хотира бўлиб қолди. Йилларча кейин ёшлар бундай нарсаларни орзу қилишларини ўзини ўрнак кўрсатиб аңлатган эди Ойиша.

...

Зулҳижжа ойида Қурбон ҳайитидан бошқа яна бир байрам бўлиб ўтди. Жаноби Пайгамбаримизнинг (с.а.в.) севимли қизлари Фотима билан жиянлари Алининг никоҳ тўйлари шу ойда қилинди.

Расули Акрам Бадрада олинган ганиматларнинг бешдан бирини, Оллоҳ таолонинг амрига биноан, ақраболарига, фақирларга ва мусофирларга тарқатган, жиянлари Ҳазрати Алига ҳам бир туя эҳсон этган эдилар. Бадрада ҳар ким каби ўз ҳиссасини ҳам олган Али (р.а.) шу тарих икки туяли бўлиб қолди.

Сепни ҳозирлаш учун қўлда бир-икки қуруши (тангаси) бўлиши лозим эди. Шу ниятда Бани Қайнуқоъ қабиласидан бири заргарга бориб учрашди. Тоғларга бориб, у ерлардан «Изҳир ўти» тўплашга ва келтириб заргарларга сотишга қарор берилди. Кун ила ҳам тайин этилди.

Ўша кун иккала туясини олиб, ансордан бирининг боғига келтириб боғлади. Сунгра ўтни солишга қоп ва аргамчи ва бошқа нарсалар топиб келиш учун у ердан чиқди. Шуларни топса, кейин заргар билан бирга ўт теришга кетишарди.

Бу паллада Ҳамза ибн Абдулмуттолиб дўстлари билан бирга бир уйда шаробхўрлик қилиб ўтиришарди. Бир хотин ҳам шароб тарқатади, ҳам шарқий куйлайди. Орада хотиннинг кузи уй қаршисидаги боғда боғлоғлик турган икки туяга илашди. Сарҳуш эди. Ҳамзага қараб икки байт ўқиди. Маъноси бундай эди:

— «Эй Ҳамза, семиз туяларга боқ. Уй олдидаги майдонда оёқлари боғли турибдилар. Қани, Ҳамза, қада бўғизларига пичоқни, бўйинларини қонга бўя, энг нафис булакларидан шароб учун қозон кабоб ҳозирлашга шошил!»<sup>1</sup>

Ҳамза ўтирган ўрнидан туриб кетди. Қиличини қулига олди. Бир неча дақиқа ичида у иккала туя қонга беланиб ётарди. Ўркачлари кесилган, жигарлари ажратилган.

— Буни қовуриб дастурхонга торт! — дея келиб жойига ўтирди.

Салдан кейин Ҳазрати Али елкасида қоп ила қайтиб келдию... кўзларига ишонмай қолди. Иккала туяси ҳам жонсиз, қонга ботиб ётарди. Нима қиларини билмай бир муддат лол қолди. Сўнг кўрганлардан сўраган эди, амакиси Ҳамзанинг иши экани айтилди.

Шошилинич ортига қайтди. Расулуллоҳ (с.а.в.) ҳузурларига борганда кўзларидан ёшлар оқарди. Воқеани йиғлаб туриб аниқлатди.

Саййидул Анбийё (с.а.в.) ҳазратлари ўринларидан турдилар. Ёнларга Али билан Зайдни (розийаллоҳу анҳум) олиб, Ҳамза ўтирган уйга бордилар. Киришга изн сўрадилар. «Марҳамат», дейилгач, ичкари кирдилар. Ўтириш ҳали давом этар, қадаҳлар бири кетидан бири бўшатилар эди.

Султони Анбийё жанобимиз, қилиб қўйган иши туфайли аччиқ-аччиқ сузлар айтдилар. Ҳамза Расулуллоҳга (с.а.в.) бошдан оёққача қараб чиқди. Кейин оёқдан бошгача қаради ва:

— Сиз турнинг отамнинг қуллари эмасмисиз? — деди.

Шунда Расулуллоҳ (с.а.в.) ҳазратлари Ҳамзанинг қип-қизил маст эканини англадилар. Бундай ҳолда энг тўғри йўл у ердан кетиш эди.

Унгача Оллоҳ таоло шароб ҳақида бир ҳукм туширмаган эди. Шу сабабдан, иймон келтиргандан сўнг ҳам ичадиганлари аввалгидай ичишда давом этаверишди. Лекин уни ичмайдиганлар ҳам бор эди. Ичкилик одамни нима гапирганини билмайдиган қилиб қўяди, ақлини олади, ҳушёр пайти одам уяладиган ишларни ҳам ҳеч бир тап тортмасдан қилаверади, дейишарди улар. Ёки яна бир тоифа бор эдики, аввал ичиб, маст ҳолда қилган ишларию гапирган гапларидан уялиб юришарди. Ҳазрати Али ва Ҳазрати Абу Бакр ҳеч ичмаганлардан эдилар.

Жаноби Расулуллоҳ (с.а.в.) ичкилик келтирадиган тахриботни ва уялтирувчи ҳолларни билиш билан бирга, бу мавзуда Оллоҳ юборадиган аҳқомни кутганлари учун дўстларига ҳозирча бир нарса демасдилар. Вақт келиб, бу диннинг асл эгаси керакли очиқламани қилишига ишонар эдилар...

— Ё Али, маҳр сифатида Фотимага нима берасан, — деб сўрадилар Фахри Коинот (с.а.в.).

Ҳазрати Али энди нима ҳам бера оларди. Бутун бойлиги амакисининг қиличи-ла ўртадан кўтарилган бўлса. Аслида, отаси Абу Толиб ҳам бой бир инсон эмасди. Шу кунга қадар Ҳазрати Али базур кун кечирар, қўлида сарвати йўқ эди.

— Ё Расулуллоҳ, бир отим ва бир зирҳимдан булак ҳеч бир нарсам йўқ, — деди.

Жанобимиз отининг лозим бўлишини айтдилар, совутини сотишини маъкул кўрдилар. Совут сотувга чиқарилгач, Усмон ибн Аффон тўрт юз саксон дирҳамга сотиб олди. Ақчани ҳамёнга солиб, энди уйга жўнайман деб турган эди, орқасидан Усмон ибн Аффон чақириб қолди:

— Бир дақиқаи шошмай тур, эй Али.

<sup>1</sup> «Саҳиҳи Бухорий» таржимаси. 7/338 саҳ. Бу ҳодиса рўй берган пайтлари шароб ҳали ҳаром қилинмагани унутилмаслиги керак. Ҳазрати Ҳамза шароб ҳаром этилмасдан аввал шаҳид бўлган. (Муаллиф изоҳи).

— Нима дейсан, эй Усмон?

— Сен муҳорабада тушунган бир одамсан. Сендай бир кишининг зирҳи бўлмаса, кимники бўлсин? Лутфан шу зирҳни мендан ҳада улароқ қабул эт.

Али кулимсираган бир овоз-ла:

— Ҳозир уни сенга сотмадимми мен? — дея сўради.

— Сотдинг, аммо мен ҳам сенга ҳада қиляпман. Мендан кўра кўпроқ ўзинга лойиқдир. Сенинг бирор муҳорабага зирҳ киймасдан чиқишингни ҳаёлимга келтира олмаяпман.

Усмон ибн Аффон юзини ва овозини безаб турган самимият қалбидан келаётганига ҳеч шубҳа йўқ эди. Ҳадиси қабул этилмаса, эзилиши турган гап.

— Ташаккур айтаман, эй Усмон. Олоҳ ҳам сенга сени гуноҳдан тўсадиган бир зирҳ насиб этсин, — деб дуо қилди Али.

Шундай қилиб, Ҳазрати Али ўзининг совутини ҳамда тўрт юз саксон дирҳамни олиб, уйига келди. Усмоннинг бу ишини етказган эди, Жанобимиз ҳам ғоят мамнун бўлдилар, Усмоннинг ҳақига дуолар қилдилар...

Никоҳ учун уюштирилган тўплантида Жаноби Расулуллоҳ севиқли қизлари Фотимани жиянлари Алига никоҳлаб бераётганларини эълон этдилар. Ҳазрати Али жавобий қўнишмасида Ҳазрати Фотимани никоҳ билан олганини ва ўзига турмуш ўртоқ сифатида қабул этганини билдирди.

Маросимга йиғилганларга бирор овқат тайёрлаш лозим эди. Бироқ ҳеч нарса йўқ. Ҳазрати Али бу гал яна зирҳни гаровга қўйиб, бир яҳудийдан бирмунча арпа олди, ансордан бир киши қўй келтирган экан, уша сўйилиб, пишириди. Жаноби Расулуллоҳ келтирган хурмо билан зайтун ёғи ўртага қўйилганда, уша замоннинг яхшигина бир дастурхони пайдо бўлди-қолди.

Утирдилар, маза қилиб едилар.

Расулуллоҳ жанобимизнинг Ҳазрати Фотимага берган сеплари — уй ашёлари ҳам кўп эмасди. Иккита либос, битта қўл тегиримони, қўй терисидан битта пўстак, битта ёстиқ, битта мешкоб, битта чўмич, элак, ётиш ва утиришга мўлжалланган битта тахтасупа... каби ғоят оддий нарсалардан иборат эди.

Булардан ташқари у Зоти Шариф қизларига ҳеч бир ота бера олмайдиган бир адаб ва тарбия берганлар, буңдан кейин келадиган барча қизлару хотинларга ўрнатилган бўлишга лойиқ бир хоним улароқ парваришлаган эдилар уни. Қалби иймон-ла тўла, юзи бу иймоннинг нури-ла порлаган, то юришигача ҳар нарсаси ила отасига ўхшаган Ҳазрати Фотима...

Ҳазрати Фотима ҳар ҳоли ила отасининг қизи эканини исботлаяжак ва Улуг Мавло севиқли пайгамбарининг наслини унинг суви-ла давом этишини муносиб кўражак эди.

Ҳар кун ва ҳар тун сенга юрақларимиз тўла саломлар, ҳурматлар бўлсин, эй Севгилининг севиқли қизи!..

Умму Айман ва бошқа баъзи аёллар Ҳазрати Фотиманинг келин уйини безатдилар, кўрпалар тушадилар. Набийи Акрам жанобимизнинг дуоларини олиб, янги уйилар бир-бирига қўшиб қўйилдилар. Шундоқ ҳам ҳар жиҳатдан буюк инсон бўлган Ҳазрати Али энди Расулуллоҳнинг (с.а.в.) куёви ва Ҳазрати Фотиманинг турмуш ўртоғи бўлишдек улкан бир шарафнинг ҳам соҳиби бўлган эди.

Орадан бир неча кун ўтиб, Бани Нажжордан Ҳориса ибн Нуъмон янги келин-куёвларга бир уй ҳада этди. Ҳориса бундан аввал ҳам муҳожир биродарларидан бир қанчаларига биттадан уй ҳада этишдек бахтта мушарраф бўлган эди.

Мусулмонлар Бадрга йул олганларида: «Тилаймизки, балоларга гирифторм булсинлар ва битталари ҳам қайтмасинлар», таманнийсида булган яхудийлар муминларнинг рўёларда кўришга ҳам тоқат қилмаяжаклари бир зафар билан қайтганларини ҳеч ҳазм этишолмаётган эди. Бунинг натижаси улароқ кўнгилисиз натижаларга олиб келувчи можаролар чиқара бошлашди. Бу орада Каъб ибн Ашраф билан кекса шоир Абу Афакнинг ўлдирилишлари ҳам уларни тухтатмаган, аксинча, янада кескин вазият юзага келган эди.

Бир куни Жаноби Расулуллоҳ (с.а.в.) дўстлари билан бирга Бани Қайнуқоъ яхудийлари ҳузурига бордилар ва уларни тўплаб, хитоб қилдилар:

— Эй қайнуқоликлар! Оллоҳдан кўрқинг! Қурайшнинг бошига келганига ўхшаш бир интиқом сизларнинг ҳам бошингизга келиши мумкин. Менинг Оллоҳ юборган пайғамбар эканимни биласиз, буни китобингизда ўқиб турибсиз. Бунинг устига, Оллоҳ таоло сизлардан менга ишонишингиз тўғрисида аҳд ҳам олгандир. Шундай экан, Исло динини қабул этинг ва ўзларингизни қўтқаринг!

Ичларидан бири сўз олди. Ҳўрозланган бир ифода ила:

— Ё Муҳаммад, сен бизни ўзингнинг қавминг каби кўряпсан. Ҳарбдан, урушдан беҳабар қавмга дуч келиб, отни қамчилаб қолай, дейишинг сени алдаб қўйган бўлмасин. Ўзингга келиб олишингги тавсия этаман. Бордию сен билан жанг қилиш мажбуриятида қолсак, бизнинг қандай зўр бир урушқоқ эканлигимизни пушаймонлик ичра кўрасан.

Жаноби Расулуллоҳ (с.а.в.) ортларига қайтдилар. Одамлар бундай журъатли, жасоратли сўзларни нимага таяниб сўзлаётдилар? Кимга ишонишдилар. Ҳолбуки, ҳарбни тушунадиган, яхши урушадиган миллат эмасдилар. Қолаверса, Китобларидан олган билимлари Жаноби Расулуллоҳнинг (с.а.в.) бу ишни охирига етказажакларидан, вазифани мукамал шаклда ўрнига қўяжакларидан дарак бериб турибди. Бу ишларини билиб туриб ўзларини уламга ва оловга ташлаш демак эди.

Жанобимиз Мадинага қайтиб келганларида Жаброили Амин ҳам у зотга таблиғ этиш учун Оллоҳ таолонинг ушбу фармонини келтирган эди: «(Эй Муҳаммад), куфр йулини тутган кимсаларга айтинг: «Шак-шубҳасиз, (бу дунёда) мағлуб бўласизлар ва (охиратда) жаҳаннамда тўпланажасиз. Нақадар ёмон жой у! (Эй яхудийлар), сизлар учун бири Оллоҳ йўлида жанг қилган, иккинчиси кофир булган икки гуруҳ орасидаги тўқнашувда ибратли ҳодиса булган эди. Улар (мусулмонлар) ўз кўзлари билан (кофирларнинг) икки баробар кўп эканини кўриб турар эдилар. Оллоҳ эса, Ўзи истаган кишиларни голиб қилиш билан қўллаб-қувватлайди. Албатта, бу воқеада фикр эгалари учун ибрат бордир» (Ол-Имрон. 12—13).

Бу оят Қайнуқоъ яхудийларига таблиғ этилди. Аммо бир қўлоқларидан кириб, иккинчисидан чиқиб кетди гўё. Энди бора-бора сурлашишган, ишни узадиган ҳолга келишган эди.

Ўша кунлари Қайнуқоъ яхудийларидан бир заргарнинг дўконига бир мусулмон хотин кирди. Буюртма бермоқчи эди. Заргар унга жой кўрсатди, ишга киришди. Шу пайт бир бошқа яхудий сездирмасдан дўконга кириб, хотиннинг этагини елкасига игнатутма ила қадаб қўйди. Ўзи бир чеккада турди. Салдан кейин заргар ишни битириб, хотин тақинчоқларини олди-да, энди ўрнидан турмоқчи эди... дўконни қаҳқаҳа овозлари тугиб кетди. Хотин саросимада қўлаётганларга боқди ва ўзи мазах қилинаётганини сизди. Номус кучидан бақириб, яхудийларни сўка бошлади.

Хотиннинг фарёди бозорда юрган бир мусулмоннинг қулогига етиб, чопиб дуконга келди. Аҳволни тушуниб, яҳудийларга ташланди. Бирини ўлдирди. Ҳаммалари бу йигитнинг устига ёпирилиб, уни ҳам ўлдиришди.

Энди гишт қолипдан кўчган эди.

Мусулмонлар зудлик билан бир лашкар ташкил этиб, Расулуллоҳ (с.а.в.) бошчиликларида келиб, қайнуқоликларни ҳар тарафдан қамал қилиб олишди. Бир кимсани ичкари киритишмади, бир кимсани ташқари чиқаришмади. Қамал ун беш кун давом этди. Ниҳоят, Қайнуқоъ яҳудийлари таслим бўлишдан бошқа чора қолмаганини англадилар.

Ўзини мусулмон қилиб кўрсатадиган машҳур мунофиқ Абдуллоҳ ибн Убайй шошиб келиб, Жаноби Расулуллоҳни (с.а.в.) излаб топди.

— Ё Муҳаммад, менинг дусларимга икром ва эҳсон қил, — деди.

Жанобимиз унинг бу таклифини жавобсиз қолдирдилар. Ибн Убайй сўзларини такрорлади, яна жавоб ололмади. Энди қўлини Жаноби Расулуллоҳнинг (с.а.в.) кўйлаклари ичига суқди. Суқаркан, учинчи дафъа сўради.

Расули Акрам шундай асабийлашдиларки, атрофдагилар ҳам буни яққол сезишди.

— Надоматлар бўлсин сенга, мени ҳоли кўй, — дедилар.

Аmmo у мунофиқ кетадиган кайфиятда эмасди. Яҳудийларнинг ўзига қилган яхшиликларини айтар, уларга ҳам яхшилик ва эҳсон қилинишини истар, агар яҳудийларга ёмонлик кўрсатилса, бошларига бир бало сотиб олишларини тинмай жаврар эди.

Ниҳоят, Расулуллоҳ уларни истамайгина ташлаб кетдилар. Аммо Мадинадан чиқариб юборишни буюрдилар. Бу сирада яна ояти карима индириди. Унда шундай дейиларди: «Эй мўминлар, яҳудийлар ва насронийларни дўст тутмангиз! Уларнинг баъзилари баъзиларига дўстдирлар. Сизлардан ким уларга дўст бўлса, бас, у ушалардандир. Албатта, Оллоҳ золим қавмни ҳидоят қилмас. Бас, сиз, дилларида мараз бўлган кимсалар: «Бизга бирон бало етишидан қўрқамиз», деган ҳолларида улар (кофирлар) томонга шошаётганларини кўрасиз. Шояд Оллоҳ мусулмонларга галаба берса ёки Ўз ҳузуридан (бу мунофиқ кимсаларни шарманда қиладиган) бирон ишни келтириб, улар ичларида яширган нарсаларига надомат қилувчиларга айланиб қолсалар» (Моида сураси, 51—52).

Бу оятлар тушган пайтда Қайнуқоъ яҳудийлари номидан илтимос билан келмоқчи бўлиб турган Убода ибн Сомит Расулуллоҳ (с.а.в.) ҳазратларини топиб, узр-маъзур тилади, нима қилмоқчи бўганини, энди эса, ўша ниятидан воз кечишини айтди.

Орада яҳудийлардан бир неча киши Убодага келди.

— Сен бизнинг иттифоқчимиз эдинг, бизга бугун ёрдам бермасанг, қачон ёрдамнинг тегади? — дейишди.

Убода уларга янги келган оятларни ўқиб берди. Сўнгра энди бу иттифоқнинг давом этмаслигини, агар улар билан дўст бўлса, Оллоҳнинг ва расулининг дўстлигини йўқотиб қўйишини тушунтирди. Охирида шундай деди:

— Менга Оллоҳнинг ва расулининг дўстлиги керак. Уларнинг дўстлигини ҳеч бир нарсага алишишим мумкин эмасдир. Бу йўлда ҳар нарсадан айрилишимни билсам ҳам, натижа ўзгармайди!

Ундан энди фойда чиқмаслигини англаган яҳудийлар бу гал Ибн Убаййни ўртага қўймоқчи бўлишди. Тушган оятлар билан у унча ҳисоблашиб утирмасди. Шу дамгача яҳудийларга иттифоқдош бўлиб келгани тўғайли бир кун эмас бир кун бошига бало тушиши мумкин-



лигидан қўрққан Убода кечалари уйқуси қочиб чиқса, Убайй яхудийларни қандай қутқариш дардига мубтало, фикри-зикри шу билан баъд эди. Қалби аввалдан улар билан бир эди, доимо бир бўлиб қолажак, ҳеч қачон мусулмонларга оид севги қалбидан ўрин олмаяжак.

Яна Расулуллоҳнинг ҳузурларига яна у зотни роҳатсиз этишга, яхудийларни Мадинада қолдириш чораларини ахтаришга йўл олди.

Жанобимиз ўтирган уйнинг эшигида Увайм ибн Саидга дуч келди.

— Йўл булсин, эй Ибну Убайй? — деб сўради Увайм ундан.

— Муҳаммадда гапим бор эди, — деб жавоб қилди.

— Бу гал у зотни роҳатсиз қилишинга руҳсат бермайман, эй Ибну Салил!.. Вақт борида газабимни қўзгатмасдан бу ердан кет.

Ибну Салилнинг жаҳли чиқди. Ибну Салилдек бир одамга бундай муомала қилишга кимнинг ҳадини бор?.. Газабли нигоҳ ташлади: «Йўлимдан қоч!» демоқчи бўлди. Уваймни йўлдан қочиришга шу қарашимнинг ўзи кифоя деган ишончда олга босди. Аммо Увайм уни қаттиқ итариб юборди. Ибну Салилнинг юзи деворга урилди. Қон чиқиб, соқолига сиза бошлади. Унинг бу ҳолини яхудийлар ҳам кўришди ва энди иш битганини англаб етишди. Тушунишдики, Ибну Салил бу ҳолга туширилгандан кейин ортиқ Мадинада орқа қилса бўладиган одам қолабди.

Ибну Салил ўзини сал-пал ўнглаб олди-да, кин ва нафрат тўла овоз-ла:

— Мендай бир одамга-я?.. Пушаймонлар булсин сизларга! — дея бу ердан кетди.

Набиййи Акрам ҳазратлари қайнуқоъ яхудийларининг Мадинадан уч кун ичида чиқиб кетишини амр қилдилар. Зинҳор ҳазили йўқ эди бу амрнинг. Яхудийлар қисқа вақт ичида ҳозирлик кўришди. Узлари чиқарган фитна ва фасод туфайли пушаймон бўла-бўла шаҳарни ташлаб чиқиб кетишди. Орқаларида уларнинг ҳайдалишидан рози бўлмаган бир қисм мунофиқлар ҳамда икки яхудий қабила-си — Бани Назир ва Бани Қурайза қолди.

• • •

Макка...

Абу Суфён то Бадр учун мусулмонлардан интиқом олмагунча хушбуй сепмаслик ва хотин билан ётмаслик тўғрисидаги қасамида давом этарди. Бадрда асир тушган ўгли Ханзалани йўлини топиб фидя тўламасдан қутқарган эди. Яъни, Маккага умра зиёратига келган бир кекса мусулмонни ушлаб ҳибс этган ва то ўгли келмагунча уни қамоқда тутиб туришини билдирган — масала шу тариқа ҳал этилган эди.

Қани энди ушоқдай миқёсда бўлса ҳам интиқом олишнинг йўли топилсайди!.. Ҳеч бўлмаса, Бадрдан бери давом этиб келаётган бекорлик ҳаётига чек қўйишни истарди. Айни дардда юрганлардан икки юз нафарлик бир куч туплади-да, Мадина сари йўл олди. Орада уч милча масофа қолганда, қўндилар.

Абу Суфён шерикларини ўша ерга қўйиб, ёлғиз ўзи Мадинага жўнади. Бани Назир яхудийларига келди. Салом ибн Мишкамнинг уйида меҳмон бўлди. Унга иззат-икромлар кўрсатилди. Ҳамдард эдилар, умумий душманлари хусусида гаплашдилар. Абу Суфён Жаноби Расулуллоҳнинг (с.а.в.) Мадинадаги ҳолатлари ҳақида маълумот олди. Бу маълумотлар ҳам унинг афғини буришгирди, ҳам ёнаётган юрагига сув сепди. Бир томондан, Ҳазрати Расулуллоҳ Мадинада тобора кучайганларини, Ислом дини ёйилганини эшитиб, гами ва андишаси янада ортган бўлса, бунга муқобил, ҳамон яху-

дийларга таъсир этишолмаганини, орадаги душманлик ҳар кун бир одимдан ортиб бораётганини ўрганиб, озми-кўпми фараҳлик туйди. Зотан, унинг энг қўрққан жиҳати — яҳудийларнинг қалблари ҳам исломият билан исиниши ва бугунги ҳолидаям мағлуб этолмаган душманининг катта-катта кучга эга бўлиб қолиши эди.

Шу кеча шерикларининг олдига қайтди. Тонгда бир неча кишини Урайз деган жойга юборди. Улар келиб, атрофи деворлар ила ўралган бир хурмозорга ўт қўйиб юборишди. Бог эгасини ва ўша ердаги кишини ўддиришди. Сўнгра тез Абу Суфённинг ёнига қайтишди. Ортиқ бу ерда бир сония ҳам қолишининг имкони йўқ эди. Интиқом олинди ҳисоб. Дарҳол ҳаракат амрини берди. Хабар етиб борса, орқаларидан тушилиши аниқ эди. Айти олда ортда ҳеч ким йўқ эди-ю, аммо булар ёв қувгандай қочиб боришарди.

Набийлар Сарвари жаноблари воқеада хабардор бўлган заҳотлари Абу Лубобани Мадинага вакил этиб қолдириб, ён-атрофларидаги бор одам билан бирга изга тушдилар. Лекин Абу Суфён буни ҳисобга олган ҳолда суриб юборгани учун анчагина йўл босиб қўйган эди. Уй-фикри мадиналиклар етиб олмасдан бурун тезроқ Ҳарам ҳудудига кириб олиш эди.

Таъқиб этувчилар жадал келишаркан, бир жойда ичларидан биттаси ҳайрат тула овозда:

— Анави қопга қаранглар, — деб юборди.

Йул четидаги қоп уларга гаройиб кўринди. Отдан тушиб, очиб кўрдилар. Ичида қовуриган ун бор эди. Бунақа урни «севик» дейишарди.

— Қўйинглар уни, ишимизни қилайлик.

Такрор таъқиб бошланди. Сал юрганларидан кейин иккинчи, учинчи қопларга дуч келишди. Масала англашилди. Абу Суфён туялар тезроқ юрсин деб емакка ҳозирланган севикларини йўлларга ташлаб кетган эди. Яна бир фойдаси — орқадан келаётганлар бир-мунча муддат улар билан овора бўлиб, ўртадаги масофа янада узоқлашар эди.

Қарқаратул Қудргача таъқиб этиб борилди, сўнг Расулulloҳ тухташга амр бердилар. Етиб олиш қийин эди, аммо-лекин хўб кўрқитдилар.

Қайтишда таъқибчилардан бири:

— Эй Оллоҳнинг пайгамбари, бу юришимиз биз учун газот ўрнига ўтадимми? Бундан ажр ва мукофот оламизми? — деб сўради.

— Ҳа, — деб марҳамат қилинди.

Ҳеч бир тўқнашувсиз кечган бу таъқиб йўлда ётган унларнинг оти билан «Севик газоти» деб аталди.

...

Убайй ибн Каъб асҳоб орасида Қуръонни энг яхши биладиганлардан эди. Набийни Акрам (с.а.в.) ҳазратларининг тақдирларига сазовор бўлган, Қуръон ўрганмоқчи бўлганлар устун қўйиши лозим келган тўрт кишидан бири ўлароқ кўрсатилган эди. Қолган уч дўсти Абдуллоҳ ибн Масъуд, Муоз ибн Жабал ва Абу Ҳузайфанинг озод этилган қули Салим эдилар.

Шу Убайй бир куни масжидда ёлғиз ўзи Оллоҳ ризоси учун намоз ўқимоқда эди, чақириб қолишди:

— Эй Убайй ибн Каъб!

У пайтлари ҳали намозда ўнг-сўлга қаралса мумкин эди. Муҳим эҳтиёж юзага келса, гаплашиш ҳаққи ҳам бор, ҳатто салом берилса, намозда алик олинар эди. Убайй ўзи жуда яхши танийдиган, ҳурмат

туядиган бу овоз эгасига қайрилиб қаради, аммо намозини бузмади. Тугатиб, ўрнидан турди ва эхтиром ила, чақирганининг ёнига борди.

— Амрингизга мунтазирман, эй Оллоҳнинг расули, — деди.

— Биринчи чақирганимни эшитмадингми?

— Эшитдим, эй Оллоҳнинг пайгамбари, лекин намоз ўқиётган эдим.

— «Эй имон келтирганлар, Оллоҳ ва расули сизни сизга ҳаёт берадиган нарсаларга чорлаганида, уларга ижобат қилинг!»<sup>1</sup> оятини сен билмайсанми, эй Каъб.

— Биламан, ё Расулуллоҳ, иккинчи бундай бир хато қилмайман.

Намоз ўқилаётган бўлса ҳам, агар Сарвари Анбиё чорлаб қолсалар, кечиктирмасдан итоат этиш лозимлигини Убайй шу тариқа ўрганиб олди. Расулуллоҳ (с.а.в.) ҳазратлари чақираётган кишиларининг намоз ҳолида эканини билиб туриб овоз берсалар, бунда мутлақо буюк бир ҳикмат борлигини ўйлаши лозим эди. Намозни Оллоҳ таоло учун ўқишни буюрган ва энг буюк ибодат намоз эканини билдирган Жанобимиз ўзлари яхши кўрган бир дўстларини бекордан-бекорга чақирмасдилар, ахир.

— Қуръоннинг энг буюк сурасини бу масжиддан чиқмасдан туриб сенга ўргатишимни хоҳлармидинг? — дедилар Расули Кибриё.

— Албатта, ё Расулуллоҳ!

Жанобимиз Убаййнинг қўлидан тутдилар, суҳбатлашиб, масжид эшиги сари бошладилар. Убайй бундай бахтли оннинг узоқ давом этишини орзу қилганидан, одимларини янада секинлатишни истарди. Фахри Коинот (с.а.в.) эса, гўё таклифларини унутгандай эдилар. Убайй қараса, масжиддан чиқиб кетиб қолишади. Эшикнинг ёнигинасига келганда, нозик бир ҳаракат ила Султони Анбиёни тўхтатди.

— Масжиддан чиқмасдан Қуръоннинг энг буюк сурасини ўргатишни ваъда қилган эдингиз, эй Оллоҳнинг расули, — деди.

Нурли юзда айни чоқда ҳам майин табассум, ҳам тақдирлаш аломатлари зоҳир бўлди.

— Намозда нимани ўқийсан? — деб сўрадилар.

— Фотиҳа сурасини ўқийман, эй Оллоҳнинг пайгамбари.

Қуръоннинг энг буюк сураси шудир, эй Убайй. Оллоҳ таоло бу сура каби шонли бир сурани Забурда ҳам, Тавротда ҳам, Инжилда ҳам, ҳатто Қуръонда ҳам нозил этган эмасдир. У ҳар намозда такрорланиши лозим бўлган, аҳамияти буюк сурадир.

Убаййнинг хурсандлигини ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмасди. Набийлар Сарварининг қўлларини тутиб, ердами юряпти, кўкдами учяпти — билмайдиган даражада устун бир маънавий қувонч, қониқ-қиш ва лаззат туйган, худди жаннат боғларида кезаётгандек ҳис этган эди ўзини. Қуръон ичида энг қийматли сура Фотиҳа сураси эканининг ҳақиқати англатилган бир шодлик бўлса, уни ана шу Қуръоннинг таблиғига маъмур Расули Карим (с.а.в.) етказганлари Убайй учун қўша шодлик эди.

Бундан буён Убайй намозларида бу сурани ўқиётганда ва ё Расули Кибриё жанобимизнинг оғизларидан эшитаётганда ўзини айрича бир хотиранинг остоналарида куражак ва ўша оннинг ҳаёлила маст бўлажак.

Бир куни Расулуллоҳ (с.а.в.) Бани Саълаба Зу Амарр деган жойда тўпланаётганини, Мадинага босқин қилишга ҳозирланаётганини эшитдилар. Дарҳол лашкарни йиғишга буюрдилар. Турт юз эллик киши тўпланди.

<sup>1</sup> Анфол, 24.

Ҳазрати Руқаййага қарайман деб Бадрда иштирок этолмаган Усмон ибн Аффон бу дафъа яна Мадинада қолишга мажбур бўлди. Жанобимиз уни то қайтиб келгунча уринларига вакил қилиб тайинладилар.

Лашкар қўзғалди. Зу Амаррга яқинлашганда Жаббор исми кишини тутиб олишди. Жаббор мусулмон бўлди ва мўминлар лашкарини Бани Саълаба тўпланган жойгача бошлаб борди. Аммо мусулмонлар келаятганидан хабар топган одамлар тарқаб, тоғ тепаларига чиқиб кетган эди. Зотан, баланд тепаларда юрганлари кўриниб ҳам турарди.

Лашкар шу ерга қўнди. Лекин сел каби бир ёмғир ёғиб, кийимларни шалаббо қилиб юборди. Расули Акрам ҳеч кимнинг кўзи тушмайдиган бир четга ўтиб, устларини ечдилар, яхшилаб сиқиб, ёйиб қўйдилар. Сўнгра ўша атрофга ёнбошлаб, бир оз тин ола бошладилар. Салдан кейин ухлаб қолдилар.

Бу воқеани тоғдан кузатиб туришарди. Гафатонликлар ичида энг жасур йигитлардан ҳисобланган бир кишига:

— Эй Дуъсур, сендай бир йигит қўлига бунақа фурсат ҳар доим ҳам келавермайди, — дейишди.

Дуъсур жавоб бермади, аммо бу мақтовдан жазаваланиб, кўзи ва қўли қилич ахтариб қолди. Биттасини шартта олдию пастга ина бошлади.

Орадан ҳеч қанча ўтмай, у шайтоний бир илжайиш билан Пайгамбари Зишоннинг тепаларида турарди. Ҳазилакам гапми, ҳозир оёғи остида ётган одам келган лашкарнинг қўмондони эди!

— Кўзларингни оч, кўрайлик, эй ошна! — деди истеҳзо билан.

Сурбетларча сўзланган бу сўзлардан Расулуллоҳ ҳазратлари уйғониб кетдилар. Икки одим нарида қўлда қилич ялангочлаган ҳолда бир одам турарди.

— Шу онда сени менинг қўлимдан ким қўтқара олади? — деди ҳалиги одам пишиллаб.

Кескин бир тарзда:

— Оллоҳ! — деб жавоб қилдилар Расули Акрам. «Оллоҳим, мени бу одамнинг шарридан асра!» деб илтижо этдилар.

Дуъсур титраб кетди, қўлидан қиличини тушуриб юборди. Расулуллоҳ (с.а.в.) узаниб қиличчини қўлга олдилар, уринларидан турдилар ва ҳалиги одамга:

— Энди сени менинг қўлимдан ким қўтқара олади? — дедилар.

Икки-уч сония ичида иш бу қадар чаппасига айланганидан Дуъсур донг қотди. Ҳозиргина Жанобимизни яхшигина тузоққа туширганига амин эди. Қўлидан чиқариш нияти ҳам йўқ эди. Бунақа ишларда унинг роса тажрибаи эканини ҳамма биларди, қадрларди. Буларга қарамай, у ҳозир қўлга тушиб ўтирибди.

— Мени кечирсанг, иккинчи сенга қарши урушмайман, — деб рижо қилди.

Султони Аябийё жаноблари унга Ислом динини қабул этишни таклиф қилдилар. Дуъсур шаҳодат калималарини айтиб, мусулмон бўлди. Ҳазрати Пайгамбар дустларини чақирдилар. Келишди. Вазиятни англатдилар. Сўнгра Дуъсурга изн берибди, шерикларининг ёнига кетди. Қиличи яна унга қайтиб берилган эди.

Бутун бу бўлиб ўтган ҳодисаларни тепадан ҳизиқиб кузатиб туришарди. Мақсад амалга ошмай қайтиб келган Дуъсурни маломатла қаршилашди.

— Ҳайф сенга, эй Дуъсур. Шуниям эплаёлмадинг. Ҳолбуки, сендан катта умидлар кутган эдик.

— Катта иш қилдим, — деди жавобан Дуъсур.

— Ҳа, аввал унга қиличингни таслим этдинг, кейин бу ёққа

ҳаёти багишланган одам сифатида қайтиб келдинг, шуми? Ё яна бирор гапинг борми?

— Албатта, бор... Мен унинг қаршисига чиқиб: «Қулимдан сени ким қутқаради?» дедим. У фақат: «Оллоҳ» деб жавоб қилди. Шу пайт ҳайбати бир одам пайдо бўлиб, кўксимга мушт туширди. Қулимдан қилич учиб кетди. Узимни унглаб, бундай қарасам, энди қаршимда у турарди. Қулида мен тушириб юборган қилич. Аммо кўксимга ким урганини билмайман. У ерга борганимда йўқ эди, ургандан кейин яна йўқ бўлиб қолди.

— Ҳаёл кўргандирсан — дейишди ишонмай.

— Менинг урнимда булганларингда бунақа демас эдинглар. Қолаверса, мен унинг динини қабул этиб келдим. Ақлларингиз булса, унга қарши чиқиш ҳавасидан воз кечинглар. Менинг гапим шу, — деди Дуъсур.

Шу тариқа Расулуллоҳ (с.а.в.) ҳазратимиз бу гал ҳам уруш қилмасдан Мадинага қайтиб кетдилар.

...Ҳазрати Усмон (р.а.) Руқаййанинг вафотига ҳеч кўниколмади. Тез-тез қабри бошига бориб турар, у ердан маҳзун қайтишларини дўстлари тез-тез кўриб туришарди.

Бир кун уни бу аҳвода Ҳазрати Умар (р.а.) учратди.

— Гамингни аритадиган бир чора топишимизни истайсанми, эй Усмон? — деди у.

— Қандай чора экан?

— Қизим Ҳафсани сенга никоҳлаб берай.

Усмоннинг кўз унгида Руқаййанинг ҳаёли жонланди. Тупроққа берганига тўққиз ой бўлди, аммо ҳануз қалбида яшарди, умрининг охиригача азиз хотира бўлиб қолиши муқаррар эди.

Ҳафсани яқиндан танимасди. Унинг устига, Руқаййадай бир хотин буш қолдирган жойни ким тўлдирар оларди?..

— Бир-икки кун ўйлаб кўрсам... — деди.

— Албатта.

...Икки кун ўтгач, Усмон жавобини айтди:

— Ҳозир ўйланиш кўнглимга сиғмай турибди.

Умар ҳам қистамади.

— Ўзинг биласан, эй Усмон, — деди-қўйди.

Уша кунлари Султони Анбиё (с.а.в.) Ҳазрати Абу Бакр билан бир масалада яширин маслаҳат қилдилар. Бундай хос маслаҳатларда доим иштирок этадиган учинчи шахс — Ҳазрати Умар бу гал йўқ эди. Маслаҳат нима устида булгани кейинроқ билинди...

Бу орада Усмондан мужмал жавоб олган Ҳазрати Умар Ҳазрати Абу Бакрнинг олдига борди.

— Қизим Ҳафсани сенинг никоҳингга берсам, нима дейсан, эй Абу Бакр, — деди.

Ҳазрати Абу Бакрнинг кўзлари ерга инди. Булади ё булмайди, деган жавобдан қочди.

Ҳазрати Умар биродарининг сукути маъносини тушунди. Юраги сиқилди. Бундай ҳол унинг табиатига уйғун эмасди. Тўғрини тўғри, эгрини эгри деб урганган ўзи бундай бир таклиф қаршисига қолса, «Майли, мен розиман» ёки «Йўқ, уйланмайман», деб жавоб берган бўларди. Унинг бу ишдан кўзлаган ягона мақсади — гоят самимий дўстлари билан янада яқинлик ҳосил қилиш эди. Булмаса, қайси ота келиб, қизимни сенга никоҳлаб берай, дейди?! Афсус. Усмон қабул этмади бу таклифни. Расулуллоҳнинг қизи урнини ким боса оларди, деса, Умар уни ҳақли деб биларди, аммо Абу Бакрга нима бўлди? Ҳеч бўлмаса, у ҳам: «Сенинг қизингни олмаймак», дейиши керак эди. Ҳазрати Умар бу ердан хафаҳол кетди.

Абу Бакр унга тасалли берадиган сўз айтолмади, ammo кетидан қараб қоларкан: «Шукр қилки, Расулуллоҳ менга фикрларини очдилар. Йўқса, бу ердан хурсанд чиқар эдинг-у, лекин буюк бир шарафни қўлдан бой берган бўлардинг, эй Умар!» дея шивирлаб қолди.

Буюк Умар бу гал чиндан ҳам хафа бўлган эди. Самимият туйғулари ила яхшиликни уйлаган эди, бироқ кутганига эришмади. Бу ҳолда унга тасалли бера оладиган биргина зот бор эди, Умар уша зотнинг ҳузурига борди.

— Ё Расулуллоҳ! Қизим Ҳафса Ҳунайс вафот этгач тул қолган. Уни Усмонга таклиф этдим, қабул қилмади. Кейин Абу Бакрга тавсия этдим, жавоб ҳам бермади, — деди узилиб.

Расулуллоҳ жанобимиз кулимсирадилар.

— Ҳафа булма, эй Умар, Оллоҳ Усмонга сенинг қизингдан ҳам хайрли бир хотин, сенга Усмондан ҳам хайрли куёв берди, — дедилар.

Бутун хафагарчилик бир онда тарқалди-кетди. Ва ҳаммаси тушунарли бўлди.

Ҳазрати Умар бундай бир саодатни «Уйлаб курай-чи», деб қаршилайдиган инсон эмасди. Жаноби Расулуллоҳга қизи Ҳафса тугул, жонини беришга ҳам тайёр эди у.

Шу тариқа бир неча ойдан бери «Бадр шаҳидининг тул хотини» бўлган Ҳафса кутилмаган бир саодатнинг остонасида кўрди узини...

Бу ёқда Усмон ҳам Руқаййадан бўшаган ерни Ҳазрати Расулуллоҳнинг (с.а.в.) иккинчи қизлари Умму Гулсум эгаллашини, ўзи яна Пайгамбарлар Султонига куёв сифатида танланганини эшитиб, маҳзулиги севинчга айланди. Шу заҳоти кўнглидан: «Хайриятки Умарнинг таклифини қабул қилмабман», деган уй ўтди...

Ҳазрати Абу Бакр ҳам энди Ҳазрати Умарга очиқ гапирса бўлади:

— Эҳтимол уша кунни менадан жаҳлинг чиққандир-а, эй Умар? — деб сўради.

— Ҳа, сендан ранжиган эдим. Ҳеч бўлмаса, манфий жавоб ҳам бермадинг-да, эй Абу Бакр.

— Агар Расулуллоҳ жанобимизнинг Ҳафсани сендан сўраш ниятларини билмаганимда, бу таклифингга жон-жон деб рози бўлардим. Ҳазратимиз оғиз очмасалар, мен талабгор бўлардим. Лекин ушанда, қизингни Пайгамбар алайҳиссалом сўратиш ниятидалар, деб ҳам айтолмасдим. Энди мени маъзур кўрасанми, эй Умар?

Масала буткул ҳал бўлган эди.

Ҳижратнинг учинчи йили Рабиулаввал ойида Усмон ибн Аффон Расулуллоҳнинг (с.а.в.) нур юзли қизлари Умму Гулсумга уйланди.

Руқаййага уталган маҳр айнан Умму Гулсумга ҳам берилди. Бу билан Жанобимиз икки опа-сингил орасида фарқ ажратмаганларини ҳам англадилар гуё. Аввал Руқаййа туфайли «Зиннур» (Нур эгаси) деган ном олган бўлса, энди «Зиннурайн» (Икки нур эгаси) бўлди.

Умму Гулсум ўн йилча аввал амакиси Абу Лаҳабнинг ўглига бўлишиб қўйилганда Оллоҳнинг бир икромии туфайли улардан қутулган, отасининг уйида, унинг тарбияси остида ўсган эди. Отаси тортган азобларга шерик бўлди. Опа-сингиллари орасида отасига энг кўп хизмат қилган ҳам у эди. Чунки опалари Зайнаб билан Руқаййа турмушга чиқиб кетишган, Фотима эса, пайгамбарликнинг илк йилларида ҳали ёш қизча эди. Бу сабабдан Макка даврида Расулуллоҳнинг (с.а.в.) доимо ёнларида, доимо бирга шу қизлари Умму Гулсум бўлди, севиқли отасининг ҳамдард-ҳамкори бўлиш шарафига энг кўп у эришди.

Энди келин бўлди. Опаси қурган уйни давом эттириш вазифаси зиммасига тушди. Бу уйда ҳар қадамда опасининг бир хотирасига

дуч келажак, уйдаги ашённинг ҳаммаси унга: «Мени бир вақтлар севгили опанг ҳам ишлатгандир», деяжак эди. Тасалли берадиган бир тарафи шу эдики, сагир ёшида етим қолган жияни Абдуллоҳга бегона эмас, ўзи оналик қилади, уни етимлик изтиробларидан кучи етган қадар узоқ тутади.

Усмон ибн Аффон хушқўринишли, вафокор, тақдир-тахсинга лойиқ бир инсон эди. Акс ҳолда, Пайгамбар ҳазратлари (с.а.в.) иккинчи марта уни куёв қилиб танлармидилар?! Умму Гулсум булғуси ёстиқдошининг топ-тоза ахлоқ соҳиби эканини опаси Руқайядан кўп эшитган, ўзи ҳам яқиндан кўрган, таниган эди.

Умму Гулсум ота ўйини мана шундай туйғулар остида тарк этди. Усмон ибн Аффоннинг уйига келиб, жияни Абдуллоҳни бағрига босди, ёноқларидан ўпди ва:

— Бугундан эътиборан онанг мен бўламан, — деди.

Усмоннинг уйда иккинчи нур тарала бошлади. Саодат тожи иккинчи кез бошига қўнди. Қалбидаги битмас деб ўйлаган яраси бундан кейин даво кўражак, шу билан бир қаторда, кўп вақтлар унга, жаннат боғларида юрибман, деб ўйлатадиган даражада бахт ато этган Руқайя ҳам азиз бир хотира ўлароқ яшаяжак эди...

\* \* \*

Бир бомдод намозидан кейин Набийлар Султони (с.а.в.) ўзларига йўналган соғинчли нигоҳларда бир ўтинч туйиб, суҳбат бошладилар:

— Эй инсонлар! Ёмонликларни тарк этинг, Роббиларнингизнинг йўлига қайтинг, тавба қилинг. Оллоҳнинг мағфиратини тиланг. Мен ҳам кунда юз дафъа Оллоҳга тавба қиламан, — дедилар.

Утирганлар бу сўзларни кўнгила оламига муҳраб қўйишди. Келажакдан кўрқуви ва хавфи бўлмаган Буюк Пайгамбарки юз дафъа тавба этса, бизларнинг шўримиз қўрибди, деган хаёлларга боришди. Жанобимиз сўзларини шундай давом эттирдилар:

— Барча инсон хато қилади, хато қилганларнинг энг хайрлиси эса, хатоларидан қайтган ва Оллоҳга тавба этадиганлардир.

Демак, инсон хато қилганидан кўра кўпроқ хатодан тавба этмагани учун азобга йўлиқади. Ҳеч хато қилмаслик инсонлик иши эмас. Ҳатто Оллоҳ таоло қўлининг хатосиз эканига эмас, хато қилгандан кейин тавба этишига аҳамият беради. Чунки Жанобимиз: «Агар сизлар хато қилмасангиз, Оллоҳ таоло сизларни ўртадан кўтаради ва ўрнингизга хато қиладиган, аммо бу хатоси туфайли Оллоҳ таолонинг кечирлишини тилайдиган қўлларни яратади. Улар Оллоҳга ёлворади, мағфират этишини сўрайди, Оллоҳ ҳам уларни кечиради», дея марҳамат қилганлар.

Сўнгра Набийи Акрам ҳазратлари сўзларини шундай давом эттирдилар:

— Мумин тавба этса, оллоҳ таоло тавба этган у киши туядиган фараҳликдан ҳам юксак фараҳлик туяди. Бир одам емак-ичмак юкланган туяси билан бир чўлда кетаётган эди. Уйқуси келди, бир дарахт тағида ётиб ухлади, туяси эса, узоқлаб кетди. Одам уйғониб, ёнида туясини топмади. Бир тепага чиқди, ҳеч нарса кўрмади, иккинчи тепага чиқди, бир нарса кўрмади, учинчи тепага чиқди, яна ҳеч нарса кўрмади. Қайтди. «Эски жойимга бораман-да, ўлғунимча ухлайман», деб қўлини боши остига қўйиб, ўлимияни кутиш учун ётди. Бирдан қараса, туяси югуриб келяпти. Юқларини ҳам эгасининг қўлига топширди. Одам севинч берган бир шошқинлик ила шукур бурчини утаб:

«Оллоҳим, сен менинг Роббимсан, мен эсам, сенинг қўлингман», — деди.

Пайгамбарлар Имоми бу тамсилни баён қилгач:

— Хуллас, Оллоҳ таоло тавбаси сабабидан туясини топган бу одамдан ҳам ортиқ севинчлидир, — деб қўшиб қўйдилар.

— Ё Расулulloҳ, Оллоҳ таоло қулининг тавбасини қачонгача қабул этишини айтинг, — дейишди.

Айни ўрнида берилди бу савол. Инсон бир хато қилади, яна қилади, хатолар кетма-кет рўй бериб туради. Бу инсон гуноҳлари учун қўрқмайди, ҳисоб-китоб этилиш қўрқувини йилларча ҳеч туймайди. Кейин бир кун келади-да, тавбага киришади, пушаймон бўлганини Мавлосига арз этишга чиқади. Бунақалар учун тавба имкони борми?

Набийлар Султони биргина жумла ила бу масалага очиқлик киритдилар:

— Оллоҳ таоло қулининг тавбасини жони бўғзига келмагунича қабул этади.

Яна:

— Оллоҳ таоло кундузи гуноҳ қилганнинг тавбасини қабул этиш учун кечаси қўлини очади ва то тонгга қадар кутади. Кечаси гуноҳ қилганнинг тавбасини қабул этиш учун эса, кундузи қўлини очади ва кутади. Бу ҳол то «Қуёш ботган еридан чиқишига қадар» давом этади, — деб марҳамат қилдилар.

Бу сўзларни Жаноби Пайгамбаримизнинг асҳоблари «Оллоҳ таоло қулининг тавбасини ҳар он қабул этишга ҳозир, қул тавба қилса, кифоя», деган маънода англадилар.

— Сизлардан аввал яшаб ўтганлар орасида бир одам бўлган. Тўқсон тўққиз кишини ўлдирган эди. Ниҳоят, бир куни ичида пушаймонлик туйғуси уйғонди. Ер юзида энг олим инсон ким, деб суриштирди. Бир роҳибни тавсия этишди. Ҳалиги одам роҳибнинг олдига борди.

«Тўқсон тўққизта одам ўлдирганман. Менга тавба қилишимга имкон қолганми? Гуноҳларим кечирилиши мумкинми?» деб сўради.

Роҳиб: «Йўқ», деб жавоб қилди. Шунда у одам, модомики, мен учун қайтиш имкони қолмаган бўлса... деган тушунчада:

«Сени ҳам ўлдирмақалай, ҳаммаси бўлиб юзтага етсин», деди ва роҳибни ҳам ўлдирди. Лекин кўнглидаги пушаймон туйғуси барибир кетмади. Бунақа ҳаётга чек қўйишни истарди. Такрор энг билангон одамни суриштирди. Бу гал унга бошқа олимни кўрсатишди.

Унинг ҳузурига борди:

«Юзта одам ўлдирганман, тавба қилсам бўладими? Кечирилишимдан умид борми?» деб сўради.

«Ҳа, — деб жавоб қилди ҳалиги олим. — Оллоҳ билан унинг қули орасига ким кира олади, ким тўсиқ була олади?»

Бу жавоб унинг ичида умид учқуни порлашига васила бўлди. Севинди.

«Лекин — деди олим, — бунинг учун фалон шаҳарга борасан ва ўша ерда Оллоҳга ибодат қиладиган одамларга қўшилиб, улар билан бирга Оллоҳга ибодат қилиб юрасан. Бир марта ҳам ўз юртинга қайтмайсан. Чунки бу ерда сени ёмонликларга бошлаган ва бошлайдиган ёмон кишилар бор. Уларнинг таъсиридан қўтулишинг лозимдир».

Одам бу амрни олиб, дарҳол ўша шаҳарга йўл олди. Аммо кутилмаганда келган ажал унинг олдидан тўсиб чиқди. Ярим йўлда вафот этди.

Раҳмат фаришталари ҳам, азоб фаришталари ҳам унинг бошида тўпланишди. Раҳмат фаришталари:

«Бу одам тавба қилиб, Оллоҳга йўналган ҳолда бу ергача келди. Уни биз олиб кетишимиз керак», дедилар.



Азоб фаришталари эса, аксинча:

«У умрида ҳеч яхшилик қилмаган. Устига устак, юзта одамни уддиргани ҳам аниқ. Биз олиб кетамиз», дейишди.

Масала фаришталар ўртасида ҳал этилмагач, уларга инсон қиёфасида бир бошқа фаришта юборилди. Уни куриб, ёнларига чорландилар:

«Сени ҳакам тайин этамиз, орамизда адолат билан ҳукм чиқариб бер», деб вазиятни тушунтирдилар.

У ўйга ботди, сўнг:

«Чиққан манзили билан бормоқчи бўлган жойининг орасини ўлчанглар. Ҳозир ётган ери қайси тарафга яқинроқ бўлса, ҳукм шунга қўра чиқарилсин. Борар жойига яқин бўлса, раҳмат малаклари, келган манзилига яқин бўлса, азоб малаклари олиб кетишсин», деб таклиф этди.

Жуда ўринли бир ҳакамлик бўлган эди, мамнуният-ла, қабул этишди. Масофа ўлчанган эди, борар манзилга яқин ерда вафот этгани аниқланди. Шу тариқа уни раҳмат фаришталари олиб кетишди.

Ҳазрати Пайгамбар (с.а.в.) англаган тамсилда «у чиққан манзил» деганда мақсад, эҳтимолки у яшаган эски ҳаёт тарзи, «борар жойи ва тавба қилгандан сўнг бориб яшамоқчи бўлган жойи» эса, янги ҳаёт тарзини ифода этар. Яъни, бу одамнинг кўнгли яна эски кўнларга қайтишга мойил эдимиз ёки гуноҳ ҳаётига асло қайтмасликни истаётгидими? Ҳакам ишни бу жиҳатдан ҳал этган эди.

Сўнг Жаноби Расулulloҳ (с.а.в.) Оллоҳ таолонинг ушбу оятини ўқидилар:

«Менинг ўз жонларига жиноят қилган бандаларимга айтинг: «Оллоҳнинг раҳмат-марҳаматидан ноумид бўлмангиз! Албатта, Оллоҳ (ўзи хоҳлаган бандаларининг) барча гуноҳларини мағфират қилур. Албатта, Унинг ўзигина мағфиратли, меҳрибондир» (Зумар, 53).

Расули Кибрийё жанобимиз мавзуни бундай боғладилар:

— Оллоҳ таоло буюрадики, «Ким бир яхшилик билан Менинг ҳузуримга келса, унга қилган яхшилигининг ун мисли ила мукофот бордир. Истасам, бу мукофотни орттираман. Ким бир ёмонлик билан келса, жазоси қилган ёмонлигига тенг бўлган азобдир. Лекин истасам, кечириб юбораман. Ким менга бир қарич яқинлашса, мен унга бир аршин яқинлашаман. Бир аршин яқинлашганга бир қўлоч яқинлашаман. Менга югуриб келганга чопиб пешвоз чиқаман. Ер юзини тўлдирадиган гуноҳ билан келгани, агар ширк қўшмаган бўлса, уша гуноҳлари тенгида кечириш билан кутиб олишим мумкин».

Саййидул Мурсалин ҳазратимизнинг бу суҳбатлари кўнгиларни бир бошқа тонга, бир бошқа ойдинликка қовуштириб юборди. Улуг Мавлонинг қўлларига марҳаматини, лутф ва карамини шундай чиройли тушунтириб бердиларки...

Бу гўзал тушунтириш... Расулulloҳ (с.а.в.) ҳазратларининг, Мавлолари хусусида сўзларканлар, овозларидаги эришилмас бу адо... Буларни тил билан ифодалаб бўладими?!

**Азиз муштариф! «Саодат эсри қиссалари» туркум асарининг III жилди шу ерда ётди. «Осмон пештоқида порлаган кўёш» деб номланган IV китоб ойномамизнинг махсус 6-сонда тўлигича эълон қилинади. Бу қисм динимиз тарихининг, Расулulloҳ (с. а. в.) ҳаётларининг энг порлоқ даврига — Исломи кўёшининг юксалиш палласига бағишлангандир.**

**Шуларни ҳисобга олиб, «Шарқ юлдузи»нинг 6-сонига қўшимча обуна ташкил этиляпти. Илкомиятдан фойдаланиб қолинг.**



*Икром Оттамурад*

# **Ичқари...**

# **Ташқари...**

Достон

*Ичқари ташқарига чиқмоқ истаюр,  
истаюр ташқарида тулувни.  
Ташқари ичқарига кирмоқ истаюр,  
истаюр ичкарида булувни.*

*Ичқари ташқарига чиқмоқ истаюр,  
истаюр ташқарида жавобни.  
Ташқари ичқарига кирмоқ истаюр,  
истаюр ичкарида тавобни.*

*Ичқари ташқарига чиқмоқ истаюр,  
истаюр ташқарида унутни.  
Ташқари ичқарига кирмоқ истаюр,  
истаюр ичкарида сунутни.*

*Ичқари ташқарига чиқмоқ истаюр,  
истаюр ташқарида моҳни.  
Ташқари ичқарига кирмоқ истаюр,  
истаюр ичкарида Оллоҳни.*

*Ичкари ташқарига чиқмоқ истаюр,  
истаюр ташқарида насим.  
Ташқари ичкарига кирмоқ истаюр,  
истаюр ичкарида сасин.*

*Ичкари ташқарига чиқмоқ истаюр,  
истаюр ташқарида сайрни.  
Ташқари ичкарига кирмоқ истаюр,  
истаюр ичкарида хайрни...*

\* \* \*

*Ичкари — хўрсиник.  
Ташқари — хандон.  
Ичкари — забун.  
Ташқари — муқтадир.  
Ичкари — дилсиниқ.  
Ташқари — чандон.  
Ичкари — ёбун.  
Ташқари — зулзабир.*

*Ташқари — рутубат.  
Ичкари — саффо.  
Ташқари — гирён.  
Ичкари — чамангиз.  
Ташқари — укубат.  
Ичкари — гаффор.  
Ташқари — симён.  
Ичкари — камангиз.*

*Ичкари — жола.  
Ташқари — дилгузор.  
Ичкари — сукунат.  
Ташқари — говур.  
Ичкари — нола.  
Ташқари — сиймузор.  
Ичкари — юкунат.  
Ташқари — шовур.*

*Ташқари — ғусса.  
Ичкари — хувайдо.  
Ташқари — надомат.  
Ичкари — гулгул.  
Ташқари —*

*шамолга соврилар сайдо.*

*Ичкари — ...  
руҳга тўкилар кангул...  
Ичкари... Ташқари...  
Ташқари... Ичкари...*

\* \* \*

*Боринг ҳам канглунгда,  
зоринг ҳам канглунгда.  
Етганинг ҳам канглунгда,  
кетганинг ҳам канглунгда.*

Ризоинг ҳам канглунгда,  
изоинг ҳам канглунгда.  
Гуруринг ҳам канглунгда,  
туруринг ҳам канглунгда.

Раҳматинг ҳам канглунгда,  
лаънатинг ҳам канглунгда.  
Кариминг ҳам канглунгда,  
яриминг ҳам канглунгда.

Ҳимматинг ҳам канглунгда,  
миннатинг ҳам канглунгда  
Бўлуриг ҳам канглунгда,  
сўлуриг ҳам канглунгда.

Ҳайронинг ҳам канглунгда,  
вайронинг ҳам канглунгда.  
Оринг ҳам канглунгда,  
хоринг ҳам канглунгда.

Шафқатинг ҳам канглунгда,  
нафратинг ҳам канглунгда,  
Қадринг ҳам канглунгда,  
бадринг ҳам канглунгда.

Кунинг ҳам канглунгда,  
тунинг ҳам канглунгда,  
Сунутинг ҳам канглунгда,  
унутинг ҳам канглунгда.

Қўгинг ҳам канглунгда,  
йўгинг ҳам канглунгда.  
Озоринг ҳам канглунгда,  
мозоринг ҳам канглунгда.

Тўзинг ҳам канглунгда,  
ўзинг ҳам канглунгда.  
Ўзинг... ҳам... канглунгда...  
Ўзинг... ҳам... канглунгда...

\* \* \*

Гулини совуқ шопирган дарахт —  
мевасин соғиниб-соғиниб  
букилар.

Қулфини занг эркалатган уй —  
эгасин соғиниб-соғиниб  
тукилар.

Ҳузурини сандиқ кўрган тун —  
бастрларни соғиниб-соғиниб  
титилар.

Бўхчада тахланиб оҳ урган рўмол —  
зулфларни соғиниб-соғиниб  
ситилар.

Деворни кучоқлаб бўзарган гилам —  
пойларни соғиниб-соғиниб

йиртилар.

Ҳашам кўргонида димиққан сунбул —  
ойларни соғиниб-соғиниб

мўлтирар.

Гулини совуқ шопирган дарахт...

Қулфини занг эркалатган уй...

Ҳузурини сандиқ кўрган тўн...

Бухчада тахланиб оҳ урган рўмол...

Деворни кучоқлаб бўзарган гилам...

Ҳашам кўргонида димиққан сунбул...

...соғиниб-соғиниб...

...соғиниб-соғиниб...

...соғиниб-соғиниб...

\* \* \*

Канглумнинг ичига кириб бораман,  
канглумни ахтариб, канглум.

Зора топсам, зора-а ман,  
интизор мунглим?!

Канглумнинг ичига кириб бораман,  
соғинчимни ахтариб, соғинчим.

Зора топсам, зора-а ман,  
қирмизи гунчам?!

Канглумнинг ичига кириб бораман,  
қайғумни ахтариб, қайғум.

Зора топсам, зора-а ман,  
мутриба тайғум?!

Канглумнинг ичига кириб бораман,  
армонимни ахтариб, армоним.

Зора топсам, зора-а ман,  
ҳури филмоним?!

Канглумнинг ичига кириб бораман,  
ўзимни ахтариб, ўзим.

Зора топсам, зора-а ман,  
жоним тўзиб?!

Канглумнинг ичига кириб бораман,  
руҳимни ахтариб руҳим.

Зора топсам, зора-а ман,  
мовий зулҳим?!

Канглумнинг ичига кириб бораман,  
канглумни ахтариб, канглум.

Зора топсам, зора-а ман,  
интизор мунглим?!

\* \* \*

«Узинг керагинг қил!» дейди у,  
«Узинг ярагинг бил!» дейди у.  
«Узинг... Узинг... Узинг...» дейди у,  
ич-ичидан шивир-шивирлаб,  
ташқарига чиқмай довуши...

\* \* \*

Умрида  
бировни ҳеч йўқлаб  
бормаган киши,  
кимнингдир  
келишини кутар  
интиқ-интиқ...

\* \* \*

Фитнаю игволар тўқийди неча  
иблиснинг дасиса дўкони.  
Дақ уриб югурар кўчама-кўча,  
ичкари тирқишин пойлаб ҳар они...

\* \* \*

Ичкарида,  
иссиқ уйда турган одамнинг  
хаёлини олиб қочади —  
олис чуққиларда нозланган қорлар;  
хаёлини олиб қочади —  
олисда кетаётган поезд тақ-тақи;  
хаёлини олиб қочади —  
олисда сайраётган ваҳим саси олашақшақнинг.  
Хаёлини олиб қочади...

\* \* \*

Бозор... Талотум... Тап тортмай...  
Бир тўда. Сот-сот... Ол-ол... Тупаланг...  
Югурган югураётир картмай...  
Тухтаган оёқ ости... Ютар чанг...

\* \* \*

Ул зот бирорта ниҳол эрмаган,  
меҳр ҳам бермаган бирор ниҳолга.  
Лекин,  
дарахтлар соясидан  
умидвор бўлаверади,  
умидвор бўлаверади  
дарахтларнинг қуюқ-қуюқ соясидан  
жудаям...

\* \* \*

Чўри кийганини,  
қул еганини мақтайди,  
дейдилар онам.  
Яна шундай дейдилар, —  
тулиб-тулиб кетганларида:  
таъна учоғи тордир,  
тойрилмачоғи бордир...

\* \* \*

Биров ҳақида гапириш —  
тикинди олиш бораси.  
Ўзингдан қурқувни яшириш,  
ўзингга ишонмаслик чораси...

\* \* \*

Ғамини ичига ютавериб,  
ўзига олавериб дардини,  
тоқатга айланди,  
бардошга айланди  
чўкиртак  
дарахт...

\* \* \*

Нақшинкор дарвоза ҳар кун ўзга тус,  
ҳар кун ўзга чирой олар деворлар.  
Мармарлар эгнида ялтираган пўст  
ҳар кун гуллар ҳаворлаб.

Оқиш ранг бўлақдир, қизғиши бўлак,  
ранглар синосида қамашади куз.  
Кундузлар товланар камалак,  
оқшомлар тўкилган юлдуз.

Ташқари. Кучага қараган. Жило.  
Ташқари. Кучага қараган. Ҳусн.  
Ташқари — безакларга маҳлиё,  
Ташқари — безакларга сизинган йўсин.

Ташқари. Кучага қараган. Тоза —  
суприлган, сидирилган ён-вери.  
Чанглар озар, гарду ғуборлар озар —  
ювилавериб, артилавериб.

Ташқари. Кучага қараган. Келбат.  
Ташқари. Кучага қараган. Нигоҳ.  
Мошинлар утади секинлаб, албат,  
йўловчилар ўтар сусти босиб ногоҳ.

Ташқари. Кучага қараган. Сирор.  
Ташқари. Кучага қараган. Чилиб.

*О дариг! Ер билан битта изтирор —  
Ичкарида муюмлар ётар сочилиб...*

*Нақшинкор дарвоза ҳар кун ўзга тус,  
Ҳар кун ўзга чирой олар деворлар.  
Мармарлар эгнида ялтираган пушт  
ҳар кун гуллар ҳаворлаб...*

\* \* \*

*Одамзод дунёга сочган уруғдир — умид.  
Одамзод дунёдан йиғган ҳосилдир — хотир.*

*Одамзод дунёга сочган уруғдир — висол.  
Одамзод дунёдан йиғган ҳосилдир — ҳижрон.*

*Одамзод дунёга сочган уруғдир — ҳавас.  
Одамзод дунёдан йиғган ҳосилдир — ҳасрат.*

*Одамзод дунёга сочган уруғдир — инсоф.  
Одамзод дунёдан йиғган ҳосилдир — исроф.*

*Одамзод дунёга сочган уруғдир — ақл.  
Одамзод дунёдан йиғган ҳосилдир — сафиҳ.*

*Одамзод дунёга сочган уруғдир — гуноҳ.  
Одамзод дунёдан йиғган ҳосилдир — пушмон.*

*Одамзод дунёга сочган уруғдир — ишқ.  
Одамзод дунёдан йиғган ҳосилдир — соғинч.*

*Одамзод дунёга сочган уруғдир — нигоҳ.  
Одамзод дунёдан йиғган ҳосилдир — залил.*

*Одамзод дунёга сочган уруғдир орзу.  
Одамзод дунёдан йиғган ҳосилдир — армон.*

*Одамзод дунёга сочган уруғдир — кулгу.  
Одамзод дунёдан йиғган ҳосилдир — кўзёш.*

*Одамзод дунёга сочган уруғдир — ёлғон.  
Одамзод дунёдан йиғган ҳосилдир — афсус.*

*Одамзод дунёга сочган уруғдир — қувонч.  
Одамзод дунёдан йиғган ҳосилдир — қайғу.*

*Одамзод дунёга сочган уруғдир — нафс.  
Одамзод дунёдан йиғган ҳосилдир — тавба.*

*Одамзод дунёга сочган уруғдир — вафо.  
Одамзод дунёдан йиғган ҳосилдир — фироғ.*

*Одамзод дунёга сочган уруғдир — меҳр.  
Одамзод дунёдан йиғган ҳосилдир — найранг.*

*Одамзод дунёга сочган уруғдир — дурж.  
Одамзод дунёдан йиғган ҳосилдир — андуҳ.*



Одамзод дунёга сочган уруғдир — сабр.  
Одамзод дунёдан йиғган ҳосилдир — шикон.

Одамзод дунёга сочган уруғдир — ниёт.  
Одамзод дунёдан йиғган ҳосилдир — ўлим.

Одамзод дунёга сочган уруғдир — бешик.  
Одамзод дунёдан йиғган ҳосилдир — тобут.

Одамзод дунёга сочган уруғдир — йўл.  
Одамзод дунёдан йиғган ҳосилдир — қабр.

Одамзод дунёга сочган уруғдир...  
Одамзод дунёдан йиғган ҳосилдир...

Одамзод дунёга сочган...  
Одамзод дунёдан йиғган...

Одамзод дунёга...  
Одамзод дунёдан...

Одамзод...  
Одам...  
О... дам...  
О...

\* \* \*

Ташқарида кезар изғирин:  
ҳагриқар, ҳовлиқар аёз.  
Ҳароратга лим-лим чоғири  
ичкарида ёнбошлайди ёз.

Ичкарида зулфлари тол-тол,  
кўклам тарар тароқларини.  
Ташқарида тўзғитар шамол  
тирамоҳнинг япроқларини.

Ташқарида қабоғин солган  
ҳаво ютар ўчоқлар дудин.  
Ичкарида ўрнашиб қолган  
гажақдор атирлар ҳиди.

Ичкарида кўронин йўрмаб,  
бутлар йиртиқ, ямоқларин кун.  
Ташқарида қамчинин сермаб  
зингил отин ниқтаб борар тун.

Ташқарида куйиб яғрини,  
қизғалдоқлар ялар қовурмоч.  
Ичкарида босар бағрини  
соғинган инига қалдирғоч.

Ташқарида кезар изғирин:  
ҳапқирар, ҳовлиқар аёз.  
Ҳароратга лим-лим чоғири  
ичкарида ёнбошлайди ёз.

\* \* \*

Ҳақирнинг бахтиёрлиги:  
бир бўлак нон топса — бахтиёр,  
бир қултум сув ҳоврин босса — бахтиёр,  
бир ёпинч совуқдан асраса — бахтиёр,  
бир оғиз ширин суз яйратса — бахтиёр.  
Чунки, унинг Канглу бор,  
Канглу бор:  
шафқатни,  
раҳматни ҳис этадиган.  
Кангул — камбағалнинг бахтиёрлиги.  
Бахтиёрлик — тоши оғир Дард  
Кангул сутумларига турар суяниб...  
...Бойвачча булардан бахтиёрлик сезмас,  
бахтиёрлик санамас буларни.  
Бундай бахтга ҳуши йўқ унинг.  
Ҳисси йўқ унинг.  
Канглу йўқ унинг.  
Ҳисси чўккан нафсининг ўпқонларига...  
Канглу кўмилиб кетган  
у сифинган  
ялтир-юлтир матоҳларнинг орасида;  
Канглу эзилиб кетган  
у муқаддас билган  
бозорни илма-тешиқ қилган оёқлар остида;  
Канглу бўғилиб кетган  
у ҳузур олган  
базмхоналарнинг ножинс қийқириқлари комида...  
...кўмилиб кетган...  
...эзилиб кетган...  
...бўғилиб кетган...  
...ХОКИСТАР ҲИС...  
...ХОКИПОИ КАНГУЛ...

\* \* \*

Ёмғирда кетаётган одам:  
эгни юпқа, эрир шалвираб.  
Не ҳожатдир, ўзин бундай дам  
ёмғирга топширмақ, ё раб?!

Ёмғирда кетаётган одам:  
нима излар, нима қидирар?!  
Оғирдир лой осилган пой ҳам,  
нигоҳи осмонни сидирар.

Ёмғирда кетаётган одам,  
канглуба булутлар ботган.  
У ненидир топади, қайдам,  
у ненидир йўқотган.

Ёмғирда кетаётган одам,  
йул юради — таваккал.  
Изидан тўкилар дам-бадам,  
майсалар лабида қотган ҳал.

Ёмгирда кетаётган одам,  
ортига қарашни қўймайди.  
Деворлари ҳилвираран нам  
уйда қолганларни уйлайди.

Ёмгирда... кетаётган... одам...

\* \* \*

Хокисор дил, эй нодим,  
қалбимда буй чўзар гам.  
Руҳим — йўқотган ёдим,  
руҳим — тугаб борар шам.

Хокисор дил, эй гариб,  
бағрим бағримдан айро.  
Руҳим — Мажнун мунғарир,  
руҳим — маҳзуна Лайло.

Хокисор дил, эй кабир,  
канглум тўқиган сўзан.  
Руҳим — қақраган сабр,  
руҳим — қуриган ўзан.


Хокисор дил, эй мунис,  
юрагимнинг сўрори.  
Руҳим — қатқалоқ афсус,  
руҳим — пушмоннинг ёри.

Хокисор дил, эй ҳақир,  
куксимда ёнган дардим.  
Руҳим — чатнаган тақир,  
руҳим — азобнинг гарди.

Хокисор дил, эй нодим,  
қалбимда буй чўзар гам.  
Руҳим — йўқотган ёдим,  
руҳим — тугаб борар шам...

\* \* \*

...Эшик очилди...  
Узоқ вақт қавақ турган  
эшик очилди...  
Ичкарига кирди ташқари...  
Ташқарига чиқди ичкари...  
Яқин-яқин келди  
бир-бирига...  
...Эшик қавалди...  
Бир фурсат очиқ турган  
эшик қавалди...  
Ташқарида қолди ичкари...  
Ичкарида қолди ташқари...  
Узоқ-узоқ кетди  
бир-биридан...  
Ичкари... Ташқари...  
Ташқари... Ичкари...  
Уртада... қавалган эшик...



*Эркин Самарандар*

# Нактабон Намтун

*Ҳикоятлар, ривоятлар,  
саргузаштлар*

## МУҚАДДИМА

Роппа-роса икки кеча-кундуз тинимсиз йул босган катта, урганжи арава Хивага бир баҳя қолганда дафъатан оёқ илди. Йуловчилар ерлик одамлардан сурадилар. Бул фирдавсул маконнинг номин не дерсуз? Айтдилар. Қиёт дермуз. Йуловчилар қиётликларга яхши гапларни айтиб, дағи сурадилар. Меҳмон олурмисуз? Қиётликлар айтдилар. Меҳмот отадан улуг. Бош устига!

Қиётликлар шаҳри Урганждан йул босиб келаётган еқимтой эркак ва аёл меҳмонларга уйларининг турларидан жой бериб, оёқларига жонлиғ суйиб, иззат-икром курсатганларидан сунг йул булсин сурадилар. Борар манзилимиз ана, деди Хива тарафга имо қилиб меҳмонларнинг улуғи, авлиесифат, Хизрмонанд одам. Боракалло, дейишди мезбонлар, сураганнинг айби йук, аслингиз қайдин булур? Асли маконимиз Урганж, деди меҳмон ва оғир сулиш олгач, қушиб қуйди. Энди Хивани макон туттаймиз.

Бунинг сабаби надур, дея сурашга ийманди мезбонлар. Уларнинг кунглида кечаётган саволни меҳмон сезиб турган экан чоғи, узи гап бошлаб дедики, муғул деганнинг даҳанг-даҳанги Урганжда ин қурди, ютагон аждаҳолар янглиғ шаҳри азимни домига тортиди, қурби, мадори етган инсонки бор, она тупроқни ташлаб боши оққан томонга кетиб борадур, биз Хива борурмиз, ул авлоқ шаҳар.

Мезбонлар меҳмонларга кунгил бериб, умидли-умидли сузлар айтишди ва гап орасида билмасмисуз, Хивада ҳам бош булиб муғул ултирадур, тиник сувни лойлатадур, дея қушиб қуйишди. Билурмиз, деди Хизрсифат меҳмон, ҳозир муғулнинг қули етмайтурган жой йуқтур, аммоки ул аждаҳолар энг улкан уяни бош шаҳар Урганжда қурди, Хива ҳар тугул чекка қалъа, бирда зулмат булса, бирда ёруғлик булмай қолмас.

Ҳовва, ҳовва, дуруст айтурсиз, дейишди қиётликлар. Тагин мулозиматлар кургазишиб, келинг яхшиси, бизнинг Қиётда қолдинг, бу ернинг хидини ҳали мугул олганича йўқ дейишиб, такрор-такрор меҳр-муҳаббатлар изҳор этишди.

Бундан меҳмонларнинг кунгли бир қадар усиб, мезбонларга қуллуқлар айтиб туришса-да, Хизрсифат одамнинг нимадандир қаттиқ безовта бўлаётгани охи-гоҳи маънос тортиб кетувчи юз-кузидан, аёллар кириб кетган ҳужра томон интиқ-интиқ қараб-қараб қўйишларидан билиниб-қурниб турарди.

Ҳали қиётлик аёллар меҳмон жувонлардан бирини ҳужрага суяб олиб киришгандай бўлувди, тоби чоғтанмикан мусофирнинг деган хайла борган эркак мезбонлар хонадон бекаларидан гап олишга чоғланган ҳам эдиларки, ичкаридан «инга-инга» деган товуш келди. Келдию мезбонлар кунглидаги хавотирини шу лаҳзада қувиб, меҳмонларнинг юз-кузларидан билинар-билинамас маъзунлик урнига қувончу шодликлар индирди.

Ичкаридан хабар келди. Уғул, уғул!

*Иншооллоҳ, тугди иқбол ҳилоли,  
Умри булғай саодатли, сафоли,  
Эл-юртига садоқатли, вафоли,  
Уғул қутлуғ, суюнчи чуз, Пирёрим.*

*Йули равон булур йулда тугилди,  
Валий бобо белбоғига йутрилди,  
У тугилган уйга иймон ёгилди,  
Уғул қутлуғ, суюнчи чуз, Пирёрим.*

*Тугилган жойини дейдилар Қиёт,  
Қиётнинг бахтини айласин зиёд,  
Қувватдир белингга, элинга зурёд,  
Уғул қутлуғ, суюнчи чуз, Пирёрим!*

Буни эшитган Хизрсифат меҳмон ҳаменини очиб, бир олтин танга ва бир кумуш тангани хушхабар айтганининг бошидан сочиб, яна бир неча тангани ёнидаги ҳамроҳларига берди-да, унга бундай деб топширди. Бор, иним, Қиёт бозорига бор, кенг умровли, узун шоҳли битта ҳуқуз ол, хуржунларинг кузларини ноз-неъматга тулди, бизни азиз тутган элга бир ош берайлик, даврани кенг олайлик, полвонлар қурга чиқсинлар, бу элнинг хонандаларин бир кўрайлик, созларини қандай чалар эканлар, бор иним, Қиёт бозорига бор!

Айни баҳор айёми эди. Шу куни гулларнинг рангига яна ранг, буйига буй қушилиб, ҳавони шундай бир муаттар хид тутдики, боғларга сайру томошага чиққан бари қиётликлар сархушу сармаст бўлиб, кунгиллари дарёдай тошиб, Худо етказган азиз меҳмонларни саодат нури билан такрор ва такрор муборақбод этдилар.

Болага улуг ниятлар билан — Оллоҳга энг қуп мадҳ айтувчилардан бўлсин деб Маҳмуд исмини бердилар. Бу ҳодиса ҳижрий 645, милодий 1247 йилда муборақ Навруз айёмида руй берди.

Тую томошалардан сўнг меҳмонлар қиётликларга ташаккурлар изҳор этиб, улар билан умрлик ошно тутиниб, яна йулга равона буддилар, қуп утмай Хива остонасига етдилар. Оллоҳ таолонинг инъоми, дунёга эндигина келган чақалоқнинг шарофати билан қалъа дарвозаси ланг очилиб, шаҳар устида тушланиб турган қора булутлар бир зумда тарқаб, Хива бошдан-охир оқ шуълаларга чулганди.

Меҳмонлар энди бу шаҳарда мусофир эмас, балки унинг жисми-жонидан тугилган фарзандларга айланиб, шу ерда мўқим макон тутдилар. Кузга қуринмас тақдир қитобларини ўқигувчи машойиҳлар Хива бу солиҳ фарзандни минг йиллар мобайнида кутганлигини ва ниҳоят илтижоси вожиб бўлганлигини ҳикоя этурлар.

Айтурларки, меъморлар Хива қалъасини қуришда андозани кемадан — уммонда сузиб бораётган заврақдан олиб, умид манзилларига соғ-омон етсин деб ҳар битта заррасига узларининг улмас меҳр-муҳаббатларини пайванд этдилар. Аммо кема-шаҳар ҳаёт дарёсида суза бошлади ҳамки, оч гирдоблар, бевош тулқинларга дуч келиб, уннга-сулға оға бошлаб, гоҳ пуртаналар узра муаллақ қолса, гоҳида бугзигача сувга ботиб, бойликлари толон, одамлари зору нолон бўлди.

Энди қароқчилар ҳамласидан қаддимни ростладим деганида уз ичидаги аҳли рие тус-туполонидан жунбушга келди, энди узимникилардан тинчидим деганида эса яна босқинчилар тажовузига учраб, тулқин билан бир бўлиб

чайқалди, чайпалди, гирдобларда чархпалак булди, чуқди-чикди, чуқди-чикди.

У ўз одамларининг иймонсизлигидан чайқалди, сотқинлигидан чайқалди, нафс утқонига тушганидан чайқалди, борар манзилларини йуқотганларидан, бир-бирларининг гуштларини еганларидан чайқалди.

У адолат деган таъв-эшкакнинг йуқлигидан гирдибод булди, у эътиқод деган лангарнинг йуқлигидан чархпалак булди.

Оллоҳ мағфират қилгувчидир, раҳмдилдур. Ортик Хива чайқалмасин, чайпалмасин деб унга лангар урнида Пахлавон Маҳмуд Пирёрвалийни берди!

**Байт**

*Гам юкига йуқ алад, Пирёрвалий,  
Сен узинг бергил мадад, Пирёрвалий!*

## Муножот

Илоҳи, юртни тинч, элни осойиш айлагил, мумин-мусулмонларнинг дилларини иймон нуридан бебаҳра этмагил, куринар-куринмас офатлардан асрагил, Сени деган бандаки бор, йулини очик, ризқини мул, умри-давлатини зиёда айлагил.

Илоҳи, инсон кунглига узинг нақш эттувчи иноятни мен фақирданда дариг тутмагил, айтар сузни расолик ҳикмати ва кароматига ҳамдаму ҳамроз айлагил!

### Биринчи Фасл

#### БИРИНЧИ БОБ

Ҳали мугул босқинчиларининг қамчисидан қон томиб турган пайтлар эди. Улар гуч йигитларнинг пайини қирқиб, хотин-халажни топтаб, узларини мутлақ ҳоким деб ҳисоблашар, ёвуз ниятларини амалга ошириш учун ҳеч нарсадан тап торгмас эдилар.

Урганжни босиб олишда улар туккан қонлар дарё бўлиб оқди. Каллардан миноралар ясади. Қалъа заминда макон тутган уч юз олтиниш авлиёю анбиё руҳига тош отиб, муқаддас тупроқни хорладилар, булғадилар.

*Порлаган шуъланинг қузин ёддилар,  
Маъмур карвонларни итлар қондилар,  
Қайда ботир бордир осиб-чоқдилар,  
Бутзида эрк деган хитоби сунди.  
Чугини оддилар ёник қузларнинг,  
Сомон айладилар қирмиз юзларни,  
Утга ташладилар чобук сўзларни,  
Шоирнинг қўлдаги китоби сунди.  
Ошиқман деганни айлаб масҳара,  
Эзгин ҳаёлига сурдилар қора,  
Айрилиқ даштида юраги пора,  
Тутқун маъшуқаси, моҳтоби сунди.  
Тиканлар кукарди сунбул урнида,  
Зоғлар қағиллади булбул урнида,  
Қули гул деҳқони бир қул урнида,  
Яратган жаннати файёби сунди.  
Оқармас тонглари, чарх домони каж,  
Фириб кети фириб, ранжнинг кети ранж.  
Самога қуз тикиб нолондир Урганж,  
Масжиди емрилли, меҳроби сунди.  
Булутлар осмондан жилмоқни билмас,  
Қабоҳат емгирлар тинмоқни билмас,  
Ёвларнинг илтида саройлар бекас,  
Ватан юраги қон, офтоби сунди.*

Шу тахлит вақт оқаверди. Лекин бир дақиқа ҳам ёвга нафрат сунгани йук, бир дақиқа ҳам босқинчиларга қарши кураш алангаси сусайгани йук. Гоҳ у қалъа, гоҳ бу кентда, гоҳ у мавзеъ, қасабада босқинчиларнинг зулмидан дод деб, халқ кутарилиб, озодлик йулида жонини фидо қилди, тиз чуқиб яшамоқдан улмоқни афзад курди.

Орли-номусли йигитлар зolim келгиндиларни даф этмоқ, уз туққан юртларини уларнинг тузоғидан озод қилмоқ учун куп бор уриниб, гоҳ яширин, гоҳ ошқора кураш олиб бордилар, бироқ халқнинг оёқ-қулига солинган кишан шу қадар йуғон ва маҳкам эдики, уни узишга қурблари етмай армон билан оламдан утдилар.

Ойлар, йиллар утиб, йигитлар ичида бир йигит камолга етди, унинг таърифи ҳар томонга кетди. У кураш тушса, елкаси ерга тегмас, у ваъз айтса, бирон кимсани лоқайд ва бепарво қолдирмас, у шеър ёзса, юраклар энтикмай қолмас, у кирган уй равшан, у юрган йул обод, у кирган давра файзли эди. Гап Паҳлавон Маҳмуд Пирервалий ҳақида, ана шу улуг сиймога насиб булган каромат ва фазл туғрисидадир.

У ёзди:

*Рухинда булай десанг сердарларнинг,  
Мардга юкун, бу шартидир шартларнинг,  
Мард буласан бош эгмайин номардга,  
Хизматига шай яшасанг мардларнинг.*

Номард (босқинчи)га бош эгмаслик, букилмаслик бу улуг зот учун фақат шиор эмас, балки маънавий эҳтиёж, юракнинг тур-туридан отилиб чиққан қасамед эдики, бутун умри давомида шунга содиқ қолди ва уз саъй-ҳаракатлари билан буни ҳар қадамда исбот этди.

Йиқилганни суяш, бева-бечораларнинг ҳолидан хабар олиш, кучсизга мадад, йулсизга йул курсатиш ул зотнинг фазли қарамларидан эди. Уз ота касби — пустиндузлик билан астойдил машгул булиб, топган-тутганларининг бир қисмини гарибларга бахшида этиб, нотавонлар кунглини овламоқликни канда қилмас эди. Бу ҳам номардларга отилган бир ук эди.

Туй-томоша булса Хоразмда полвонман дегани қурга чиқар, ана шунда Паҳлавон Маҳмуднинг олдига тушадигани топиламас, топилиб қолғудай булса кураги ерга тегмай қолмас, ул зоти покнинг куч-қувватлари шу қадар эдики, юрсалар ер ларза берар, урсалар тоғ талқон булар, бу сифатлар дофдан узоқ, ҳақиқатнинг узгинасидир.

Яна шу нарса ҳам ҳақиқатки, Яратанга эътиқодлари беҳад, падарни бузруқворлари буюк шайх Нажмиддин Куброга кул берган валий, узлари Ҳақ карамидан баҳраманд, дину диенатга умрини бағишлаган тенгсиз каромат эгаси, илоҳий дониш соҳиби эдики, тириклигида пир аталгани, мулла ва уламоки бор, ул ҳазратга тан бериб, таъзим бажо айлаганлари ана шундан далолатдир.

Ҳазрат бир куни Хиванинг чор-атрофини айланиб, паст-баландига разм солиб, охири кунчиқар томондаги тепаликка келиб тухтади, худди излаб юрган нарсасини топгандай хурсанд булиб, уйчан чехраси очилиб, калхудоларни, меъморларни шу ерга чорлади. Жамоат жам булгач, бундай деди:

— Юртимизнинг энг боҳаво, баланд тепалиги ушбудир. Кунчиқарда муборак Сайед даҳаси — ҳазрати Нажмиддин Куброга ватан булур, қиблада Унгарик, орқада фирдавс боғи — Хива.

Ушбу тепалик шахидлар руҳига абодий маскан булғай, бунда аларга улуг едгорлик урнатғаймиз!

— Қай шахидларга, ҳазрат?

— Босқинчиларга бўйин эгмай, газотда ҳалок булганларга!

Мана бу сўздан оломон бир гувранди, кимларнинг кўкси тоғдай усди, кимларнинг юзларига ҳадик соя ташлади. Ҳокимият тепасида ултирган муғуллар, уларга ёлланган сотқинлар бундай едгорликни қуришга йул кўярмилар, уни бунёд эттувчиларни тирик қолдирурмилар? Ҳадик мана шундан эди.

Аммо Маҳмуд Пирервалийга ҳадик ет эди, унинг шогирдлари кунглига қурқув бегона эди. Оломон ичида туриб қай бир бахши айтди:

*Тоғу тошлар тилга киргай,  
Балки кофир динга киргай,  
Тангрим ўзи мадад бергай,  
Шаҳидларни ед айласанг.  
Алпсиз улка — қалбсиз улка,  
Жисми-жони тилка-тилка,  
Иймон нури ингай дилга,  
Шаҳидларни ед айласанг.  
Шаҳид булган уз қонимиз,  
Уз қонимиз — уз жонимиз,  
Ушалгайдир армонимиз  
Шаҳидларни ед айласанг.*

*Улар юртнинг углонлари,  
Эрк деб улган полвонлари,  
Нурга тулгай маконлари,  
Шаҳидларни ед айласанг.  
Бул ғанимлар чиқди бошга,  
Бошлар бориб тегди тошга,  
Ернинг уни учса кошкн  
Шаҳидларни ед айласанг.  
Қим ҳам тинглар дод айласак,  
Худо бор имдод айласак,  
Шаҳидларни ед айласак —  
Рухларини шод айласак.*

Ана шундан кейин куринг эл-юрт нималарга қодирлигини, меъморлари ва усталари моҳирлигини, ёвга нафрат, Ватанга меҳр-муҳаббатлари зоҳирлигини.

Уша тепаликка Султон Увайс тоғидан майда тош ва харсанг ташиган араваларнинг кеги узилмади. Бодой туқайида кесилиб, офтобда қуритилиб созланган тўронгилар, Питнак хумбузларида обдон пиширилган тилларанг гишту Давдон қулининг нилий ойдинидан уриб гарамланган яқан-қамишлар — ёдгорлик қурилишига нимаики зарур булса, бари-бариси чаптастлик билан муҳайе этилди.

Юртни сураб таққирлаб утирган босқинчиларнинг айгоқчилари қурилиш атрофида ивирсиди, ҳамма гапни оқизмай-томизмай хужайинларига етказиб турганларини халойиқ билса-да, улардан зарра булсин чўчимоди, негаки, ҳазрати Маҳмуд Пирервалийнинг ўзи халққа елкалош, жон фидо қилиб ишлаётган эл фарзандларига маънавий падар, полвон йигитларга сарвар эди.

Ҳазрат меъморларга шундай журъат билан ҳомийлик курсатдики, бундан усталарнинг бир ғайратига ун ғайрат қушилди, дилларида илҳомлари, билакларида куч-ғайратлари тошиб, кундузлари шамолу ёмғирларни писанд этмай, қоп-қора тунларда гулханлардан тафт олиб, машъалалар ёруғида паҳса-денор кўтариб, гумбазлар қуриб, ёдгорликни бунёд этабордилар.

Муғулнинг димоғдор, бурнига нарвон етмайдиган амалдорлари қамчи уйнатиб тепаликка келадилар-да, халқ бошида Пахлавон Маҳмуд пири бузрукни қуриб, тарнузлари қултиғидан тушиб, юзларидаги қаҳр-жаҳллари ичларига уриб, аламзада, мотамзада ҳолатда орқага қайтадилар.

Шу тариқа ойу йиллар утиб, минг-минг диллардаги пинҳона тилак, эзгу орзу рубега чиқди, муборак Ёдгорлик қад ростлади. У шундай бир обида булдики, ҳар гиштита шаҳидларнинг улмас руҳи қоришиди, наинки қоришиди, балки қурбонларнинг тирик руҳлари авлодлар олдида буй курсатди.

У шундай бир ёдгорлик булдики, тепалик устига тепалик, юксакликка юксаклик уланиб, халқнинг топталса-да, завоқ топмаган гурурини оламга намоён этди, уз қавми, уз жондоши хотирасига булган улуг ҳурмат-эҳтироми, она ер учун, унинг озодлиги йулида жангларда мардона жон берган йигитларга таъзими нақадар буюклигини руй-рост курсатди.

У шундай бир муаззам руҳ — ҳайкал булдики, жисми-вужудидан босқинчиларга ғазаб ёғилиб, тутқунлик; эрксизликка қарши нидо отилди, қуллик, тобелик кишанларини узишга даъват, озодлик ҳурликка хитоб янгради.

У орзунинг, хуррият орзусининг шундай жонли бир суврати булдики, ул сувратнинг бошидан-оёғи эл қузидаги ёшдек мусаффо, эл дилидаги утганлар ёдидек маҳзун, эртанги кун ҳаёлидек мунаввар эди.

*Ае, тангрим, ўзинг қўлла,  
Шаҳодат баҳрига йўлла,  
Тирик бандангки бор, илло,  
Йули бойланса булмайду.  
Сенингдур боғу тоғ, сахро,  
Сенингдур Одаму Ҳонка,  
Ҳалол бандангки бор, аммо  
Қули бойланса булмайду.  
Ери эрди унинг гулзор,  
Тиниқ эрди булок, анҳор,  
Замини топталиб абгор,  
Суви лойланса булмайду.*

*Сенинг саждангадур боши,  
Қизил қондур қузин еши,  
Заҳарга айланиб оши,  
Тавоғи синса булмайду.  
Дилида хуррият орзу,  
Мусаффо шу ният орзу,  
Евузларга чуқиб тиз у,  
Сўзилан тонса булмайду.  
Ҳамоно толендур талх,  
Қазибдурлар йулида чоҳ,  
Ғанимларнинг қулида чарх  
Терс айланса булмайду.*



*Безовта булса руҳ бузлар,  
Саросар мажруҳ бузлар,  
Тирик қийналса йул излар,  
Руҳ қийналса булмайдур.*

Одатда катта йигинларга подшо жарчилари халқни чорлагувчи эди. Подшо жарчилари бу гал оғизларида қатик ивитдилар шекилли, халқнинг ичидан чиққан бегараз, бедағдага, очиқ юзли жарчилар эл-юртни Едгорликка тақлиф этдилар.

Кунчиқару кунботардан, қиблаю орқадан оқиб келган оломоннинг саногига етиб булмасди, етти яшардан етмиш ешгача булган хоразмликман деганнинг бори шу Едгорлик пойида жамул-жам булган эдики, игна ташла-санг ерга тушмасди-ёв.

Маҳмуд Пирёввалий Едгорликни Зариҳе шаҳидон (Шаҳидлар маскани) деб атади, (халқ талаффузида кейинчалик Зири шайтон булиб қишлоқ номига айланди), халойиқ унда буюк салобат, виқор кўрди, унда Ватан фидойиларининг изтиробли чехраларини, умидли нигоҳларини кўрди, пири муришид саховати, кароматларининг рангин товланишини кўрди.

*Ҳилпираса элнинг туғи,  
Тарқаб кетгай дил андуҳи,  
Шаҳидларнинг улмас руҳи,  
Босқинчи бир кўриб қўйсин.  
Бу юрт азал отли юртдир,  
Отли юртдир, зотли юртдир,  
Юрак-бағри угли юртдир,  
Босқинчи бир кўриб қўйсин,  
Дашти гулли, тоғи қорли,  
Донишманди куп виқорли,  
Аёллари номус-орли,  
Босқинчи бир кўриб қўйсин.*

*Саҳфа-саҳфа жангномаси,  
Ҳайқириги, дил ноласи,  
Ал Беруний алломаси,  
Босқинчи бир кўриб қўйсин.  
Қон-жонига мутелик ёт,  
Ота мерос илми газот,  
Жалолиддин ҳали ҳаёт,  
Босқинчи бир кўриб қўйсин.  
Ҳали кўзда журъати бор,  
Ҳали сўзда санъати бор,  
Уғлонлари ҳали шунқор,  
Босқинчи бир кўриб қўйсин.*

*Ётта сузин бериб қўймас,  
Ошу тузин бериб қўймас,  
Ёвга изн бериб қўймас,  
Босқинчи бир кўриб қўйсин.*

Созандалар мунгли куй чалдилар. Оломон уни сукут ичра маҳзун булиб, сел булиб тинглади. Гир-гир эсиб турган шамол тинди, шивир-шивир барглар, чугур-чугур қушлар тиндилар, Хиванинг минора ва гумбазлари, масжиду мадрасалари сукутта чумдилар. Едгорлик узра, Хива узра, Хоразм узра маҳзун ва салобатли куй-марсия янтраб, шаҳидлар фарёдио ҳайқиригидан борлиққа ҳикоя сўйлар эди.

Аҳли уламо тиз чўкди. Оломон чўккалади. Паҳлавон Маҳмуд Пирёввалий Қуръони каримдан тиловат қилиб, дуога қўл очди...

## Муножот

Парвардигоро, уттанлар охиратини обод қилғил, ватан деб жангта қириб, шаҳид булганларни марҳаматингга мушарраф этгил.

Парвардигоро, муқаддас тупроғимиздан босқинчиларни ҳайдаб чиқармак истагини кунтиларимизда барқарор айлагил.

Парвардигоро, интиқом утида ёнаётган уғиллар шиддатига шиддат қушгил, шамширларини кескир, отларини учқур қиягил, юртни топтаганлар устидан аларни ғолиб айлагил.

Парвардигоро, қайсики бандангнинг дилида мутелик уя қурган булса, ул уяни барбод айлагил, аҳли мусулмоннинг куқсини баланд, дилини обод, юртини озод айлагил.

Парвардигоро, шаҳидлар хоки ётган ушбу маскандан марҳамат нуринг-ни аямагил, ҳуррият истаганларга узинг ёр булгил. Омин!

## ИККИНЧИ БОБ

Бомдод намози ўқилгач, амири Кулол теша, арра, тарош ва ранг-рунглари хуржунга, хуржунни эса отнинг эгарига жойлаб, пир фотиҳасини олмоқ ниятида хонақога, Саид Аловуддин ҳузурига кирди.

Шоҳ полвони Хивада ҳашаматли қаср қурдираётганидан Саид Аловуддин хабардор бўлиб, дабдабаю аъясани бошиданоқ ҳушламаган, буни Кулол билар, шунга қарамасдан қурилишдан четда туришликни узига эп курмас, негаки, полвон шухрати уни буткул узига ром қилиб қўйган эди.

Ҳазрати Саид Аловуддин амири Кулол дилидаги бу ҳолатни сезган чоғи, унинг раъйига қарши чиқмади. Шу билан бирга бел боғлаб, йулга отланай деб турган қадрдонини рағбатлантирувчи суз ҳам демади. Амири Кулол уз кунглига тугтан ниятни удалашга одатланган собит қадам инсонлардан эмасми, пири Саид Аловуддин руйҳушлик бермаган булса ҳам узича «суз берганман, ваъдамдан тонмайин» деб йулга чиқаберди.

Хива — бу чеккасида ноғора чалинса, у чеккасида эшитиладиган муъжаз қалъа, амири Кулол тор кучалар оралаб отини ҳайдаркан, бирикки ҳашамдор биною уларга тиркалган пастқам кулбалар, капалар, қаландархона ва мусофирхоналарга боқиб, раиятнинг ғариблиғи, нотавонлиғи ҳақида уйдадим-уйладим дегунча шоҳ полвони қурдираётган уша маҳобатли иморатга етиб борди.

Аввал келганларида куп ҳам эътибор бермаган экан, энди бу гал қурилишнинг унг-сулига назар солиб, баланд ҳавозалар қуршовида қад кутараётган биноларни, булажак ҳовузларни куздан кечириб, мисли чимолдек тинимсиз ишлаётган усталару мардикорларни, уларнинг тепасида керилиб турган ишбошиларни куриб, бу дабдабаю талатгуддан энсаси қотиб, пири Саид Аловуддин нечун ҳали қош чимирганининг маъносига етгандай бўлди. Полвонга, гарчи у шоҳ полвони булса ҳам, бундайин маҳобатнинг не керағи бор? Иссиқ-совуқдан сақлайдиган бир бошпанаси, устида қур пустиною белида белбоғи булса бас-да.

Кулолнинг бошига бошқа бир хаёл келди. Эҳтимол полвон бу қасрни яхши ниятда — қутлуг айёмда халқ учун бир тўйхона булсин деб бунед эттираётгандир. Ҳали замон Навруз келади, шу қасру боғда элим-элатим бир яйрасин деган уй-хаёли бордир.

Кулол полвоннинг узини курмаган, сабабки, у анча йиллар олдин Хивадан Урганжга, шоҳ қарамоғига олиб кетилган, аммо полвонлик шухрати оғиздан-оғизга утиб купчилик қатори уста кунглида ҳам унга илик бир меҳр уйғотган. Меҳтар наққошлик ишларини зиммасига юклаганида йуқ демаганининг боиси ҳам асли шу.

Яна шуни ҳам биладикки, Бухорои шарифдан келган қирқ уста дуралгор полвоннинг узини курмаса-да номини ҳурматлаганидан анчадан буён шу қаср қурилишида кечани-кеча, кундузни-кундуз демай тарақ-турук, тарақ-турук ишлашяпти, ранда, тешаю арра товушларига барча хиваликлар қуниқиб кетган. Ихлоси холис одамни нималар қилдирмайди. Кулолни ҳам бу ерга бошлаб келган нарса полвонлик касби корига булган ихлоснинг узгинаси-ку.

Амири Кулол белини маҳкам боғлаб, дилини яхшиликка чоғлаб, қирқ устага қўшилиб ишга берилиб кетди.

Кундан-кун, ойдан-ой утиб, қурилиш, пардоз-андоз ишлари ниҳоясига етиб, бир мухташам қаср буй курсатдиким, дунёда неки кузни қувонтиргувчи ранг булса, бори нақшларида жамул-жам, пештоқлари жимжима, устуллари безакли, деворлари, томлари зийнатли, хулласи калом Хива ва Бухоро меъморлари қули билан бунед этилган фирдавсул-фано. Қурганлар дармонда, курмаганлар армонда.

Аммоки, курганларнинг қувончи узоққа бормайди. Қаср дарвозаю эшиклари тақа-тақ бекитилиб, олдига қопоғон-қопоғон итлар қўйилди. Билиб билмай енига яқин йўлаганларнинг шури қурилар, е итга таланди, е бошига миршабнинг гурзиси тушиб, жони омон қолганлар элга ош тортиб худойи берди.

Куларнинг бирида, аниқроғи, Наврузи айём арафасида гап тарқадикки, шоҳ полвон хивалик олтинчими-еттинчи хотинини шу қасрга тушириб, казо-казоларни таклиф қилиб, тонготар тўй берган, меҳмонларнинг кузи

унгида бир узи икки меш шароб ичган. Иш шу даражага борганки, куёв масту аласт гушангами деб нақ отхонага кириб кетган.

Булар куз курмаган, ammo қулоқ эшитган гаплар. Куз кургани айни Наврузнинг узида, Арк олдидаги майдонда, полвонлар беллашуви чоғидаги воқеа бўлди.

Жарчилар Навруз томошалари ҳақида элга овоза этгани заҳотиёқ амири Кулол узининг қирқ уста ҳамкорлари билан майдонга келиб, давранинг олд томонида қулайгина урианиб олиб, курашчи куриб-кузатиб утирган, гуч йигитлар бир-бирлари билан худди шердек олишиб, бировнинг қули баланд келиб, бировининг кураги ерга текканида оломон гуви-гуви чайқалганини куриб, ўзи ҳам шу қий-чувга қушилиб, кунгли дарёдай тўлиб-тошмоқда эди.

Тугридаги даврада, беллашувга чоғланган полвонларнинг олд қаторида арслон келбатли, шер сумбатли, Ҳизр сиёқли валломат шиддатли курашларни диққат билан кузатиб ултирар, юз-кузларидан таралган жозиб бир нур майдонни янада чарогон ва файзеб қилмоқда эдики, унинг полвонлар полвони, зоти шариф Маҳмуд Пирервалий эканлигини Кулол ҳам, бошқалар ҳам куриб-билиб, бир майдонга қарасалар, икки унга боқиб, камоли муборакларидан баҳра олардилар.

### Байт

Ёғилди эл бошига шуълаи пок,  
Ки, матлаъ, манбаъидур илму идрок.

Паҳлавон Маҳмудга бас келамак деб<sup>1</sup> майдонга чиқадиған мард топилгани йўқ, бинобарин, ҳали ҳанузгача бирор полвон унинг курагини ерга текизолмаган, бильякс, мана-ман деган номдор курашчиларнинг ҳам бели қайишиб, оёқлари осмондан келиб доғда қолишган. Юрак ютиб уртага чиқадиған полвон топилмагач, ҳакамлар бош байроқни<sup>1</sup> — ясагилик бедовни Паҳлавон Маҳмудга беришга қарор қилишиб, майдон уртасидан уни гижинглатиб олиб утиб, ҳазрат ултирган жойга яқинлашиб келабердилар.

Ана шу пайт ердан чиқдим, осмондан тушдим, майдонда шоҳ полвони пайдо бўлиб, қулини баланд кутариб, ким мард булса, уртага чиқсин деб дағдага қилиб қолди.

Ҳали хануз амири Кулол бу полвон билан юзма-юз учрашмаган эди, қани, бир кураинчи, не савлат-каромати бор экан, деган уй-ҳаёл билан унга синчиклаб тикилди. Ё қудратингдан, девнинг нақ узи, бўйи чамаси, етти юз газ, кукраги беш юз газ, боши бир ботмон, икки томонга буралиб кетган муйлови саксон-юз қарич, оёқлари юз йиллик гужумнинг танасидан йўғонроқ, фил панжа, туя бўйин бир балои азим.

Ё келиннинг тушагидан энди турган еки ярим меш, бир меш шаробни бурнининг тагига-урган куринади, сабзи урасича келадиған оғзидан купик сочиб, қўзлари бирда сузилиб, бирда ғазаб учқунлари сачратиб, Паҳлавон Маҳмуд ҳазратлари ултирган томонга қараб ялмамай қотаман дегандай тулиниб-тулиниб турибди.

Ҳакамлар узлари етаклаб келаётган бедовни аста тўхтатиб, қани, шоҳ полвонига Маҳмуд Пирервалий нима жаноб берар эканлар, деб ҳазратга синовчан боқдилар. Паҳлавон Маҳмуд бисмиллоҳ деб шиддат билан уридан туриб, қур пустинини кийиб, бир-бир қадам ташлаб уртага чиқаберди.

*Ҳозиқ узи яшайди жон ичинда,  
Инсон зоти яшар армон ичинда,  
Бир ҳаҳондай қўҳна жаҳон ичинда  
Пирервалий турар майдон ичинда.*

*Қадди-бўйи тоғ сингари виқорли,  
Нафасидан гули Навруз ифкорли,  
Кукрагида Оллоҳ ниқни — тумори,  
Пирервалий турар майдон ичинда.*

*Сирти полвон эрур, валий ботини,  
Дарелардан суриб утар отини,  
Берайин деб шоҳ полвонин додини  
Пирервалий турар майдон ичинда!*

<sup>1</sup> Байроқ — мукофот.

Навроз томошаларини кураин деб майдонда жамул-жам булган халойиқ, узок-яқиндан келган меҳмонлар, томларга, дарахтларнинг шоқларига чиқиб урнашиб олган бола-бақра — ҳамма жим булиб, чор-атрофга пашша учса билинадиган сокинлик чуқди. Давра юқорисида қалъа ҳокими, аёнлар, пойтахтдан шоҳ полвони йулига олтин-кумуш тангалар сочиб келган ишқибоз амалдорлар, унғ қўлда заминдорлар, тужжорлар, сул қанотда олимлару шоирлар, санъаткорлар, туғрида — ҳунармандлар, амири Кулол бошлиқ қирқ уста — ҳамманинғ кузи майдонда, бир-бирига ташла-найин деб турган икки паҳлавонда.

Дафъатан йулбарс укиригига ухшаш наъра майдонга титроқ солди, бу шоҳ полвонининг қичкириги эдики, ногаҳоний забардаст товушдан қари-қартанлар ёқа ушлаб, хотин-халаж туфф-туфф деб узини тинчитиб ҳам улгурмай уша чинқирган дев Паҳлавон Маҳмудга бало-қазодек епирилиб, оломонни яна бир гуврантириб юборди.

Шоҳ полвони Паҳлавон Маҳмуд билагига панжа уриб, узига тортиб силтамоқчи булар, аммо бунинг урдасидан чиқолмас, иккинчи қулини буйинларидан утказиб, қалларини букмоқчи булар, бунга ҳам эриша олмас, Паҳлавон Маҳмуд ҳазратлари булса, худди куйиб куйган қўрғошиндай собит, рақибининг ҳамласини курдим демас, шу билан бирга «чинқироқ девни» ер тишлатишга негадир ошиқмас эди.

Шоҳ полвони ҳужум устига ҳужум қилиб, зарбага зарба қушиб бора-верди. Аммо куч-мадори пулодга урилган тошдай увоқланиб, юз-қузидан шаррос тер-қуйила бошлади. Шундай булса-да, бақириб-чақириб айюҳаннос солар, шовқин-сурон орқали қулим баланд демоқчи булар эди.

Ана шунда... қулоқларга Паҳлавон Маҳмуднинг бисмиллоҳир раҳмонир роҳийм деган салобатли овози келди на зум утмай ул зоти карим уз рақибини бир силтаб, оёқларини ердан узиб, даст кутариб олди-да, бошидан ошириб зарб билан ерга шундай урдик, мақтоъли шоҳ полвони чалқанча тушганча, икки томонга керилиб кетган оёқларини чузганча оҳ дейишга ҳам ҳоли келмай инқиллаб етиб қолаверди.

Оломон қийқириб, гуррос чапак чалиб, Паҳлавон Маҳмудни олқишлаб, тасаннолар айтган эса-да ул пешвои олам гуё ҳеч нарса булмагандай оҳиста-оҳиста қадам босиб, виқор билан уз урнига бориб ултирди. Шоҳ полвонини эса икки забардаст йигит қултигига олиб, майдондан базур етаклаб чиқаркан, йиқилган курашга туймас дегандай, у Паҳлавон Маҳмудга қараб муштумини кутарди ҳамки, борлиқни кулги салолари тутди.

### Байт

Нопокнинг қуввати гар филча булур,  
Зоти пок олдида у қилча булур.

### Рубоий

Ҳеч қора тош дур каби маъдан булмас,  
Мурч ила занжабил ширин таъм булмас.  
Тинглаки, Пирёрвалий айтиди суз,  
Аслида номард сира одам булмас<sup>1</sup>.

### УЧИНЧИ БОБ

Чингиз боққинидан анча аввал Алоуддин Хоразмшоҳ Хуросондами ё ундан нарида бир тоифа одамларга дуч келганида улар узларини Беватаанлар деб атаганлар, олампаноҳ бундан куп мутаасир булиб, барчасини шаҳри Хивага бошлаб келиб, қалъага ендош қум этагида бошпана бериб, фармони олий чиқариб, энди то қиёматга қадар шу ерлар, шу ватан сизларники, эмин-эркин яшайнеринглар, деб маҳзун ва синиққан кунгилларни шодумон айлаган.

<sup>1</sup> Бу ва бундан кейин келадиган рубоийлар Паҳлавон Маҳмуд қаламига мансуб, форсийдан Матназар Абдулҳаким ағдарган.

Шоҳи муаззамдан етти ухлаб тушига кирмаган илтифот курган одамлар тақдирга беадад шукроналар айтиб, узларига берилган ерларни ободу файзёб айлаб, муқим бир ватанга эга булган булсалар-да Беватанлар деган исмларини ихтиёру беихтиёр истифода этавердилар. Уларнинг болалари, неваралари, эваралари ҳам кимлардансан деб суралса, Беватанларданман деб жавоб бериш одатларини тарк этмаганлари сабаб бу ном элатнинг пешонасига битган бир тавқи лақабга айланиб қолди.

Бу ҳам майлига эдию лекин... Биз юқорига таърифини келтирган Навруз айёмидан сал утиб-утмай Беватанларнинг булутсиз осмонида дафъатан чакмоқлар чақиб, бир маромда айланиб турган турмуш чархлари издан чиқаетди. Бунга қуйидаги воқеа сабаб булди.

Беватанларнинг сал юқорисидаги ерлар бундан бироз муқаддам номдор бир ҳожига вақф қилиб берилган, у экин экиладиган барча майдонларни дарҳол ихота қилдириб, деҳқонлар еллаб, барини худди чумолилардек тинимсиз ишлата бошлаган эди. Энди баҳор келиб, далаларга сув тараш аини қизиган паллада ҳожи ариқ бошини тула уз ерларига қаратиб, Беватанлар томон оқиб турган оби-ҳаёт йулини тусиб-бекитиб ташлади.

— Эй, ҳожи, — дейишди Беватанлар, — инсоф борми, узингиз Мака-туллоҳга бориб, ҳожи булиб келган табаррук одамсиз, бундай қилиб гуноҳга ботманг, бизнинг еримизга ҳам жилла сув утсун.

Ҳожи булса, олдин менинг ерларим қонади, сугун сенларга сув боради, деди бамайлихотир. Ай, ҳожи, дейишди тагин Беватанлар, куқлам кутиб турмас, куз очиб-юмгунча утар-да кетар, биз ерларимизга ҳозир уруғ сепмасак, бола-бақрамизни қандоқ боқурмиз, адолат қилинг, табаррук зот...

Бу гаплар «табаррук зот»га чивин чаққанчалик ҳам таъсир қилгани йуқ, ариқларга мен хужайин, мен эса Худога яқин одамман, дегандай пинагини бузмай, билганидан қолмай бор сувни битта узи ютоқиб-ютоқиб ичаверди.

Беватанлар арз-дод қилиб волийга ҳам, даруғага ҳам боришди, аммо қарга қарганинг кузини қучмайди, дегандай, бирови-да ҳожини тартибга чақириб қуяй дегани йуқ. Чорасиз қолганларнинг далалари қовжираб, шури устига чиқиб этаверди, Беватанларнинг ёлғиз Оллоҳга илтижо қилишдан, Ундангина имдод сурашдан булак иложлари қолмади.

Оллоҳ таоло меҳрибон ва раҳмлидур. Чорасиз қолганга чора Ундан, нажот Ундан, меҳру шафқат Ундан. Унинг карами билан Паҳлавон Маҳмуд Пирёрвалийнинг йули Беватанлар даласига тушдию ул пири комил, зоти мукаррам элатнинг бошига тушган кулфатдан огоҳ булиб, бечораларнинг куз ешларини куриб, шурхоқ далага куз ташлаб, Оллоҳ субҳонаҳу ва таолодан мискинлар мушқулини осон этишни тилади. Шу куйи узоқ ултирди. Дилидан қуқка илтижолар отилди.

Ногаҳон Паҳлавон Маҳмуд уз ҳассасига илоҳий кудрат инганини куриб, Яратганга ҳамду санолар айта урнидан туриб, беркитиб ташланган ёб сари йул оларкан, Беватанлар буёғи нима булишини билолмай, шундай булса-да, кунгилларида бир илинж сезиб, барчаси сув бошида жам булдилар. Уларга бел ва кетмонларни келтириш буюрилди.

Беватанлар юзига қурқув соя ташлади. Ёб тусига олиб ташланса, ҳожи уларни омон қурями? Лекин далаларига сув берилмаса тирик қолишлари ҳам даргумон. Бир бошда бир улим бор экан, улар Маҳмуд Пирёрвалий изнидан чиқмай айтганларини ҳозир қилдилар.

Ёб тепасидаги оломонни куриб ҳожининг иш бошилари ҳам шу ерга тушиниб келдилар. Юзлари жаҳлли, белларида пичоқ, қулларида қамчилари, қани, тусинга қулингни уриб кур-чи, ёб ташлайман дегандай, украйиб, шу билан бирга Маҳмуд Пирёрвалий олдида бир нима дейишдан ҳайиқиб, узларини аранг тийиб туришибди.

Валий ул-аъзам на уларга, на буларга бир огиз суз ҳам демай тусиндан чамаси юз эллик-икки юз қадам юқори юриб, ёбнинг туя буйнига ухшаб буралиб оқувчи жойига етиб, ҳассасини ерга дук этказиб уриши ҳамано ақл бовар қилмайдиган ҳолиса руй берди. Тошлай заранг соҳилда узун чизиқ пайдо булиб, дам утмай жилга шаклига кирди. Паҳлавон Маҳмуд шу ердан бошлаб ҳассаси билан ер чизиб, Беватанлар даласига қараб кетаверди, зидан эса жилага пайдо булиб, лойқа сув қалқиб-қалқиб бораверди.

Кузларига бир ишониб, бир ишонмай турган Беватанларга «жилгани қазини!» — деган ишора булгач, улар узларига келиб, бел ва кетмонларини кулларига олиб, енгларини шимариб, сув йулини очиб кенгайтира бошладилар.

Ҳожининг иш бошловчилари аввалида буларнинг барини жодугарликка йўйиб, Паҳлавон Маҳмудни узларича кузбойлоқчига чиқариб, ҳасса чизигидан сув оқиши шунчаки бир ҳийла, ҳадемай барҳам топади деган ҳаёлда турган булсалар, энди Беватанларнинг ёб қазिशга киришиб, далалари томон сув оқиза бошлаганларини куриб, эс-хушларини йигиб, зудлик билан ҳожига чопар юбордилар.

Беватанлар омад узларига кулиб боққанидан беҳад хурсанд, хорликнида, туз тотмоқликни-да, пешоналаридан оққан терни артишликни-да унутиб, бирлари тиззасигача лойга ботиб, бирлари белигача сув кечиб, бир тўп беқлар кўршовида етиб келган ҳожининг дук-пуписаларини эшитсаларда эшитмасликка олиб, «муъжизангдан ургилайин, Парвардигоро» деганича ичларида дуолар айта-айта, тобора югургилаб келаётган сувга йул оча-оча тошқин бир ёб бунёд этдилар ва пири акрам Паҳлавон Маҳмуд Пирёрвалий шарафига унга Полвонёб деб ном бердилар.

### Байт

*Истаса Оллоҳ ризқ бунёд этар,  
Истаса ризқ боғларин барбод этар.*

Маҳмуд Пирёрвалийнинг бундай кароматларидан ичларини ит тирнаб юрган ҳасадгўйлар буткул унинг шуҳрати соясида қолиб кетаётганликларини англашди ва ортиқ чидай олмай очиқ-ошқора олишувга утиб, ул пири муридга аёвсиз маломат тошларини отабошладилар.

Улар гоҳ уламолар йиғинида Паҳлавон Маҳмудга ҳадис ва фикҳ илмидан илмоқли саволлар бериб куришар, гоҳида у ёки бу сура ва оятлардан баҳс очиб, уни мот қилмоқчи бўлишар, баъзида унутилиб кетган қадимий китоблар мазмун-моҳиятини туйқус сўраб қолишар, буларнинг барчасига ҳазрат аниқ ва батафсил жавоб берар, унинг Куръони каримни ёд билгани, ҳадиси қудсий ва ҳадиси шариф, ғайб сир-асрорининг якто билимдонлиги эканига иймон келтириб, тилларини тишлаб қолишарди.

Барча ҳасадгўйларнинг пилиги пасайса ҳам Беватанлар олдида усал булган ҳожи сира аламиндан тушолмас, қандай йул билан булса-да, Паҳлавон Маҳмудга панд бермоқ раъйдан қайтмас эди.

Ҳазратнинг пустиндузлик устахонаси бўлиб, куп вақтини шу ерда шогирдлари даврасида пустин ва теллақ тикиш билан утказар, шунинг эвазига топган даромадининг бир қисмини уз тирикчилигига, учдан икки қисмини эса бечоралар, етим-есирлар ҳожатини чиқаришга сарфлар эди.

Ҳожи шу устахонага шикаст етказишни кўнглига тугиб, машъум режасини амалга ошириш учун қулай фурсат пойлаб, қўйнига тош солиб юрар эди.

Кунларнинг бирида устод ва шогирдлар пустин тикиб ултирар эканлар, муридлардан бири ҳожининг шум ниятидан хабар тошганини айтиб қолди. Шогирдлар ҳайрон булдилар, қаҳру ғазабга тулдилар. Пири комил эса гўё ҳеч нарса эшитмагандай хотиржам эди.

Кун ниҳоясида пири мурид уз муридлари билан шом намозини ўқигач, уларга рухсат бериб, устахона ҳовлисига чиқди ва гулзор ёнидаги муқаддас қудуқ қошида ҳаёлга ботганча узоқ туриб қолди. Шум хабарни етказган боғи мурид ҳали кетмаган, устод билан ёлғиз гаплашмоқ ниятида эса-да, унинг уй-ҳаёлларига ҳалал беришдан ийманиб, устахона дарчасидан ҳовлидаги манзарани кузатганча пайт пойлаб турарди.

Ҳали кун бўлиб кун эмас, тун бўлиб тун — офтобдан сўнг осмон буржларида қолган шафақ ҳам уфққа сингиб, урнини тобора қуюқлашиб келаётган тун нардасига бушатиб берган, кукда на булут, ерда на губор, борлиқни куклама нафаси чулғаб олган. Маҳмуд Пирёрвалий ҳожатмандлар доимо шифо истаб келадиغان муқаддас қудуқ ёнида уй-ҳаёл тула кузларини олисларга тиккан, дарича олдида эса мурид унга зимдан разм солиб турибди.

Паҳлавон Маҳмуднинг эғнида баланд буй-бастига мос узун мовий аҳо<sup>1</sup>. бошида симобий салла... Елкалари шундай кенг ва расоки, ҳар ёнида гуёки бир фил жойлашади, қоядай тик жуссасида — салобат ва тароват, қурқ ва виқор, одам зотида камдан-кам қуринадиган сеҳрли бир нур...

Кун утди, у<sup>2</sup> урнини тунга берди. Қук юзи тулин ой, юлдузлар жиљосидан мунаввар бўлди. Сокин шуъла минора ва гумбазлар, қалъа девори, иморатларнинг кунгуралари, айвонларнинг баланд пештоқларини худди кундузгидай ёритиб, бутун шаҳарга мисли эртақлардагидек афсонавий чирой бахш этди.

Маҳмуд Пирёрвалий турган ҳовли саҳнини фалак гуё сутга чайди — гулу гулзор, баҳор ҳавосига тўйинган дов-дарактлар, муқаддас қудуқ ОҚ-ЛИК деб аталмиш бир рўёга, пири муршид эса шу Оқлик аро ОҚЛИК тарафгачи сир-сеҳрга айландию дарича олдидаги мурид қалбига уз-узидан ажиб бир титратма тушиб, ичида гуё шу пайтгача жим турган дарё уйғониб, жисми-жонини бирданга жунбушга келтирди, у мууроқабага<sup>2</sup> кирди.

Ногаҳон осмон буржиги турфа жигарранг оқим урмалай бошлади. Бора-бора у қизил қонга айланди. Қон осмонга отилган томондан фиғон эшитилди: вай-до! Фалакнинг бошқа буржларидан ҳам айна шундай йиғи келди. Унга муқаддас қудуқ ёнида турган пири муршиднинг маҳзун товуши улашиб кетди:

*Дунёдаги бор аланга сийнамдандур!*

Бу салобатли товуш қон оқиб турган буржлардан акс-садо берди:

*Аланга сийнамдандур,  
Аланга сийнамдандур!*

Мурид аниқ-равшан қурди ва эшитдики, қон шаҳидларнинг турли буржларда кесилган бошларидан ва йиғи хорланган бечораларнинг бўғиздан, сийналаридандур. Пири муршид қуксидаги қон билан уларнинг қони бир дарё — надомат дарёси булиб, долғаланиб, еру қукни ларзага солмоқда. Во ажаб!

Мурид ақлу ҳушини йиғиштириб ололмаётган бир пайтда яна бир мўъжиза руй берди. Тулин ой юзини аста-секин қон-қора парда тусиб олди — ой тутилиб осмони фалак зимистонга айланди. Йиғи тағинда кучайди. Олаговур, фиғон ичидан отнинг туёқ товушлари эшитила бошлади. Ой юзининг бир чеккаси очилиб, ер гира-шира қузга ташланган асно Беватанлар даласи ва Полвонёб суður-суður қуринди. Ёб оқалаб бир отлик отига қамчи босиб келаберди. Мурид уни таниди — ҳожи!

Бир қадар тинган йиғи тагин қупди — атроф-жавонибни титратиб юборди ва бундан ҳожининг оти ҳуркиб қочдию эгаси шилқ этиб қора ерга йиқилди. Ер-қукдаги йиғи гуё шуни қутиб тургандай пасайиб-пасайиб тинди, ой юзидаги қора парда сидирилиб тушди, юлдузлар яна бодради, олам яна мунаввар бўлди.

Мурид кунглидаги титратма урнини тиниқ ва мусаффо бир сокинлик эгаллади, узоқ-яқин фиғонларга қўшилиб ёш туккан қузлари равшан торғди. Қурдики, Паҳлавон Маҳмуд Пирёрвалий вазмин-вазмин қадам босиб ҳужра томон келмоқда. Мурид унга пешвоз борди.

Маълум бўлдики, пири муршид муридининг қунгил кузи очилсин деб уни мууроқабага киритган, дунёдаги бари одамларнинг тақдирлари бир-бирига боғлиқлигини, одам қони қай буржда тукилишидан қатъий назар у одамзод фожеаси эканлигини, бир юрак яраси бошқа юракларни ҳам оғритишини қурсатган ва булажак айрим ҳодисалардан огоҳ этган.

Орадан қуп утмай мууроқаба пайти муридга қуринган ҳодиса руй берди — ҳожи отдан йиқилиб, қисмати мажруҳлик бўлди.

Мурид уз пиридан бунинг олдиндан қандай билибдигини, деб сурамоқчи бўлди, лекин бир илми ғайб ақидасини эслаб тилини тийди. Ақида будир:

<sup>1</sup> Аҳо — енгил устки кийим, чакмон.

<sup>2</sup> Мууроқаба — жисм узини унутиб, қунгил қўзининг очилиш ҳолати (эмитация).

«Авлиеларга сирлардан хабар берилади, аммо изҳор қилишга руҳсат этилмайди».

Лекин ҳожига таъриф берилмай қолмади.

### Рубоий

*Ул ҳожики Маккадан, Миннодан қайтди,  
Зинҳор демангиз Каъбадан одам қайтди.  
Аждарга дуниб қайтди илон денг ҳаждан,  
Бир хонахароб денгки, Худодан қайтди.*

### Байт

*Кимки муминларга бир етказди ранж,  
Кетди бахти, илгини тарк этди ганж.*

## ТҮРТИНЧИ БОБ

Қадим-қадимдан таъриф-тавсифи етти иқлимга кетган Боқиргон қалъаси шуҳрати оғиздан-оғизга утиб яшаб келишининг сабаби бор. Биринчидан, у — валийлар, уламолар, саййидлар, шайхлару хужалар юрти, дунё сирлари, фалак муаммоларини билгувчи зукколар, донишмандлар маскани, иккинчидан, тенги йуқ меъморлар, ёғочни «сузлатувчи» дурадгорлар, гишга жон киритгувчи, қули гул усталар шахри.

Биринчи тоифа, яъники зиё аҳли, уларнинг раҳнамосини Валийуллоҳ дерлар, ўз ҳамшаҳарларининг ўғил-қизларидан ташқари узоқ-яқиндан келган толибларга одам ва олам сирлари, исломий илмлардан сабоқ бериш билан бирга фалакиёт, нужумиёт, руҳиятга оид китоботлар тузиб, дунё алломалари битикларини ўз тилларига ағдариб, билим хазинасини беқийс дурдоналар билан безаганлар. Иккинчи тоифа, яъники меъмор аҳли, уларнинг раҳнамосини амири Меъмор дерлар, оддий работдан то Жомеъ масжидларигача, қарвонсаройдан то шох қасригача юз йиллар давомида емирилиш нималигини билмайдиган пишиқ-пухта, нақшинкор иморатлар бунед этиб, каттанинг ҳам, кичикнинг ҳам меҳрини қозониб, доимо иззат-хурматда, ардоқда бўлиб келганлар.

Боқиргон руҳонийлари худди усталардек жисман бақувват, усталар эса худди уламолардек руҳан бардам булганликлари, билак ва юрак кучини баббаравар тоблай олганликлари ва буни узларига доимий йурик қилиб олганликлари боис уларни жавонмардийлар (уктам ва мард) дерлар. Бу тариқатнинг Боқиргондаги йулбошчиси Валийуллоҳ, Хивадаги раҳнамоси Паҳлавон Маҳмуд Пирёрвалийдир.

Кекса булсин, ёш булсин, Урганжгами, Хива ۽ Ҳазарисгами борса, нотаниш одамлар ундан қайдин буладилар, деб сурасалар, у боқиргонликман дейиши ҳамоно суровчилар магарким ултирган эсалар уринларидан туриб, э, борақалло, дея таъзим бажо этишлари турган гап.

Магарким Боқиргонга келиб, унинг кенг ва озода кучаларида сайру томоша этадиган булсалар, ана унда меъморларнинг санъатини ўз кузлари билан қуриб, инсон қули гул деган гапни беихтиёр айтиб юбораверадилар. Музул истилосидан лат еган булса-да, худди устига, пича кул сочилган чугдек файзу қурқини сақлаб қолган қушқу айвонли иморатлар, пурвиқор масжидлар, ороланган боғу гулзорларнинг ҳар биттасини боқиргонликлар ўз фарзандлари каби азиз тутиб, кўз қорачуғи мисол асраб-авайлашлари барчани қойил қолдиради, ҳар қандай сукутли тил ҳам тасанно айтишдан узини тиелмайди.

Одам боласи уёқда турсин, Боқиргонга қушлар, парранда-даррандалар ошиқу беқарор, шайдо. Доимо шўх-шўх сайраб, шохадан шохага, боғдан боққа утганлари утган. Боқиргонни бир қурган булбул уни асло тарк этмайди, Боқиргонга бир қунган товус унинг гулларидан ўз патларига ранг йиғмоқ бўлиб шу ерда мўкин қолиб кетади.

Бошқа жойларда асов айқирган Жайхун Боқиргон пойига етганида гули раънога дуч келган йиғитдай майин тортиб, кирғоққа оҳиста-оҳиста



бош куйверали, суйканаверади. Тугри, Жайхун узини бошқача тутган, оромини йуқотиб, бало-қазони сезган жонивордай безовталаниб, бошини ҳаренга урган пайтлари булган. Ёғийлар халқ қонини тукишга хезланган чоғларда Жайхун типирчилаб, Боқиргонни офатдан огоҳ этмоқчи булгандай шовкин-сурон кутарган, тугён урган. Боқиргонликлар бу ҳақда ҳамиша бир ажабланиш, бир тулқинланиш билан гапириб юрадилар.

Бу гал ҳам айни тонготар олдидан Жайхуннинг тинчи бузилди, тулқинлари тулқинларига мингашиб, бурилардан хурккан сурувлек бетартиб югургилаб, шовкин-сурон кутариб қолди. Бу оқшом Валийуллоҳ ҳам безовталаниб бедорликда тонг оттирди, бомдод намозини уқишга ҳозирланаркан, дарёнинг нидосини эшитиб, кунгли ложарам булиб, тунини елкасига ташлаб ташқарига юрди. Куёш чиқинига ҳали анча вақт булишига қарамай Жайхун томонда, осмон буржида қонга ухшаш қизил ранг пайдо булди, кучли шамол қуниб, дарё нолиши кучайгандан кучайди.

Бу яхшилик аломати эмаслигини билган Валийуллоҳ ён қушниси булмиш амири Меъмор дарвозаси олдига бориб овоз берди. Дарвоза қаршисидаги богда айланиб юрган Меъмор пирга салом беришга улгурмай итларнинг хавотирли ҳуришларини отларнинг кишнашларию филларнинг букиришлари, қандайдир одамларнинг увлашлари, ногоралар садоси босиб кетди.

— Ёғий! — деди Валийуллоҳ.

Амири Меъмор суради: ердан чиқдимۇ ё осмондан тушди?

Валийуллоҳ шу кеча тушда курганини айтди: ҳинд соридин келмуш.

— Водариг!

Уйқуда ётган одамларни оёққа тургазишга улгуришмай лак-лак отлиқлар ва филларни уз тепаларида курдилар.

*Филлар босиб-янчи неки бор,  
От туёғи остида эл хор.  
Қизларнинг куз ёши шашқатор,  
Боқиргонни босди ёғий, ҳей.*

*Қоромонлар! мункайиб қолди,  
Кунгуралар энкайиб қолди.  
Жайхун йиглаб марсия чақди,  
Боқиргонни босди ёғий, ҳей.*

*Бор булсанг, оч қузингни подшо,  
Душманга айт суйингни, подшо,  
Ут сачратиб огзидан, илло,  
Боқиргонни босди ёғий, ҳей.*

Аммо Урганжда ултирган қуғирчоқ подшодан садо чиқмади. Боқиргоннинг ҳокими эса... у ҳам ширин уйқуда экан, мудроқ ҳолатида ёғий уни нариги дунёга жунатди. Жумард йигитлар қулга қурол олишга, донишмандлар жуяли бир режа тузишга имкон тополмадилар, негаки, ёғий Боқиргонни худди аждаҳодек бошидан то оёғигача ураб-чирмаб, узини унглаб олишга имкон бермай, жон-жаҳди билан буга бошлаган эли.

Боқиргонликман деганнинг қулига кишан солиб, уриб-суриб, хонадонлардаги қимматбаҳо ашёларни араваларга, филларга ортиб, барини худди пода каби ҳайдаб, Жайхун соҳилига олиб бордилар.

Ёғий сардори — ҳинд зобити уртага чиқиб, оёқларини кериб, буйинини чузиб, овозини кутариб, қули боғлик, дили доғлик асирларга сўз қотди, сўзини уларга сотилган бир урганжлик аъён туркийга угириб турди. Маънисини бундай булди.

Боқиргонликлар! Шу кундан эътиборан ҳамманг буюк ҳинд шоҳи Рай Ропол Жуна жаноби олиийларининг қуллари ҳисобланасанлар. Олампаҳоқ жонларингни сақлашни ихтиёр айлаб, сенларга марҳамат курсатди. Унга шукрона айтиб амрига итоат этинг. То ҳинд сори боргунча сенларнинг ҳожанг мен булурман. Неки амр этурман, сўзсиз адо қилурсанлар, чунки менинг қулимсанлар. Кимки итоат этмаса, боши танидан жудо этилур.

Буни эшитиб хотин-халаж сочларини олиб, юзларини тирнадилар, қариялар Яратгандан имдод тилаб, бошларини тик кутардилар, йигитлар газабга миниб, қуллари ёниб, юзлари буғриқиб, шердек укиришиб, кишанларни тишлари билан узай деб узолмай, ёвга ташланиш иложини тополмай, жилла курса сўз айтиб қолайлик деб дилдагини тилга чиқаздилар.

<sup>1</sup> Қоромон — садақайрағочнинг бир тури.

*Мундоқ бўлмас саваш деган,  
Очиқ булар қураш деган,  
Асли зотинг аваш! экан,  
Узинг бўлсанг, палад, зобит.*

*Кулларни еч эркак бўлсанг,  
Саваш нима кўрмак бўлсанг,  
Не қилсанг қил ғолиб келсанг,  
Армон қолмас улсак, зобит.*

Зобит «қули боғлиқ бўлса-да тили ботир» йигитларнинг ҳар бирини юз дарадан урдириб, бироз ҳовуридан тушгач дедик, сенлар ҳинд лашкари уйқуда босди деб бизни айбламоқ бўлдурсанлар, аммо айбни аввало ўз подшоҳинг, ўз ҳокиминг, ўз сардорингдан изла, улар кечаю кундуз сергак бўлмоқлари лозим эмасмиди, юртни улар қуриқламоғи шарт эмасмиди? Подшоҳининг ақли ухлаган элнинг бахти ухлар. Сузумга ишонмасанг, ана, уламоларингдан, донишмандларингдан сўра.

Валийуллоҳ деди: Хоразмшоҳга баҳо бермоқни узимизга қуй-да, ўз ҳийлакорлигинг, маккорлигинг учун ҳали жавоб беражагингни уйла. Йигитлар туғри айтурлар, мард эсанг, мардона олиш, юзма-юз туриб беллаш, қулунг баланд келса, не амр этарсан. Боқирғон буйинсунар. Бусиз улсакда сента буйинсунамиз!

Валийуллоҳнинг сўзидан сунг амири Меъмор қул бўлгандан кура улган яхши, ё бизлар билан олиш, майдонда куч синаш ёки жаллодинга буюр, бошимни олсин, дея кўкрак кериб уртага чиқди.

*Азал-азал эркин элмиз,  
Шундан балки кўрки элмиз,  
Сўз суралса, доим дермиз:  
Қул бўлгандан улган яхши.*

*Тоғнинг кўрки виқоридур,  
Эл кўрки — номус, оридур,  
Кураш Боқирғон коридур,  
Қул бўлгандан улган яхши.*

*Мугул тўкса ҳам қонимиз,  
Олса ҳам молу жонимиз,  
Бутун қолди иймонимиз,  
Қул бўлгандан улган яхши!*

Амири Меъморнинг бу сўзларидан Зобит дарғазаб бўлиб, ранги бир оқариб, бир бузариб, қулини қиличига чўзди, аммо қилич дастасини қандай тез ушлаган бўлса, шундай тез қуйиб юборди ва Меъморга захрини сочди: бу сўзларинг учун сени тилка-пора қилсам-да кам, лекин подшоҳи олам Жуна жаноби олийларининг амрини бажаришим шарт. У барча боқирғонликларни тириклай олиб боришимни амр этган.

Маълум бўлдики, Боқирғон шухрати Ҳиндистонга ҳам етиб борган, билимдон, уста, моҳир кишиларни куч билан қулга киритишга амр этган унинг подшоҳи. Қандайин ярамас усул, жирканч зуравонлик, бадқирдорлик!

Гап нимадалигини англашгач, боқирғонликларнинг газабига газаб, нафратига нафрат қўшилиб, томирларида жасур ва енгилмас аждодларининг қонлари жўш уриб, босқинчи ҳинд подшоҳини дуоибад этдилар, бор кучлари билан кишанларни парчалаб ташлашга уриниб, аюҳаннос кутардилар. Бироқ нечоғлик жаҳду жадалга минмасинлар, кишанлардан ҳалос бўла билмадилар, боз устига минг-минг ёғий аскарлари уларга ёпирилиб, ур-сур билан бирини биридан ажратиб, мадорларини қирқиб, пароканда этиб ташладилар ва дарёдаги соллар томон ҳайдадилар... Алвидо, Боқирғон!!!

Байт

*Қайғу ғамнинг қонидур руйи жаҳон,  
Эл жудолик лек ёмон ғамдан ёмон!*

## БЕШИНЧИ БОБ

Қуп эмас, оз эмас, мугул босқинидан сунг утган эллик йилча вақт ичида Хоразм давлатининг пойтахти бўлмиш Урганж шаҳри аввалги файзу баракасини йўқотиб, қулдан-қулга утган соққа каби сийқаланиб қолди. Шаҳар

<sup>1</sup> Аваш — ғалаги, тасқара.

марказидаги доврўқли Байтулҳикма — олимлар даргоҳи бинолари дарз кетган, ҳазрати Нажмиддин Кубро хоки пойини бағрида сақлагувчи муқаддас тупроқ оёқости булган, Такаш мадрасаси, Турабекхоним масжидининг нақшлари кўчган, Султон Жалолиддин Манғубердидан қолган гулшан — Темир қозик боғи ҳувиллаб, мунғайган эди.

Аммо бозорлари бутун ҳам гавжум, аввалгиларидан бир фарқи шуки, олувчисидан сотувчиси кўп, сотувчисининг эса ерлисидан келгиндиси кўп, Хоразм матоҳларидан араб ва аҷам ашелари бисёрдур. Масжидлар намоз пайтлари одамлар билан тула, мугул босқинчиларидан Хоразмда утрок булиб қолганларнинг баъзилари исломни қабул қилиб, Муҳаммад уммати бўлиб, беш вақт намозни адо этар, кўпчилиги эса асли мусулмонларга ғайри назар билан қараб, сен менга тобеъсан дегандек, димоғини кутариб, барчани оёқ учида курсатмоқчи булади.

Мугуллар келишидан аввал Урганжнинг оғизга тушган бир фазилати шу эдики, халқи мусиқага учлиги сабаб чолғу асбобисиз уй бўлмаган, уч минг хонадон дутор ва танбурга торчуп ясаб сотиб, рўзгор тебратгандан сунг бугегини узингиз билаверинг. Мугул истилосидан сунг ҳам эл бу одатини тарк этгани йўқ, фақат аввал уйларда, гап-гаштакларда шуҳ-шодон кўйлар ижро этилган бўлса, энди қайғули, маҳзун қушиқлар айтилиб, мискин-мискин кўйлар чалинади.

Ҳунармандларнинг расталар, кучаларга жойлашган тарақа-туруқ устахоналари, заргарлар, базозлар, баққолларнинг дуқонлари, қовун, балиқ бозорлари, ҳаммомлар, сартарошхоналар тонг отгандан то кун ботгунча ишни қанда қилмайди, шу жиҳатдан шаҳар мисоли қайнаб турган қозон, саси ҳам, самари ҳам аниқ-тиниқ эшитилиб, кўриниб туради.

Шаҳар дарвозасидан дабдаба билан кириб келган икки отлик, уларнинг ортида устига сандиқлар, мешлар, хуржинлар ортилган туя ва фил, катта-кичик уловларнинг бажанглиги, қунироғининг жарангдорлиги бозор-учардаги, куча-қуйдаги одамларнинг эътиборини узига қаратиб, йулларни кесиб утаётган туп-туп еш-яланг, бола-бақраларга «қоч, буюк элчиларга йул бу-шат» дея ҳукман овоз бериб, жаранг-журунг, жаранг-журунг утиб бораверди. Юзларининг қорапаранглиги, каттароқ бир қовун тилимига менғаб кетадиган бош кийимлари, қўйлакка ухшаш кенг ва узун камзулларидан уларнинг ҳиндлар эканини билиб олиш қийин эмасди.

Шаҳар кучалари ва майдонларидан тантанавор юриш қилиб ўтган дабдабали меҳмонларнинг одатда олий мартабали кишилар қунадиган شوҳона қасрга етиб, тезқадам жиловдорлар ёрдамида отларидан тушиб, виқор билан ичкари кириб кетишлари ҳам урганжликлар назаридан четда қолмади.

Баъзилар, қасри олийда ҳойнаҳой базми жамшид бошланар-ов, дедилар, кўпчилик; йўқ-йўқ, пошшо магарким пошшо буладиган бўлса асло бундай қилмайди, Боқирғонни талаб одамларини қўл қилиб олиб кетганлар додини беради, деб уларнинг оғизларига урдилар. Шу билан ҳар ким уз тирикчилиги билан андармон бўлиб кетди.

Бовужуд, баъзиларининг оғизларига урмасалар ҳам бўларкан, чунки улар тахмин этган базм эртасига, пешин чоғи, олис йул босиб келган меҳмонлар истироҳат қилиб, уйқуга тўйиб, мириқиб дам олганларидан сунг ўтказилди. Аввалги олтин тахт олиниб, урнига қўйилган курси-уриндиқда мугулларнинг узларидай калта оёқ, сариқ башара, кузлари думалоқ булиб думалоқ, қисқ булиб қисқ булмаган Хоразмшоҳ керилишга ухшаган бир баландларвоз алфозда ялтироқ тунга уралган билакларини курсининг иккала бандига ташлаб ултирар, унинг унғ томонидан буй-басти шоҳдан бир қарра баланд, елкалари кенг, эчки соқол мугул — Олтин урданинг Хоразмдаги доругаси, чап томонидан жуссаси шоҳнинг узиникидан ҳам кичикроқ, чутир юзли бош вазир, уларнинг орқасидан аъёнлар, беклар, мушриф<sup>1</sup>, мухтасиб<sup>2</sup>, сарроф<sup>3</sup>, хазинадорлар, бир-икки уламо жой олган эди. Тутрида, узларига ажратилган сербазак уринда ҳинд элчилари.

Сузлашга ишора бўлғач, узун бўйли, қотма элчи уридан туриб, уз одатларига кура иккала қўлини кўкси устида бирлаштирганча таъзим бажо

<sup>1</sup> Мушриф — молия вазири. <sup>2</sup> Мухтасиб — бозорлар назоратчиси. <sup>3</sup> Сарроф — пул алмаштирувчи.

этиб, шоҳ Рай Ропол Жуна ҳазрати олийлари саломини етказгач, ул буюк зот етти иқлимдан меҳмонларни тақлиф этиб, қирқ кеча-кундуз туй беражани тантанали равишда эълон қилиб бундай деди:

— Шоҳ Рай Ропол Жуна ҳазрати олийлари Хоразмшоҳ жанобларини дутфан туйга тақлиф этиб, уз шодумонликларини азиз меҳмонлар билан баҳам кўрмоқ умидидадурларким, бу Хоразм мамлакатига буюк ва доно шоҳимиз ҳурмати, марҳамати тарзида қабул қилинмоғига ишончимиз комилдур.

Элчи бу сузларни айтиб бир нафас тин олди ва Хоразмшоҳ юзидаги ифодаларни кўриш мақсадида кўзларини синчковлик билан унга тикиб разм солиб турди.

Элчининг бундай қилиши бесабаб эмас. Хоразмшоҳ Боқиргон воқеасини уртага қўйиб, туйини рад этиб, уз фуқароларини дарҳол жойига қайтаришини талаб қилади, деб уйлаган, кўнгли шундан нотинч эмасми, шоҳ узини қандай тутишини яна бир қарра кўздан кечирди.

Хоразмшоҳ билинар-билинимас кўз қирини муғул доруғасига ташлади, доруға билинар-билинимас унга бош силкигач, элчиға очик чехра билан боқиб, кулини оҳиста кутариб, давом эт, деган мулойим ишора берди.

Кўнгли жойига тушган элчи уз подшоҳини яна бир марта улуглаб, туй таърифига утди ва дуненинг етти буржидан подшоҳлар уз аёнлари, ҳофизлари, полвонлари билан ташриф буюражани узундан-узоқ тавсиф эттач, Хоразмшоҳ ҳам энг доврўқли, энг зур ҳофизу полвонини олиб боришга ишонч билдирди.

Хоразмшоҳ уз навбатидан нутқ ирод этиб, гап орасида саройда зур ҳофиз ҳам, полвон ҳам борлигини кистириб утиб, тақлими бажонидил қабул қилганини билдириб, буюк Ҳиндистон ва унинг буюк подшоҳи шарафига кўздан-кўп мақтов гапларни айтди, аммо Боқиргон борасида лом-мим демади. Буни элчилар Хоразмшоҳнинг буюк Ҳиндистон олдидаги ожизлигига йўдилар, лекин базмада қатнашмаётган, саройга яқин бир-икки уламо билардики, гап ожизликда эмас, балки шоҳ ҳам, унинг теласида турган муғуллар ҳам Боқиргон донишмандларининг юқори обрў-эътиборларидан чўчишарди, ҳақиқаттуй ва эрқарвар боқиргонликлар салтанатта қарши исён кутаришларидан хавфсирашарди, шу боис уларни еғийдан ҳимоя этишини исташмасди.

Илми, салоҳиятли, ҳар қандай оғирликка бардош берганда ҳам адолат-сизликка, тобеликка чидалмайдиган, доворак ва мард боқиргонликлар юртдан қанча йироқ кетсалар, ҳукмдорга шунча яхши эди-да.

Базм орасида элчи қулай фурсат топиб Хоразмшоҳга полвон ҳақидаги тақлифини эслатиб, Паҳлавон Маҳмуд шўҳрати Ҳиндистонга этиб борганини, буюк Жуна туйда унинг кураш тушмоғини истаётганини айтди. Хоразмшоҳ Боқиргон алломаларидан чўчигани каби Маҳмуд Пирёрвалийдан ҳам хавфсирар, унинг номини ешитишни-да ҳушламас эди, шундай булса ҳам Жуна истагига қарши чиқолмади, улганининг кунидан элчи талабига розилик билдирди.

Урганждаги базм ҳарорати совуб-совумай Хивага саройдан чопар келиб, Паҳлавон Маҳмуд шоҳ ҳазратлари карвонига қушилиб, кураш тушгани ҳинд подшоҳининг туйига бориши ҳақидаги фармонни эълон қилди. Шу пайтда ҳазрати Саид Алоуддин бошлиқ бир гуруҳ алломалар боқиргонликларни асирликдан қутқариш йўлларини ахтариб, бошлари бир жойга келиб, узаро мулоҳаза юритаётган эдилар, шоҳ амридан воқиф булгач, кўпчилигининг нафратига нафрат қушилиб, босқинчи шоҳ туйини ланъатлай кетишди.

Аммо ҳазрати Саид Алоуддин босқинчи шоҳдан қанчалик ҳазар қилмасин, Хоразмшоҳнинг тажовузкорлар туйига боришидан қанчалик норози бўлмасин, уз сукули маслакдоши, шогирди Маҳмуд Пирёрвалийднинг Ҳиндистон сафарини еқлаб чиқди. Дедикки, бу — Боқиргон аҳлини асирликдан озод этиш йўлида Оллоҳ таоло курсатган марҳамат булса ажаб эмас, боринг, ҳазрат, ой бориб, омон келгайсиз, Парвардигор ёрингиз булгай!

Маҳмуд Пирёрвалий узи ҳам шу фикрда эди, устод ва эл-юрт фотиҳасини олиб, белини тортиб бойлаб, йўлга равона бўлди.

Рубоий

*Е раб! Не сиринг булса, хабардор айла,  
Жаҳл уйқусидан уйготу бедор айла.*

*Афюн каби гафлат мени куп маст этди,  
Соч атрингни димогимгаю хушер айла.*

Байт

*Ҳақ деса пирлар магар, зулмат қочиб,  
Равшан айлар йулни осмон нур сочиб.*

Фард

*Йулда нелар булгаю не булмагай,  
Биргинна Оллох билур, Оллох билур!*

**Иккинчи Фасл**

**БИРИНЧИ БОБ**

Урганждан йулга чиққан маҳобатли карвон қир ошиб, дашт ошиб, сув кечиб, тоғу адирлардан утиб Ҳиндистон бораёттир. Гоҳ тошиб-жушиб ногора чалаёттир, узича донг чиқариб, тўрт тарафга доврўқ солаёттир. Олдинда қорақулог<sup>1</sup>, орқада қирқ туяси, кажаваларда бонулари, жориялари, сандиқларда лак-лак совға-саломлари, унғ қўлида доруға, чап қўлида сарқардаси, кетида ноиблари, аъёнлари, уларнинг думида ҳофизлари, созандалари, от устида гердайиб, Ҳинд подшоҳига эҳтиром курсатай деб Хоразмшоҳ бонг солиб бораёттир.

Буларнинг барчасини кузатиб, лаҳза сайин фалакнинг кажлигидан афсурда булиб, бир четда, аргумогида маъюс бораётган Маҳмуд Пирёрвалий бул ажабтовур карвонга қўшилганидан пушаймони ортанича, уни тарк этмоқ ҳаёлида бир унғай вақтни пойларди.

Ахир, эл-юрт муғул босқинидан ложарам, боши эгик, кушларнинг усти юпун, корни оч булса, нон деб йиғлаётган боласига бир бурда емак топиб бергунча оғзидан қони келаётган булса, боз устига босқинчилар унға шуни ҳам куп куриб, бошида ҳода синдираётган булса...

Ахир, эл юрагининг бир парчаси — Боқирғонни қон қақшатиб, одамларини қўл қилиб олиб кетган булсаю...

Бошига қилич келганида ҳам ёғийга тобе булмаган, тиз чуқмаган ҳазрати шайх Нажмиддин Кубро қони бу карвон томирида энди оқмасми! Ул шайхи кабир журъати-жасоратини эса эл-улус фахру гурур ила тилга олур.

ҲИКОЯТ. Ҳижрий 615, милодий 1220 йилда Чингиз угиллари Жужи, Чигатой ва Уктой бошчилигида лак-лак қушин Урганж остонасига келиб, таслим булсанг, булдинг, йўқ эса естигингни қуритаман, дея дуку дагдага солиб, шаҳарни қамал қилди. Урганжликлар бари бир булиб уз туққан масканларига кукрақларини қалқон қилганлари сабаб ёғий ҳар қанча уринмасин, қалъани олабилмади, қамал етти ой давом этди.

Ҳазрати шайх Нажмиддин Кубро «Ҳифзул-ватан мин-ал иймон», яъни Ватан муҳофазаси иймон белгисидур, дея қалъа девори устига кутарилиб, муғул сори ҳайбат ила қарашни ҳамоно ёғийнинг шашти қайтиб, оттан ўқи нишонга тегмай, оти илгаригидай чопмай, дами ичига тушиб қолаверарди. Муғуллар бир жодугарни қўлга тушириб, шайх Нажмиддин Кубро қудратининг сир-асрори нимада, деб сураганларида, ул нобакор дедиким, лашқар қалъа сори орқа утирган ҳолатда борсун, шунда шайх сеҳри таъсир этмас.

Анлоқ қилдилар. Шаҳар химоячилари бунга энди дош беролмадилар, лекин таслим ҳам булмадилар, ҳар маҳалла, ҳар ҳонадон учун жон олиб, жон бердилар. Охир-оқибат беҳисоб қушин, қурол-яроққа эга булган ёғийнинг қўли усун келди, қалъани забт этди. Маҳалла-маҳаллага ут қўйиб, тамоми халқни саҳрога чиқарди. Юз минг уйлик хунар аҳлини ажратиб олди, қиз-жувонларни лашқарига булиб берди. Қолган аҳолини ҳисоб-китоб қилиб, ҳар муғулга йигирма тўрт кишидан тўтри келди, барини қиличдан утказди.

<sup>1</sup> Қорақулоқ — подшо сафаридан хабар берувчи.

Уктой Нажмиддин Куброга киши юбориб, шайх оёқ остида қолмасунлар, ўғлон ва ушоқлари билан уйларидан чиқиб келсунлар, уни авф этиб, дағи мартаба берурмиз, деди. Ҳазрати шайх айтиб юбордиларким, мен якка эмасман. Менинг қариндошларим ва хизматкорларим бордур. Уктой айтиб юбордиким, ун киши билан келсунлар. Шайх айтдиким, ундан купдур. Ёғий айтдиким, юз киши билан келсунлар. Шайх айтди, юздан купдур. Уктой айтди, минг киши билан келсун. Ҳазрати шайх айтиб юбордиким, яхшиликда мен бу халқнинг барчаси билан ошно ва дуст-ёр эдим, энди ёмон кунда нечун буларни ташлаб борайин, йук, борабилмасман.

Ул маҳалда мугуллар ҳазрати шайх маҳалласига қуйилиб келди. Ҳазрат уйдан қилич кутариб чиқиб, бир неча мугулни уз қули билан даражаи жаҳаннамга юборди ва шаҳид булди.

Яна айтурларким, сунгги дамда ҳазрати шайх мугулнинг байроғига панжа уриб йиртиб, қулида шундай қаттиқ қисган эканки, то илгини кесмагунча байроқни олабилмадилар.

Ҳазрати Маҳмуд Пирервалий ҳазрати шайх Нажмиддин Кубро руҳи поклари дуосин қилиб, ичида тиловат ўқиб, тагин карвонни кузатади, карвон уша-уша: беуй, беандиша, ажаб-ажаб кетиб боради.

### Рубоий

Купларда фақрдан ҳеч нишон, ҳеч ном йук,  
Инсон аро бор, ҳайвон аро гирром йук.  
Соф дурга қушулса ногоҳ чиркин дуне,  
Бил, уни пок эттали ҳеч ҳаммом йук.

### Байт

Марди майдонлар қани, эрлар қани,  
Урчиди куп тулки, ит. Шерлар қани?!

### ИККИНЧИ БОБ

Карвон қир-адр, қалъа-кентлардан утиб, туғри-эгри йуллардан анча юргач, куюқ урмон ёқасидаги чорраҳада тухтади. Туғридаги йул тоққа, чаплагиси саҳрога, унғ қулдагиси урмон ичкарисига бошларди, сарбонлар ана шу охиригиси — урмон йулидан аввал ҳам бир неча марта Ҳиндистон борган эдилар, карвоннинг бошини уша томонга бурдилар.

Бу йул ҳам салдан кейин иккига бўлиниб кетарди. Сарбонлар йулнинг қай бири манзилга тезроқ элтишини уйлаб, иккиланиб, бир-бирлари билан узаро маслаҳат қиларкан, кимдир буни Маҳмуд Пирервалийдан сураш зарурлигини айтиб қолди. Унғ ендагисидан, деб жавоб берди ҳазрат. Сабабини сураганларида, курмасмисиз, деди у, оёқ изи, туёқ излари унгда купроқ, йуловчилар купроқ шундан юрганлар. Демакки, бу йулнинг бир афзаллиги бор. Чап йул хатарлидур...

Сарбонлар унинг сўзини инобатта олмадилар, иккинчи йулни танладилар.

Кун кеч булиб қолган эди, шоҳ шу урмон ёқасида, тоғ ёнбағрида тунни утказишга қарор қилгач, туялар чуқтирилиб, отларнинг юганлари олинди, юклар туширилди, чодирлар тикилди. Гулханлар ёқилиб, дошқозонлар осилди.

Ҳажми-ҳашами баравар булган, ерма-ён тикланган икки чодирнинг бири шоҳники, бири доруганики, бошқа ихчамроқлари эса катта-кичик амалдорлар, соқчилар, навкарлар, хизматкорларга тегишли эди, ҳар ким уз урнидан жой олиб, бировлар шоҳ ҳузурда булажак бозмага, бировлар уз тирикчилигига уннаб кетдилар. Чолғувчилар сато, камон ва удларини тингир-тингир созлай бошладилар.

Маҳмуд Пирервалий баланц ё паст чодирларнинг бирига-да йуламай адрдан ўйдим ва панароқ жойни танлаб, тунни шу ерда утказмоқни ихтиёр этиб, хуржунидан шолчаларини олиб тушайверди. Буни курган бир-икки сайис ва дастёр уста, қалбини иймон тарк этмаган бир-икки мўмини-муслим

ҳазрат ҳузурига бориб, бирлари утин териб, сув келтириб, бирлари гулхан ёқиб, қозон қайнатиш тарадудига тушиб кетдилар.

Муаззин азон айтди, шом намозини ўқидилар.

Мўмин муслимининг утин келтириш, сув келтиришдан мақсади ҳазратга хизмат қилиб дуосини олмоқ ва суҳбатларига кулоқ тутмоқ эди, мударраларига етдилар.

Пири муршид уларни олқаб, Қуръони карим ва Ҳадиси шарифда марҳамат этилган иноятлардан, Муҳаммад соллаллоҳи алайҳи васаллам, авлиё-анбиёлар ҳаётлари, кароматларидан ҳикоятлар сўйлағач, гап уз-узидан Боқиргон шайхлари, ватандан жудо этилганлар ҳақида кетди. Боқиргон сир-синаоти таълиф этилди.

**ҲИКОЯТ.** Бир сирли тош — харсанги бор Боқиргоннинг. Қоп-қора ва силлиқ. Йилнинг оғир-енгил келишини боқиргонликлар унга қараб билурлар. «Семириш» ва «озиши»дан табдил этурлар. Бир қадар қаттарга — семирса. Йил яхши келур, ҳосил мўл-кул булур, турли офат, қасофатлар қалъага йуламас, элнинг боши туйдан чиқмас. Магарким кичрайса, эл дастурхонидан кут-баракат кетур, хасталик, улим-йитим, уруш-жанжал куп булур. Аммоки, унинг қаттарган-кичрайганини оддий куз илғай билмас. Фақат шайхлар кура билурлар.

Йиллар сир-асрорини олдиндан билдиргани боис уни сирли санг дерлар. Унинг роишига қараб, хулоса чиқариб, уз ғамларини ерлар. Қалъа ичидаги текис жойда қандай ва қачон ул пайдо булган, ҳеч ким билмас. Фақат ёшин уч минг йил деб тахмин қилурлар. Оллоҳнинг инояти деб асраб-авайларлар.

Бир замонлар қай бир Хоразмшоҳ сирли сангга танҳо узи соҳиблик этмоқ, танҳо узи воқеа-ҳодисотларни олдиндан билмоқ ниятида уни саройга кучиртирмоққа қасд айлади. Аммо қанча сазъ-ҳаракат этмасин, тошни урнидан жилдира олмади. Охир-оқибат унинг теварагини баланд девор билан ураб, атрофига соқчилар қуйиб, амр этдики, одам зоти яқинига йуламасин, ул шохниқидур!

Йил боши — Навруз яқинлашган сайин Боқиргон шайхлари сирли санг авзойин билмоқ илнжиди деворга бош уриб келурлар, кирабилмаслар, пойтахт бориб, шох оғзидан бир гап эшитмоқ буларлар, кирабилмаслар.

Навруз келди, шох уз одамларини Боқиргон сари юборди. Улар сирли сангга узоқ-узоқ, тикилиб-тикилиб боқдилар, аммоки, на қаттариш, на кичрайиш аломатин топдилар. Шох дарғазаб булиб, шайхлар шайхи Шайхул-исломни жунатди. У ҳам тошда узгариш сезмағач, шох бул юмушни ноилж Боқиргон шайхларининг узларига топширишга мажбур булди.

Шайхлар интиқлик билан ичқари кириб, атрофини соқчилар ураб турган тошга яқин бориб, интизор кўзларини унга тикдилар, аммоки сирли сангга қаттариш-кичрайиш асарини кўрмадилар. Лекин бундан ҳайрон ҳам булмадилар, ортиқ куймаланиб ҳам утирмадилар. Фақат тазийқ ва тутқинда сирли санг қаҳур ғазаб тошига айланиб, инсон зотига башорат айтмоқлик хислатини тарқ этганидан афсус-надоматлар чекдилар, уни шу куйга солган зolim ва худбин шохни дуоибад қилдилар.

Алқисса, бир неча йил мобайнида мамлакат боши ғам-андуддан чиқмай офат устига офат ёғилиб, салтанатдан омад кетди, элдан файзу барақа кутарилди. Дағи, бир кечда Боқиргонга сел қуйилиб, сирли санг атрофидаги деворларни дарвоза-эшиклари билан купориб, лекин қалъага шикаст етказмасдан айқириб утиб кетди.

Сирли санг тагин ярқираб узининг асл ҳолатига қайтди. Элу юрт тагин кушойиш топди.

#### Фард

Бош эзмагай зуравонлик, қулликка  
Боқиргоннинг сирли санги — тоши ҳам!

Боқиргоннинг тоши шу, одамларин ана энди узингиз билиб олаверинг.

Ҳикоятни эшитиб, ҳамма уйга толиб, боқиргонликлар тақдирига ачи-ниб, уз ҳаётларининг яхши-ёмон томонларини ҳам тарозига солиб утирган аснода шох чодери томонидан думбига овози эшитилди. Унга бошқа созлар ҳам қушрилиб, одатда шохлар сафарга чиққанда чалинадиган мадҳия садолари таралди. Сунгра ҳофиз овози келди.

Йул кетидан пасту баланд йуллар келар.  
 Йил кетидан югуришиб йиллар келар.  
 Чархи дунга кимлар келиб, кимлар кетар,  
 Аммо абад яшар Давлатпаноҳимиз.  
 Ҳавас қилар баланд тоғлар шоҳимизга,  
 Эгилади дарзон боғлар шоҳимизга,  
 Шоҳимизни эгам узи берди бизга,  
 Дунё борки, яшар Давлатпаноҳимиз.  
 Етимларнинг ҳолин сураб силар бошин,  
 Ҳимматидан тукин элнинг нони-оши,  
 Подшоҳимиз юртнинг сунмас нур-қуёши,  
 Маҳшаргача яшар Давлатпаноҳимиз...

Қушиқ авжи борган сайин кутарилиб, давлатпаноҳнинг қаҳрамонлиги, довурақлиги, одиллиги, Ҳотами тойлиги мадҳ этилгач, гап муғуллар мавзусига кучиб, Чингизхон — хони кишваристондан бошлаб, унинг дунё ҳалосқори бўлмиш уғиллари, даву давра сураётган авлодларининг фазилатлари бир-бир саналаверди. Эмишки, муғуллар Хоразмга жаннат эшикларини очиб, салтанатни пойдор, заминни унумдор, раиятни саодатманд айлади...

Пири муршид бу сафсаталардан ҳазар этиб, қулоқларини қўллари билан бекитиб, иккиюзламачи, таъмагир шоиру ҳофизнинг ва қабоҳат аҳлининг дўзах утларида куюжакларини ҳаелидан утқазар экан, савқитабийиси<sup>1</sup> олис-олислардан бошқа бир садони — боқиргонликларнинг утли-утли овозларини олиб келди.

Учаётган қушлар, боринг,  
 Боқиргондан хабар олинг.  
 Эсаётган еллар, боринг,  
 Боқиргондан хабар олинг.  
 Ғорат булган боғин куринг,  
 Дашту адр, тоғин куринг,  
 Бир-бир сулу соғин куринг,  
 Боқиргондан хабар олинг.  
 Айтинг, бизлар боролмасмиз,  
 Оёқ боғлиқ, юролмасмиз,  
 Ҳолинг не деб суролмасмиз,  
 Боқиргондан хабар олинг.  
 Учаётган қушлар, боринг,  
 Эсаётган еллар, боринг...

Бу нидони эшитиб, мутаасир бўлиб, асирларни қандай қилиб озод айламак уй-ҳаелида ултирган Маҳмуд Пирервалий ёнига хизматда юрган бир пояки<sup>2</sup> аста келиб тиз чўкди.

— Аё, ҳазрат, — деди пояки, — тушимда доруғага заҳар бер, деган товуш эшитилур, ул қайдандур?

— Шайтондан, — деди пири муршид, — шайтон сўзига киргүвчи булманг.

— Даруға... бошга чиқди, ахир, — деди пояки аламзадалиқ билан.

Пири муршид деди:

— Они улдурсанг, бошқа даруға бошга чиқур. Улдурмак била иш битмас.

— Нетмоқ даркор? — суради пояки.

— Зуннорин олиб, кунглига иймон киритмоқ лозимдур, — деди ҳазрат.

— Ул қаттол ҳаргиз зуннорин бермас, — деди куюниб пояки.

— Оллоҳ билур... — деди ҳазрат.

Пояки буни албатта шундай кун келур деган маънода тушунди.

Пояки ҳам, гулхан атрофида ултирган бошқа муминлар ҳам куфр аҳлини иймонга келтирмоқ жавонмардийлар йуриги ва Маҳмуд Пирерва-

<sup>1</sup> Савқитабий — интуиция.

<sup>2</sup> Пояки — чой-чилиқ тутгүвчи.



дийнинг узи шул тарикат раҳнамоларидан эканини билишар, шундай булса-да муғуллар зулмини газотсиз, жиҳодсиз бартараф этишга ақллари бовар қилмас эди.

Эл бир нарсани билса, бирни билмас, пири муршид уз муридларига филдай бақувват булинг, аммо иймон-этиқодни устивор тутинг, унга суянинг, куфр аҳли, ганим бошига қилич уришдан кура кунглига иймон киритишни уйланг, бу сизни мақсадга етказмай қолмас, дея сабоқ беришини ҳамма ҳам билавермас, қуеш нури барча гушаларга бир хил тезликда етиб боролмасди.

Аммо муҳими бу эмас, балки пояки ва унинг дуслари қалбида ганимларга қарши ёнаётган нафрат алангаси эдики, иншооллоҳ, у беиз кетмагай, умиддан ишонч, ишончдан қувват ва журъат, бу иккисидан эса омад тугилгай!

Гулханга яна утин ташланди, у гуриллаб ёнабошлади. Тафтидан юзлар қизарди, рангидан кунгиллар ранг олди.

Шоҳ чодирда мусиқанинг тинганига анча булган, тун суқунатта чумган эди, аммо ушал чодир томондан яна садо кутарилди, у қушиқ булиб қушиқ, хиргойи булиб хиргойи эмас, қандайдир бир қолипга солинган увлашга ухшарди. Пояки кулоқ тутиб турди-да: бу даруганинг товуши, кайфи ошганида шундай увлаш одати бор, деди. Урмон ва тоғ томондан бурилар даругага жавоб қайтарди: увв-увв! Даруга овозни тагин бир парда кутарди. Бурилар ҳам. Чодир ва унинг атроф-жавониби гуе бурилар уясига айлангандай эди.

Сунг чодирдан ет тилда дағдаға, дўқ, ғала-ғовур, бир-биридан ёқимсиз, дағал овозлар кела бошлади. Маҳмуд Пирёрвалий ўрнидан туриб, этагини силкиб, хуржинини елкасига олиб, атрофидагиларга хайр-маъзур айтиб, кузатиб қўймоқчи булганларга розилик бермай, елғиз узи қўналгадан чиқиб кетди. У зулмат қаърига кириб бораркан, одамлар пири муршид олдига ингичка нур тушалиб, йулини еритиб турганини куриб хайратдан ёқа ушладилар.

#### Фард

Қат-қат булса ҳамки зулмат пардаси  
Ҳақ шуъласи ёгилганда йиртилар.

#### Рубоий

Йулинг сенинг оқ. Бил, бу қалар оқ йул йук,  
Бундай зафару шонга муваффақ йул йук.  
Ғофилу ожизга бу золимлар уч,  
Ҳушёр ва кучли бул, булак ҳақ йул йук.

#### Байт

Айласанг Ҳақ ёдини қалбингга жо,  
Истагингни Ҳақ узи эттай бажо.

### УЧИНЧИ БОБ

Тонг еришиб, олам қора либосини иткитиб ташлаб, мунаввар хилқат яқин-йироқни равшан айлагач, Маҳмуд Пирёрвалий отига миниб, урмон ёқасига келиб, чап йул қолиб, кеча узи айтган унг йулдан борар манзили Ҳиндистон сари илдамлаб кетаберди.

Кеч куз булганидан дарахтларнинг сариқ, қизғиш япроқлари чирт-чирт узилиб ерга тушар, йул ва ундан икки томонга кетган сукмоқларга рангин поендоз булиб тушалар, бутун урмон сахнига тилло тусини бериб жилоланиб ётар, шохалар ва ҳазонлар устида тудатудаб булиб, дикирлашиб, чуғурлашиб юрган қушлар, бутоқлардан бутоқларга сакрағувчи олмахонлар, узокдан бир куриниб дарҳол кўздан гойиб булғувчи жайронлар, дафъатан оёқ остидан чиқиб, патирлаб учғувчи ҳуркак тустовуқлар кимсасиз урмонга тириклик файзини ато этиб, ҳаёт нафасини уфуриб турарди.

Паҳлавон Маҳмуд узок йул юриб, қуюқ дарахтзорлар орасидан, кичик-

кичик йуллар ёқасидан утиб, гоҳ юқорилаб, гоҳ пастлаб уч кеча-кундуз деганда урмон адоғидаги чакалакзорда тухтади. Бу ер урмонга кираверишдаги уша икки йулнинг туташган жойи бўлиб, емиш қолдиқлари ва излар тарҳига қараганда шоҳ карвони яйдоқликда тухтаб ўтган. Чакалакзор чеккасида бир йулбарс боласи қонига беланиб ётар, чамаси, у шоҳ одамларига йулиқиб ўқ еб ўлган, энди эса онаси қасос истаб карвон кетига тушган бўлса ажаб эмас.

Кун пешиндан оққан эди, Маҳмуд Пирёрвалий пешин намозини ўқиб, тунни шу ерда ўтказишни чамалаган асно осмонни булут қоплаб, эрталаб бошланган шамол изгиринга айланиб, ҳаводан қор ҳиди келабошлади. Ортиқ бунда туриш иложи қолмагани, йул юриш ҳам хатарли бўлгани сабаб ҳазрат чакалакзор қибласидаги тепаликка чиқиб, қулай бир қуналга топиш илинжида атроф-теваракка разм солди ва кун чиқар томонда элас-элас тутун таралаётганини куриб, одам зотини учратишга умид боғлаб, от бошини уша ёққа бурди.

**РИВОЯТ.** Қор буралаб-буралаб ёғди, заъфарон дов-дарахтлар устига тун оппоқ қурга ёпди. Маҳмуд Пирёрвалий узоқларда ингичка-ингичка буралиб юқори ўрлаётган тутунни мулжал олиб, усти бир пасда қалин қор билан қопланган қалтис суқмоқларда отини авайлаб ҳайдаганча илгарилаб бора-верди.

Кенг ва текис яйловни, ҳосилдан бушаниб, оқ чойшабга ураниб ухлаётган далани, суви яхлаган ариқ ва омонат куприкни ортда қолдириб, мурилари тутунли, тевараги теракли, юз-юз эллик уйли Соҳилзамон мавзёсига кириб борди. Уйлар бусоғасини қор босгани, ҳовлилар саҳнида тунка, оғоч-юғочларнинг бетартиб сочилиб ётгани мавзё аҳлининг саранжом-саришталикка эътиборсизлигидан нишона бўлса, даричаларидан чироқ нури баробарликда сархуш, ширақайф овозлар, бир-бирини босиб кетувчи саркаш садоларнинг баралла таралиб туриши соҳилзамонликларнинг кайф-сафога ўчилигидан дарак берарди.

Узоқ ва тинимсиз йул босгани туфайли оти толиққан, қор-аёздан жисм-жони озорланган Маҳмуд Пирёрвалий тунни шу онулда утказмоққа қарор қилиб, чироғи ёниқ уйлардан бирининг эшигини қоқиб, ота-боболар удуминни тутиб, Худо йулига меҳмон олгувчи борми, деб сураган эди, ичкаридан рад жавоби эшитилди. Иккинчи эшикни қоқиб курди, у ердан ҳам илтифот топмади, нарироққа утиб, бошқа хонадонлардан марҳамат кутди, аммо ҳамма жойда муомала бир хил, меҳмондан ҳамма безор, ҳар ким ўз машағати, кайфу сафоси билан машғул, узидан ортмас эди.

Паҳлавон Маҳмуд қаҳратон кечада узининг бошпана тополмай қийналганидан эмас, балки овул одамларининг муомаласи ва ювусизлигидан дили оғриб, куп лоҳарам бўлиб, орқага қайтишни, урмонда паналашни ҳаёт қилиб турган эди, баногоҳ қўчада уч йигит пайло бўлиб, бир-бирига қор отишиб, кулишиб-қийқиришиб келаверишди. Уз овулларида бемаҳал бегона отликни курган ширақайф йигитлар эрмак топилганидан қувониб унга яқинлашиб, йул бўлсин сураб, қизик устида эшиги очик битта хонадонга борадиган йулни курсатиб ҳам қуйишди.

Йигитлар истеҳзоли кулишганча утиб кетишди, уларнинг масҳараомуз кулишлари сабабини англаган Маҳмуд Пирёрвалий очик эшикдан ичкари кирди, ана шунда узи уйлаган воқеа рўй берди.

Хона нимеруг, рангин шамлар деворга илинган ярим яланғоч эркак-аёллар сувратларини, ҳарир чойшабли, пар ёстиқли кат, аяик терисидан тикилган поёндоз устини ғира-шира ёритиб турар, девор билан битта қилиб қурилган нақшинкор учоқда утин липиллаб ёнар, духоба болишга ёнбошлаган гузал бир жувон эса хуррам оёққа қалқиб, шахло кузларини сузиб, қалам қошларини уйнатиб, нозик-нозик жилмайиб, турга тақилар ётар эди.

Жувоннинг кунгир сочлари битта урилиб орқасига ташланган, буйнида зуннор, эғнида тизза баробар юпқа ипак қуйлак, булиқ кукраклари ярим очик, тиззасидан пасти белибос, оёғида ялтироқ шиппак, бармоқлари сочининг рангига монанд буялган...

Аёл жисмидаги шайтонни ҳайдаб чиқармоқни кунглига тугган Маҳмуд Пирёрвалий Бисмиллоҳир раҳмонир роҳийм деб пустини ва этигини ечиб маҳнаш курсатган пар ёстиқли булмага эмас, балки утинининг ярми ёниб, ярми учган учоқ ёнига бориб, оҳиста тиз чуқиб, тунгиган бармоқларини оловга тутди. Эраса, учай-учай деб липиллаб турган ўт ҳали ёниб улгурмаган

утига утиб, унинг ҳаётбахш нафасидан гуриллаб ёнабошлади. Жувон ҳайратдан лаб тишлади.

Маҳваш бу муъжизани ҳазм этиб улгурмай тагин бир синоат рӯи берди. Гира-шира ёришиб турган хонани дилини аллаловчи оқ шуъла чулғаб, гуша-гушагача шундай равшан торгдики, уйна не рангу не ашё бўлса, бари чарақлаб куринди, ҳатто жувоннинг анчадан бери йўқотиб юрган тилла узуги гултубак ичида жило сочди, эскирди деб бир чеккага ташлаб қўйган мунчоги худди ҳозиргина заргар қўлидан чиққандай ялт-юлт товланди.

Шуъла девордаги ярим яланғоч эркак-аёллар сувратларини бошдан-оёқ, нуқта-нуқтасигача ёритиб юборди. Шунда аёл ўзи чиройли деб ҳисоблаган сувратларнинг нақадалар хунук эканлиги, авратлари бекилиб-бекилмай турган вужудларнинг дағаллиги, очиқ кукракларнинг бесунақай осилиб-тарвақайлаб турганини куриб, уларни куз-куз қилиб қўйганига ҳайрон ва пушаймон бўлиб, беихтиёр девордан бир-бир юлиб ола берди.

Дафъатан аёл сездики, хонани мунаввар этган бу оқ шуълалар аввало ўзининг қалбига кириб, куфр томирларини қирқиб, дилига сайқал бериб, ундан деворларга, ашёлар устига сочилган, яхши-ёмонни кузига очиқ-равшан курсатиб қўйган экан. Жувон дарҳол ичкарига кириб, очиқ жойларини бекитадиган қўйлак-лозим кийиб чиқди-да, ўзининг қузини очган, уй ва қалбини оқ шуълалар билан мунаввар этган алпқомат, хушеуврат, Хизр сиймо меҳмон пойига бош қўйди.

Фаҳшни узига касб-кор қилиб келган бу дули маҳваш шу тариқа зуннорини иймон нурига алмаштирди, ҳазрати Маҳмуд Пирёрвалийнни пир тутиб, унга мурид бўлди. Элга садақа берди. Бори Соҳилзамон кишилари лири муршидага қул бериб, иймонга кирди.

### Рубоий

Баҳор гулидан қишда ёнган утин соз,  
Румий атласдан парча намат ботин соз.  
Маҳмуд Пирёрвалий сўзин қулоққа ол,  
Беҳайр одамдан ул дули хотин соз.\*

### Байт

Кирса дилга нури иймон, бегумон  
Куфру фаҳшу фосихат топмас омон.

### ТУРТИНЧИ БОБ

Шоҳ карвони кетган йул Зербодхин туқайининг ичидан утар, у Маҳмуд Пирёрвалий таълаган йулга нисбатан бироз яқин булгани билан эгри-бугри, пасту баланд эди, аммо шоҳ сарбонлари отларнинг учқурлиги ва навкарларнинг кучига таяниб, тождорларини тўйга тезроқ етказмоқ ниятида шу роҳи машаққатдан юришган, эндиликда кетма-кет азоб-уқубатлари бошдан кечириб, пушаймонлари ортиб, узларини узлари койиб, ич-этларини еб боришарди.

Зербодхин туқайи филлар, каркидону сиртлон, йулбарсларга макон, унга кирган одамнинг, қанча баҳодир булмасин, омон чиқмоғи даргумон, ҳар қадамда йиртқишлар улжа пайида тишларини қайраб юришар, ҳатто бугун бошли карвонлар дуч келиб қолса ҳам тап тортмай унга ҳужум қилишарди. Шоҳ карвони ҳам худди шундай ҳамлага учради.

Икки томони қуюқ дарахтлар билан қопланган тор йулдан утиб боришаркан унгу сўлдап баҳайбат сиртлонлар қуюндек отилиб чиқиб, карвон кетида етакда келаётган захира отларга қўққис чанг солиб, йиқиб-босиб, букиришиб қиёмат-қойим харасат кутаришди. Аросатда қолган соқчи ва навкарлар қутурган маҳлуқларга яқин йулашга журъат этолмай камонларидан ўқ узган эдилар, отилган бари ўқлар худди нулат қалқонларга урилгандек сиртлонлар танига даҳл қилолмай сачраб кетаверди.

Кузлари қонга тулган сиртлонлар отларни бир чеккада қолдириб,

\* Муаллиф таржимаси.

навкарларга қарши ҳужумга утиб, одам бўйи баробарида сакраб, қилич ва найзаларни писанд этмай отликларнинг оёқлари, қўлларига оғиз уриб, қон устига қонлар оқизди. Буқадек келадиган ҳайбатли сиртлон бир суворий отини йиқитиб, эгардан учиб кетган навкарнинг устига миниб, ҳаш-паш дегунча бугизлаб, бўйнининг катта бир бўлагини узиб олиб, узини дарахтлар орасига урди. Ундан андоза олган бошқа сиртлонлар қонига буялган отларни тишлаб-тортқилаб, судраб, емишларини тишларига қисиб, қарвон аҳлини доғда қолдириб бир пасда куздан ғойиб булдилар.

Маълум булдики, сиртлон бугизлаб кетган суворий мугул, мугул булганда ҳам даруганинг суюкли дастарларидан экан. Ана шундан кейин бошланди тарафқашлик, хоразмликни мугулга ёвқур деб аташлик. Даруга айтади. Нечун сиртлон келиб-келиб мугулни бугизлади? Хоразмшоҳ жавоб беради. Касофат. Сиртлон бу мугул, бу хоразмлик дерми? Ундоқ эмас, дейди даруга, сенинг навкарларинг узларини панага олишиб маним суюкли суворийимни маҳлукка ем қилишди. Хоразмшоҳ қараса, иш чапоқ. Мабодо даругага ён босмаса, тожу тахтидан жудо буладиган. Алқисса, у нечун сен ўлмай қолдинг, нечун мугул ўлди, дея навкарларнинг бошида янгоқ чақабошлади.

Бундан даруганинг кунгли таскин топгани йўқ, суворийси билан ёнма-ён булган навкарларни қатл этишни уртага қўйди. Бизда не айб, деди навкарлардан бири — Муҳаммад деган алп йигит, мугул суворий абжир булса, сиртлонга узини бугизлатиб утирмасди... Даруга буни бутун мугул аҳлига ҳақорат деб атади ва навкарни шу оннинг ўзида отга судратиб ўлдиришни талаб этди.

Хоразмшоҳнинг икки қоши орасида нухатдай тугун пайдо булди. Муҳаммад навкар унинг ишонган йигитларидан бири, метин қалқони эди, бундан ташқари... у мутлақ айбсиз эди, ахир! Уни қатл этса, Оллоҳ даргоҳида нима деб жавоб беради?

Шоҳ пешонасидаги нухат тугунча янгоқча келди. Даруга тагин қисталанг қилди. Отга судрат. Судрат!

Йўқ, деёлмади қулпошша... Муҳаммадни отга судратишди. Беайб йигит жон бераётиб Хоразмшоҳ томон қон туфуриб деди: Ай, қулпошша...

Хоразмшоҳ қалбда титроқ қўпди. Юзига қон тепди. Кунглига қачонлардир сепилган уят уруги ниш урди... Унинг мева беришига шоҳнинг ўзи бир ишонар, бир ишонмас эди...

## Фард

— Фосиқ пошшо қай пошшо?

— Ёвга тобе, қул пошшо.

Дами ичига тушган қарвон йўлда давом этаркан, оғзи куйган қатиқни пуфлаб ичар дегандай йиртқич ҳайвонлар ўқда турсин, беозор зог-зоғонлардан ҳам ҳалиқсираб, яна бир лаллайган мугулни бури-мури еб кетмасин дея эҳтиёт чорасини қуриб, турт-беш хоразмий навкарни биттадан мугулий суворийга қалқон қилиб, ғам-андуҳга тулиб юра-юра икки йўл туташган чақалақзор олдига етканда қош қорайди.

Қозонлар осилган пайтда оёқ остидан яна бир касофат чикди, туғрироғи, даруга ухлаб ётган иллонинг бошини босиб, тагин бало орттирди. Бежавотир, тинчгина уйнаб юрган йўлбарс боласини отиб, суюкли дастарини бугизлаган йиртқичдан гуеки уч олган булди. Билмадики боласини ўлдиргани йўлбарс изига тушмай қолмас.

Ортиқ бу ерда қолиш мумкин эмаслигини сезган сарбонлар гарчи тун кирган, туқай қоронғулик қаърига чуққан булса-да, қарвонни олға силжитишди. Қули камонли, боши дубулғали, қукси қалқонли соқчи ва навкарларнинг олди ва икки енига фонусчиларни қўйиб, оёқ йўлни ғира-шира еритиб, сомон йўлини мулжал олиб, унниқиб-сунниқиб бораверишди.

Баногоҳ орқадан дод деган овоз эшитилди. Бутун қарвон орқага ўгирилди. Қурдики, укирик йўлбарс бир чавандозни оти билан йиқитиб, тагига босиб ғажияпти. Уст-устига унга ўқ ўзишди, аммо йўлбарс ўқ ёмғирини писанд этмай тилкаланган чавандозни кўйиб, отликлар туласига ташланиб, аввал бирини, сунг иккинчисини йиқитди. Кимдир унга зарб билан қилич урган эди, бошидан қон оқиб, олд оёқлари буқилиб, бир йиқилдию алҳол узини унслаб, уридан қалқиб туриб, шундай букирдик, туқай ларзага келиб, бусиз ҳам ўзи ваҳимали булган тун даҳшатли зимстонга айланди.

Йулбарс буйни, биқини, думгазасига узун-узун камон уқлари санчилиб. қадалиб қолган булса ҳам, бошидан қулоқлари оша қон оқиб турса ҳам, жисмини турт томондан ханжар тилса ҳам қилич ва найзалар деворини ёриб утиб, туппа-туғри даруга томон уқриб, тупиниб бораверди. Даруга жаҳаннамга кетишини сезган Хоразмшоҳ ўз соқчиларини, заҳира навкарларни битта қилиб йулбарс устига ташлади. Уни бир неча жойидан чопиб, танига найзалар санчиб, чор-атрофини ураб боришар, аммо йулбарс шунда-да қочишга уринмас, боласининг қотилини излар, уни тополмай аламидан ўқирар эди.

Қолдан тойган йулбарсни турга қамаб тутиб олдилар. Шунда ҳам у жон берай демас, сўниб бораётган кузлари аламли жовдирар, урнидан турмоқчи, турни ёриб ташламоқчи булар, лекин бунинг уддасидан чиқолмай аччиқ-аччиқ наъра тортар эди. Бу унинг армон саси, қонли йиғиси эди.

Йулбарснинг улишини кўриб-кузатиб турган хизматкорлар — мусулмонлар наздида у оддий бир йиртқич эмас, балки солир қилган гунҳоқлари учун карвон устига юборилган офат эдики, то Ҳиндистонга етиб боргунча бундай кургиликлардан бошлари чиқмади.

#### Фард

Фалак тарозуси ишлар бехато,  
Экканини олур ҳамма ҳам.

#### Байт

Паст этма инсонни ҳайвондан, ёраб,  
Бандангни айирма иймондан, ёраб.

#### Рубоий

Тун бошқоронгу... турса, шояд курамиз,  
Найлайди давр айланиб ғоят, курамиз.  
Умр аввали не, курган эдик, хайрият,  
Умр охири не булур, ниҳоят, курамиз.

### БЕШИНЧИ БОБ

Мултон бозорига етти иқлимдан карвон келади, Рум ва Чинмочин, Бағдод ва Эрон жаҳоирлари, гиламлари, чиннилари, Хоразм шерозий териларининг энг сара ва нодирлари ана шу бозорда бўлади. Қайси бозорда неъмат куп булса, билинги, уша ерда гап ҳам бисёр. Ҳар бир тужжор уша нодир неъматига қушиб камида икки-учта тутилмаган гап ҳам олиб келади.

Дуненинг нари-берисидан келган гаплар орасида Ҳиндистоннинг узига, хусусан, Мултон қалъасига, унинг теварак-атрофидаги шаҳарлар, катта-кичик элат-овулларга оид олди-қочди янгиликлар алоҳида урин тутади. Бу, аҳир, ҳиндларнинг уз қитиқ патларига тегувчи гаплар, миш-мишлар, шовшувлар... Шавкатли шоҳ Рай Ропол Жуна туйига ҳозирликдан тортиб ишқибоз баққолнинг яқинда болалаган бева мушугигача булган антиқа гаплар бозорнинг бир бошидан кириб, чиқиб кетишга эса йул тополмай эғиздан-эғизга утиб юраверали, юраверали.

Бозор оралаган гаплардан бири хоразмлик асирлар, уларнинг Абркон қалъасида курсатаётган муъжизалари булиб қолди. Абркон — Ҳинд дарёсига яқин, адр билан тоғ оралиғида жойлашган, мултонликларнинг таъбири билан айтганда — жин урган, алмисоқдан қолган қалъа. Дарёга яқин булгани билан тепада жойлашгани сабаб сувга зор, қакроқ, деворлари, томлари қулаган, одамлари тирикчилик азобларига чидамай ҳар томонга кучиб кетган.

Миш-миш гапларга қараганда хоразмлик асирларни уз юртидан юлиб олиб келган Зобит Абрконни обод этсанлар, сенларни озод қиламан, деб ваъда берган экан. Хўп, биз қалъани тиклаб берамиз, дейишган унга хоразмликлар, магарким сузингнинг устидан чиқмас эсанг, улигингни дардан ахтараверсинлар.

Қизиқ-қийтиқ хангомалар бозордаги гавжум саройларда, хусусан, жаноҳирлар растасининг курки ҳисобланмиш Заргар полвон дукони атрофида купрок урчигани сабаб шу ерга етганда харидорлар кулоқларини динг қилиб, нари утолмай, узларини мол саралаётганга солиб, туп-туп булиб туришаверади.

Заргар полвоннинг узи булар-булмас миш-мишларга кулоқ тутаверадиган, гап уғирлайдиганлар сирасига кирмайди. У камгап, камсуқум, ҳунари заргарлиғу кори полвонлик, рангин тошларни нафис гул шодаларига айлантиришини унга чиқазган, қурга жон киритиб, номдор полвонларни доғда қолдириб, солим бўлишини, довораклик, чапдастликни унга берган. Буйи қирқ йиллик эмандай, икки юзи анордай, пайлари пулоддай, кузлари қора тошда қора қилни кўрадиган, одамларга хайри тегадиган гўч ва солиҳ бир йигит.

Миш-мишларни минг эшитмайин деган билан бири булмаса бири бу кулоқдан кириб, унисидан чиқиб кетса, баъзилари мияда урнашиб, кишини уйлантириб қуйинчи ҳам бор. Заргар полвонни уйлантириб қуйган нарса хоразмлик асирларга ҳинд зобити берган ваъда, ундан ҳам қура уша ваъданинг бузилиш эҳтимоли бўлди. Зобит уларни осонгина қуйворармиди?!

Заргар полвон мусофир асирларга ичи увишиб, уларга бирон ёрдам бериш йулини уйлаб, қули ишлаю хаели Абрконда булган чоғда нотаниш бир харидор ассалому алайкум деб дуконига кириб келди. У қуринишдан ҳиндларга ухшамас, оқ юзли, бургут бурунли, қирқма соқолли, шерози телпакли, гавдасидан куч ёғилиб турган уқтам йигит эди. Оддий харидорлардан булмаган бу йигитни Заргар полвон ичкари бошлаб, олдига чой-нон қуйиб, мақсад-муддасини билай деб сузга оғиз жуфтлаган дамда меҳмон қудимсираб ҳамёнини очиб, бир неча жавоҳирни авайлаб дастурхон четига қўйди. Уларнинг бири ёқут, бири жавҳар, бири олмос, бири лаъл эдики. хонада гўё камалак пайдо бўлдию уз турфа ранглари билан уни безаб, остонасидан туригача, пастидан шифтгача еритиб, нурлантириб юборди.

Умр буйи қулида зар тутиб, зар ишлаб келаятган Заргар полвон ҳали бунақасини кўрмаган, ҳар битта жавоҳир узидан бир неча ранжилю сочишини, уегидан қарасанг ой булиб товланишини, бугегидан қарасанг қуеш булиб порлашини томоша қилмаган эди, кузлари ёниб, хайрати ичига сигмай нуқул тасанно, тасанно дерди. Одатда олди-сотди пайтида тортишиб-талашиш, олинаётган молни журттага камситиб, нархини тушириш деган гаплар буларди, бу гал Заргар полвон ундай қилмади, йигит жавоҳирларни сотаман дейиши ҳамоно баҳосини сурадию пулни жарақ-жарақ санаб бераверди.

Жавоҳирларнинг бебаҳолиги уз йулига, аммо Заргарни Ҳотами тойга айлантирган нарса сотувчининг хоразмлик асирлардан булиш эҳтимоли эдики, бу ҳақда гап очиниша полвон истиҳола қилар, шу билан бирга, қандай булмасин сирнинг тагига етиш мақсадида йигит кунглига йул ахтарарди. Аммо йигит бировга сир бой берадиганлардан эмас экан, қайдан буладилар, қайга борадилар, деган саволларга мужмал-мубҳам жавобларни бериб, сувдан қуруқ чиқиб кетди.

Заргар полвон азбаройи асирларга ёрдам бергиси келганидан ва жавоҳир сотувчининг хоразмлик эканига ич-ичидан ишониб турганидан дуконни шогирдларига тошшириб, отини бозор дарвозаси олдига олиб бориб туришини хизматкорга тайинлаб, аста йигитнинг кетига тушди. Ташқарида ҳиндга ухшаманган яна бир йигит турган экан, йигит уни эргаштириб, аввал чигтарлик растасига бориб, икки тахлам газмол харид қилди, ундан телпақ, пойафзал бозорига, ундан смак дуконларига, темирчи устахоналарига утиб, турли-туман, оғир-енгил матоҳларни сайлаб-сайлаб харид қила-қила бозор дарвозаси олдигаги майдонга етиб, узи бир оға қуниб, шеригани бир отта миндириб, бари хуржунларни фил устига юклаб, қиблага — Абркон томонга йул олди. Заргар полвон ҳам отига миниб, уларга сездирмай, аста-аста қора олиб бораверди.

Иккала йигитга қараганда ҳам йулни фил яхшироқ биларкан, шаҳардан чиқишлари билан олдинга утиб, отлиқларни олға бошлади. Ҳинд дарёси буйига етгач, улар пича тўхтаб, намози асрни адо этиб, яна соҳил бўйлаб илгарилаб кетаверишди.

Дарё поёнсиз адрлар этагига етганида ундан битта ирмоқ ажраб чиқиб, унга — Панжоб томонга кетади, беш-олти чақиримча йул босганидан сунг у

тагин иккига булиниб, бири Лоҳурга, биттаси эса Абрконга қараб оқади. Йигитлар шом намозини ана шу жойда — ирмоқ иккига ажралган соҳилда уқиб, яна отта минишди.

Абркон остонасига тунда — тулин ой тикка қутарилган дамларда етиб боришди. Қалъа олдида турган соқчилар отликларни тўхтатишган эди, йигитлар фонусларини ёқиб, хуржундан у-бу нарсаларни олиб, соқчилар қўйнига солиб, осонгина утиб кетишди. Заргар полвон хинд фуқароси эмасми, йул очик, соқчилар билан икки оғиз омон-эсонлик сурашди-да, йигитларни йўқотиб қўймаслик учун отини ниқтаб, тезгина уларнинг изига тушиб олди.

Одамлар худди соққалардек ҳар томонга сочилиб, шаҳар хувиллаб қолганидан бери Заргар полвон бу ерга келмаган эди, ой ёруғида вайроналар аро унда-бунда янги иморатлар кўзга ташланар, онда-сонда булса ҳам кўчаларда одамлар, от-аравалар учраб турар, буларнинг ҳаммаси улик қалъага қайта жон кирганигидан далолат улароқ полвон кунгўлга илиқлик бахш этар, лекин юртларига қайтиш умиди билан шаҳар қураётган асирлар Зобит тузоғига илинишини ўйлаб, тагин кунгли хира тортарди.

Даричаларидан гира-шира нур чиқиб турган, дарвозали, кунгурали янги иморат олдида йигитлар отларидан тушдилар. Заргар полвон отини бир чеккага боғлаб, паналаганча иморатга яқин келиб, йигитларга разм солиб турди. Улар аввалига дарвоза томон дадил йуналдилару сунтра ичкаридан чиққан мунгли навога қулоқ тутиб, дарича олдида тўхтаб қолдилар. Заргар полвоннинг ҳам вужуди қулоққа айланиб, маҳзун қўшиққа берилиб, аламли сузлардан юрак-бағри эзилиб, кипригига нам қалқиб, ичидан тошиб келаётган тугенни аранг босиб турарди. Қўшиқни паст пардаларда бошлаган ҳофизлар дам сайин авжини кутариб, нолага-нола, фигонга-фигон улар эдилар.

Неча тундир тушларимга кирар Жайхун,  
Қаттиқ-қаттиқ тошларга бош ураб Жайхун,  
Боқиргоннинг аҳволдан дарё маҳзун,  
Боқиргонни соғиндим мен, Боқиргонни.  
Боқиргоннинг оқ гуллари сўдиларми,  
Боқиргоннинг булбуллари улдиларми,  
Юрак-бағрин галамислар тилдиларми,  
Боқиргонни соғиндим мен, Боқиргонни.  
Ут-оловсиз тандир-учоқ мунгайдандир,  
Киндик қоним томган тупроқ мунгайдандир,  
Эгасини йўқлаб боғлар йиғлагандир,  
Боқиргонни соғиндим мен, Боқиргонни.  
Шамол эмас ул томондан неча кундир,  
Тушга кирмас гумбазлари неча тундир,  
Бағрим хундир, бағрим хундир, бағрим хундир,  
Боқиргонни соғиндим мен, Боқиргонни.  
Учай дерман, учолмасман, қанотим йўқ,  
Ё остимда қанотли бир гиротим йўқ,  
Ёт элларда суянчим йўқ, нажотим йўқ,  
Боқиргонни соғиндим мен, Боқиргонни!

Қўшиқ тугагач йигитлар ичкари кириб кетишди. Заргар полвон энди асирлар билан очик гаплашиш пайти келганини, бу иморат уларнинг раҳнамоларидан бирига тегишли эканини сездди, дарвозани тақиллатишга чоғланган ҳам эдики, ичкаридан уша жавоҳир сотувчи йигит чиқиб келди ва эрталаб заргарлик дуконда қандай сипо, хушмуомала булган булса, худди шу тарзда полвонга мулозимат курсатиб, уни хонадонга тақлиф этди. Маълум булдики, орқаларига одам тушганини йигит бозордан чиққандаёқ сезган, аммо сир бой бермай истараси иссиқ заргардан ёмонлик чиқмас деган ҳаёлда уни шу ерғача эргаштириб келаверган. Дарвоза қопусидан ичкари киришайтганда йигит Заргар полвонга: Валийўллоҳ сизни кутмоқдалар, деди кулимсираб.

Гап нимадалигини Заргар полвон эндигина сувоқдан чиққан кенг хужрага кириб, хоразмлик шайхлар ва уларнинг раҳнамоси Валийўллоҳ билан учрашгандан сунг англади. Ошпоқ соқоли куксини қоплаган, хушсуврат Валийўллоҳ Заргар полвонни хужра турига, уз ёнига утқазиб, дуога қўл очиб,

салавот уқиганидан кейин Жаъфарбек (жавоҳир сотувчи) ҳамма гапдан хабар берганлигини айтиб:

— Сени бизга Худо етказди, кел, энди, дилингни оч, йигит, — деди.

Заргар полвон паҳлавонлар паҳлавони ҳазрати Маҳмуд Пирёрвалий юртдошларини қўлашдан булак муддаоси йўқлигини айтиб, бу йўлда бор давлати, молу жонини нисор этажагини билдирди.

Валийуллоҳ заргар сузларидан хурсанд бўлиб, ўз шуур кузгусида қуринган битта сирдан — Паҳлавон Маҳмуд шоҳ Жуна тўйига келаётгани, шу дамларда урмондан Мултон йулига чиқиб олганидан уни огоҳ этди. Ва дедики, тезда йўлга отлан, э биродари муҳтарам, Маҳмуд Пирёрвалийга пешвоз чиққил, унга айтгил, шоҳ тўйи утмагунича Абрконга ташриф айламан...

Заргар полвон Маҳмуд Пирёрвалий Ҳиндистонга келаётгани ва юртдошларининг муҳим ахборини унга етказажидан шодумон бўлиб, Валийуллоҳга қуллуқлар айтиб, саҳар мардонда йўлга чиқмоқликка жазм этди.

### Рубоий

То борки жаҳон, дардига тadbир бул сен,  
Жавлон қилибон, марду жаҳонгир бул сен,  
Қудрат ва саботинг бу — замин мазмунидир,  
Дастингда ўзинг ҳамиша шамшир бул сен.

### Байт

Субҳидам, тун пардасини пора эт,  
Шуълани тун қорасига чора эт.

### ОЛТИНЧИ БОБ

Шоҳ Жуна тўйи яқинлашгани сайин сарой худди қозондек қайнаб, амалдорларнинг оёғи олти, қули етти бўлиб, ҳар бири ўзига топширилан юмушни беками-куст адо этиш учун молини ҳам, жонини ҳам аямай, керак бўлса осмондаги ойни-да узиб бергудек жаҳду жадал билан ким ўзига берилиб кетган эди. Биттаси олтин товоқлар, биттаси олтин қовоқлар тайёрлатиш билан банд, бирови тўйга келаётган олий меҳмонларни кутиш, яна бири тўйхонага оро бердириш билан машғул.

Сарой хазинабони чекига бир қарашда оддийгина, лекин аслини олганда жуда нозик юмуш — полвонлар беллашувига ҳомийлик этиш вазифаси тушган. Нозиклиги шундаки, беллашувларда охир-оқибат ҳинд паҳлавони голиб бўлмаги даркор, чунки унга шоҳ Жунанинг меҳри тушган, унинг ечишидан усти-бошигача сарой гарданида, мабодо паҳлавон мағлуб бўлгудек бўлса, биринчи навбатда хазинабон — ҳомийнинг нуфузи кетади.

Паҳлавон абжирликда абжир, бутун ҳинд элида унинг олдига тушадигани йўқ. Аммо белини бойлаб тўйга келаётган полвонларнинг ичида бир полвон — Хоразм мамлақати баҳодири Паҳлавон Маҳмуд таъриф-тавсифи хазинабонни уйлантириб қўйди. Хивага бориб келган элчиларнинг гапига қараганда Паҳлавон Маҳмуд яққаш полвон бўлиши баробарида авлиеи аъзам ҳам эканки, ҳинд паҳлавони минг зур бўлгани билан унга бас келиши амри маҳол.

Хазинабон паҳлавон жисми ва руҳиятини янада тоблаш чораларини куриб, уни Мултоннинг боғи эрамларидан бирига утқазиб, куч-қувватни оширадиган тансиқ емаклар, нодир гиёҳларни олдига қўйиб, умри кураш тушиб утган уста полвонлардан дарс олдираётган эди, элчиларнинг сузларини эшиттанларидан сунг бошқа бир тadbир топмаса бўлмас, деган тухтамга келди.

Аввалига Хоразмшоҳнинг келишини пойлаб, карвон аҳлининг оғзини искайман, полвоннинг нозик бир жойини топарман, деб уйлади. Аммо карвон келиб, шоҳ ўнида Паҳлавон Маҳмуд йўқлигини, унинг ҳали йўлда эканлигини билгач, бирон чора қуришдан олдин полвон таърифини хоразмликларнинг ўз оғзидан эшитмоққа майл этди. Айғоқчиларини уларнинг орасига қўйди. Навкарлар, ҳофизлар, сайислар бир овоздан, Паҳлавон



Маҳмудга тенг келадиган полвон бу оламда йуқ, дейишган. Хазинабон бунга қаноат этмай одил булар деб қарвон ичидаги муғуллар фикрини урганди. Улар Паҳлавон Маҳмуд дегани бир муъжиза, биз хоҳлайлик-хоҳламайлик, унга мағлублик ёт, деган гапларни айтишди.

Шундан кейин хазинабон бошини қашлаб, қошини чимириб, ҳаёл дарёсига узоқ гарқ булиб кетди. Дилини уртаган саволларнинг жавоби битта будди: Магарким, хазина калити бундан буён ҳам илгимда булсин десанг, Хоразм баҳодирининг йулини тус, уни Мултонга келтирма!

Хазинабон енг шимарди, Паҳлавон Маҳмуднинг қайси йулдан келишини аниқлатиб, уз айғоқчилари ва шотирларини хуфена уша томонга жунатди.

### Байт

Молу дунёга ҳавас қуйса киши,  
Макру ҳийлаю риё булғай иши.

Заргар полвон бу вақтда Зербоджин туқайдан Мултонга келадиган йулга чиқиб, иккала томони баланд тепалик билан қуршаб олинган тор уталиқ жойини топиб, ҳазрати Маҳмуд Пирёрвалий йулига муштоқ булиб утирган эди. Бир пайт кузи Мултон томондан ҳовлиқиб келаётган беш-олти отлиққа тушди. Отларни тасирлатиб суришларига қараганда улар шум ниятдаги одамларга ухшарди. Заргар узини унг тепалик четига олиб, отлиқларни кузата бошлади.

Улар йулнинг аини шу тор жойига келиб тухтадилар. Ен-атрофни кузатиб, бир-бирлари билан шапир-шупир гаплашиб олиб, отларга ортилган юқларини тушириб сўл тепалик панасига жойлаштирдилар.

Орадан сал утгач, ғайришаръий бир юмушга — йулни бузиб кавлашга тушдилар. Бу йул одатда кам қатнов, онда-сонда бир-икки сайёҳ ва соҳилзамонликлар утади демаса, кимсасиз ҳувиллаб ётади. Йул бузилиб қовлана бошлаганидан то каттакан чуқур-ура тайёр булгунга қадар атиги икки эшакли деҳқондан булак жон зоти кузга ташланмади. Ура қовловчилар уларга сўл тепалик енидан айланиб утиб кетишни буюришди.

Шотирлар урани чат, шох-шаббалар билан ениб, устига енгил тупроқ тортиб, йулни «аввалги ҳолига» келтириб қуйганларидан сунг Заргар полвонга уларнинг қабих ниятлари мутлақо аён булди.

Кузга қуринмас урадан Мултон томонга икки юз қадамча юқориди бир, худди шундай масофада туқай йулига бир одам қуйиб, мабодо оқ отлик, басавлат сайёҳдан булак йуловчи келадиган булса, тепаликни айлантриб утказишни бақамти келишиб олганликларини Заргар полвон уз қулоғи билан эшитганидан кейин улар ҳазрати Паҳлавон Маҳмуд Пирёрвалийга чоҳ қазиганликларига заррача шубҳаси қолмади. Боз устига улар икки маротаба хазинабон номини тилга олдиларки, бу суйиқасд ипининг боши аини саройда — уша ҳомий қулида эканлиги ҳам гумонсиз булиб қолди.

### Фард

Жавонмардлар — зурларга чоҳ қазимок  
Номардларга қисмат экан, алҳазар!

Заргар полвон тепалик ортидан аста жилиб, айланма сўқмоқлардан отини авайлаб ҳайдаганча бекина-бекина асосий йулга чиқиб, Паҳлавон Маҳмуд пири комилнинг келишини кутиб турди. Кун пешиндан оққанда... Заргар уни учқур оқ отидан таниди, алп қоматидан таниди, нуруний сиғи, шуқуҳи, ҳашамати, камдан-кам бандаларга насиб этадиган илоҳий виқоридан таниди. Қучоғини очиб, ассалоу алайкум устод, деб унга пешвоз чиқди.

Полвонлар аълоси, авлие-анбиелар пешвоси дарҳол отидан тушиб, қуларидан меҳр балқиб турган йигит билан илиқ омонлашиб, кимлиги ва қарданлигини, мақсад-муддаосини билгач, Валийуллоҳ ва бошқа жавонмардийлар дарагини эшитгач, кунгли таскин топиб, муборак чеҳрасидаги тароватга тароватлар қўшилди.

Улар Мултон сари равона булдилар. Заргар полвон чоҳ ҳақидаги гапдан Ҳазратни огоҳ этиб кунлиги озор етказишни истамас, уни машъум тузоқдан бехатар утказиш гамини ер, қуш тепалик орасидаги инғичка йулга яқинлаш-

ганлари сайин диққати ошиб, пешонасига тер қалқиб, бесаранжом бўлиб борарди.

Чоҳга уч юз қаламча қолганида йул устида турган айғоқчи оқ отли суворийни илғади шекилли, тузоқ тайёр, келавер дегандек узини аста четга олди. Ана шунда Заргар полвон дилига тугиб қуйган режасини айтишга журъат этди. Қуш тепалик орасидаги йулнинг ғадир-будирлигини баҳона қилиб, уни айланиб утганимиз маъқул, деб от бошини суқмоққа бураверди. Паҳлавон Маҳмуд отини тўхтатиб, мийғида кулиб қўйди.

Пири комил чор-атрофни кузатиб, олдиндаги бир шумликни юраги сезиб, сергак тортиб келаётгани, йулнинг ғадир-будирлигини эшитиб, жумбоқ магзини чақиб улгурганини Заргар полвон билмас эди, яна бир карра уни суқмоқдан юришга даъват этди.

Паҳлавон Маҳмуд такрор мийғида кулиб, отининг узун, оппоқ ёллари-ни силаб, Заргар полвонга қараб, сен, иним, майли, тепаликни айланиб утавер, мен эса йулимни асло четга бурмаганман ва бурмагайман, деб қамчисини ҳавода бир уйнатди. Бундан от кишнаб, гўе қанот чиқардию чумоққа шайланган бургутдай оёқларини кериб, умровини тик кутарди.

Заргар полвоннинг юраги така-пука бўлиб, тўхтанг, ҳазрат, дейишга улгуриб-улгурмай Маҳмуд Пирёввалий Бисмиллоҳир раҳмонир роҳийм деб от жилловини қуйиб юборди. От тасирлаб тепалик томон ела кетди. Заргар полвон эс-хушини йўқотиб, ҳазрат, ҳазрат, деганча қолаверди.

Тепаликкача шамолдай елиб борган от унга етганида ердан бир газ кутарилиб, чоҳ устидан худди қушдек учиб ўтди.

Тепалик енбошида паналаб, Паҳлавон Маҳмуднинг чоҳга кулаб тушини пойлаб турган айғоқчилару шотирлар ақл бовар қилмайдиган бу ҳолдан ёқа ушлаб, хоразмлик паҳлавоннинг авлиё эканлигига тан бериб, мулзам бўлиб қолишган бўлса, зудлик билан тепаликни айланиб ўтган Заргар полвон йулнинг нариги ёғида узини кутиб турган Маҳмуд Пирёввалийнинг қошига бориб оёғига йиқилди, унга иймон келтириб муридлик саодатига эришди.

#### Байт

Пирга шайтони лаъин бергайми панд,  
Авлиёлар чоҳни этмаслар писанд.

#### Рубоий

Эй, Мултон углони, заргари уқтам,  
Гар сендек ёронлар бўлсайди ҳамдам,  
Ҳиндистон подшоҳи ушал Жунани  
Сотиб олмас эдим бир арпага ҳам.\*

#### ЕТТИНЧИ БОБ

Шоҳ Жуна жарчилари кучама-куча юриб, овозлари борича қичқириб халойиқни эртанги шодиёнадан яна бир карра огоҳ этиб айтдиларки, қасри олий олдидаги улкан майдонда рангин мовутлар тушалур, олтин ва қумуш товоқларда ширин-шакар таомлар тортилур, ҳар кимга узи ўлтирган мовут, узи таом еган товоқ ҳадя этилур...

Буни эшитган халойиқ туй бошланадиган одатъа бора — қуеш уни (якшанба)\*\* тонг-сахардан майдонга келиб, уша мақтовли мовутлар устида чордона қуриб, уйларидидаги чипта-буйра, кир-чир наматлар урнига чиройли мовут тушалишидан умидвор ва хурсанд бўлиб, табла<sup>1</sup> садосига кулоқ тутиб ултирдилар.

Бутун майдон теграси буйлаб доира шаклида қурилган жимжимадор, бири-биридан ҳашамли чодирлар, соябонлик, заррин қушқлар, баланд-баланд зинали, қирмиз поендозли томошагоҳлар, уларни қуриқлаб турган

\* Муаллиф таржимаси.

\*\* Одатъа бора — ҳиндларда ҳафта кунлари етти сайёра номи билан аталган.

<sup>1</sup> Табла — зарбли чолғу асбоби.

найзадорлар, тепадан чор-атрофни диққат билан кузатаётган брахманлар... Бундан халойиқ пинагини бузмади, зеро улар подшоҳ хашамларию соқчилар ва айгоқчилар назоратига куникиб, барини узларича ҳушерлик билан кузатишга урганиб қолган эдилар.

Пурвиқор чодирлар қурғонининг олди-орқаси ҳиндлардан булакча ранг ва либосдаги, босиқ-енгил, очиқ-тунд зотлар билан лиқ тулди. Тантанали рага<sup>1</sup> чалинди, улугвор тала<sup>2</sup>, табла садолари борлиқни тутди.

Юзлаб кажавали филлар, ясатиғли отларда хушқомат филбонлар, чавандозлар майдонга кириб келдилар. Кажаваларнинг сарпардалари очилиб, қун ва ойдек нозанинлар юз кўрсатгач, чавандоз йигитлар чаптастик билан қизларни ерга тушириб, давра-давра булиб гаройиб базм бошладилар. Куйга қушиқ, қушиқларга дилрабо рақслар улаиб кетди. Жилов соҳиблари уз филлари ва отларини уйинга туширдилар.

Кетма-кет майдонга чиққан Бобил, Рум, араб, форс, Чинмочин навозандаю раққосалари, дорбозлари, қизикчилари етти иқлим ранг ва ҳаволаридан кўзларни, дилларни баҳраманд этган булсалар, қуркли-қуркли ҳинд углонлар давра айланиб, ҳар бир томошабин олдида биттадан олтин ёхуд қумуш товоқда бугли-бугли таом тортиб, бу товоқлар энди сизники дея мулозиматлар курсатиб, гариб ва мискинларнинг бошларини осмонга етказдилар.

Туй роппа-роса қирқ кун шу зайлда давом этгач, жарчилар майдонга чиқиб, навбат — эртага полвонларга, деб дунёнинг турли-туман буржларидан атоқли паҳлавонлар келганлигини маълум этганларида майдонни қарсақ садолари тутди.

Жарчилар ҳинд паҳлавони таърифини келтириб, унинг курагини ерга тегизадиган баҳодир ҳали онасидан туғилмаганига шаъма этганларида қарсақлар гулдуросга айланиб кетди.

Ана шунда Хоразмшоҳ Паҳлавон Маҳмудни эслади ва уни қошига чорлатиб, сен Хивада якто эдинг, аммо бул ерни Ҳиндистон дерлар, паҳлавон таърифини эшитгандирсан, юзимизни ерга қарата қурма, дея огоҳлантириб кўйди.

Паҳлавон Маҳмуд Пирервалий доимо қурга чиқишдан олдин Муҳаммад саллалоҳи алайҳи васаламнинг «Ҳар ким бир ишда ҳайронликда қолса, аҳли қубурни зиёрат қилсин», деган васиятларини бажо эттувчи эди, шу одатига қура кечга томон шаҳар чеккасидаги зиёратгоҳга йул олди.

### Байт

Сен улуглар руҳини ёд айласанг,  
Ҳақ узи йулинг очиб шод айлагай.

**РИВОЯТ.** Паҳлавон Маҳмуд Пирервалий зиёратгоҳга кириб, авлиелар қубури пойида тиз чуқиб, тилонат этиб, Яратганга илтижо айлади.

Илоҳи, бандаларингни утганлар руҳини шоҳ айламоқ савобидан баҳраманд айлагил, санобга стишганларнинг мушқулини осон қилгил, Сени деганлардан марҳаматингни дариг тутмагил, Узингдан бошқага сизингирмагил, йулини очиқ, иймонини бутун этгил. Омин!

Маҳмуд Пирервалий саждага бош қуйиб, узига Оллоҳдан имдод тилар экан, тиззаларига ердан қудратли бир оқим сизиб кирганини, у бора-бора елкалари, билакларига ёйилиб, бутун вужудига сингиб, юрагига фақат сарбаланд тоғлардагина буладиган собит ишонч ато айлади.

Битта ҳинд паҳлавон эмас, балки ун паҳлавон бир булиб майдонга чиқса-да унга бас келолмагай!

Пешвон кабир саждадан бош кутариб, Яратганга шукроналар айғиб, урнидан турди ҳамки, қузи қубурнинг нариги чеккасида дуога қўл очиб пичирлаб ўтирган бир момога тушди. Яқин борди. Момо овозини кутариб, Худога илтижолар қила бошлади.

Э, бор Худое, не-не синовлар, имтиҳонлар чоғида углимга узинг имдод айладинг, эртага булажак курашда ҳам уни ёрлақагил, панжаларини омбурдай маҳкам, билакларини темирдай мустаҳкам қилиб, курагига исмингни қалқон этгил, токи. Хоразм паҳлавони, уни бузрук-авлиё демишлар. ҳамла-

<sup>1</sup> Рага — куй.

<sup>2</sup> Тала — усул.

сига дош бера олсин. Мағлубиятдан узинг асрагил, шоҳ Жуна уғлимга тулаб келаетган ризки нафақани куп курмагил, билъакс, хонадонимиз хароб булиб, гадойлик турваси буйнимизга илингай. Э, бор Худое...

Хоразм паҳлавони  
Ҳеч енгилмас пир эмиш.  
Полвонлар арслони —  
Олам аро бир эмиш,  
Раҳм айла, уғлимга.

Якка-ёлғиз уғлоним,  
Суянчим шу дилбандим.  
Шоҳ Жунанинг полвони,  
Таянчим шу дилбандим,  
Раҳм айла, уғлимга.

У енгилса, бу дуне  
Ғамин чекиб утармиз.  
Ҳайдаса элдан Жуна,  
Қайси гурга кетармиз,  
Раҳм айла, уғлимга.

Маҳмуд Пирервалий момонинг нолишини эшитиб, эртанги курашда унинг уғли енгилса, бу хонадон бошига қандай кулфатлар тушажагини уйлаб, куп паришон булди. Эртага бу муштилар ва унинг уғли бахтига зомин булиб, музаффар булмоқлик яхшими ёхуд ҳинд паҳлавонини аяб, атай енгилмоқлик, ҳаёти қил устида турган хонадонни суяб юбормоқлик афзалми — авлиёи аъзам шу тугрида уйлар экан, Расули алайҳиссаломнинг қуйидаги ҳадиси шарифи кунглидан утди: «Ҳар ким бир ғамли кишини шод қилса, то қиёматгача аҳли авлоди билан ғамгин булмас, яна бир қул озоод қилган билан баробар булур, яна жаннатга кирар».

У куларидан еш тукаётган момога юкинди...

#### Байт

Оналарнинг киприги нам булмағай,  
Намни аритса киши кам булмағай.

Эртасига, шукри бора, яъни Зухро куни (жума) Маҳмуд Пирервалий узи меҳмон булиб турган Заргар полвон уйидан унинг ҳамроҳлигида томошагоҳга келиб курдики, майдон ва унинг гир-тевароғида одам тирбанд, оломон дародай тулқинланади, миршаблар уни жиловлашга ҳарчанд уринмасин, томошабинлар курга яқинроқ бориш иштиёқида тудани ёриб олдинга утиб олмақчи булаверади.

Туй давом этган қирқ бир кун ичида купчилик бир-бирига таниш-билиш булиб қолган, айниқса Хоразм паҳлавони барчага бирдек машҳур булган эди, у томошагоҳга яқин келиши ҳамона миршабларга бош бермай турган халқ сокин тортиб, икки тарафга селпинганча унга йул очди, қулларини куксиларига қуйиб, таъзим бажо айлашди.

Хоразмшоҳ баланд тилло супа устида буни кузатиб турган эди, узига насиб этмаган бундай қуюк эхтиром ва олқишга қул остидаги бир полвон (у Паҳлавон Маҳмуднинг авлиёлигига шубҳа билан қарар эди) мушарраф булганидан энсаси қотиб, юзини тескари бурди. Аммоки ғайрлигини келтирган шу «қул остидаги паҳлавон» кур пустинини кийиб, оломоннинг гулдирос қарсақлари остида майдонга чиқиб, ҳинд паҳлавон панжасига панжа урганида кунглидаги ҳасад баҳор булутидек тез тарқаб, унинг урнини илик бир хайрихоҳлик эғаллади. Табиийки, у барча шоҳлар каби майдонда уз фуқаросининг голиб келишини истар, бу эса паҳлавондан кура узига купрок шухрат келтиришини яхши билар эди.

Шундай қилиб, узоқ кутилган, ажрими шоҳлар шаънига ва купгина ҳинд аъёнлари тақдирига дахлдор булган қиёмат беллашув бошланди. Дароз, уз терисига сиғмай, пайлари уйнаб турган ҳинд паҳлавон саҳрои бир йигитнинг белгича келадиган йуғон, узун ва қора қулларини Паҳлавон Маҳмуд белбоғининг иккала томонидан утказиб, зарб билан бир силтди. Бу одатдаги куч синнаш, куч курсатиш усули эди, шу дафъадаёқ билдики, рақиби ундай-бундай силтовларни курдим дейдиганлардан эмас. Қоядай собит. Уни куч билан эголмаслигига ақли етиб, узига қулдан наф бериб келаетган алдамчи усулларни қуллашга утди. Буйни қолиб оёқдан олди, оёқ қолиб белдан. Туйқус ёқадан ушлаб, уз елкасига унгармоқ булди, эплай олмади. Буйинини оғмурдай қисиб, дамнини ичига туширмоқ булди, қулдан келмади.

Мухлислари эса майдонни бошларига кутариб қичқиришар, далда бериш мақсадида тинмай табла чалишар, узук-юлуқ қушиқ айтишар, бундан илҳомлангандай бўлиб у уст-устига рақибига ташланар, аммо бури оялаб юриб қуққис шерга йулиққан овчидай марра-маррага келганда саросималаниб, довдираб қоларди.

Барча уринишлари зое кетгач, у йиртқич ҳайвондай аъзои баданга чанг солишга утиб, қутуриб кетган асно Маҳмуд Пирервалийнинг сабр косаси тулиб, Бисмиллоҳир Раҳмонир роҳийм деб наъра тортиши билан айқириб турган майдон сув селпгандай жимиди ва куз очиб-юмишга улгурмай ҳайратомуз воқеанинг гувоҳи бўлди. Паҳлавон Маҳмуд ҳинд паҳлавонини даст кутариб, бошини қултигига қисиб, худди тегирмон тошидай гир-гир айлантира бошлади. Ҳинд паҳлавон ердан кетмон дастаси бўйи кутарилган оёқларини ҳадеб типирчилатар, томошабинлар эса нафасларини ичларига ютиб, кимлари суюнар, кимлари куюнарди.

Хоразмшоҳнинг тунд чехрасига табассум ёйилди, шоҳ Жунанинг кузлари чақчайди, хазинабоннинг оғзи куриб, юзидан қон қочди, лаби гезарди. Шунда... дафъатан... ҳинд полвонининг оёғи яна ерга тегди, яна бошини тиклаб олди, узини пича унглаб, яна ҳужумга утди. Паҳлавон Маҳмуд ерга тизза ташлади...

Суюниб турганлар куюнди, куюнганлар суюнди, Хоразмшоҳнинг кузи олақула бўлди, шоҳ Жунанинг икки қоши орасидаги тугун йуқолди, хазинабоннинг жони кирди.

Кураш тугаб, ҳакамлар ҳинд паҳлавонни ғолиб деб эълон қилиши билан Хоразмшоҳ «мамлакат юзини ерга қаратган Маҳмуд» бундан буён Хоразм тупроғига қадам босмасин деб амр этди, шоҳ Жуна ҳинд паҳлавонга бўйи баробар олтин ҳада қилди.

Билмадиларки, Паҳлавон Маҳмуд Пирервалий ҳинд паҳлавонни гир-гир айлантираётган пайтда унинг онаси кеча айтган илтижони қайта эшитган, унинг э, бор Худое, раҳм айла, уғлимга, деган нолиши қулоғи остида янграган, уз аҳдига биноан момонинг уғлига йиқилиб берган, уларни була-жак ғам-андуҳлардан халос айлаган эди.

### Рубоий

Паҳлавон қисмати, бил, осон эмас,  
Кураш майдони кўр-қар майдон эмас.  
Паҳлавон ул, тегса узгага нафи,  
Тегмаса нафи, ул паҳлавон эмас.<sup>1</sup>

### Байт

Курди куп мард паҳлавонларни жаҳон,  
Яккадур лек авлиёи паҳлавон.

### Учинчи фасл

### БИРИНЧИ БОБ

Уч отлиқ — Паҳлавон Маҳмуд Пирервалий, Заргар полвон ва Жазфарбек Ҳинд дарёсининг яшил-сарғиш қиргоғида бироз куним толиб, отларини утлагани қуйиб, югурик тулқинларга боққанча ҳар бири уз хаёлига берилиб ултирибди. Вақт мана шу сувдай оқиб борадир, уйлайди Маҳмуд Пирервалий, кун кетидан кун, ой кетидан ой утур, куп воқеалар каби Жуна тўйи, ундаги хуш-нохуш ҳодисотлар унутилиб, одамлар хотирасидан учиб кетур, аммоки Хоразмшоҳ Ҳиндистонга келиб, туйдан боши чиқмагани, боқиргонлик асирлар фаредига қулоқ тутмагани тарих саҳифасидан асло учмас. Жавонмардийларнинг жавонмардийлардан узга халоскори, Оллоҳдан булак мададкори йуқдир.

Заргар полвон уйлайди. Ёлгончи дунёда ҳамма нарса уткинчи, аммо хотирот улмасдур, Хоразмшоҳ Маҳмуд Пирервалийдек бир авлиёи паҳлавон-

<sup>1</sup> Муаллиф таржимаси.

ни курашда тиззанг ерга тегди деб ватанидан жудо этгани ҳеч қачон авлодлар ёдидан чиқмас ва бундай қабоҳатга борган шоҳ номига то қиёматгача лаънат тошлари отилур.

Жаъфарбек хаелида Маҳмуд Пирервалий йулига куз текиб утирган уз ватандошлари тикланади. Улар шоҳ Жуна туйи қандай утгани ва Хоразмшоҳнинг тубан амридан хабардорлурлар. Панжоблик бир тужжор қиёфасида туйда бошдан-охир қатнашган Жаъфарбекнинг узи уларни бор гапдан хабардор этиб турди. Боқиргонликлар Хоразмшоҳдан заррача ҳам нажот кутмаган эдилар. Аммо қуғирчоқ шоҳ Маҳмуд Пирервалий зоти шарифни қулликка маҳкум этиши етти ухлаб тушларига кирмаган эди. Ҳозир бари асирлар авлиёе кабирга муштоқдурлар ва унга жон нисор айламоққа тайёрдурлар.

Маҳмуд Пирервалий хаёл дарёсидан чиқиб, уз ҳамроҳларининг ботиний дунёсига кирган, айниқса Жаъфарбек дилидаги кечинмалар силсиласига айрича қулоқ тутиб ултирган эди, унга аста деди: иним, уз дилдошларинг, асири жавонмардийларнинг кечмиш-кечирмишларидан суйла, неки дерсан, чин дегил!

Жаъфарбек қулини куксига қуйиб, дил эҳтиромини изҳор этиб, маҳзун хикоясини бошлади.

**АБРКОН ТАЪРИФИ.** Қуламаган девори, дарвозаси, йиқилмаган ибодатхонаси, мактаби йуқ, нурамаган бозори, кунпаякун булмаган карвонсаройи йуқ. Йул ва сўқмоқларида тикан усган, харобалар қарга-зоғларга макон, илон-чаёнларга ошён. Номи Абркон — (булут кони) эсада қирқ-эллик йилда бир томчи ёмғир ёлмаган, халқи ини бузилган кушлардек сулдонли ерларга кучиб қутилган. Бир сўз билан айтганда Худонинг газабига учраган қалъа.

Боқиргонлик асирларни ана шу харобага келтириб, атрофини қуролли соқчилар ураб, сен уддабурро халқсан, йулини топ, бузилган қалъани тузат, деб бошларида қамчи уйнатдилар. Валийуллоҳ Зобитга айтди. Қамчи билан иш битмас, боқиргонлик улимдан қурқмас. Шаҳрим қайта тирилсин десанг, инсофга кел, бир шартимиз бор, они қабул эт.

Зобит деди. Айт, шартингни. Валийуллоҳ айтди. Хуп, биз сенга қалъани тиклаб берайлик, эрса сен бизни озод айла, улмасак юртимизга қайтиб берайлик, ул бизга жон қадар азиздур!

Зобит бошини қашлади-қашлади, охири, еқар-еқмас қилиб, майли, сен айтганча булақолсин, деди. Валийуллоҳ айтди. Қуруқ сўз кетмас, бизга муҳр босиб ҳужжат бер. Зобит буйин товлади. Асирлар улдирсанг улдир, ёлгонга ишониб ишлагандан қура улим афзал, дедилар. Зобит сўзини бажартирмоқ учун буйинсунмасларни уриб-сукди, бироқ ҳукмини утказма олмади ва охириқабат ишончнома беришга мажбур будди. Ишончномаси бир энлигу юмуши икки юз йиллик... Номи ишончнома, аслида абадий қуллик шаҳодатномаси. Шундай эса-да асирлар умид учқунидан кунгил узмадилар.

### Байт

Бул, десанг, Қодир эгам, булгай сўзинг,  
Тун аро мумин қузига нур узинг.

**САХОВАТ БАЁНИ.** Беш-олти жавонмард Боқиргонда эгнига олган жулдур тушларини Абрконга келиб ечган, пахтаси қиқиб титилган астарини пинҳона йиртиб, ҳовуч-ҳовуч олтин, кумуш, дуру жавоҳирларни Валийуллоҳ олдига туккан эди. Бир златни икки-уч йил боққулик бу сарватни харобага яшириб, овқатга оз-оз ишлатиб турган асирлар ишончномани қулга кириштигач, олтин халтачаларни очиб, қушни урамлардан сурув-сурув қуй, мол ва уқдай-уқдай саман отларни, девдай-девдай филларни сотиб олишди, уроғу болтаю теша — хунармандчилик ва деҳқончилик учун нимаики зарур бўлса, барини муҳайё этишди.

«Уз қулларининг» бу савъ-ҳаракатларини бошдан-оёқ кузатиб турган Зобит одамлари Абрконга барақа дарёси оққанидан хайрон, қалъа тагида олтин конини топишдимикан деб ҳамма еққа сарак-сарак куз ташлашар, илон-чаён ишларидан булак ҳеч вақо кўришмас, қалъа тикланишига монъелик қилмаслик учун тиллари ва қулларини тийиб, «минг бир жонли» одамларнинг худди чумолидек қуйманишини томоша қилишдан нарига утолмас эдилар.

Бу чумоли — одамларнинг асов дарё билан тил топишгани миришабларни айниқса лол қолдирди. Сабабки, Ҳинд дарёси Абркон жавонибидан утгани билан узидан анча юқорида жойлашган қалъага ҳеч қачон наф бермаган, гуё бир қоя тубидан утгандек бепарвогина айлиниб оқиб кетаверган. Боқиргонлиқлар унинг бепарволигини хушламай, қўйнига қўл солиб, узларига ййдириб олдилар — соҳилида бир неча чигир, чархпалақлар қуриб, қалъа ёнбағрида сув омбори бунёд этдилар, ундан ариқчалар тортиб қақроқ шаҳарга оби-ҳаёт тарқатдилар.

Саховатдан саховат туғилади. Узоқ йиллардан бери қисир булиб қелган кук дарёдан орқада қолишликни истамади шекилли аллақайдаги булутларни йигиштириб келиб, ёмғир деганни шаррос-шаррос қуяберди.

### Фард

Дарёда ҳам, кукда ҳам бор қулоқ,  
Эшитмай қолмаслар дил илтижосин.

### Байт

Қимники кунгли очик, қули очик,  
Қайга борса, бил, онинг йули очик.

Жаъфарбекнинг бу сўзларидан Маҳмуд Пирёрвалий мутаасир булиб, дарёга куз ташлади ва ундан саховат ҳақида бошқа бир ҳикоятни — олтмиш йил муқаллам Жалолиддин Мангубердига қандай қилиб нажот бергани тўғрисидаги лутфни ҳам эшитди.

ҲИКОЯТ. Жалолиддин Мангуберди чериги Ҳинд дарёси буйида Чингиз билан юзма-юз келди. Бу уларнинг биринчи ва охири учрашуви эди. То шунгача Чингиз шаҳзода Жалолиддинга қарши уз угилларини жангга киритган, улар мағлубиятга учрагач, бу «Хоразм арслони» билан ўзи саваш қуриш, унга муғул шиддати нималигини курсатишга аҳд этган, куп минг сонли лашкарини рақибни йўлга жонли девор қилиб, дарё соҳилига жойлаштирган эди.

То шунгача Чингиз Утрору Бухорою Самарқанду Урганжни забт этиб, жами тўрт юз эллиқ қалъани мағлуб қилиб, утда қуймас, сувда оқмас, енгилмас деб ном чиқарган, унинг қушинини эса яъжуз-маъжузлар деб аташмоқда эди.

Алкисса, шундай ашаддий, муғомбир, тиш-тирноғигача қуролланган рақиб билан саркарда Жалолиддин Мангуберди дарё ёқасида ёқа олишди. Иккала қушининг биринчи ва ундан кейинги қатор савашларидан натижа чиқмагач, Жалолиддин Мангуберди майдонда Чингиз билан рубару олишувга киришди.

От устидаги найзабозлик ва қиличбозликдан сунг Чингиз толиқиб, ҳолдан тойгач, Жалолиддин узун ва узилмас арқонни усталик билан унга томон отиб, нақ буйнидан ўтказиб олди-да бутиб, силтаб ўзи сари торта бошлади. Аммо Чингиз арқон буйнига тушаётганида унга бармогини ўтказиб олишга улгурган эди, жон ҳолатда сиртмоқдан бушаниб, отини тасирлатганча қочди, Жалолиддин узининг хос чериги билан уни қувишга тушди.

Чингиз шумлик қилиб мингдан зиёд энг абжир навкарини пистирмада яшириб қўйган эди, қоча-қоча айни шулар биқиниб ётган дунгликкача Жалолиддинни илқитириб келди-да, тўрт томондан қуршовга олди. Аросатда қолган шунқор йигитларни бир бошдан қираберди. «Булди, энди бу арслонни қопқонга туширдим», деб уйлаган эди, лекин Жалолиддин у қурган тузоқни ёриб, куп мақтовли муғулларни жаҳаннамга жунатиб, яна дарё соҳили — эгасиз қолган қушини томон отини елдирга келди. Энди қувиш навбати Чингизга етди.

Икки кеча-кундуз давом этган жангда беҳисоб қушинга эга булган Чингиз қули баланд келиб, Жалолиддинни уч томондан қисиб, дарё каноригача итқитиб борди. Одатта кўра шаҳзоданинг онаси, хотинлари, фарзандалари қушин билан бирга эди, уларнинг асир тушиш хавфи туғилди. Шунда Жалолиддиннинг онаси Ойчечан бону углига қараб, бошини тик кўтариб бундай деди: Чингизга асир тушгандан кўра балиқларга ем булганимиз афзал, бизларни дарёга оқиз углим, дарёга ташла!

Нетайин деб хаёл сурмагил,  
Евларингта ҳеч сир бермагил,  
Бизни унга асир бермагил,  
Сувга оқиз, гирдоблар ютсин.

Чингиз бизни олса хор этар,  
Балоларга гирифтор этар,  
Уйланмагил, жон утлим, стар,  
Оқиз, бизни гирдоблар ютсин.

Узинг нари соҳилларга суз,  
Бузилган эл, давлатингни туз,  
Қиематда куришгаймиз юз,  
Оқиз, бизни гирдоблар ютсин.

Омад юз угирса, онасининг шундай дейишини Жалолиддин олдиндан билган, бу ҳақда саваш ораси кечадан бери мулоҳаза юритаётган, волидаси ва оиласини қутқариш чорасини излаб, уларни содда дарё бўйлаб оқизиб юборишни, агар боши омон қолса, уларни ажал домидан чиқариб олишни узича режалаштириб қуйган эди.

Мулозимларга буюрди, улар Ойчечан бону бошлиқ хонимлар, болаларни солга утқазиб, узлари ожизаларга паноҳ бўлиб, тулқинлар қаърига бош уришди. Аммо Жалолиддин уйлаганидек бўлмади, сол осойишта сузиб кетолмади, Ойчечан бону айтганидек булди, уларни ҳаш-паш дегунча гирдоблар ютиб юборди.

### Фард

Фарзанд қалбидан отилди нидо,  
Ай, жигарпораларим, алвидо!

Алам ва қасос утларида ёнган Жалолиддин боши устидаги қиличларни алпона даф этиб, узининг доимий ишончли ҳамроҳи — оқ отини дарёга тик бурди. Дарё анча пастда тулқинланиб оқар, тепадан унга узини отган жонзотнинг тирик қолиши амри маҳол эди, шундай эса-да Жалолиддин ноумид бўлмай, Оллоҳ номини ёд этиб, ички бир ҳайкириқ билан отига чухх, деди. Кўп жанглардан эгасини омон олиб чиқолган, чин дулдул наслидан булган асл, оппоқ от шиддат билан узини дарёга отди.

Чингиз соҳилда туриб, отнинг сувга енгил кунганини ва Жалолиддиннинг заррача шикаст емай дулдулини нариги қирғоқ сари дадил суздира кетганини кузатар экан, уз утиллари ва нуёнларига юзланиб деди: Уғлинг бўлса, Жалолиддиндай бўлсин!

Жалолиддин Мангубердининг жонига оро қирган фақат оқ отнинг узигина эмас, балки унга елкасини оҳиста тутиб берган дарё ҳамдирки, Паҳлавон Маҳмуд Пирёрвалий тулқинларнинг жимир-жимир оқишига қараб, шуни хаёлидан утказди. Султон Жалолиддинга елкадош булган Ҳинд дарёси энди Боқирғон аҳлига уз саховатини курсатибди, Оллоҳ ҳада этган эзгуликнинг чеки-чегараси йўқдур!

Маҳмуд Пирёрвалий енгил тортиб уридан қузғалди. Ҳамроҳлари отларни ҳозирладилар. Абрконга олиб борадиган йўлнинг катта қисми ортда қолди, бугеи энди бор-йўги йигирма чақиримчалик масофа, ҳадемай Маҳмуд Пирёрвалий уз дустлари билан дийдор қуришади. Уларни (ва узини) қулликдан озод этиш гамини ейди. Зеро,

Ким агар озоддур, ул шоддур!

### Рубоий

Дилни ҳар пок нафасу доғ пишитар,  
Ғиштни мисли ут, оташгоҳ пишитар.  
Қуз еш тула кузадур вужуд, хомдур лек,  
Хом бу сафолни дард ясар, оҳ пишитар!

### Байт

Қайда ризки — зоти инсон ондадур,  
Қайга юрса, эрк гами инсондадур.



Тун. Абркон уйкуда. Чарчаган. Холдан тойган. Итнинг вовулаганини ҳам, хуроснинг бевақт қичқирганини ҳам эшитмайди. Даредан сув чиқариш, харобани обод этишнинг узи булмайди — танадан кучни, жондан мадорни сугуриб олади. Фақат тун аяйди оламни. Мехнат, захмат, азият кучаларини қулфлайди, жабр дуқонлари эшигига қора парда тортади. Ҳеч қачон бирлашишни истамайдиган инсон киприкларини бирлаштириради, тиниб-тинчи-майидиган қулар, оёқларни кўзга қуринмас ором иплари билан бойлаб қуяди.

Фақат Валийуллоҳ хонадонига тун ўз таъсирини утказа олмаяпти. Буш ҳужранинг бирида Валийуллоҳ, иккинчисиди Паҳлавон Маҳмуд Пирёрвалий, гуё тун ҳукмига буйсунмоқни истамаётгандай хурос бир қичқирган булса ҳам мижа қоқишмайди, бири ибодату қироат билан, бири узига хос илоҳий машғулот — ижод таҳайюли билан банд. Ора-чора улар бир-бирлари билан ҳаёл кўриқлари оша учрашиб, савқи-табийи мулоқотга киришадилар. деворнинг уёғида бири, буёғида бири турганча унсиз сузлашадилар.

Маҳмуд Пирёрвалийнинг Абрконга келиб, Валийуллоҳ хонадонига яшай бошлаганига бир ойдан ошган булса, ҳар икки-уч туннинг бирида шу аҳвол — енма-ен жойлашган иккита ҳужрада тонг отгунча чироқ урмайди, ибодатга мулоқот, мулоқотга рубоият уланиб кетади. Иккала шайхи кабирга тинчлик бермаётган нарса — битта дард: айрилиқда эзилган, уртанган, жони ҳалқумига келган халқ армони, Ватан еди, хуррият, эрк истаги.

Валийуллоҳ яқинда Абрконни, унга қушни кентларни ларзага келтирган воқеа — боқира қиз фожиасини дафтарга рақам этди, бундан Маҳмуд Пирёрвалий оғоҳ бўлиб, беором туйғулари аланга олди, исенга келди.

**БОҚИРГОН ГУЗАЛИ ФОЖИАСИ.** Унинг исми Гузалхон, исми жисмига мос, Боқиргоннинг ифорли боғларида етишган сар гунча, сочи буйи билан баробар, нафаси уликни тургизувчи масиҳ, нигоҳи тирикни минг куйга солгувчи санам, гуё хушруйликка андоза булсин деб кукдан юборилган парипайкар эди. Ота-онасининг ёлғизгина қизи, нури дийдаси, пешонасига битган якка ва ёруғ юлдузи эди.

У барча боқиргонликлар қатори бир кечада қулга айлантирилди, қаноти қайрилди, булбуллар чаҳ-чаҳ сайраб турган боғидан айрилди. Аммо у илдири қирқилган гулга ухшаб сулимади, ифорини йўқотмади, рангини олдинради, негаки, у гулларнинг гули эди, довуларга, буронларга дош бергувчи чидамли хили эди, шахло кузларини киприклари найза булиб асради, нозик белларини қирқ урим сочлари қирқ парда булиб ажайлади.

Гузалхон Абркон харобаларига Боқиргоннинг мусаффо ҳавосини олиб келди, капалақларининг рангларини, юлдузларининг жилосини, қуешининг ҳароратини, созларининг нафис-нафис наволарини олиб келди. Унинг нафасларидан ҳаволар тозаланди, унинг қадамидан ер ороланди, унинг нигоҳидан хаста гуллар, нимжон сарвлар даволанди.

Аммо... ортиқча хусн ўз эгаси бошига бало буларканми ёки кажрафтор чархи дун уйиними, қанча балолардан омон утиб келган Гузалхон одам балоси олдида ожиз булиб қолди.

Тамоми асирларни қуриқлаб, назорат этиб тургувчи соқчилар орасида барзанги бир миршаб бор эди. Гузалхонни куз остига олиб, босган қадамини санаб, нафсини жилолдай олмай телбаваш булиб юрган экан, бир куни... қиз уйда ёлғиз қолганида топ-та-ди!

Гузалхон улди, номусдан улди, узини узи осди. Отаси шер булиб ўқирди, онаси соч юлиб чинқирди, ёшу кекса бари Боқиргон аҳли ғазаб отига минди. Ким қулига қилич олди, ким ойболта, ким кетмон — бари битта булиб миршабни тилка-пора қилишга, ваҳший золимларнинг додини беришга оёқланди.

Улардан олдинроқ Зобитнинг узи миршабни ушлаган, қулига кишан солган эди, майдонга тупиниб келган халойиқ олдига уни узи олиб чиқди, дорга осдирди ва буюрди: миршаб жасади дорда етти кун осилиб турсин.

Зобит билардики, агар у миршабнинг бахридан утмаса, «қулар» Абрконни хунпаякун этади, узининг ҳам оёғи остига сув кетади.

Халойиқ ҳовури андак босилди, бироқ Боқиргон йигитларининг ғазаб алангаси босилгани йўқ, қасос ути пасайгани йўқ, улар тажовузкорларни улдириш пайига тушдилар.

Қасоскор йигитларни Валийуллоҳ йўлдан қайтарди. Айтди. Хунга хун туланди, бас, қон дарё бўлиб оқизилса-да қиз тирилиб келмас, бор кучингизни Боқиргонга тезроқ қайтмоққа, омонлик ила қўлиқдан халос бўлмоққа сарф айланг!

Алқисса, жаҳдан ақл устун келиб, фожиали кун утди, дилларда учмас бўлиб унинг доғи қолди. Абркон тупроғига илк мазор тушди, боқиргонлик мазори...

### Рубой

Кузимдаги сувратингни, эй ёрқин моҳ,  
Емғир каби тукдим, улимнинг қуйғач доғ.  
Дарҳол танигай энди сени келганлар:  
«Гул юзлининг, оҳ, худди ўзи бу тупроқ».

Маҳмуд Пирёрвалий ичдан уқиган бу рубойини Валийуллоҳ ичдан эшитиб, ул зоти пок нафақат тенгсиз паҳлавон, нафақат авлиёи аъзам, балки беназир қалам соҳиби, нозик таъб шоири замон эканлигига ҳам такрор тан бериб, қалбини уртаб келаётган яна бир воқеани унга ифшо айлади.

**БУЙИНСУНМАСЛАР ВОҚЕАТИ.** Боқиргонликни уриб-суриб кема-ларга утказиб, қул қилиб олиб кета бошлаганлари асно амири Меъмор қўлда кишан билан узини дарёга отган, ёвга қул бўлгандан улмоқликни афзал курган эди. Уни гирдоблар қаъридан тортиб олиб, куп қийноқларга гирифтор этсалар-да, шаштини синдира олмадилар. Абрконга келгач ҳам уз изнларига сола билмадилар.

Меъморлар сардорининг фавқуллода зако соҳиби эканлигини билган Зобит, зулм-зуравонлик фойда бермагач, уни яхшилик билан йўлга киритмоқчи, боқиргоний қасрлар қуришни унга топширмоқчи бўлиб, қўлларини кишандан озод этиш баробарида оҳори тукилмаган саруполар, қимматбаҳо совга-саломлар ҳадя қилди. Меъмор уларга қие боқмади, улсам уламанки, аммо босқинчига хизмат этмайман, Абрконга битта гишт ҳам қуймайман, деб оёқ тираб туриб олди.

Ковун қовундан ранг олади дегандай бир неча меъмор йигитлар уз сардорларини қўллаб-қувватлаб, шаҳар керак бўлса, Зобит ўзи қўра қолсин деб қўлларини ювиб қўлтиққа урдилар.

Орага Боқиргон шайхлари тушиб Меъморга айтдилар. У, наққошлар сарвари, Абрконни ҳам Оллоҳ яратган, унга гишт урмоқлик сотқинлик саналмас, боз устига шаҳар қанча тез тикланса, шунча тез озод бўлиб иншооллоҳ, юртимизга қайтурмиз, ноумид шайтон, алҳамдулиллоҳ, муминсиз, тақдирга итоат айланг.

Меъмор нуфузли шайхларга йўқ деелмади, яхши, тақдирга бош эгганим бўлсин деди. Ва... уша кун «тақдирга тан берди» — босқинчига хизмат этгандан қўра тупроққа қоришсин деб ун бармоғини баравар кесиб ташлади!

### Рубой

Уфқ томон томди қуёш — бир лахта қон,  
Кесди кокил Зухро, ой булди ниҳон.  
Тонгга тун мотам тутиб, кийди қаро,  
Бир совуқ оҳ чекди, бир оташ фиғон.

Енма-ен ҳужрада енма-ен шам ёнади, ениб-ениб адо бўлиб боради, эриб-эриб учади. Енма-ен ҳужрада енма-ен янги шам ёқилади, шуъласи даричаларга сочилади, зулматнинг бағри тилинади. Лекин тонг ҳали олисда куп олисда, тун пардаси ҳали қуюқ, куп қуюқ...

Аммо енма-ен ҳужрада шамлардан булак нур — икки кунгил чироғи бир маромда ениб турибдики, унинг шуъласи тарам-тарам ёйилишига қўра кун монъелик қилолмайди, бошқа ҳужраларга етиб боришига худди шу тун каби ичи қўра Зобит ва унинг мишраблари тусиқ бўлолмайди!

### Унг ҳужрадан садо

Инсону малойикка маладқорим ўзинг,  
Тун била тонг ароки ошқорим ўзинг.

## Сул хужрадан садо

Е раб, назарингни қалбимга жо қилдинг,  
Авф айладингу гуноҳни руе қилдинг.  
Фoш этдингу қошима не-не сирларни;  
Мадҳингда тилим булбулигуе қилдинг.

### Байт

Авлиелар қалби кузга айланур,  
Ки, қорачуеларга Оллоҳ жойланур.

## УЧИНЧИ БОБ

Ҳинд шоҳи саройи гуе асалари уяси, бепоён заминнинг барча гулбин гушаларидан унга узлуқсиз тот иниб турар эди, энди ёғий бу ширинмақом инга чуп тиқиб, Жунанинг узидан бошлаб то эшик қоровулигача ҳамманинг оромини бузиб, эти жир бойлаб утирган амалдорларни физиллатиб-довдира-тиб куйди.

Ёғий осмондан тушгани е ердан чиққани йуқ, ҳар галгидек Сухон тоғи енбағридан бош кутарди. Уша тоғда Жуна тожу тахтининг кушандаси — ялмоғиз одийлар подшоҳи яшайдикӣ, у гезанганида нафақат асалхона-сарой, балки бутун ҳинд мулкида гуе зилзила қупади, копу дарвозаларнинг зулфин-лари шақирлаб, девору томлар ларзага келади.

Одийлар бу — бутпарастлар, сағпарастлар, говпарастлар, оташпараст-лар қавми, уруш-жанжални сотиб оладиган, узгаларнинг қонини суриб семирадиган тоифа. Ҳар бирининг қадди беш юз-минг газ келади, бир ичганида беш-ун мешининг сувини, бир еганида қирқ қулоқли қозоннинг овқатини курдим демайди.

Туй даббалари, унда айтилган беҳисоб мадҳияю қасидалардан ҳамон маст бўлиб юрган шоҳ Жуна бошига гуе бир пақир совуқ сув куйилди, илиқ ва сархуш кайфиятлари зумда тарқаб, кузи ярқ этиб очилди. Сарой аҳлини дарҳол машваратга йигди. Одий шоҳнинг талабини аён этди, унғ қули ва чап қули билан кенгаш тузди.

Одий шоҳ «саховатли» Жунадан сурув-сурув куй, минг-минг от ва филлар, ҳовуч-ҳовуч олтин-кумушлар беришни талаб этган, акс ҳолда ҳинд салтанатига ут куйиб, қулини кукка созуражагини маълум қилган эди. Шоҳ Жунанинг унғ қули — бош вазир ёғийга берадиган нарсамиз йуқ деди, ҳазина қопқасини очиб, унда ҳеч вақо қолмаганини курсатди, чап қули — қози калон одийларга бас келиб булмаслигини айтиб, зуллик билан ҳалқдан закот йиғиш, яғжуз-мағжузларга бож тулаш, ҳалоқатли урушнинг олдини олишни маслаҳат берди.

Ҳалқдан нимани ҳам олардик, деди солиқ маҳкамасининг сардори, гушги шилинган, ёлғиз терисигина қолган.

Ҳалқдан оладиган нарса бор, деди бош қумондон қаддини фоз кериб, халқ ичида аскарбор йигитлар сероб, изи берилса, уларни йиғиб: лак-лак қушин туғилаймиз, одий шоҳнинг шоҳини синдиргаймиз.

Бу сўздан шоҳ Жуна кунглидаги гусса тошлари синиб, кулранг юзидаги ваҳм сояси тарқаб, кўзига тагин нур инди, тили тагин сузга келди ва қилич ушлашга қодир йигитлар бори анжомини кийсин, дея амр этди.

Тонг саҳарлаб жарчилар майдонга чикдилар, зобитлар ва сардорлар кентлар, мавзеларга йул олдилар, урушга яроқли йигитки бор, иссиқ урдиндан қулиб, оёғини ерга теккизмай пойтахти азимга элта бошладилар.

Абрконга келганда зобитлар уйланиб қолишди. Асирларни черикка олишнинг фойда ва зарарини тарозига солиб куришди. Асирларнинг аксарияти девдай-девдай йигитлар, баҳодирликлари эл озгига тушган, ҳар бири юз ёғийни улдиришга қодир, аммо улар ҳиндга етти ёт бегона, қул одамлар, «уз хужайинлари»га куксиларини қалқон қилармилар, қасос тилаб, жанг чоғи ёвга ен босмасмилар?

Асирларни узининг даҳлсиз қуллари деб билгучи Абркон ҳокими — Зобит икклиланиб турган ҳамкасбларига деди: жапонмардийлар ҳеч қачон бизга эл булмас, эл булса-да эш булмас, буларнинг қанотларини дамбадам

қайириб, энг сара йигитларидан айириб турилмаса, бизга тош отишдан ҳам қайтмас, тили ботирларини узим танлаб берайин, сиз аскар олган булинг, мен бузгунчилардан қутулайин.

Бу суз зобитларга маъкул келди, асир йигитларни (туғрироғи асирларнинг сардорларини) чертиб-чертиб руйхат қилиб, борини бир дамда олиб кетмоқ булдилар.

Боқиргонликлар синчков халқ эмасми, зобитларнинг қора ниятларини тез фаҳмлаб, уларга бундай жавоб бердилар. Юрт сеники, ёв ҳам сеники, узинг йиқил, узинг тур, бировнинг қули билан ут қовлаш хаёлидан кеч, аскарликка берадиган йигитимиз йук, йулингдан қолма!

Одий дейсан, ёв дейсан,  
Жонинг гамини ейсан,  
Бизга улим истайсан,  
Биз қурқмаймиз улимдан,  
Бор-бор, қолма йулингдан.

Аскар бул деб келдинг-а,  
Бизни содда билдинг-а,  
Узинг усал булдинг-а,  
Не келарди қулингдан,  
Бор-бор, қолма йулингдан.

Пишириб е сузингни,  
Каттароқ оч кузингни,  
Кет, қурмайин юзингни,  
Аскар чиқмас «қулингдан»,  
Бор-бор, қолма йулингдан.

Зобитлар қуллардан бундай кескин сузларни эшитамиз деб уйламаган эди, қиличларини гилофларидан чиқариб, миришабларни сафларга тизиб, буйинсунмасларни қатл айламоққа қасд этиб, оломондан охириги марта суради: аскарликка бормайсанми? Йигитлар қатъий жавоб бердилар: Йук!

Миришабларга буйрук булди. Қир барини! Ҳукмронлар қиличларини, боқиргонликлар чуқморларини кутардилар. Орага улим сукунати чуқди. Уни Паҳлавон Маҳмуд Пирёввалийнинг салобатли овози бузди. Тухтанглар!

Бугун аҳволни диққат билан кузатиб турган зоти мукаррам дадил уртага чиқиб, ҳамюртларига мурожаат этди: Шошманглар!

Сунгра зобитлар томон юзланиб, консираб турган қузларга тик боқиб, бошини баланд кутариб, хотиржамлик ва рағбат билан деди: Урушга мен бораман!

Ҳайрон ва ложарам булиб турган боқиргонликларга Валийуллоҳ деди: Ҳа, ҳазрати Пирёввалий савашга борурлар, бутларга, итларга сигинувчи мушриқларга қарши жиҳодга кирмоқлик Оллоҳнинг хоҳишидур!

Зобитлар қиличларини қинларига солди, йигитлар чуқморларини ташлаб, Паҳлавон Маҳмуд қанотига кирдилар. Шайхлар дуога қул очдилар. Оллоҳ мададкорингиз, зафар ерингиз булғай!

### Рубойй

Ҳақ бу сен, узга ҳақни мен билмасман,  
Ҳажрингдан булак фироқни мен билмасман.  
Олти тараф булса-да мавжуд гарчи,  
Қибладан узга ёқни мен билмасман.

### Байт

Гарчи каждур, бемурувват чархи дун,  
Жон фидо ҳар дам шу чархи дун учун.

### ТУРТИНЧИ БОБ

Шоҳ Жуна чегарага — Сухон тоғига қараб лашқар тортди. Отлиқлари, пиедалари минг-минг, найзалари ярақлаган, ханжарлари чарақлаган, остидаги бедови кишнаган, кузларида олов чақнаган, аскарлари дубулғали, қалқонли, хос йигитлари камонли, сардорлари шаштли, полвонлари жаҳдли — еғийнинг терисини шиламан деб шаҳар ошиб, дарё кечиб, дашт кезиб, табла садолари остида гумбур-гумбур, тасир-тусур кетиб боради.

Бу қушиннинг ташқаридан куриниши. Ички ҳолати эса бироз бошқача. Зобитлари икки гуруҳга бўлинган, бири шоҳга таянч, бош кумондон атрофига уюшган сардорлар, иккинчиси шоҳга садоқатли бўлиб куринган, аслида унинг улимини тилаган, Абркон ҳокими — ушал қаттол Зобит таъсиридаги сарбозлар. Булар Жунанинг оёгидан олишни кунгилларига тутиб, сиртидан ениб, ичидан тутаб, кимлари узугининг қошига заҳар жойлаб, кимлари камзули ичига тош яшириб, бари Зобитнинг кузига қараб, ундан нозик ишоралар кутиб хушёр-хушёр боради, бисёр-бисёр боради.

Шоҳни гумдон қилиб унинг урнига ултириш нияти Зобит кунглидан анча олдин — ҳали у саройда катта мавқега эга бўлган, бош кумондон лавозимини эгаллаб турган пайтларда жой олган. Ушангла у бир гуруҳ кумондон ва саркардаларни уз атрофига йиғиб, шоҳга қарши қайрай олган, фитна ҳидини бош вазир сезиб, куп йиллик қадрдон дусту булмиш Зобитни яхшилик билан истеъфого чиқишга мажбур этган, турли баҳоналар билан гуруҳ аъзоларини тарқаттириб юборган эди. Фитнадан мутлақо беҳабар бўлган Жуна Зобит истеъфосини қабул этган бўлса-да, уни саройда олиб қолган, отлиқлар черигига бош этиб қўйган, Боқиргон юришига изн берган, сунгра уни Абркон ҳокими этиб тайинлаган эди.

Зобит пайтини топиб, фитнага йўл бермаган, бир кунмас бир кун сирни очиши мумкин бўлган бош вазирни заҳарлаб улдиртиргач, яна шоҳни тахтдан ағдаришга бел бойлаб, эски шериклари билан зимдан тил бириктириб ҳам қўйган, энди одийларга қарши юриш чоғида бу режани амалга оширишни уйлаб борарди. Режага биноан шоҳ Жуна «бахтсиз ҳодисага учраб» йўлда ҳалок бўлади, кумондонлар, сардорлар мамлакат тизгинини Зобит қўлига тутқазиади, бутун лашкар энди унинг раҳнамолигида жангга киради.

## Фард

Аендур азалдан чаённинг иши,  
Яхшилик қилганга санчади нишин.

Лашкар узоқ йўл юриб, Сухон тоғининг энг баланд довони пойига етиб, чуққилар панасида тин олмоқ булди. Лашкарми, оддий йўловчими бўлсин, ўзи шу ерга етганда албатта бир қалқиб тухтамоғи бор. Осмонга бош уриб турган довондан кузларнинг ҳайратта тушмоғи, юракларнинг ҳаприқмоғи бор. Чуққи гўё осмон ичида, бир учи битта сайерага, бир учи бошқасига бориб тутагандай. Йули тор, сирпанчик, айланма-буралма, шундан бўлса керак, довон Илонизи номини олган.

Йўл довон белини айланиб, тубсиз жар тепасидан утади. Йўловчиларни ой-йил сайин жар ютиб туришига кузлар урганиб, бу ҳақдаги хабарларга атроф-жавонидаги эл-элатлар кулоққонди бўлиб қолишган. Шоҳ Жуна ва унинг қушини учун ҳам Илонизидан ошиш қил куприкдан ўтиш билан баробар, лашкарнинг иймони бутунидан чаласи куп, ниймонсизи эса бир талай, гуноҳлари оёқларидан настга тортиб кетса нежаб?

Зобитнинг умиди купроқ ана шу довондан, жар устидаги қалтис йўлда ҳатто шоҳ оти ҳам тийиши (тойдирилиши) бўладиган нарса... Гап унинг ташкил этилишидагина қолган.

Тун ярмидан ошиб, шоҳу навкар-киприги илинган, ҳатто кундузи от устида ухлаб, кеча кирди дегунча кузи очиладиган сергак қоровулларни ҳам мудроқ элитган. Узоқ ва оғир йўл азобидан сунг мусаффо тоғ ҳавоси гўё барқани сархуш этиб, майин-майин аллалаб, кимларни чодирлардаги ким-хоб тушакларга, кимларни майсалар устига чўзилтирган.

Лекин Зобит чодирдагилар бедор...

Лекин Паҳлавон Маҳмуд Пирервалий бедор...

Зобит чодир эшиги аста очилиб, ундан бирин-кетин уч киши чиқди-да шоҳ оти турган сайисхона томон йўл олди. Утовлар орасидан ўғри мушукдек паналаб-паналаб ўтиб, сайисхонага етишди. Бири уйқудаги отбоқарларни кузатиб турди, иккови эса илондай сирғаниб-сирғаниб отхонага кириб кетди. Отнинг асабий пишқириб, нолали кишнагани эшитилди...

Лашкар ва сардорлар, дастёр ва отбоқарлар учун беозор уйқули, шоҳ Жуна учун оғули, Маҳмуд Пирервалий учун қайғули тун ўтиб, тонг ёришди, қуёш естигидан бош кутарди, сарбозлар, отлиқлару пиёдалар сафга тизилди.

Маҳмуд Пирервалий шох Жуна аргумоғига разм солди. От орқа оёқларини ерга авайлаб босиб турар, тақаси олинган ёки алмаштирилган отларда буладиган безовта ҳолатда тинмай думини силкитар эди...

Маҳмуд Пирервалий довондан утар чоғи Жунага яқин юрмоқликни кунлига туғиб, саф аро қулоғини динг қилиб турган отини ниқтади, лашкар довонга кутарила бошлади.

Илонизи қанча сарбаланд булмасин унинг ҳақида бирон бахши мадҳиями, қасидами битмаган, унга атаб бирон оқин қушиқ тукимаган, сабаби бағрида на бир дов-дарахт, на бир майса-ғиёҳга жой топилгани булса эҳтимол. На бир булоғи бор, на ёмғир-қор нималигини биледи.

Тошга тош мингашган, харсангта харсанг, қоядан қоя ушиб чиққан, чуққидан чуққи, асрлар шамоли бирининг шаклини бурига айлантирган, бириникини девга, офтоб бирининг рангини кул қилган, бирининг рангини сомон. Ғуе тоғ бир замонлар азим ғуноҳга боттани устидаги яшил либослари, бағридаги булоқлари, жилғалари, шаршаралари, қушлари, қулонларидан жудо этилиб, қип-яланғоч, бесунақай, бефайз тошлар тажассумига, осмонга тиранган совуқ ҳайбатга айлантириб ташланган.

Бу тоғларда узларини эркин ҳис қиладиганлар фақат одийлардир. Улар худди маймунлардек қоялардан қояларга тирмашиб, харсанглардан харсангларга сакраб, энг балинд чуққиларга ҳам бемалол кутарилиб кетаверишади. Чуққидан чуққига арқон ташлаб жарликлар устидан ошиб ўтиш улар учун дорбоз ўйинидай бир гап.

Доймо ерда яшаб, ерда урушиб келган Жуна лашкари эса тоққа чиқдим дегунча узини осмон билан замин орасида муаллақ қуриб, бошидан ҳушини, қулидан ҳушини учириб, жонини ҳовучлаб, ҳар қадамни қаричлаб боса бошлайди. Жунанинг узи ҳам шундай. (Буни Зобит қутга солган, албатта). Жунанинг ерда қанот бўйлаб учадиган оти ҳар гал довонга чиқиши билан тошбақа олим бўлиб қолади.

Отнинг бу галги имиллаши одатдаги эҳтиёткорликка ухшамас, ортиқ ҳадиксираб, хавотирга тушаётгандек эдики, шох уни бошқасига алмаштирмақчи ҳам булдию лекин куп сафарлардан, жангу жадаллардан узини бешиқча олиб ўтганини эслаб, раъйдан қайтди. Иримчи булганидан кечувда (довонда) от алмаштирилиши яхшилик аломати эмас деган ҳаёлга ҳам борди.

Шоҳдан уттиз қадамча орқада келаётган Зобит юз-кузида гоҳ ним табассум (Жуна ҳадемай жарга қулайди) балқиб қолар, гоҳ ҳадик қуланқаси акс етар (от оқсаб сир очилиши мумкин), бу икки ҳолатдан Маҳмуд Пирервалий оғоҳ эди.

Худодан ҳам, бандасидан ҳам ҳеч тап тортмайдиган Зобит режаси амалга ошиб, мабодо у тахтта чиқиб қолса, шундоқ ҳам бечораҳол халқ чексиз азоб-ўқубатларга гирифтор булажак, боқиргонликлар эса узоқ йиллар куллик бўйинтуруғи остида қолиб кетажак. Жунани асрамай туриб бу офатларнинг олдини олиш душвор.

Қушин довоннинг энг балинд ва айланма жойига етар экан, Маҳмуд Пирервалий шох оти тугидан сизган қон томчисини қуриб зудлик билан унга яқинлашиб борди. От сирпаниб, мувозанатини йўқотиб, жар томон оғиб борар, довдираб қолган шох апил-тапил жиловни тортиб, уни унгламоқчи булар, аммо қулидан келмас, пастга жилиб кетаверар, саросимага тушган соқчилар нима қилишни билишмас, навқарлар гаранг бўлиб қолишган эди. Ғуе жар от думидан ушлаб, уни дам сайин домига тортар, жонивор орқаси билан қийшайиб, олд оёқларини жонжаҳди билан тошларга тираб, юлқиниб юқорига чиқмоқчи булар, лекин уша чайир «қул» думини сира қўйиб юбормас эди.

От ҳолдан тойиб, орқаси билан пастга сирғалиб кетгач, олд оёқлари ҳам ердан узилди, ёлларига епишган эгасини олиб жарга оғиб-ағанаб бораверди.

Шу чоғ Маҳмуд Пирервалий худди сор бургутга ухшаб қулаётган шох тепасида пайдо будди ва отнинг ёли-буйнидан ушлаб, бисмиллоҳир раҳмонир роҳийм деб даст кутариб довонга — узини йўқотган сардорлар ва навқарлар олдига чиқариб қўйди. Буларнинг ҳаммаси яшин тезлигида бўлиб ўтди.

Яшин тезлигида яна бир воқеа руй берди. Жунанинг улим чанғалидан қолиб олиншига ақли бовар қилмай ҳайрат ва ваҳшатга тушган Зобит

шоҳни ҳаммадан олдин «кутлуглаш» учун шошиб отига беихтиёр шундай қаттиқ қамчи урдик, от тасирлаб олдинга елиши билан туёғи остидаги тош уйнаб, ногаҳон тойдию худди ўқдай тубсиз жарликка учиб кетди. Зобит оғиз очишга ҳам улгуролмай қолди.

Туймади қонга кузи,  
Ўз бошин еди узи.  
Шоҳга чоҳ қазди ва лек  
Қуйди ўз умрига чек.

Аҳли Боқирғонни хун  
Айлаб узи булди забун.  
Ким ёмон — топмас омон,  
Олгай жазосин бегумон.

Ким риени этди кор —  
Ўз-узига қурди дор.

Зобитнинг жарга қулаб кетганини биров қурди, биров қурмади, курганлардан ҳеч ким э, аттанг, демади, қайтанга бир қабоҳат кам деб ичларидан хурсанд бўлишди.

Ҳамма шоҳ билан овора, отбоқар эса отнинг туёғини қуздан кеяриб, қуйма тақа урнида сийқасини қуриб, пешонасига шапати уриб, узи сабаб куп азиятлар чеккан, энди қуздан еш тукиб турган жониворни силаб-сийлаш билан машғул.

Кургач от қузида еш,  
Урди йиглаб тошга бош.  
Шоҳга борди, сузлади,  
Улдир мени деб бузлади.

Шоҳ деди: Пирёрвалий  
Ҳукмига топширдим сени.  
Ҳазрат унга эш эди,  
От туёгин уш, деди.

Шоҳ Жуна узини жар оғзидан тортиб олган Хоразм паҳлавонининг сеҳрли куч-қувватига, қабири иқтидорига тан бериб, сардорларига айтдики, агар ҳинд қушинида Паҳлавон Маҳмуд Пирёрвалийдек бир-икки баҳодир валий бўлса эди, на одийлар, на бошқа ёллар салтанатга қуз олайтира оларди.

Довондан ўтиб олишгач шоҳ Ҳазрати Пирёрвалийга куп сийловлар, меҳр-эҳтиромлар курсатиб, уруш тутаб, дориломон кунлар келгач, ҳузурига киришини айтиб, муҳрини босиб шоҳлик нишонини топширди.

Маҳмуд Пирёрвалий буни боқирғонликлар оёғидаги қулфга топилган калит деб билди.

### Рубоий

Қай дилга фалак жабр ила бедод айлар,  
Бедод эвазига Ҳақ они шод айлар.  
Куз фасли хазон уйнаса гужгон қайда,  
Шу жойда баҳор майсани бунёд айлар.

### БЕШИНЧИ БОБ

Табли жанг — уруш ноғораси чалинди. Ҳиндлар ва одийлар қушини юзма-юз келди. Кенг адр саҳни — жангтоҳ, кунчиқарда шоҳ Жуна, кунботарда Одий шоҳ ўз лашкарлари бошида, қанотларида сардорлари, ёнларида маслаҳатгуйлари, орқаларида найзадорлари, қиличбозлари, камончилари — ҳаммаси уларнинг амри фармонларига тайёр.

Маҳмуд Пирёрвалий ва унинг икки сафдоши — Заргар полвон ҳамда Жабрфарбеклар уш қанотнинг учинчи қаторида ҳужумга шай бўлиб, изн кутиб турар эдилар, савашга санокли дақиқалар қолганида шоҳ Жуна Хоразм паҳлавони, авлиёлар авлиёсини қошига чорлаб, унга ёнидан жой берди, мабодо яна ажал домига тушадиган бўлса, ўз халоскорига суянишни дилига тугиб қуйди.

Шоҳ Жуна бир сарбозини, Одий шоҳ бир сарбозини уртага чиқарди. Ҳинд сарбоз ўз шериклари орасида энг дарози ва қоматдори бўлса-да, одий сарбоз олдида ўспиринга ухшаб қуринар, буйи рақибининг кукрагига ҳам етмас, одийнинг билаклари унинг сонидан йуғон, худди шер қарнисида қузичоқ тургандек эди.

Одий сарбоз шериклари орасида урта буй ва урта вазили бўлиб, бошқалари ундан юз-икки юз газ баланд, елкадор эдики, бари худди Суҳон тоғининг сирли ёрларидан чиқиб келган девларга ухшарди.

Агар шох Жуна уз қушинининг марказида турган булса, Одий шох марказда лашкарбошилари қолдириб, узи орқадаги тепаликка кутарилди. энди у бутун жанг майдонини куриб-кузатиб турар, олисдан ҳам баҳайбат Фиръавн ҳайкалинини эслатар эди.

Икки жангчи олишувни уч-турт сония ичида одийнинг галабаси билан тутди, «шер» «қузичоқ»нинг қўксига панжа уриб, йиқитиб қизил қонига буюди. Иккинчи, учинчи нафар жангчиларнинг яккама-якка олишувлари ҳам хиндларнинг мағлубияти билан барҳам топди.

Одийлар ютуқдан рухланиб, энди икки барзангини майдонга чиқазиб, қани, мард булсанг, уртага чиқ, деб хиндларга баланддан қараб, рақибларини мазаҳ қилиб туришди. Бироз сукутдан сунг бу тарафдан ҳам икки жангчи — Заргар полвон билан Жаъфарбек қад ростлаб, гурс-гурс қадам ташлаб майдонга чиқди. Мултон полвони билан Боқиргон баҳодири майдон ўртасида оёқларини кериб турган икки барзанги одийни назар-писанд қилмай гоз юриб улар сари яқинлашиб боришаркан Маҳмуд Пирервалий узининг бу доворак дилдошларига Оллоҳдан имдодлар тилаб, латиф қувват-дуолар йўллади.

Икки жавонмард уелон қалбида мушрик ёғийга нафрат тошиб, жисмонларида аввал курилмаган қувват пайдо булди, айқириб одийлар панжасига панжа уришди. Бу гал кучлар баравар келиб, қиличлардан учқунлар сачраб, майдонни жунбушга солди, охир-оқибат ҳар икки томоннинг сафлари бузилиб, қушин-қушинга қоришди, қон-қонга.

Титради ер, босди борлиқни сурон, Наъра айлаб ёвни қирди хиндилар,  
Уртада дарё мисоли окди қон. Бирда девордек йиқилди хиндилар.

Бир баланд келди қули одийнинг, Бир зафар маним деб айтди Жуна шох,  
Бирда богланди йули одийнинг. Бир қочиб омад қулидан, урди оҳ.

Ким кузи равшан ва кимлар булди қур,  
Жанг йиши шу — кимга тожу кимга гур!

Тож кимга насиб этиши ҳали Оллоҳдан узгага маълум эмас эди. Лекин шу нарса аён эдики, жанг узоқ давом этар, минг-минг одамларнинг ёстиғи куриб, неча-неча аёллар бева, неча-неча болалар егим қолар. Яна шу нарса ҳам аёнки, одий халқи куп бошли илон кабидур, бир бошин узсанг, бошқаси захар сочар, унинг билан олишмоқ қийин, аммо шох Жуна орқага чекина олмас, чекнимоқлик унга улим, элига мислсиз кулфатлар келтирар.

Урушнинг даҳшатли кунларидан бирида Одий шохдан шох Жунага бундай талаб келди: ажрим истар эрсанг, узинг майдонга чиқ, мен билан олиш, енгсанг, молу даялатим сеники булар, енгилсанг, салтанатинг, тожу тахтинг меники булар. Ёхуд саркардангни майдонга чиқар, менинг саркардам ила олишсин, сенинг енгса, мен таслим булурман, менинг енгса, сен. Шартни қабул айла!

Одий шохнинг бундай талаб қўйиши бежиз эмас эди. У узининг кучига ишонар, Жунанинг ёши утиб нимжон булиб қолганини ҳам билар, магарам майдонга чиққудек булса, уни эзиб, мажақлаб ташлашига шубҳа қилмас. Жунанинг уртага чиқишидан чиқмаслиги купроқ аён булгани сабаб Одий шох унга қушимча имкон берган, яъни саркардалар беллашувини таклиф қилган эди.

Менинг саркардам нақ девнинг узи, деб уйларди Одий шох, Жуна саркардасини яламай ютишга қодир, агарким шох бундан чучиб, уз саркардасини майдонга чиқармас булса, қушини олдида узининг ҳам, лашкарбошининг ҳам обрўси туқилар, нуфузи кетар, бу эса хиндларни пароканда этиб, одийларнинг қиличига куч, отларига қанот бағишлар.

Шох Жуна уз рақибининг ниятини англаб, унинг талабига ҳа деб жавоб берса ҳам, йўқ деб жавоб берса ҳам мағлубиятга учрашини билар, шундан руҳи тушиб, бошини чангаллаб ултирар, қошидаги маслаҳаттуйларидан эса садо чиқмасди.

<sup>1</sup> Маҳмуд Пирервалий байти будир:

«Чунин аст оғозу анжоми жанг,  
Яки тож ёбаду яки гури танг».



Шоҳ ана шундай боши берк кучага кириб, ҳалокат ёқасида турганида унинг қошида яна Хоразм паҳлавони пайдо булди. Изн айла, шоҳ, деди у. одий саркарда ила мен олишайин.

Шоҳ Жуна ҳам шод булди, ҳам хафа. Шодлиги шундаки, Паҳлавон Маҳмуд одий саркардага бас кела олади, хафалигининг сабаби эса уз саркардаларидан майдонга чиқаргулти топилмагани, Ҳиндистон тақдирини мусофир бир паҳлавон ҳимоя этишга бел боғлаб, ёғий билан мана, мен олишаман, деб турганида эди.

Тасанно сенга эй, полвони кабир,  
Дағи пайдо булдинг сор бургут каби.  
Дағи халоскорим булмоқ истарсен,  
Улимга юзма-юз келмоқ истарсен.  
Бор, аъзам, олиш ул нобакор ила,  
Гар енгсанг, истагинг не булса, тила.

Маҳмуд Пирёрвалий боқирғонликларни озод этувчи ушал «калит» энди аниқ кулга киражагига умид боғлаб, Оллоҳдан имдодлар тилаб майдонга чиқа берди.

Ёғий тарафдан бадбашара саркарда чиқиб келди. Кулидаги гурзиси ботмон, қомаги ва кукраги неча юз газ, совути ва дубулгаси, белидаги қиличи, ойболтаси узи бир отга юк, тош келса кемираман, сув келса сямираман, ҳар қандай одамни емираман, деб Паҳлавон Маҳмуддан юз эллик-икки юз қадамча нарига келиб, ичига пахта тикилган улкан қопдай кукқайиб тухтади.

Маҳмуд Пирёрвалий кулида оддий палахмон, белида бир турвадан булак вақо курмай истеҳзо билан кулиб, у, одам, ажалнинг қистаб майдонга чиқибсан, фурсат борда қулинга қурол ол, товоним остида пашшадай улиб кетмасингдан олдин гамингни еб қол, деди.

Паҳлавони пешво белидаги турвага ишора қилиб (ундаги ҳар тошнинг оғирлиги Хоразм улчовида беш ботмон) итлар келса биз мана шунга отиб ҳайдаймиз деб битта тошни жаҳд билан кулига олди.

Буни эшитган ва курган одий саркарда гурзисини кутариб, Маҳмуд Пирёрвалий сари қутурган филдай лопиллаб кела бошлади. Шу тоб паҳлавонлар паҳлавони тошни палахмонга солиб, боши узра икки марта айлангириб, бисмиллоҳир раҳмонир роҳийм деб зарб билан унга отди. Тош ёғийнинг нақ кукрагига бориб тегди ва у ун қадамча орқага суруниб, чинордай қарсиллаб қулади.

Саркарданинг улимини кузатиб турган одий сардорлар битим шартини бузиб, отлик аскарларни майдонга чиқарди. Улар отларига чуқ дейишга ҳам улгурмай баҳодирлар сарварининг палахмон тошларидан қулаб, бари ер тишлаб қолди.

Ёғий лашкари саросимага тушди. Буни курган тепаликдаги «Фиръавн ҳайкали» — Одий шоҳ урнидан кузғалиб, отига миниб, берган ваъдаси, аҳдпаймониға хиёнат этиб хос навкарини майдонга бошлади.

Шоҳ Жуна ҳам уз қушинини жангга отлантирди.

Маҳмуд Пирёрвалий мушриклар подшосига деб сақлаб турган энг катта тошни палахмонга солиб, унинг яқинлашиб келишини кутди-да, маврудини топиб, мулжални аниқ олиб, шиддат билан шундай қулочкашлаб отдики, осмонга кутарилган қора «туп» қушин устидан учиб утиб, Одий шоҳнинг рапида юзига бориб тегди. Боши ёрилган тарвуздай мажақланиб, увоқ-увоқ булиб кетди.

Кутилмаганда шоҳ-паноҳидан жудо булиб, ваҳимаға тушган одийлар бетартиб қоча бошлади. Жуна лашкари уларни қува кетди. Лашкар орасида Заргар полвон ва Жазфарбек ҳам от елдириб борарди.

Ҳазрати Маҳмуд Пирёрвалий енгил тортиб, алҳамдулиллоҳ деб белидаги турвасини ечди.

### Байт

Сен мадад этсанг боқар омад кулиб,  
Йуқ эса зурнинг-да совруллай кули.

## Рубоий

Нур сочгувчи бошимизда ул моҳдир, бил,  
Ул моҳ бизга раҳм этгувчи бир шодир, бил.  
Бир-биримиздан нафақат биз огоҳ,  
Унутма ҳеч, У биздан огоҳдир, бил.

## ХОТИМА

Ҳиндистондан Хоразмга турли хабарлар кела бошлади. Аввал дейилдики, шоҳ Жуна жонига қасд қилинган, тахтни Зобит эгаллаган. Сунг йуқ, бундоқ эмас, шоҳ тирик, уз тахтида, фитна фош этилиб, Зобит улдирилган, деган гап тарқали. Кейин яна Жуна улди-улдига чиқарилди. Одийлар уни бурда-бурда қилиб ташлашган, дейишди. Орадан куп утмай бунинг акси айтилди. Одийлар Жунани эмас, балки Жуна Одий шоҳни жаҳаннамга жунатган. Яъжуз-маъжузлар тоифаси булмиш одийларни Паҳлавон Маҳмуд Пирервалий энгиб берган.

Сунгги миш-мишни Ҳиндистондан етиб келган Хоразм элчиси тасдиқлади ва Хоразмшоҳга бошқа куп воқеаларни қўшмай-чатмай гапириб берди.

Шуни яна бир айт, деди Хоразмшоҳ элчига. Элчи бошдан бошлади.

Паҳлавон Маҳмуд шоҳ Жунани Сўхон тоғида жарга қулаганида бир улимдан, урушда яна бир улимдан сақлади. Шоҳ нашъу нусрат билан пойтахтга қайтиб келгач, уз халоскорига беҳисоб иззат-ҳурматлар курсатиб, тила тилагингни, деди.

Паҳлавон Маҳмуд айтди. Хоразмлик асирларни озод эт. Шоҳ суради. Нечасини озод этайин? Паҳлавон Маҳмуд деди. Бир ҳукиз терисига қанча сирса, шунчасини. Шоҳ бир терига сирса купи билан икки-уч одам сизишини уйлаб рози будди.

Маҳмуд Пирервалий пустиндузлик белбоғини белига бойлаб, қулига икки юзли пичоғини олиб терини ингичка-ингичка қилиб кесди, сунгра уларни учма-уч бир-бирига улаб чиқди, ичига лак-лак одам сизадиган улкан бир доира ҳосил будди.

Ана шунга сизганини берсанг, бас, деди Пирервалий. Шоҳ Жуна унинг топқирлигига тан бериб, барча асирларни озод этди. Боз устига паҳлавонга қирқ тузлик молу давлат берди. Шу дамларда Маҳмуд Пирервалий бари асирларни бисёр молу давлат ила юрт сари бошлаб келатир.

Буни уз кузинг билан курдингни, деб суради ҳайратдан эсини йўқотаётган Хоразмшоҳ. Ҳа, уз кузим билан курганман, деб жавоб берди элчи ва қушиб қуйди: бунни аҳли Ҳиндистон курди, бунни дуне элчилари курдилар.

Оғзи курукшаб кетган шоҳ новотли чойдан ҳўламоқчи будлику қули қалтираб пиелани жойига қуйди. Урнидан туриб уен-буен юрди. Оғзини пойлаётган элчига қули билан кет ишорасини қилди, елгиз қолгач, битта жойда ҳайкалдек қотиб турганча уйга толди.

Паҳлавон Маҳмудга Хоразмга қайтишни маън этган, ҳинд паҳлавонидан энгилдинг деб дашном берган, буюклиги-бузруклигига ишонмаган эди-я. Шундан бери иши терс кетгани кетган. Саид Аловуддин бошиқ уламолар ундан юз угиршиди, аҳли мусулмон масжид-мадрасалардан туриб унга таъна тошларини отишни қўймади, Урганж, Хива, Ҳазорасб ва бошқа қалъалардаги жавонмардийлар тўнларини тескари кийишиб, шоҳликка қарши бир неча марта исен кутаришди.

Қузғолонни бостириш чоғида қон тукилиб бутун мамлакат қузғалди, тожу тахт сув юзидаги купикдек қалқиб қолди. Исенни даруга бостириди, халқ оғи остидан шоҳни аранг кутқариб колди. Олдию оломон олдида уни юзқора қилди, Боқиргонни ҳимоя этмадинг, Паҳлавон Маҳмуддек буюк зотнинг қадр-қимматиға этмадинг, деб шармисор айлади. Доруга уйин қилганини, халқ олдида бадном этиб, мугул шаънини оширишга уринганини билан билди, билмаган йуқ. Аслида барча кулфатлар шу доруга оғи остидан чиқатганини билганлар ҳам унинг «куюнчақлигини» куриб юмшадди, икки уртада шоҳ қора қарғага айланди.

Доруга «қарға»нинг патларини юлиб-юлиб яна тахтга чиқариб қуйди, узи эса унинг бошига буткул миниб олди. Шоҳнинг бели чиқиб кетди...

Кечалар куп босинқирайдиган, қурқинчли тушлар курайдиган будди.

Бир гал тушида уни тўрт енидан қуртлар чуқилаётган пайтда тепасида Паҳлавон Маҳмуд пайдо бўлдию минг-минг катта-кичик, тишли-тирноқли махлуқлар бир пасда тарқади-кетди.

Шоҳ биринчи бор уйқудан севиниб уйғонди. Дуохонга тушини йўйдирган эди, у Маҳмуд Пирёрвалий фақат шоҳ Жунанинг эмас, балки сизнинг ҳам фалоскорингиз бўлғай, унга иймон келтирмоқ жоиз деб таъбир қилди.

Шоҳнинг кунгли ҳам шунга мойил бўлиб қолди. Пири бузрук (энди бунга шубҳа йўқ эди) уни кечирарми, эгилган бошни қилич кесмаган тақдирда ҳам мўғуллар оёқ остига олиб топтаб ташламасми?

Шу воқеалар, уй-андишалар устига элчи Ҳиндистондан бу хабарни олиб келди. Маҳмуд Пирёрвалий шавкату нусрат билан келаётир, озод боқиргонликлар, букилмас жавонмардийлар келаётирлар...

Шоҳ олдига ҳеч кимни киритмай бир кеча-кундуз уй сурди, охири мўғул қулида қўғирчоқ бўлиб, халқ лаънатига қолиб, тож кийиб ултиргандан кура шу халқни бошига тож қилишни, унинг раҳнамоси Маҳмуд Пирёрвалий пойи муборагига эгилишни афзал билди.

Бу ендан Хоразмшоҳ узига яқин аъёнлар билан пири муршид йулига пешвоз юрди, у ендан Паҳлавон Маҳмуд Пирёрвалий ҳазратлари шоду хуррам боқиргонликларни, қўғирчоғи хушнуд-хушнуд жаранглаган музаффар қарвонни бошлаб кела берди.

Гир-гир шабада эсиб кела берди.

Гала-гала оппоқ қўшлар учиб кела берди.

Дашту саҳрони, тоғу адри, боғлар, экинзорларни уктамлик, қўркамлик, поклик сурурлари чулғаб кела берди!

### Рубоий

Оқшомга назар қилсанг, у кундуз бўлғай,  
Қингирга нигоҳ ташласанг, у туз бўлғай.  
Қулмакка оёқ ташласанг, оҳ, ҳар томичи  
Қўқ сари сачрабонки юлдуз бўлғай.

### Қасида

Кимга посбон, ким учун армон ота,  
Кимга қалқон, ким учун дармон ота,  
Паҳлавон Маҳмуд — сулоқ комрон ота,  
Вақт учар мисли гирот, Полвон ота,  
Сиз гиротда барҳаёт, Полвон ота.  
Оҳ уриб тулғанди ишқ аҳли — жунун,  
Ваъда айларди висол юлдузли тун,  
Бошида тож бирла Хива — бағри хун,  
Қўҳна чархнинг домиди минг йил бурун.  
Толе эрди тилсимот, Полвон ота.  
Ноумидлик қаърида на ҳаз-хузур,  
Бор умиднинг бағрида ҳар лаҳза нур,  
Пок кунгил орзулари битмас сурур,  
Ҳақ деган халқларга иймондур шуур,  
Ҳам ҳаёту ҳам мамот, Полвон ота.  
Ишқ, меҳр оғушида сузлар ювош,  
Жангга киргай шеър суз, бўлса саваш,  
Жанг қилурлар сафда сузлар конталаш,  
Икки дурду икки шаҳд — шеър кураш  
Сизга бўлди қўшқанот, Полвон ота.  
Тонг қадар бедор шоир ҳужраси,  
Субҳидам қоққач қанот ишқ муждаси,  
Тутдию оламини утли соз саси,  
Уқтин-уқтин ҳар рубоий мисраси  
Бўлди ишқ аҳлига тот, Полвон ота.  
Қўрдингиз юртнинг баланду пастини,  
Чархпалакнинг елғону ҳам ростини,  
Хоразмнинг душмани ва дустини,  
Эгнингизда ҳилвирак қўр пустини,

Сурдингиз майдонда от, Полвон ота.  
 Дилда эл бахти улуг мақсад булиб,  
 Сизга эргашди жамоа мард булиб,  
 Яхшиларга меҳрингиз пайванд булиб,  
 Бердингиз дустларга қул ҳамдард булиб,  
 Топди ҳинд сиздан нажот, Полвон ота.  
 Қуз очиб қурди риё захмат эли,  
 Булса ҳам тик, қадди ё захмат эли,  
 Чашмига топди зиё захмат эли  
 Дил бериб, айлаб дуо захмат эли  
 Тинглади байтул баёт, Полвон ота.  
 Илмингиз ҳар жабҳа лангар Хивада,  
 Дилга ёр то рузи Маҳшар Хивада,  
 Шерингиз шоён жаранглар Хивада,  
 Минг ҳаёл ичра Самандар Хивада  
 Қурди Сизни барҳаёт, Полвон ота!

1982-1992-1997 йиллар.

## МУАЛЛИФДАН

Қурдингиздаги асарнинг ёзилиш тарихи бундай.

Паҳлавон Маҳмудни қўпчилик қурашчи-полвон сифатида билар, унинг авлиёлиги ҳақида баъзилар бир-бирининг қўлогига гапирар, маърузачилар эса уни атеист-худосиз деб таъриф қилишар эди. Етмишинчи йилларнинг охирида Ғ. Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриети К. Икромов деган рус забон ёзувчининг «Маҳмуд-канатоходец» қиссасини чоп этди. Унда Паҳлавон Маҳмуд на Худо, на пайгамбарни тан оладиган исёнкор (сал кам революционер) пустиндуз уста ва дорбозчи қилиб курсатилган. Бедодликни қарантки, «ашаддий диндор» Саид Аловуддин «диндан қайтган» Паҳлавон Маҳмудни қаргаб, уни Хивадан бадарга эттирган эмиш. Ваҳоланки, Паҳлавон Маҳмуд Пиёрвалий ҳазрати Саид Аловуддинни пир тутиб, мени ким зиерат этмоқчи булса, олдин устод қабрини тавоф айласин, деб васият қилганлар.

Қулларнинг бирида хизмат юзасидан Хива яқинидаги Сайед қишлоғига бордимۇ Эшонлар урамини айланиб юриб, халқ орасида Дада номи билан машҳур булган закий эшонга (Оллоҳ уни раҳмат қилган булсин) дуч келиб қолдим, тугрироғи тақдир мени сийлаб унинг суҳбатига эш қилди. У менга 1880 йилда мулла Бекниёз ибн Хусайн томонидан китобот қилинган «Маноқиб» («Полвон ота ҳикоятлари») асари ҳақида батафсил гапириб берди. Мен успирилик пайтимда уйимизга келиб китоб уқиб берган муладан Полвон ота ҳикоятларини эшитганимни эслаб, у пайтда тушунмаган қўп нарсаларни муҳтарам Дада эшондан сураб-суриштириб олдим. Қўпчилигида ният туғилди — ҳазрати Паҳлавон Маҳмуд Пиёрвалий ҳақида рост асар ёзиш нияти.

Мен эски китобларни қўп варақлайдиган булиб қолдим.

Мен Хивага, Полвон пир қадамжосига қўп қатнайдиган булиб қолдим.

Мақбара пойига тиз чўкиб утираман, ҳаёлларга ботаман, мозийдан қўлоқларимга сирли-сирли садолар келгандай булади, бузрук шоир рубоияти, сузи беғубор оҳанг каби дилимга оқиб киради-да, мени поёнсиз Рухият оламига бошлайди, субҳи содиқ шуъласи билан йўғрилган кенгликлар файзи, шуқудига ошно этади.

Бу менга бир қасида («Полвон ота»), орадан ун йил утгач эса бир ҳикоят («Шаҳидлар маскани») берди.

Орадан яна беш йил утди. Яна қўпчилиги шуълали кенгликларга талпинди. 1997 йилнинг илк қўпчилидан бошлаб беш ой давомида мен уша Рухият кенгликларни файзи-қароматларидан баҳра олиб, ушбу ҳайратномани битишга мушарраф булдим. Олдинги ҳикоят ва қасидани (қисқартиб) унга жо этишга журъат қилдим.

Ҳазратнинг муборак номларини тулик ёзиш — Паҳлавон Маҳмуд Пиёрвалий тарзида истифода этиш ҳам бизга муяссар булдики, бу давр шарофатидандир.

Қўпчилиги ният уруғи тушиб, унинг униб-усмоғи, орзунинг рўёбга чиқмоғи Оллоҳ субҳонаху ва таолонинг марҳаматидандир. Унга ҳамду санолар булсин!



*Хосият Рустамова*

## КЎЗЛАРИМДА СУРАТИНГ

\*\*\*

*Бугун кунлар ўйнади пойга,  
Тунни кутиб қораяр юзи.  
Кўёш момо кечаги доя  
Сойда чўмилмоқда кундузи.*

*Шамол севар варракларини,  
Учмоқда тоғлар, қоялар.  
Кияй деса кўйлақларини  
Яшириб кўйибди болалар.*

*Тунни кутар сув ўртасида,  
Яширади баданларини.  
Шунинг учун кун эртасига  
Билиб босар қадамларини.*

/\* \*\*

*Шабнам, шажар шаҳид этдилар,  
Тонг сутига тўймади кўнгул.  
Ай, юракни олиб кетдилар,  
Мени олиб кетмади оқ гул.*

*Кўзларимда суратинг — Ватан,  
Киприк рассом, кул, ҳолима кул.  
Осмон ўпиб, куйди дафъатан  
Мени олиб кетмади оқ гул.*

*Мажнун толлар — сизлар гувоҳсиз,  
Мени хароб айлади буткул.  
Тилим — гулоб, сизлар гуноҳсиз.  
Менга насиб этмади оқ гул...*

\*\*\*

*Баҳорим, хазонли йўлақлар гамгин,  
Ернинг дили сиёҳ, уйқуда кузак.  
Юрак, дунёнингдан бир бор сўрагин,  
Унга етармикан қўлни узатсак?!*

*Хануз сизмаяпман осмонга, ерга,  
Ямолмай юрагим бўшлиқларини.  
Ҳамон айтолмасдан йиғлайман шеърга  
Дунёнинг сиз севган кўшиқларини.*



*Бизнинг-ку...  
Биз кутган кунга ҳали бор,  
Биз кутган ёмғирлар ёғмади ҳали.  
Нега сочингизга ёғаяпти қор,  
Тақдирнинг келмасми бизга уволи?!*

*Бошқача айланар фалак заминда,  
Тун ичар ўзига ёлгондан қасам.  
Қоп-қора зулматнинг тим осмонида,  
Сизга етармикан қўлни узатсам?!*

\* \* \*

*Ой заминни қўмсаган кеча,  
Ер юзига сигмади аёл.  
Тун гуноҳдан қўрқар озгина,  
Аёл қордан қўрқар эҳтимол.*

*Муҳаббатми, хиёнат-қўрқув,  
Бирмиди ё иккими, учда  
Даричасин ёпиб олди у,  
Тақдирига қўйиш-чун нуқта.*

\* \* \*

*Ўчакишиб яшама Вақтга,  
У сендан юради илгари.  
Сенинг борар йўлларинг битта,  
Унинг кўп жудаям йўллари.*

*Вақтга ялин, вақтга таъзим қил,  
Бир озгина қилатур сабр.  
Бир кун келар сенинг-чун ўзи,  
Яхши жойдан қазийди қабр...*

*Ўчакишиб яшама Вақтга...*

\* \* \*

*Кетдим... Керак эмас абадий гусса,  
Кетдим, йўлақларим қора шундоғам.  
Хорлар йиғлаётган ушбу улусда,  
Бунча бахтиёрсиз, бокирам?!*

*Мени қарғаётир қарғишнинг зўри,  
Мендан кулаётир сиз йиғлаган кун.  
Азизим, хайр денг, менга бор-йўғи,  
Кузатинг абадий ёлғизлик учун.*

*Ҳаёт, кучоғингга сигмайди сахар,  
Ҳаёт, меҳмонларинг гамгин жуда ҳам.  
Одамлар қувончдан тўпланган маҳал,  
Сиз бунча ғарибсиз, бокирам?!*

*Мендан кун сўраманг. Умрим тугаган,  
Муҳаббат сўраманг ишқсиз осмонга.  
Бир куни... Мен сизни ташлаб кетаман,  
Кетаман кун чиқиш томонга.*

*Ҳаммадан яхшисиз, ҳаммадан гўзал,  
Кунглунгиз гўдакнинг кунглудай тоза.  
Нечун йиғлаяпман тақдири азал,  
Нечун кулаяпсиз, бокирам?!*



*Одам Асал уяли*

## ИСЛОМДА ФИКРИЙ ВА ИЛМИЙ ҲАЁТ

Инсон илоҳий қилқатларнинг гултожидир. Жисман кичик коинотдир, маънан халифаи арзидир. Тафаккури ва илми туфайли фаришталардан ҳам баланд мақом соҳибидир.

Ислом дини инсонга мана шундай юксак баҳо беради. Ақлни муҳофаза этиш ва устириш борасида Ислом уртага қуйган ҳукмларнинг бир қанча ҳикматлари ва сабаблари бордир. Уларга қаралса, Исломнинг нақадар мантиқли ва ақлга уйғун экани ойдинлашади.

Ислом инсонга руҳли бир борлиқ сифатида узгача назар билан қарайди. Бошқа мавжудотлардан уни ажратиб ва устун қилиб турган жиҳат шуки, у Оллоҳ уз амридан уфлаган руҳга эгадир.<sup>1</sup> Фақат инсонгагина хос бу руҳ баъзан «нафс», «қалб» ва «ақл» исмлари билан ҳам аталади. Бу тўрт нарсанинг бошқа-бошқа маъноси борлиги билан бирга, уларнинг ўзаро муштарак маънолари ҳам бор. Имоми Ғаззолий уни «Раббоний латифликлар», «Руҳи изофий», «Руҳи манфуҳ» деб атаган. Қалб, руҳ, нафс ва ақл деб номланган бу Раббоний латифликларнинг инсон бадани ила алоқаси, муносабати бордир. Бу алоқа бир сирдир.<sup>2</sup>

Биз руҳ деб атайдиган шу жавҳар инсондаги билиш, тушуниш, таниш, мушоҳада этиш қобилиятларини ҳаракатга келтирувчи кучдир. Инсоннинг мукаллаф ва масъул булишини, ҳақ ва мажбуриятларга соҳиб булишини ҳам шу жавҳар таъминлайди. Телбаларда бу жавҳар бўлмайди, шу боис илоҳий хитобга мухотаб эмаслар, бинобарин, масъул ва мукаллаф ҳам эмаслар. Демак, диний амр ва қайтариқларнинг тамали «қалб», «руҳ» ва «ақл» каби исмлар берилган илоҳий (лутф ва эҳсондан иборат бўлган) жавҳардир.<sup>3</sup> Руҳнинг иши тафаккур қилиш ва билишдангина иборат эмас. Иймон ва олий идеаллар ҳам хусусиятларидандир. Биз бу уринда руҳнинг англаш ва билиш хусусиятлари ҳақида сўз юритамиз.

Қуръонда «ақл» калимаси алоҳида қўлланилмайди, фақат, «шоядки ақл юритсаларингиз» (яъни, уйлаларингиз, тушунсаларингиз) феъли ва ифода-си келади. «Шоядки ақл юритсаларингиз, дея оятларимизни сизларга шундай билдираётимиз».<sup>4</sup> Шунингдек, Қуръонда «улун-нуҳа», «улул-албаб», «улул-абсор» каби ифода ва таъбирлар ишлатилганки, сони беш юздан ортиқдир. Демак, Қуръонга қура, тушунча ва уйлайдиган мавжудот гоъят аҳамиятлидир. Зеро, ақл ва илмга ҳеч бир дин Исломиятчали аҳамият берган эмас. Динимизнинг асосий хусусиятларидан бири ҳам шу томонидир.<sup>5</sup>

<sup>1</sup> Сажда сураси, 3-оят; Сод, 72. <sup>2</sup> Исро, 85. <sup>3</sup> Имоми Ғаззолий. «Иҳеи улумид-дйн», Миср, 1.6 III. 3. <sup>4</sup> Бақара, 76. <sup>5</sup> Ғаззолий. «Иҳе...» 1.140; Измирли Исмоил Ҳаққи. «Ал-жаводус-Садид фи баяни дини тавҳид», Истанбул, 1923, 8, 60, 182, 184-саҳифалар.

## АҚЛНИНГ АҲАМИЯТИ

Ислол олимлари ақлнинг аҳамияти ва юксак қийматини курсатиш учун бу хусусда бир қанча ҳадис ривоят қиладилар. Мана, уша ҳадислардан баъзилари:

— «Оллоҳ таоло аввал ақлни яратди. Кейин унга: «Кел» деди. У келди. «Кет», деди. У кетди. Кейин яна: «Буюклигим ва улуглигимга қасамки, наздимда сендан қийматлироқ булган бир нарса яратмадим. Кимга нима берсам, сен туфайли бераман, кимни нимадан маҳрум этсам, уни сендан маҳрум қилиб, уша нарсдан маҳрум этаман. Кимга савоб еки жазо берсам, фақат сен туфайли бераман», дея хитоб қилди».

— «Бир куни саҳобалар Ҳазрати Пайгамбарнинг (с.а.в.) ҳузурларида бир кишини мақташди. Пайгамбар (с.а.в.): «Ақли қандай?» деб сурадилар. Саҳобалар унинг ибодати, ахлоқи, одоби ва фазилатлари ҳақида гапиришди. Ҳазрати Муҳаммад (с.а.в.) яна: «Хуш, ақли қандай?» деб савол бердилар. Саҳобалар аввалги гапларини яна такрорлашди. Шунда Пайгамбар (с.а.в.) шундай марҳамат қилдилар: «Ибодат этувчи ақлсиз киши бошига унинг жаҳолати сабабли келадиган мусибат гуноҳкорнинг бошига гуноҳи туфайли келадиган мусибатдан буюкроқдир. Инсонлар эртага яқинлик поғоналарида уз ақлларига яраша мартабага эга буладилар»<sup>1</sup>.

— «Инсон яхши худқи туфайли кечаси намоз ўқиб, кундузлари руза тутадиган кимсанинг даражасига эришади. Аммо кишининг ақли комил бўлмаса, худқи ҳам муқаммал бўлмайди. Ақли муқаммал кишининг иймони ҳам комил бўлади. Бундай киши Роббига итоат этиб, иблисга қарши курашади»<sup>2</sup>.

— «Ҳар нарсанинг бир асоси бўлади, мунин киши суянадиган асос ақлдор. У ақли улчовида ибодат қилади. Гуноҳкорларнинг жаҳаннамда: «Нақлга ва ақлга эргасак эди, дузахда ёнувчилардан бўлмасдик», (Мулк сураси, 10-оят) дейишларини эшитмадингизми?»<sup>3</sup>

— «Буюклик ақллиқдир».

— «Инсонлар ҳар хил хайрли амаллар қилиб Оллоҳга яқинлашганларида, сен унга ақлнинг билан яқинлаш».

— «Қанчалик куп ақлли бўлсанг, шунча куп Роббингга яқин бўласан»<sup>4</sup>.

Ислолдаги барча ҳукмлар диний нуқтаи назардан ҳам, ақлан ҳам мақбул ва тўғри ҳукмлар булиб, ақлан тўғри, яхши ва гўзал ҳар нарса динан ҳам тўғри, яхши ва гўзал саналади. Ислол ақлга мақбул ва мос келган нарсаларга буюриб, унга номақбул ва тескари ишлардан қайтаради. Бошқача қилиб айтганда, Исломият амр қилган ҳар нарса ақлга уйғун, наҳй қилган ҳар нарса эса, ақлан номақбулдир.

Шу билан бирга, Ислол фақат ақл ва мантиқ дини булибгина қолмай, унинг ақл ва мантиқдан юқори метафизик, фавқултабиий ва илоҳий жиҳати ҳам мавжуд. Ислолий ҳукмларни ҳамма ҳам уз ақли ва мантигига яраша изоҳлаши, унга узича маъно бериши хатодир. Бу нуқтаи назардан оят ва ҳадислар фақат ақлан баркамол олиму фозил кишилар томонидан изоҳ ва тафсир қилиниши мумкин.

## ТУШУНЧА ҲАЁТИНИ КАМОЛ ТОПТИРИШ

Исломият инсоннинг фикрий ҳаётини ва муҳокама қобилиятини камол топтиришга алоҳида аҳамият беради. Чунки Ислолнинг тўғри тушунчадан, порлоқ фикрлардан ва исобатли истиллолдан курқуви йўқ. Илм ва фикр ҳаёти нақадар усса, унинг улвий ва қудсий ваҳжи шу қалар яхши англашилади. Оллоҳ юборган пайгамбарлар закий инсонлар булишган ва закони ва ақлни ниҳоятда қадрлашган.

Қуръони Карим:

1. Инсонларни осмонга, юлдузларга, ой ва қуёшга назар солиб, тафак-

<sup>1</sup> Ғазолий. «Иҳе...» Миср. 1973 й. 1 китоб, 27-саҳифа. <sup>2</sup> Уша асар, 90-93-саҳифа. <sup>3</sup> Уша асар, 19, 94, 136-с. лар. <sup>4</sup> Алоуддин Али ал-Ҳиндий. «Канзул Уммал», Байрут, 1979 й.



кур қилишга чақиради: «Устларидаги самога назар солмайдиларми? Уни қандай иншо этдик ва зийнатладик».<sup>1</sup>

2. Ер юзидаги табиий ҳодисаларга назар солишга чақиради; еру осмоннинг яратилиши, кеча ва кундузнинг кетма-кет келиши, денгизларда кемаларнинг сузиб юриши, самодан етган емгир туфайли ер юзининг жонланиши, шамол эсиши, булутларнинг сузиб юришига қараб тафаккур қилишга ундайди.<sup>2</sup>

3. Ер юзидаги усимлик ва ҳайвонот оламига диққатни жалб этади.<sup>3</sup>

4. Ижтимоий ва тарихий ҳодисаларга тафаккур кузи билан қараб, улардан дарс олишга, хулоса чиқаришга бузоради. Шу мақсадда куплаб қисса ва ибратли ҳодисалардан сўз юритади. Масалан, Ҳазрати Юсуф ҳақидаги ҳикояни нақл этиб, бундай қиссаларда тафаккур қилувчилар учун ибратлар борлигини маълум қилади.<sup>4</sup>

5. Инсонни бевосита ўз нафсига эътибор бериб, фикрлашга чақиради: «Иймон келтирганлар учун ер юзида қанча далиллар мавжуд, ўз нафсларингизда ҳам қурмаяписизми?»<sup>5</sup>

Қуръони Карим далилсиз иддао, исботсиз сўз ва қарашларни, эътиқодларни қабул қилмайди: «агар тугри сузлаётган бўлсангиз, далил келтирин!»<sup>6</sup>

Маълумки, Қуръоннинг номларидан бири «Бурҳон» (Далил)дир. Зеро, ундаги ҳар бир сўз (ҳукм) далилга суянади. Қуръоннинг ўзи ҳам очиқ далилдир. «Комил далил Оллоҳга оидир».<sup>7</sup> «Оллоҳдан басиратлар келди».<sup>8</sup>

Бу каби ишоратлар инсонларни тугри йулга ҳидоят қилади.

Исломият тафаккур ва далилни тарғиб қилиш билан бирга, инсонларни тақлидчиликдан қайтаради. Утган ота-боболарга кур-қурона тақлид қилишликни манъ этиб, ботил хурофот ва нотугри урф-одатларга қарши чиқади. «Қачон (муширқларга): «Оллоҳ нозил қилган нарсаларга итоат қилингиз», дейилса, улар: «Йўқ, биз оталаримизнинг изидан борамиз», дейдилар. Агар оталари бир нарса билмаган ва тугри йулдан юрмаган бўлсалар ҳам-а?»<sup>9</sup>

Қуръони Карим тугри ва ҳақ деб билинган нарсаларни тадиққ этишга ва унга бўйсунушга чақиради: «Роббингдан келган ҳаққа тобеъ бул».<sup>10</sup>

«Сўзни аввал тингламоқ, кейин энг гузал булганига бўйсунмоқ ижоб-дир».<sup>11</sup>

«Аслида, Қуръон ҳақнинг ва ҳақиқатнинг узидир»<sup>12</sup>

Қуръон нафсоний иддао ва қарашларга қарши чиқиб, уларни ҳой-ҳавас, «ботил» деб атайди: «Ҳой-ҳавасга эргашманг»<sup>13</sup>; «Шайтонга итоат қилманг»<sup>14</sup>; «Гумонга тобеъ бўлмаслик лозим».<sup>15</sup>

Шу тариха Исломият инсонларни ҳур фикрга, ҳақиқатга ва маърифатга чақиради. Бу қоидага амал қилган илк асрлардаги мусулмонлар баракатли бир ижтиҳод йули билан илмий ва фикрий муҳитни тараққий эттирганлар. Натижада илмнинг янги қирраларини кашф этганлар. Бунга тарихимиздан истаганча мисоллар келтирса булади. Аммо XII асрдан эътиборан Ислом жамиятида тақлидчилик омманйи тус ола бошлади. Оқибатда юқорида айтиб утилган илмий тараққиёт аввалига секинлашди, кейинчалик эса, тухтаб қолди. Бугунги вазифа — тарихий тажриба ва илм-фан ютуқларидан фойдаланган ҳолда, Ислом тушунчасини ҳаракатли ва баракатли илк манбаъга боғлашдан иборатдир.

Исломият бир соатлик тафаккурни олтмиш йиллик нафл ибодатдан афзалроқ билди.<sup>16</sup> Тафаккурга бундай муносабатда бўлиб, уни бир ибодат деб билган Ислом динининг илмий ва ақлий фаолиятларга рағбати очик-ойдин майдонда, у ҳеч қандай исботга муҳтож эмас.

## АҚЛИНИ МУҲОФАЗА

Юқорида таъкидлаганимиздек, инсонни инсон қилиб турган энг муҳим хусусиятларнинг бошида ақл ва фикр туради. Инсон дунёю охират саодатини шу восита ила қозонади. Шу боисдан Исломият инсон ҳаётини каби, унинг ақли ва фикрини ҳам муҳофаза этиш учун бир неча талбир олган.

<sup>1</sup> Қоф, 61; Мулк, 3. <sup>2</sup> Бақара, 164; Оли Имрон, 189; Ҳижр, 16; Раъд, 2. <sup>3</sup> Гошия, 17; Раъд, 3-4. <sup>4</sup> Юсуф, 111. <sup>5</sup> Зорият, 20-21. <sup>6</sup> Бақара, 111; Намл, 64. <sup>7</sup> Анъом, 149. <sup>8</sup> Анъом, 104; Аъроф, 203. <sup>9</sup> Бақара, 170; Моид, 105. <sup>10</sup> Муҳаммад, 3. <sup>11</sup> Зумар, 18. <sup>12</sup> Исро, 81. <sup>13</sup> Нисо, 135. <sup>14</sup> Бақара, 68. <sup>15</sup> Анъом, 148. <sup>16</sup> Аждуний. «Кашфул хаф», Байрут, 1351, т.310-с.

1. Ислом, аввало, ботил эътиқодларга, ҳаво ва ҳавасга эргашшига, тақлидчиликка, хурофотларга, инсон зехнини сундиргувчи мунажжимлик ва кохинлик сингари асосиз илмларга, жаҳолат ва таассубга қарши чиқиб, ақл ва тафаккурни бундай иллатлардан муҳофаза этади.

а) Ислом ҳақпараст ва ҳақиқатли диндир. Қуръони Карим тез-тез «ҳаво ва ҳавасга эргашманг»<sup>1</sup>; «Шайтонга эргашманг»<sup>2</sup>; «Ҳаво ва ҳавасга эргашганларга итоат этманг»<sup>3</sup>; «Ҳаво ва ҳавасни илоҳ қилиб олманг»<sup>4</sup> деб огоҳлантиради. Бунинг урнига: «Ақлни ишлатмайсизларми?!»; «Фикр қилувчилар учун ибратлар бор» каби амрлар беради. Бу каби оятларда ҳаво ила ақл узаро зид тушунчалар сифатида баҳс этилади. Ҳаққа, Оллоҳдан индирилганга, ваҳий қилинганга эргашшини истаган Ислом ҳаво ва ҳавасга, ботилга, қуруқ тахминга, шайтонга, нафсоний тамойилларга, шахсий орзулар кетилган чопган кишиларнинг ҳавасига эргашшини манъ этиш билан ақлни ва фикрни муҳофаза этгандир;

б) Ислом тугри ва ҳақиқат булган йулга эргашшини талаб қилганидан хурофотларга, кохинликка, ғойибдан хабар беришларга, мунажжимликка, сеҳрга, юлдузномаларга, фолчиликка, қуф-суфчиликка, ҳарфлардан ва рақамлардан келажакка оид ҳукмлар чиқаришга, руҳ қақаришга, уликлардан мадад исташга қарши чиққандир. Очқидирки, бу тур нарсаларга ишониш ва эргашшиш ақл ва фикрни сундиради, мантиқни ишламайдиган ҳолга келтиради. Ислом ақл ва мантиқдан устун бир ғайб оламининг борлигини иймон-ла қабул этилишини истади, лекин дунё ишларида қул билан ушланадиган, қуз билан қуриладиган мушаххас ва тажрубий ҳақиқатларга ва ақлга тобе бўлишни талаб қилади;

в) Ислом инсонларни тафаккур ва тадқиқ йули ила тугри ва ҳақ нафсларни топишга ундайди. Бу борада ҳар бир инсон уз фикрini очик билдиришга ҳаққидир. Чунончи, ҳақ йулида изланган киши агар тугри натижага эришса, икки ҳисса, хато қилса, бир ҳисса саноб олади;<sup>5</sup>

г) Ислом на жисмоний, на руҳоний бир гуруҳга таянадиган ҳеч қандай авторитетни тан олмайди. Ислом ҳеч кимни қусурсиз ва гуноҳсиз (лохутий ва маъсум) деб билмайди. Оллоҳ наздидаги даражаси қанчалик устун бўлишидан қатъи назар, ҳеч ким яширин ва асронангиз қувватга эга эмас. Бу хусусда барча инсонлар тенгдилар. Исломий тенглик тушунчаси бу уринда ҳам уз ифодасини топган;

д) Исломда фикри, қаноати, раъй ва ижтиҳоди танқид ёки муҳокама этилиши мумкин булмаган ҳеч бир кимса йук, яъни, исломий ахлоқ-оодоб ва тарбия доирасида, усулга мос равишда ҳар қандай инсон танқид қилиниши, тушунча ва қарашлари муҳокама этилиши мумкин. Исломда танқид ва муноқаша эркинлиги бор. Тарихда Ҳазрати Умарнинг (р.а) танқидлари ва у кишига қарши билдирилган танқидлар маълум ва машҳурдир;

е) Исломда таассуб йук, мусомаҳа бор. Таассуб бошқаларнинг эътиқод, қараш ва тушунчаларини назар-писанд қилмай, фақат уз эътиқод ва қарашларини мутлақ ҳақиқат деб билиш, энг муҳими, уз ақидасини бошқаларга зурлик билан қабул қилдириш демакдир. Мусомаҳа эса, бунинг мутлақо аксидир. Таассуб бор жойда илмий ва фикрий ҳаракатга футур этади. Мусомаҳа муҳитида илм дарахти куртак очади ва гуркираб яшнади. Шу боисдан ҳам Ислом дини жабр-зулм ва зурвонликка қаршидир. Пайгамбаримиз (с.а.в.) марҳамат қилганларидек: «Мен табиий ва мусомаҳали дин билан юборилдим»; «Оллоҳ наздида энг сеvimли динда бўлиш — энг мусомаҳали динда бўлиш».<sup>6</sup>

2. Исломият ақл ва тафаккурни сундириб, зехнининг сусайишига сабаб буладиган ҳар қандай нарсани, унинг таъсир даражасига қараб, ҳаром ёки макруҳ деб эълон қилади:

а) Ислом ҳар қандай турдаги гиеҳванд моддани истеъмол қилишни тақиқлайди. Чунки уларни истеъмол этиш фақат ақл ва тафаккурга зарар қилиб қолмай, балки инсоннинг асаб тизими, ақлий мувозанати ва жисмоний соғлигига ҳам жиддий футур етказди. Инсон фикратидаги табиий хислат ва гузалликларга барҳам бериб, уни инсонийликдан маҳрум этади ва ҳайвонлаштиради. Энг ёмони, бундай кишилар Оллоҳ таолонинг буюк лутфи ва неъматини булган иродаларини йукотадилар ва узларини бошқара

<sup>1</sup> Нисо, 135. <sup>2</sup> Бақара, 168. <sup>3</sup> Моида, 77. <sup>4</sup> Фурқон, 43. <sup>5</sup> Қаранг: Имоми Ғазолий. «Иҳе...», IV, 409-с. <sup>6</sup> Аҳмад ибн Ҳанбал. «Муснад», V, III, VI, 226; Имоми Бухорий. «Иймон», 29.

олмай қоладилар. Улар гуноҳкор булишдан ҳам кура, кўпроқ ақлий ва руҳий хаста ҳисобланадилар.

Оллоҳ таоло дунёдаги барча неъматларни инсонларнинг фойдалари ва лаззатланишлари учун яратган. Бундай лаззат табиий ва ҳақиқий завоқ ҳисобланади. Бунга қаноат этмай гиеҳвандлик қилувчилар сохта ва елгон лаззатга берилиб, оқибатда узларини ҳалокатга олиб борадилар, қилмишларига пушаймон бўладилар. Зеро, бир лаҳзалик уткинчи лаззат учун шунчалик кўп азият чекиш ақлнинг иши эмас;

б) Ислом маст ва сархуш қилувчи барча моддаларни, шу жумладан, спиртли ичимликларни қатъийан тақиқлайди. Улар шарбан ҳаром моддалар ҳисобланади. Бундай моддаларни тақиқлаш босқичма-босқич амалга оширилган. Аввалига ичкиликнинг баъзи фойдалари ва зарарлари борлиги, лекин зарари фойдасидан кўпроқ эканлиги билдирилган.<sup>1</sup> Кейин мусулмонлар маст ҳолатда намоз уқишдан қайтарилганлар.<sup>2</sup> Охирида ичкилик қатъийан тақиқланган.<sup>3</sup> Бундан шундай бир хулоса чиқариш мумкинки, тақиқ еки амр билан боғлиқ нозик масалаларда доимо тадрижийликка амал қилиш керак экан.

Ичкиликнинг тақиқланиши Қуръони Каримда шундай изоҳланади: ичкилик шайтон амалидир; шайтон ичкилик ва қимор воситасида инсонлар орасига душманлик, кин ва нафрат уругини сочиб, уларни Оллоҳга ибодат қилишдан, зикр этишдан тусди.

Ҳадисларда ичкилик барча ёмонликларнинг манбаи, онаси (уммулхабоис) деб таърифланади. Яъни, ичкилик ҳар қандай ёмонликнинг калити ва гуноҳларнинг бирлашиш нуқтаси саналади.<sup>4</sup> Маст қилувчи ҳар нарса ичкилик моҳиятида бўлиб, ҳар қандай ичкилик ҳаромдир.<sup>5</sup> Қули маст қилувчи нарсанинг ози ҳам ҳаромдир.<sup>6</sup>

Ичкилик фақатгина ақлга эмас, балки молга, жонга, наслга ва динга ҳам зарар етказди. Ароқ инсон вужудини заифлаштириб, уни касалликларга тез чалинадиган қилиб қўяди. Асаб системаси ва ҳазм қилиш қобилиятини яроқсиз ҳолга келтиради. Энг ёмони, ичкиликнинг қасофати ароқхўр ота-оналардан туғиладиган фарзандларга ҳам уриб, уларни бир умрга ногирон қилади. Маст ҳолда машина бошқариб, турли фалокатларга сабаб бўладиган ҳолатларни қўз олдимизга келтирадиган бўлсак, унинг ижтимоий нуқтани назардан қанчалар зарарли эканлиги очик уртага чиқади. Демак, ичкиликни ҳаром қилишдан мақсад — дин, жон, мол, ақл ва насли муҳофаза қилишдан бошқа нарса эмас экан.

Қуриниб турганидек, нимаики ҳаром қилинса ва тақиқланса, бунинг куплаб сабаб ва ҳикматлари бўлади. Яъни, бу тақиқ ва амрларнинг маъноларини ақл ва тажриба ила топса бўлади.

Бутунги кунда ичкилик ва гиеҳвандлик, айниқса, ёшларга катта хавф солиб турибди. Бутун дунё давлатларининг энг катта мушкули ҳозир шудир. Ҳолбуки, Исломият бундай моддаларни етиштириш, ишлаб чиқариш, олиш-сотилш ва истъёмол қилишни гуноҳ деб эълон этган;

в) сигарет, чилим ва шунга ухшаш моддаларнинг диний ҳукмини ҳам худди шу нуқтани назардан баҳолаш лозим. Уларни мутлақо ҳалол ва мубоҳ дейишнинг имконияти йўқ. Уларни ҳаром еки ҳаромга яқин макруҳ деса бўлади. Зеро, устида «Соғлиққа зарарли» деган ёзуви бор бир моддани ҳалол ва жоиз дейиш мумкин эмас.<sup>7</sup>

## ИЛМ ВА ТАЪЛИМ

Ақлни муҳофаза баҳсида илмнинг ва илм таҳсилининг аҳамияти буюқдир. Имоми Ғаззолий ақлнинг турт хил таърифини келтиради:

1. Ақл инсонни ҳайвондан ажратадиган сифат бўлиб, у орқали инсон назарий билим ва фикрий жараёнларни урганиш қобилиятига эга бўлади.

2. Ақл тамйиз давридаги боланинг зотида вужудга келадиган «имконсиз, зарурий, мумкин» ҳақидаги билимлардир. Чунончи, бир иккидан кичикдир, бир нарса айни вақтда иккита жойда бўлиши мумкин эмас ва ҳоказо сингарии.

<sup>1</sup> Бақара, 219. <sup>2</sup> Нисо, 43. <sup>3</sup> Моидда, 90-91. <sup>4</sup> Ажлуний. «Кашфул-хафа», Байрут, 1351, 1, 382-с. <sup>5</sup> Имом Муслим. «Ашриба», 7. <sup>6</sup> Имоми Термизий. «Ашриба», 3. <sup>7</sup> Котиб Чалабий. «Мезонул ҳақ», Истанбул, 981, 81-с.

3. Тажриба туфайли қулга киритилган билимларга ақл дейилади.

4. Исломининг келажакни уйлаб, шунга қўра қарорли шаклда тадбир қўлашига ҳам ақл деб айтилади.<sup>1</sup>

Қўрииб турибдики, ақл ва илм бир-бирига чамбарчас боғлиқ экан. Бири бўлмаса, иккинчиси ҳам бўлмайди. Ақл бир дарахт бўлса, илм унинг мевасидир. Ақл муҳофаза ва парвариш қилинмаса, мева бермайди. Ақл ҳосил бериши учун унга ҳур ва мустақил тафаккур қилиш имкониятини таъминловчи эркин ва хавфсиз муҳит бўлиши ҳамда бу муҳитда танқид ва мунозара ҳуқуқининг кафолатланиши лозим.

Ислом илм ва ирфон динидир. У урганишга, ургатишга, муттасил изланишга даъват қилади. Уқитувчи ва илм толиби, устоз ва шогирд тушунчалари Исломиётда бағоят катта аҳамиятга эга.

Исломининг илк амри «Уқи!» деган амр бўлиб, Қуръондаги илк оятларда қалам ва таълимдан сўз юритилган.<sup>2</sup>

«Оллоҳдан бошқа маъбуд йўқлигига Оллоҳ, малаклар ва адолатни жойига қўйган илм соҳиблари шохид бўлганлар».<sup>3</sup>

Бу ерда олимлар Оллоҳ таоло ва малаклардан кейин учинчи қаторда урин олганликлари диққатга сазовордир.

«Оллоҳ ораларингиздан иймон келтирганларнинг ва илм соҳибларининг даражаларини юксалтирур».<sup>4</sup>

«Билган киши билан билмаган киши тенг буладими?»<sup>5</sup>

«Оллоҳдан фақат олим бандаларгина қўрқадилар».<sup>6</sup>

«Халққа бундай мисоллар келтирмоқдамизки, уларни фақат олимлар идрок этишади».<sup>7</sup>

Илм ва таълимга оид даъват ва ташвиқларни ҳадислардан ҳам истаганча топишимиз мумкин:

«Олимлар пайгамбарларнинг ворисларидир».

«Ердан ва осмондан ҳар нарса олимлар учун истигфор айтади».

«Бир олим улгандан қўра, бир қабила улгани афзалроқдир».

«Олимнинг улими оламнинг улимидир».

«Қиёмат кунини олимларнинг сиёҳи билан шаҳидларнинг қони тарозига тортилади, аммо олимларнинг сиёҳи оғир келади».

«Мен олимман ва ҳар олимни севаман».

«Олимнинг обиддан устуниги тулин ойнинг юлдузлардан устуниги кабидир».

«Охиратда набилар, олимлар ва шаҳидлар шафоат қилиш ҳуқуқига эга буладилар».<sup>8</sup>

«Илм Чин мамлакатига бўлса ҳам, уни олинг».

«Ҳикмат (илм) мўмин киши йўқотиб қўйган молдир, уни қаерда топса, олади».

«Илм таҳсил этиш ҳар бир мусулмонга фарздир».<sup>9</sup>

«Бир соат илм олиш бир кеча-кундуз ибодат қилишдан, бир кун илм олиш эса, уч кун руза тутишдан афзалроқдир».

«Олимларга эргашингиз. Зеро, улар дунёнинг машғалалари ва охиратнинг чироқларидир».

«Сирот купригида олим ва обид юзма-юз келади. Обидга: «Сен жаннатга кир», дейилади. Олимга эса: «Тухта, сен шафоатчи буласан», деб хитоб қилинади».

«Оллоҳ бир миллатга яхшилик истаса, у миллатнинг олимларини қўрайтириб, жоҳилларини озайтиради. Олим гапирса, қўлловчи ва тарафдор топади. Жоҳил гап бошлаши билан разил этилади».

«Илм мажлислари жаннат боғчаларидир».

«Илмга толиб бўлган кишининг ризқига Оллоҳ кафилдир».

«Илм ургатган кишига илм урганиб, унга амал қилган кишининг савоби берилади».

«Ё олим, ё муаллим, ё тингловчи, ёхуд илм муҳиби бўлинг. Илло, бешинчи бўлманг».

«Олимлар йул курсатувчи юлдузлардир».

«Уламо билан утириб туришлик ибодатдир».

<sup>1</sup> Имоми Ғаззолий. «Иҳе...» I, 91-с. <sup>2</sup> Алақ, 1-5. <sup>3</sup> Оли Имрон, 18. <sup>4</sup> Мужодала, 11. <sup>5</sup> Зумар, 9. <sup>6</sup> Фотир, 28. <sup>7</sup> Анкабут, 43; Анбие, 7. <sup>8</sup> Имоми Ғаззолий. «Иҳе...» I, 13-с. <sup>9</sup> Ажлуний. «Кашфул хафа», I, 138—363-с.

«Ораларида олими булган жамоалар шайтоннинг белини синдирган буладилар».

«Дунё саодати истовчилар илмга боғлансин, охират саодати истовчилар илмга боғлансин, ҳам дунё, ҳам охират саодати истовчилар ҳам илмга боғлансинлар».<sup>1</sup>

Илм хусусидаги бундай ҳадисларнинг сон-саногги йук. Динимиз илм ва таҳсилга буюк аҳамият бергани учун ҳам қисқа вақт ичида Ислому оламида ҳадис, тафсири, фикҳ, калому ва бошқа бир қатор илмлар вужудга келди. Эски маданиятларга оид илмий асарлар араб тилига утирилиб, янада ривожлантирилди. Бу нарса, уз навбатида, буюк Ислому маданиятига асос бўлиб хизмат қилди.

Аввал ҳам бир қанча илм соҳалари мавжуд эди, аммо зехният илми илк бора Ислому оламида вужудга келди. Зехният илмини вужудга келтирган омиллари куйидаги тарзда санаб утишимиз мумкин:

а) юқорида қайд қилинганидек, Исломунинг самимий ва қатъий бир суратда илм урганишга ва ургатишга ташвиқ этиши;

б) Қуръони Каримда бир низому ва табиату қонуни фикрининг мавжудлиги: «Оллоҳнинг қонунида ҳеч бир узғариш тополмасиз»;<sup>2</sup>

в) Қуръоннинг оламу, жамияту ва инсон хусусида тафаккур қилишга ва уларни тушунишга даъват қилиши;<sup>3</sup>

г) сезги органлари, кузатуву ва тажрибага таянган билимларга аҳамият берилиши, билимнинг амалиётга татбиқ этилиши, куруқ назариядан иборату булган олди-қочди билимларга куп аҳамият берилмаслиги, кераксиз тортишуву ва мунозаралардан узоқ турилиши;

д) ҳар нарсани билгувчи фақату Оллоҳ таоло эканлигини, инсоннинг билими эса чекланган, аммо ҳақиқату ва туғри эканлигини қабул қилиши: «Ҳар билгувчининг устида бир билгувчи бордир».<sup>4</sup>

Мусулмоннинг дуоси шундай: «Роббим, илминни эида қил».<sup>5</sup> Яъни, инсон ҳар куни янги бир нарсани урганади, аммо қанчалик куп урганмасин, барибир билмаган куп нарсаси қолаверади. Илм бир дарсу, инсон билими эса, ундан бир қатра, холосу.

е) Ислому маданиятидаги илм тушунчасининг бетарафу ва мухтор (хур ва сарбасту) эканлиги;

ж) илм ва фикр одамларининг давлату ва вақфлар томонидан муҳофаза этилиши;

з) илм ва фикрга ҳурмату-эътибор, қаноату ва ижтиҳодларга эса, мусомаҳа курсатилиши;

Ислому жаҳолатга қарши уруш эълон қилган. Исломунинг энг буюк душмани жаҳолатдир. Шу боисдан ҳам Исломудан олдинги арабу ижтимоий ҳаётига жоҳилияту номи берилган. Ислому жоҳилияту даврига яқун ясабу, илму ва ирфон даврини бошлаб берди. Шу уринда Ислому тарихида бўлиб утган бир ҳодисани эслатиш жоиздир. Фидя (товон) бериб озодликка эришиш имкониятига эга булмаган Бадр жанги асирлари ун мусулмонга уқишу ва эзишни ургатиш эвазига озодликка қуйиб юборилган эдилар. Шу тариқа, Ислому ҳатто узи уруш эълон қилган бутпарастларнинг мусулмонларга уқитувчилик қилишларини ҳам мақбул курган.

Исломуяту ақлу ва фикр дини бўлиш билан бирга, илму ва ирфон дини ҳамдир. Аммо у ақлдан устунилоҳий моҳиятга ҳам эга. Илму ва санъату ақлдан туғилади у уз навбатида ақлу ва зехни озиқлантиради у тараққий эттиради. Шу боисдан илму ва санъатнинг муҳофаза қилиниши у ривожлантирилиши, айна пайтда, ақлу ва тафаккур, зехну ва законинг муҳофазаси у ривожидемакдир.<sup>6</sup>

Илму у фан ақлий савияни камол чоптиради. Шунинг учун Ислому илму олишни барча мусулмонларга фарз қилган. Ислому таҳсил олиш мажбурийдир.

<sup>1</sup> Алоуддин Али ал-Ҳиндий. «Канзулу уммолу», Байрут, 1979 й., X, 51—130-с. <sup>2</sup> Исро, 77; Фотир, 43; Аҳзоб, 62; Фатҳ, 23. Шунингдек, бу хусусда Муҳаммаду Иқболнинг «Ислому диний тушунчанинг янгидан пайдо бўлиши», Истанбул, 1984 й.; М. Раҳми Болабоннинг «Илму, ахлоқ, иймон», Анкара, 1950 й. китоблари муурожаату қилишингиз мумкин. <sup>3</sup> Имоми Газзолий. «Иҳу...» IV, 409. Тафаккур боби. <sup>4</sup> Юсуф, 76. <sup>5</sup> Тоҳа, 114. <sup>6</sup> Ибну Халдуни. «Муқаддима», II, 992-с.

Илм иккига булинади: диний илм ва ақлий илм. Диний илмларнинг бир қисмини урганиш ҳамма учун мажбурий ҳисобланади. Бунга «фарзи айн» дейилади. Қилиниши фарз булган ишлар, ҳалол ва ҳаром нарсалар ҳақида етарлича билимга эга бўлиш, диний заруриятларни билиш ҳар бир мусулмон киши устидоғи фарздир. Фикҳ ва ҳадис илмларини урганиб, уларга ихтисослашиш эса, «фарзи кифоя» саналади. Табобат, риёзат, киме каби ақлий илмлар, деҳқончилик, тикувчилик ва тукувчилик каби санъат ва касбларни урганиш ҳам фарзи кифоядир.

Исломият инсонларни фойдали илмга ташвиқ қилади. Бундай илм Исломга кура, садақан жория ҳисобланади. Инсон улганда амал дафтари епилади, аммо шу уч нарса мустасно: «садақан жория, фойдаланилган илм, отасига хайрли дуо қилган яхши фарзанд».<sup>1</sup>

Билмайдиган киши сураши ва урганиши, олим киши ургатиши ва битганини айтиши шарт. Ислом илмни қизғонишни тақиқлайди.

Илм олиш шарафли ва муқаддас ишдир. Шу боисдан, олим киши билан жоҳил киши ҳеч қачон тенг бўлмайди. Фикҳ олимларининг фикрича:

а) фарз илмни урганиш Қуръон илмларини урганиш ва уқишдан савоблироқдир;

б) илм урганиш бошқа хайрли ишлардан савоблироқдир.

Илм урганиш, айни пайтда, бир ҳуқуқдир.

Ҳеч ким инсонни бу табиий ва маданий ҳақдан маҳрум эта олмайди.

Зеро:

а) бир киши ота ва онаси рози бўлмаса ҳам, илм урганиш учун мамлакатидан чиқиб кетиши мумкин. Унинг таҳсили ота-онасини танг аҳволга солмаса ва уларга зарар етказмаса бўлгани;

б) илм ҳар ерда урганилиши мумкин: мактабда, мадрасада, жомеъда, уйларда, иш жойларида ва ҳоказо. Унга тусқинлик қилишга давлатнинг ҳақи йук.<sup>2</sup>

Хуллас, Ислом аввал тафаккур қилишга, кейин тафаккур маҳсули булган илм ва саноатга аҳамият қаратади. Қолаверса, фикрий ва илмий фаолиятларини издан чиқарадиган зарарли моддаларни тақиқлаб, ақлни муҳофаза этади. Шу тарика Исломият, бир томондан, ақл ва тафаккурнинг уйғун муҳитда камол топиши, қобилият ва истезьоднинг юзага чиқиши учун, иккинчи томондан эса, уларнинг муҳофазаси учун лозим булган барча ҳуқуқларни уртага қўяди.

Ақлга ва унинг маҳсули булган илмга бунчалик юксак аҳамият берган бир динга мансуб кишиларнинг жоҳил бўлиб, тараққитдан орқада қолишлари ҳеч қандай ақл мезонига тўғри келмайди. Ислом узининг вазифасини керагидан ортиқ бажарган, қолгани мусулмонлар, яъни, сиз билан бизларнинг зиммамиздадир.



<sup>1</sup> Ажлунний. «Кашфул-хафа». 1, 99-с.

<sup>2</sup> Мустафо ас-Сибойй. Уша асар, 66—68-с.



*Садриддин Салим Бухорӣй*

## ВАҚТНИНГ СОЧИ ОҚАРМАС

Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм.

Дунё тилсим, ҳикматдир. Шу тилсим, ҳикматлар ичида энг қизиғи — вақт. Вақтни на тутиб, на ундан ўтиб, на уни тўхтатиб бўлади. Вақт утаверади, утаверади. Соат тўхтаб қолса ҳам вақт тўхтамайди. Вақт Оллоҳ таолонинг ҳукмида, измида.

Ҳар биримизнинг бахтли ва бахтсиз Вақтларимиз бор. Аслида Вақт — бахт, имконият.

Соч-соқол оқарди. Вақтнинг соч-соқоли оқармайди! У навқирон! Кўзнинг нури камайди. Вақтнинг кўз нури камаймайди! У ҳамма нарсени кўради! Хотира пасайди. Вақтнинг хотираси мустаҳкам! У ҳеч нарсени унутмайди!

Мени Неъмат ака Аминов билан учраштирган Вақтга 30 йил тўлди. У пайтда Неъмат ака Бухоро вилояти радиосида бош муҳаррир эди. Мен илк шеърларимни радиога ўқигандим.

Неъмат аканинг укалари Болтажон билан биз бир мактабда ўқир, Неъмат аканинг ғойибона мухлислари эдим. Болтажон кўп марта таклиф этган бўлса-да, уларнинг уйларига бормоқ ва Неъмат ака билан ҳамсуҳбат бўлмоққа журъат этмасдим, аниқроқ қилиб айтганда, ўзимни лойиқ деб билмасдим.

Ўрта мактабни битирдик. Ўқишга кира олмадим. Ҳаётимнинг энг огир (уни огир дейиш ҳозир қулгили) Вақтида Неъмат ака билан учрашдим. Неъмат ака уйларига таклиф этдилар. Тўрт-бешта китоб кўтариб бордим. Дарвоза очиқ эди. Тақиллатдим. Ҳовлидан: «Марҳамат, кириш!» — деган товуш чиқди. Ҳовлига кирдим. Айвон тағидаги сўрида нуроний бобо ўтирар эдилар. Югуриб бориб кўришдим. Дарҳол фотиҳага қул очдилар. Сўнг исмим, наслу насабимни сўрадилар. Отам, боболарим исмини айтишим биланоқ уринларидан туриб: «Эй тақсиржон! Мен мулло Абдунаби ўгли дедингизми? Бора-қоллоҳ! Қани, қайта бошдан кўришайлик. Оллоҳ отангизни раҳмат қилган бўлсин. Биз у киши билан қадрдон эдик. Эшони Фатҳободий, Мулло Исмоил билан ҳам қадрдон эдик...» деб мен билан қайта кўришдилар. Сўнг қўлимдаги китоблар билан қизиқдилар. Мен то кечгача китоб ўқиб бердим.

Бу зоти шариф Неъмат аканинг оталари — темирчи уста Амин бобо эдилар. Биз шу Вақтнинг ўзидаёқ ота-ўғил бўлдик. Мен Неъмат акадан кўра кўпроқ уста Аминбобо билан учрашар, ҳамсуҳбат булар, сабоқ олар эдим.

Мен Неъмат акани Устабобо орқали кашф эта бошладим.

Устабобо дарвозалари эртаю кеч очик; деярли ҳар куни меҳмон бор. Ёшу қари, эркагу аёл, турли миллат, турли дин вакиллари Устабобога талпинар, у киши дусини олмоқ бўларди.

Маҳаллалардан бирида мияси сал айниганроқ чол бор эди. У ҳам тез-тез Устабобо ёнларига келар, соатлаб суҳбатлашиб утирарди. У кучадан топган нишон, орден, медалларни тақиб юришни яхши кўрар эди. Устабобо чолни асло ранжитмас, унга турли нишонлар топиб қўяр ва совга этардилар. Унинг алмойи-алжойи ҳикояларини ҳам сабуру тоқат билан тинглардилар.

Бир кун Устабобо менга: «Девонага ҳам озор бермоқ гуноҳ. У ҳам Оллоҳ бандаси-да! Лекин буни кўрингки, Оллоҳ ақл бермаса — тамом экан. Ақлни эса на кўриб бўлади, на қўл билан ушлаб бўлади. Оллоҳ кимгадир бир қулоч, кимгадир икки қулоч, кимгадир тариқдай ақл бераркан. Айримларга эса мана шу тариқни ҳам раво кўрмаскан. Доимо Оллоҳга ақл бергани учун шукр қилайлик. Зеро, истаса, сизу биздан ҳам ақлни олиб девона қилиб қўйиши мумкин.» — дедилар.

Тариқат — ҳар воқеа-ҳодисадан, ҳар гапдан, ҳар қадамдан, ҳар ишдан ибрат олмоқ, сабоқ олмоқ демақдир. Устабобо тариқатдан бохабар эдилар.

Навбатдаги суҳбатлардан бирида Устабобо қизиқ бир ривоятни айтиб бердилар. Нақл этилишича, бир шайх одамларни йўлдан оздирувчи Шайтонни ўлдирмоқни ният қилибди. Шайтонни жангда енгибди ва бўйнига пичоқ қўйганда, Шайтон: «Эй шайх! Мени ўлдирмоқдан сенга не фойда? Агар мени озод қилсанг, ҳар саҳар ёстигинг остига ўн дона тилло танга қўяман. Шу вақтгача тўйиб овқат емасдинг, бойиб, думоғинг чоқ яшайсан!» — депти. Шайх уйлаб кўрса, Шайтоннинг гапида жон бор. Дарҳол уни озод қилипти. Бир ҳафта ҳар сафар ёстигининг тагидан олтин тангаларни олаверипти. Иккинчи ҳафтадан бошлаб ёстиқ остидан тилло чиқмапти. Шайх Шайтондан ранжиб яна у билан жанг қилмоқ мақсадида йўлга чиқипти. Яна курашиптилар. Бу дафъа эса Шайтон голиб келиб, Шайхнинг бўйнига пичоқ қўйипти. Шайх ҳайрон бўлиб: «Менинг кучим узаргани йўқ-ку! Нега аввалги ҳафта сени енгдим-у, бу дафъа мағлуб бўлдим?» — деб сўрапти. Шайтон: «Эй Шайх! Аввалги дафъа сен бетамаъ ният қилиб чиққан эдинг. Шу боис голиб булдинг. Бу дафъа эса тамаъ юзасидан майдонга кирдинг. Таъмагир ҳамиша мағлуб!» — деб Шайхнинг бошини танасидан жудо қилипти.

Устабобо ривоятни тугатдилару кейин менга: «Садриддин, доимо тамаъдан узоқ бўлиш керак. Қай ишгаким бетаъма киришсангиз, албатта мурод ҳосил бўлади. Буни кўрингки, бетаъма одам ҳатто Шайтонни ҳам енга олар экан!» — дедилар.

Устабобо бетаъма инсон эдилар. Шу боис, ҳамма у кишини ҳурмат қилар, яхши кўрар эди.

Энди уйлаб кўрсак, барча тариқат пирлари ҳам бетаъма халққа хизмат этган.

Дарвоқе, Устабобо Шайтонни мағлуб этган кишилардан эдилар. Неъмат акани ҳам Шайтон адаштиради. Одам суратидаги Шайтонлар ҳам у кишини енголмади. Чунки Неъмат акада таъма йўқ эди. Чунки Устабобо Неъмат акани меҳнат нони — ҳалол луқма билан вояга етказгандилар.

Агар маёқ бўлмаса, кема манзилга етолмайди, адашади. Ҳар бир киши ҳаётида ҳам албатта мана шундай маёқ — шахслар бўлиши керак экан. Мен учун Уста Амин бобо маёқ эдилар. Мен Устабобо орқали одамларни, дунёни кашф қила бошладим. Натижада Теша бобони топдим. Теша бобо нақшбандия тариқатининг пири эдилар.



Теша бобо шарофатидан Бухоройи Шарифда нақшбандия тариқати қайта илдиз отди. Дарвоқе, Устабобонинг ўзлари бир умр: «Дил ба ёру даст ба кор!» шиорига амал этган пир эдилар-ку!

Мен Неъмат акани кашф қила бошладим. Мен Неъмат акага ҳавас этардим. Чунки менда йуқ хислатларнинг кўпи у кишида бор эди: дўсту душманга бир хил муомала қилмоқ, Душманга ҳам яхшилик этмоқ, ҳақиқат учун жонни тикмоқ, халққа холисаниллоҳ хизмат қилмоқ...

Ичи тўла идишга тоза сув солмоқ учун нима қилиш керак? Идишдаги ифлос сувни тўкиш лозим-да! Одам ҳам ўз ичидаги ёмон иллатлар баҳридан кечмаса, яхши хислатларга жой тополмаскан. Мен ҳам идишдаги иллатларни тўка бошладим. Бу учун эса Вақт ва жасорат лозим эди.

Мен Неъмат ака орқали қалб кўзи очик Темур ака Ганиевни топдим. Темур акадан «оёқларсиз дунё буйлаб сайр этмоқ» санъатини ўргандим. Темур акадан сабрни, қаноатни, шукронани, одамгарчилик илмларини ўргандим. Мен «кўзларсиз жаҳонни кўра билувчи» Улмас Расуловни топдим. Давримизнинг атоқли адиблари Саид Аҳмад, Озод Шарафиддинов, Гайбулла ас-Салом, Нажмиддин Комилов, Иброҳим Гафуровларни кашф қилдим. Уларнинг ҳар битталари бир дунё!

Бухоройи шариф тимсоллари бор экан. Неъмат ака шарофатларидан Бухоройи шариф тимсоллари билан ҳамсуҳбат буддим, уларнинг дуосини олдим. Бухоройи шариф тимсоллари Ҳазрат Нақшбандхон Султонхон ўғли, Уста Амин бобо, Ҳожи Теша бобо, Темур ака Ганиев, Ориф бобо...

Дўст кулфатда билинади, дейдилар. Дарҳақиқат, шундай. Мен Неъмат ака бошларига кулфат тушганда «дўст»ларни кўрдим. Ул Вақт Неъмат акага ҳам, «дўст»ларга ҳам, бизларга ҳам синов эди.

Пиримиз дердилар: «Гавҳар балчиққа тушган билан қиммати пайсмайди. Балчиқнинг эса қиммати ошмайди. Гавҳар — гавҳар, балчиқ — балчиқ!»

Мен Неъмат акадан Бухорони севмоқ ва Бухоро тимсолида бутун Ўзбекистонни севмоқ илмини ўргандим. Аслида, Неъмат ака учун Фарғона ҳам, Тошкент ҳам, Қарши ҳам Бухоро! Неъмат ака учун андижонлик ҳам, наманганлик ҳам, бухоролик ҳам бир!

Ёзувчи бўлиш осон эмас. Халқ меҳрини қозониш ҳам осон эмас. Неъмат ака халқ меҳрини қозонган ёзувчи.

Пайгамбаримиз Муҳаммад Салоллоху алайҳи вассалам ҳадисларида айтилишича, қай бандани Оллоҳ яхши кўрса, фаришта Жаброил алайҳиссаломга: «Шул бандамни яхши кўраман, уни сен ҳам яхши кўр!» — деркан. Фаришта Жаброил бошқа фаришталарга ҳалиги кишини севишни буюраркан. Кейин ул бандани одамлар яхши кўраркан. Демак, одамлар бир кишини севдими, ҳурмат қилдими, унда ҳикмат бор. Ўз-ўзидан бу ёъзоз, бу ҳурмат пайдо бўлмайди.

Неъмат ака Ҳазрати Баҳоуддин айтгандек «шуҳратда офат» борлигини билар; шуҳрат кетидан югурган эмас.

Неъмат ака бахтли инсон. Суянаман, деса ҳақиқий дўстлари бор, холисаниллоҳ дуо этадиган дуоғўйлари бор, фахрланадиган шоғирдлари бор инсон бахтли инсон-да!

Бухоро Неъмат Аминов билан фахр этади. Неъмат ака ўз Бухороси, ўз Ўзбекистони, ўз президенти билан фахр этади.

Дарвоқе, 60 йиллик Вақтни Неъмат акадай ўтказмоқ, ҳамиша маънавияту маърифат, эзгулик учун хизмат қилмоқ ҳаммага ҳам насиб этмайди. Мен Неъмат акадай устозим, акам борлиги билан фахрланаман.



*Раҳим Муқимов*

Адабиётшунос олимман. Умримнинг ярим асрдан купроги Самарқанд Давлат дорилфунунида утди. Уқидим, уқитдим. Мақола, рисола, дарсликлар ёздим... Бирок, баъзи-баъзида шеър айтиш, узимга ёққан шеърларни таржима қилиш, асар битишга ҳам қизиқдим.

Тақдир тақозоси билан, мана бешинчи йилдирки, Москвада яшайман. Икки йил Ўзбекистон Республикасининг Россия Федерациясидаги Элчихонасида ишладим, ҳозир Халқаро Ёзувчилар уюшмасида ўзбек адабиетидан маслаҳатчиман.

Қарасам, 75 ёшга тулибман. Шеърларим билан «Шарқ юлдузи» уқувчилари танишсин, деб орзу қилдим...

## ОНА ЮРТ

*Шух жилгача, зангори урмон,  
Ярқирайсиз қуёш нурида.  
Онам меҳри сунмагансимон,  
Сиз ҳам борсиз қалбим турида.*

*Олисларга йуллади қисмат,  
Дарё кечиб, оламни кездим.  
Қаерларда юрмайин фақат —  
Сизни мангу ёнма-ён сездим.*

*Сизда кечган ёшлик йилларим,  
Бошлаб келди яна шу томон.  
Қайси элга тушмасин йулим,  
Унутмайман сизни ҳеч қачон...*

\*\*\*

*Ёмғир ёғиб утгач ёз пайти,  
Боққанмисан тири камонга,  
Яшнатганда кук гулзорини?*

Курганмисан олтин куз фасли,  
Поени йуқ Жиззах чулининг —  
Денгиз мисол пахтазорини?

Самолётдан кузатганмисан,  
Чаманзорга ухшар оқшомлар —  
Гузал Тошкент Чилонзорини?

Домна печи ловуллашида,  
Дастгоҳларнинг гувиллашида  
Сезганмисан қушиқ борини?

— Булмасам-чи! — дедим,  
— Ҳа, балли! —  
Дединг: — Куркам диёрдан изла  
Шуҳ наволар бастакорини!

\* \* \*

Булут... булут...  
Кулранг, оқ булут,  
Эҳе, яқин ва йироқ булут.  
Тугён урар булут денгизи,  
Айланмаси ҳаммаёқ булут.  
Тебратолмас қуш қанотини,  
Гуё унга чанг солмиш бургут.

Бургут эмас, самолётимни —  
Исканжага олмиш оқ булут.  
...Оппоқ тонгдир менинг манзилим,  
Тусма, булут,

етайин тезроқ.

Ҳазиллашма, яқин йулимни —  
Қилма атай мен учун йироқ.  
Шундай ҳам кўп булди умримда  
Булутли кун,

булутли дамлар.

Қора булут ураб олган тун,  
Ҳатто,

ҳар хил — булут одамлар.

Ҳаммасига беролдим бардош,  
Ҳеч қайсига бош эганим йуқ.  
Чунки йулим ёритар қуёш,  
Истиқлолнинг йулидир қутлуг.

\* \* \*

Қуёш ботар уфқ сатҳига,  
Чуғ лайлидай ловуллаб ёниб.  
Ботар пайти, биров бахтига  
Ёруғ бермоқ булар у қониб.

Ботар экан, биров ҳаётин —  
Нурга кумар, тоби йуқ тунга.  
Кошки, мен ҳам умрим сунгида  
Тантиликда ухшасам унга..



## ТУГАЛЛАНМАГАН ҲИКОЯ ТАРИХИ

(Абдулла Қаҳҳор таваллудининг 90 йиллигига)

Биз ҳар қандай ёзувчи ижоди ҳақида сўзлаганимизда, танқидий қараш билан бирга, унинг кузатишлари, кечган машаққатларини ҳам урганиб чиқишимиз фойдадан холи эмас, деб уйлайман.

Устод Абдулла Қаҳҳор «Гўзал» номли ҳикояни ёзишга ҳам қўл урган. Саидбек Ҳасанов («А. Қаҳҳор асарлари» каталоги, 1980 й.): «117. «Гўзал». Ҳикоя. Вариантлар. Қўлёзма — автограф, (й.й.) араб графикасида 23 varaқ» — деб бу ҳақда хабар беради.

Дастхатнинг 2 саҳифаси ҳикоя матнини, қолган 21 саҳифа вариантларни ташкил этади. Ёзувчи «Гўзал»ни қачон ёзганлиги номаълум, лекин ҳикоя вариантларининг орқа қисмида «1965 йил прозаси» номли мақолага асослансак, бу қўлёзма 1965 йил ёки ундан кейинги йилларда қоғозга туширилган, деб тахмин қилишимиз мумкин. Айтишларича, Абдулла Қаҳҳор асар қўлёзмаларини узоқ сақламас; қўлёзма вариантларини тезда ёқиб юборар экан. Аммо бу ҳикоя қўлёзмаси чала ҳолда бўлса-да, вариантлари билан сақланиб қолган. Балки ёзувчимиз бу мавзуга қайтишни, ҳикояни қайта ишлашни ният қилгандир...

«Гўзал» ҳикоясининг матнини ўқиймиз:

«Оби ҳаёт ичсанг ҳам, озроқ ич»  
(қадимий бир китобдан)

*Қоп-қора тунда чарақлаган юлдузлар, қиш кучоғидан баҳор кучоғига отилиб чиққан расида қизларнинг жамоли таърифга сиғарми?*

*Гўзал — кекса табиат бутун хунарини, тамомий макру ҳийласини кўрсатиб оро берган ўшандай қизлардан, лекин яна алланимаси билан бутун маҳалланинг меҳригйёси, бино қўйган бисоти бўлиб қолган эди.*

*Унинг нимаси тенгқурларидан ортиқ? Нима учун қариялар куча-қўйда унинг саломига бажонудил алик олиш билан қаноат қилмай, яна дуо қилишади? Нима учун қизлар, ҳатто ўзидан каттароқ қизлар ҳам кўпинча уни «опача» дейишади? Нима учун йигитлар номини тоқ атамай, унча келишмаса ҳам, «Гўзалхон» деб аташади? Бунинг сабабини ҳеч ким билмайди, зотан бу тўғрида уйлаб кўриш ҳеч кимнинг хаёлига келган эмас. Чунки Гўзал, деганда бошқа ҳар қандай уй-фикр патдай тўзиб кетар эди.*

*Милиция ҳушёрхонага олиб кетгани машинасига сололмаётган бир бадмаст «Гўзал келаётибди» деган гапни эшитиб, дарров ўзини машина ичига урган эмиш. Бунга ишонса бўлади, чунки маст унинг кўзига чиркин бир аҳволда қурингани уялган, шарм-ҳаё пайдо қилган. Гўзални келин қилиш орзусида юрган ота-оналар маҳаллада озмикин? Лекин бу ҳақда ҳамма ҳам руй-рост оти эчилш у ёқда турсин, сўзи орасида имо-ишора қилгани ҳам тортинар, афтидан «Нотавон кўнгул» деган таъна андишаси тилини боғлар эди...».*

Ҳикояни ёзувчи шу ерга етганда тўхтатган.

Маълумки, Абдулла Қаҳҳорнинг асарни ёзишга киришиши ва ёзиш жараёни жуда мураккаб кечган. У заргардек, ҳар биз сўзнинг, ҳар бир жумланинг жилосини топмагунча, сайқал бераверади. Бу ҳақда унинг ўзи бизга шундай сўзларни ёзиб қолдирган: «Мен ёзилган саҳифани, ҳатто жумлани ҳам устидан тузата олмайман. Жумла, ҳатто бутун бир саҳифада бир сўзни ўчириб, ўрнига иккинчисини ёзиш учун бошқа қоғозга ўша жумла, ҳатто саҳифани кўчириб ёзаман. Бир саҳифани ўрта ҳисоб билан 15-16 марта кўчираман, шубҳасиз, ҳар саҳифага сайқал бераман».

Энди вариантларни қуриб чиқайлик. Қўлёзманинг дастлабки 1-2-3-4 вариантларида ёзувчининг ҳаёлий сюжетни тасвирлашида қай йўсинда иккиланишлар бўлганини сезиш мумкин. Чунки сюжетда Гузални у яхши сўзлар билан таърифлаб борса-да, негадир қаҳрамонига нисбатан бирдан салбий фикр ҳам юритади: «Кунлардан бир кун мана шу қиз, шу Гузал нариги маҳаллалик Наимжон деган йигит билан топишипти, деган гап чиқиб қолди. Бутун маҳалла бир ирғиб турди, ҳар ерда, магазинларнинг эшиги олдида, самоварларда миш-миш, депти-депти, экан!..»

Бундан сезиладикки, «мақсад» ҳали ноаниқлигидан, «дард»нинг қоғозга кўчиши қийин бўлган. Адиб кўнглидаги иккиланиш, ҳаёлотнинг хомлиги — ёзувчини қийнаган, азоблаган. Ҳикоянинг «туғилиши» деймизми, вариантлари билан ёзилса-да, ёзувчи қаноат ҳосил қилолмаган, шу азобланиш — ёзувчини толиқтирган.

Қўлёзмалар билан танишганимдан кейин, мени саволлар қийнайверди. Нима учун ёзувчи ҳикояни тугатмай, вариантлари билан столида қолдирди? Нима учун ҳикоя қўлёзмаларини ёқиб юбормади? Агар ёзувчи ҳикояни тугал ҳолатга келтирганида — Гузалнинг ҳаёти нима билан тугалланарди? Гузал қандай қиз ўзи, яхшими ёки ёмон?

Узимни қийнаган саволларга жавоб ҳам излагандай бўлдим. Ёзувчи бу ҳикоясини тугатмаганлигига, 30-йилларда ёзган «Ўғри», «Адабиёт муаллими», «Бошсиз одам», «Анор» сингари мукамал ҳикоялари халал берганимкин?

Ўша йиллари ёзувчи йирик асарлар ёзишда банд бўлганидан, «Гузал»ни қайта қўлига ололмаганимкин?..

Оддий ўқувчи сифатида «Гузал» ҳикоясининг давомини ҳаёлимда «ўқимокчи» бўлдим.

Биз ёзувчининг тасвирларига асосланган ҳолда, ҳикояни «давом» эттирсак, Гузалнинг идеал қиз эканлигига шубҳаланмаймиз. Чунки ёзувчи Гузалнинг характерини, ҳаётини урناق қилиб курсатишга ҳамда биз ундан хулоса чиқаришимиз кераклигини таъкидлашга уринган.

Лекин ҳикоянинг яна бир жиҳати бор. Ҳикояга «оби ҳаёт ичсанг ҳам, озроқ ич» деган эпиграф қуйилган. Қадимий ибора бизни янада чуқурроқ мулоҳаза қилмоққа ундайди. Уйга толамиз. Мана шу иборага асосланган ҳолда, ҳикояни яна «давом» эттирсак, Гузалнинг ҳаётида фожеа юз беради. Гап шундаки, Гузал атрофидагиларга одобли бўлиб кўринса-да, унинг ички олами хунуқлигини ҳеч ким билмас; балки Гузал — маҳалласи уйлагандан бошқачадир?! Маҳалласида одобли қиз бўлиб «танилган» Гузалнинг қутилмаганда сирлари очилиши ёки у ёмон йўлга кириб кетиши маҳалладагилар учун катта фожеадир?! Ёзувчи балки Гузалнинг тақдири бундай фожеа билан тугашида маҳалланинг, дугоналарининг ҳам айби бўрлигини айтмоқчи бўлгандир?!

Нима қилганда ҳам, бу қўлёзма замирида — Абдулла Қаҳҳорнинг катта заҳмати, изланишлари ва яна энг муҳими, адиб айтолмай қолган бир сўз ётади. Шу жиҳатдан «Гузал» ҳикояси тугалланганига қарамасдан, адабиётшуносларни ҳам, оддий ўқувчини ҳам қизиқтиради. Уйлатади. Бундай қўлёзмалардан қанчасини Абдулла Қаҳҳор ёқиб, йўқ қилиб юборганини қайта эслайдиган бўлсак, ёзувчи меҳнати нақадар мураккаб ва масъул эканлигини ҳам яна бир карра ҳис этамиз!

Насиба ЗИЁДУЛЛАЕВА,  
ТошДУ аспиранти.



*Абдураҳим Каттабоев*

## БУ ХИВАДА БОШЛАНГАН ЭДИ...

Ўзбекистон Мустақилликка эришиб, бугунги кунда минг йиллик тарихга эга ўзбек халқи маданий тараққиётнинг юксак даражасида турганлиги ва ўз миллий санъатининг турли-туманлиги билан фахрлана олади. Қатор йиллар давомида бутун санъатда янги жанр шакллари, сифат жиҳатдан янги йуналишлар вужудга келди. Миллий кинематография тикланиш йулига кирган XIX аср охири XX аср бошлари бу борада алоҳида эътиборга лойиқ. Албатта, асримизнинг 20-йилларигача ўлкада кино халққа нотаниш, унганча умуман кино санъати бўлмаган эди. Лекин кинематография Урта Осиё маънавий ҳаётига тез кириб келди. Кинематография пайдо бўлгандан икки йил кейин, яъни 1897 йилдаёқ Тошкентда биринчи киносеанс бўлиб ўтди. Ундан кейин Самарқанд, Қўқон ва бошқа шаҳарларда ҳам кино кўрсатилди. «Туркестанские ведомости» газетаси бу соқов кинофильмни «Харакатланувчи фотография», «Тирик фотография», «Сехрли фонар» деб атади. (Бу тарих тўғрисида Х. Абдулқосимова, Ж. Тешабоев, М. Мирзамухаммедов, Ҳ. Акбаров, М. Алиев ва бошқаларнинг китоблари ва мақолаларида, шунингдек ўтган давр газеталарида кўп маълумотлар бор.)

Туркистонга кинематографиянинг кириб келиши хорижий ва Россия кино соҳасидаги ишбилармонларининг «кино» таъсирини кенгайтириш, рақобат-кураш йўлини қидириши билан боғлиқ эди. 1897 йилдан бошлаб ўлкага олиб келинаётган «Сайёр киноларни» аҳоли қизиқиш билан кўра бошлади. Янги асрнинг бошларида Тошкентда дастлабки кино ижара пунктлари пайдо бўлди ва фильмлар доимий намойиш этиладиган жойлар вужудга келди. Ўзбек халқи ибораси билан айтганда «бу дажвол ўйини»нинг Туркистонда пайдо бўлиши ҳам ажабланарли, ҳам қувончли эди. Кинога нисбатан аввалига қўнғил ёзиш, эрмак воситаси, деб қараган рус ҳукмдорлари, кейинроқ унинг даромад манбаи эканлигини ҳам англаб етдилар, шунга кўра Туркистонни кино бозорига айлантириб юбордилар. Асримиз бошларида рус кино қорчалонлари Туркистоннинг деярли барча шаҳарларида доимий ишлайдиган кинотеатрлар ташкил этадилар. 1908 йили бундай кинотеатрлардан биринчиси Тошкент шаҳрида эди. 1909 йили Макс киноконтораси улардан энг йириги эди. 1914 йили ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида 25 та доимий киноускуналар мавжуд бўлган.

Тартибга кўра, кинотеатрлар фақат катта шаҳарларда ҳамда русийзабон аҳоли жойлашган ҳудудларда фаолият кўрсатар эди. Ўлканинг туб аҳолиси жойлашган «эски шаҳарларда» кинотеатрлар қурилмас эди. Фақат айрим ҳоллардагина, мусулмон байрамлари куни ижара контораси

эгалари тезлик билан мослаштирилган саройларда, Ёз кунлари эса қоронғи тушиши билан очиқ майдонларда ҳам кино тамошаларини ташкил этишаварди. Кинофильм мавзуларини танлашга алоҳида эътибор берилмасди. Асосан, ур-йиқит, севги-муҳаббат, бепарда-ахлоқсиз воқеалар акс этган комедиянамо фильмлар, қисқа метражли тамошалардан курсатиларди. Кино кўришга келган маҳаллий аҳолини (булар эркаклардан иборат эди) улка ҳаётдан олинган воқеа-ҳодисаларни акс эттирувчи фильмлар кўпроқ қизиқтирарди. XX асрнинг дастлабки ун йиллигида ленталар унчалик кўп эмас эди. Уларда диний одатлардан лавҳалар, бозор ҳаёти, маҳаллий аҳоли турмуши, Тошкент ва улка тасвири, европаликлар маишати, Бухоро амири ҳаётдан «воқеалар» ва бошқалар акс этар эди.

Намоиш этилаётган фильмлар рус тилида бўларди. Рус ва маҳаллий тилни билган ерли татарлар, арманлар ярим-ёрти, чала тарзда ўзбекчага таржима қилиб беришарди.

Туркистонни «Ғаройиб улка» сифатида Москва, Петербург ва ҳатто Париждан келган кинооператорлар суратга туширишар эди. 1897—1905 йилларда жаҳон кинематографиясининг бошловчилари ака-ука Люмерларнинг Россиядаги фирмаси вакили булган Феликс Месчиш Туркистонда биринчи хорижий суратга олувчилардан эди. Даниялик Гардерч ва «Эклер» фаранг кинофирмаси вакили Рени Морго 1911 йили «русларнинг Урта Осиёдаги мулкларини» кинода акс эттиришга рухсат оладилар. 1914 йили «Ханжонков и К<sup>о</sup>» ҳиссадорлик жамияти Туркистон улкасини «қарамликка айлантириш шароитларини» суратга олиш хоҳишини билдиради.

Хоразмлик сураткаш Худойберган Девонов ўзбек киносининг бошловчиларидан эди. У 1878 йили Хивада туғилган. Унинг ота-онаси йигитни Москва, сўнгра эса Петербургга ўқишга юбориш имкониятини топадилар. Девонов у жойларда «Харакатланувчи фотография» билан қизиқиб қолади, ва кинематография сирларини ўрганишга киришади. У Петербургдан граммафон, фотоаппарат ва «Пате» кинога олиш ускунаси сингари учта «ғаройиб» техникани Хоразмга олиб келади. Аммо Девонов учун фотограф ва кинооператор бўлиб ишлаш осон бўлмайди. Маълумки, ўша даврда одамларни суратга олиш ман этилган эди. Лекин Девонов бу тусиқни енгиб ўтади. Биринчи миллий кинематографчи бўлмиш Девонновда актёрлар ҳам, павилон ҳам, юпитер ҳам йуқ эди. У суфи азон айтадиган миноранинг устига чиқиб, нимаики кўзига қизиқ кўринса, шуни суратга олаверар эди.


Девонов ўша даврдаги айрим кимсалардан фарқли ўлароқ кинони бойлик орттириш, тижорат воситаси қилиб олмади. У уз санъати билан халқига хизмат қилишни истарди, холос. Атрофига бир неча хивалик ёшларни тўплайди, уларга суратга тушириш, ленталарга ишлов беришни ўргатади. Сўнгра ўзининг шогирдлари Машариф Бобожонов ва Отаниёз Шокировлар билан маърифий мақсадларда Хива кучалари ва бозорларида белул кино тамошалари курсатади. У суратга олган унча катта бўлмаган видеофильмлар шахар, оддий одамлар ҳаёти ҳақида ҳикоя қилар эди.

20-йилларда Девонов юртимизда кино саноатини вужудга келтиришда фаол иштирок этди! Афсуски, 30-йиллар ўрталарида биринчи ўзбек кинооператори Девоновнинг ҳаёти сталинча қамоқхоналардан бирида фожеона яқун топди.

Девонов ва унинг издошлари бошлаган ишлар кино санъатининг кейинги авлодлари ижодида давом эттирилиб, ривожлантириб борилди. Ўзбек кино санъати жаҳон киночилиги тажрибаларига таяниб шахдам одимлар билан тараққий этди, улғайди, вояга етди, оламга довруғ таратди. Ўзбек кино усталари яратган «Алишер Навоий», «Тоҳир ва Зухра», «Ўтган кунлар» ва бошқа фильмлар дунёнинг кўпгина мамлакатларида намоиш қилинди ва тамошабинларнинг олқишига сазовор бўлди.

## МУНДАРИЖА

<b>БУХОРОНИНГ 2500 ЙИЛЛИГИГА</b>	
Омон Мухтор. Афлотун. Роман . . . . .	3
Садриддин Салим Бухорий. Вақтнинг сочи оқармас . . . . .	215
<b>ХИВАНИНГ 2500 ЙИЛЛИГИГА</b>	
Эркин Самандар. Паҳлавон Маҳмуд . . . . .	156
Абдураҳим Каттабобоев. Бу Хивада бошланган эди.. . . .	222
<b>НАЗМ</b>	
Абдулла Шер. Насим бўлиб ёйилади тонг . . . . .	86
Ихтиёр Ризо. Қурама . . . . .	90
Икром Отамурод. Ичкари... ташқари... Достон. . . . .	146
Хосият Рустамова. Кузларимда суратинг.. . . .	205
<b>САОДАТ АСРИ ҚИССАЛАРИ</b>	
Аҳмад Лутфий. Ҳижрат юртида тонг . . . . .	93
<b>МЕРОС ВА ҚАДРИЯТ</b>	
Одам Асал ўғли. Ислонда фикрий ва илмий ҳаёт . . . . .	207
<b>ҚУТЛОВ</b>	
Раҳим Муқимов. Шеърлар . . . . .	218
<b>АДАБИЙ ТАНҚИД</b>	
Насиба Зиёдуллаева. Тугалланмаган ҳикоя тарихи . . . . .	220



---

### Рассом Раҳима Қунғирова

---

●Муаллифлар фикри таҳририят фикри деб қабул қилинмасин. Таҳририятга келган бир босма табоқчача бўлган материаллар муаллифларга қайтарилмайди ●Таҳририят ўз тавсиясига кўра амалга оширилган таржима асарларини қабул қилади ●Ойнома матбаасига оид нуқсонлар (саҳифалар етишмаслиги, чалкаш босилгани) бўйича ушбу ташкилотга мурожаат қилинг: Тошкент — 83, Буюк Турон кўчаси, 41. «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни ●Обунага монъелик курсатилган ёки ойнома ўз вақтида етиб бормаган тақдирда Тошкент — 700000, Амир Темур тор кўчаси, 2. Жумхурият матбуот тарқатиш марказига мурожаат қиласиз.

---

Теришга берилди 4.08.97 й. Босишга руҳсат этилди 19.09.97 й. Қоғоз формати 84x108<sup>1</sup>/<sub>32</sub>. Офсет босма усулида 2-қоғозга босилди. Босма табоғи 7. Шартли босма табоғи 13,44. Нашриёт-ҳисоб табоғи 18,48. Адади 9.864 нусха. Буюртма № 1519.

---

**ЧАКАНА САВДОДА БАҲОСИ КЕЛИШИЛГАН НАРҲДА**  
«Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг босмаҳонаси,  
700083, Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41.